

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ЛОГИСТИКА” КАФЕДРАСИ

Р. С. МУРАТОВ

ТАЪМИНОТ
ЖАРАЁНЛАРИНИ
БОШҚАРИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Р.С.Муратов, “Таъминот жараёнларини бошқариш”. Ўқув қўлланма – Тошкент: Иқтисодиёт, 2020 йил, 357 бет.

Логистик таъминоти жараёнларини бошқариш фаолиятини тегишли инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу инфратузилмага биринчи қаторига навбатда, логистик таъминот тизими киради. Айрим мамлакатлар таъминот логистик тизимларининг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграцияси ва бизнеснинг глобаллашиши, асосий товарлат таъминоти, логистик оқим, транзит юк оқимлари амалга ошириладиган халқаро транспорт коридорларини интенсив ривожланишини талаб қиласди.

Шу жиҳатдан мазкур ўқув қўлланма барча соҳа мутахассислари, таълим тизими уқучиларининг кичик бизнес ва логистик таъминот тизимини бошқариш таомилларини шакллантириш, ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича амалий билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Фоя муаллифи: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю. Ходиев

Тақризчилар:

Эргашхўжаева Ш. ТДИУ, “Маркетинг” кафедраси мудири, и.ф.д

“Инфратузилмани ривожлантириш ва логистика” кафедрасининг 2019 йил __ июлдаги __-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув услубий Кенгашининг 2019 йил “__” ___________даги __-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

© Иқтисодиёт, 2020 йил

МУНДАРИЖА:

№	Мавзулар:	бетлар:
	Кириш	4
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида “Таъминот жараёнини бошқариш “ ўқув қўлланмасининг предмети ва вазифалари.....	8
2.	Иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида мамлакат таъминот жараёнларини бошқаришнинг ҳуқуқий меъёрий асослари.....	30
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 7- февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони бўйича таъминот жараёнларини оптималлаштириш чора-тадбирлари.....	57
4.	Таъминот жараёнини бошқаришнинг назарий асослари, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш чора-тадбирлари.....	80
5	Таъминот жараёнини бошқариш тизими.....	108
6.	Таъминот жараёнини бошқаришда ахборотлар тизими.....	131
7.	Таъминот жараёнларини бошқаришда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси. Таъминот жараёнини бошқаришда омборхоналар техникаси ва технологияси.....	163
8.	Таъминот жараёнини бошқаришда режалаштириш.....	201
9.	Таъминот логистикасининг стратегик жиҳатлари	235
10.	Таъминот жараёнида товарлар ва товарлар сиёсатини бошқариш.....	256
11.	Таъминот логистикасида харид қилишни бошқариш Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....	294 347
	ГЛОССАРИЙЛАР	350

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таъминот жараёнларини бошқариш фаолияти “...shtab funksiyasi” rolini bajaradi. Bu shtabda raqobat fronti kurashining uzoq, muddatli rejalar ishlab chiqiladi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH. Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi parlamenti-Oliy Majlisga Murojaatnomasida “...tadbirkorlar safini kengaytirish, jumladan, yuqori texnologiyalar, ilm-fanning eng so‘ngi yutuqlariga asoslangan texnika va asbob-uskunalarini mamlakatimizga olib kelish va joriy etish uchun ularga munosib sharoitlar yaratish bizning birinchi galddagi vazifamiz bo‘lishi shart”¹ -ekanligini ta’kidlab o‘tganliklari, bu borada ishlab chiqaruvchilar va iste’molchilar orasidagi o‘zaro iqtisodiy munosabatlar, xususan, mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish sohalarida maqsadli инвестицион дастурларини ishlab chiqish va amalga oshiish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Мамлакатимизда ўtkazilaётган радикал иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, муомала соҳасининг самарали фаолияти, ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савdonинг кенг ривожланиши, ишлаб чиқариш техникасига мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги тўғри алоқалар, худудларнинг халқ хўжалик тармоқлари, турли мулк шаклларидағи ишлаб чиқариш ва тижорат субъектларига хизмат кўрсатувчи логистик таъминот жараёнлар сифати билан кўпроқ боғлиқ бўлиб, миллий иқтисодиётимизда таъминот жараёнларини бошқариш салоҳиятини жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани эришилган асосий натижаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг учинчи бўлимида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида «фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш

¹ Sh. Mirziyoev. O‘zbekiston Respublikasi parlamenti-Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2017 yil 22 dekabr). <http://www.uzreport.com/>.

билин бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, курилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиши билан шуғуланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»²- долзарблигини таъкидлаб ўтдилар.

“Таъминот жараёнларини бошқариш” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши соҳасидаги йўналиш бўлиб, бу мақсадларга эришиш учун, ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш билан бирга, ватанимизда логистика таъминот жараёнлари соҳасида бозор иқтисодиётида турли мулкчилик шаклларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасида маҳсулот ҳаракатларини оптималлаштиришнинг илфор йўналишларидан фойдаланиш ҳам маълум бир аҳамиятга эга бўлади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони.



Ўқув қўлланма билан ишлаш қоидалари !

Назарий ва амалий машғулотларида ўқучилар қўшимча янги маълумотлар билан тўлдириб бориши зарур бўлганда бўлиши зарур

Аудитория машғулотларида:

- Назарий ва амалий машғулотида диққатингизни жамлашга ҳаракат қилинг;
- қўлланмадан мавжуд матнни семинар/амалий машғулотларда фойдали ва муҳим бўлган янги материаллар билан тўлдиринг (слайдли презентация, ўқитувчининг маъruzаси ҳамда турли чиқиш ва презентациялари асосида);
- нафақат ўқитувчи, балки ўзингизни ҳам тинглашга ўрганинг: Кўлланмадаги матнларни ўз фикр ва мулоҳазаларингиз билан тўлдиринг ва мустақил фикрингизни билдиринг.

Ҳар бир мавзуни ўзлаштиришидан олдин ўрганинг:

- Ўқув қўлланмада баён этилган мавзунинг ахборот мажмуини;
- тавсия этилаётган адабиёт ва манбалар ҳамда эҳтиёж сезганда меъёрий-хукуқий ҳужжат ва инструкциялар ёрдамида қуидагиларга таянинг:
 - 1) назарий саволларга жавоб беринг;
 - 2) масалаларни ечинг ва машқларни бажаринг;
 - 3) мустақил амалий вазифаларни бажаринг.

Берилган саволларга жавоб беринг:

- манбалар иқтибосларига таянган ҳолда қисқа, тўлиқ ва чуқур жавоб беринг (агар топшириқда кўрсатилган бўлса);
- агар иложи бўлса, матнли маълумотларни қайта ишлаш учун график (таблица, схема, диаграмма) шаклларидан фойдаланинг.

Машқларни бажаришида ҳужжатларни тайёрлаш ёки рўйхатга олиш шаклларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган, лингвистик ҳужжатли, реквизитларни тўғри расмийлаштириш ва ҳужжатни форматлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратинг.

Мустақил иш учун амалий вазифалар (A4) стандарт қоғоз вароғларида

бажаринг ва ўқучининг ютуқлари ўз шахсий Портфолиосида – файл папкага жойлаштиринг.

Қийинчилеклар түгилганда музалифларга маслаҳат учун мурожсаат килинг.

“Таъминот жараёнларини боишарииш” ўқув қўлланмасини ўзлаштиришингизда омад тилаймиз.

Музалиф

1-Мавзу	1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида “Таъминот жараёнини бошқариш” нинг мазмуни ва иқтисодий моҳияти
----------------	---

РЕЖА:

**1.1. “Таъминот жараёнларини бошқариш” тушунчасининг иқтисодий
моҳияти, мақсади ва вазифалари.**

**1.2. Таъминот жараёнларини бошқариш обьекти ва субъекти. Таъминот
жараёнларини бошқариш операциялари.**

**1.3. Таъминот жараёнларини бошқаришда моддий, ахборот, иқтисодий
оқимлар тушунчаси.**

**1.1. “Таъминот жараёнларини бошқариш” тушунчасининг иқтисодий
моҳияти, мақсади ва вазифалари.**

Ҳар қандай транспорт корхонасининг фаолияти ишлаб чиқариш жараёни ҳамда ижтимоий ҳаётда юк ва йўловчиларнинг самарали оқимини таъминлаш мақсадида мол етказиб берувчилар ҳамда транспорт хизматлариистеъмолчилари билан иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий, экологик, технологик ва ташкилий-хуқуқий муносабатларизимидан иборат.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барча турдаги транспорти тизими ривожи иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлиб, унга ушбу тармоқлар томонидан юк ва йўловчилар ташиш ҳажми ва сифатига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўз-ўзини ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади.

Таъминот логистикаси – биринчи локал логистик тизим бўлиб, унинг асосий мақсади – корхона ёки ташкилотнинг материал-ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнида материал оқим ва хизматларни бошқаришдан иборатdir.


Умумлаштирилган ҳолда **таъминотнинг мақсади** – корхона (ташкилот) нинг материалларга бўлган эҳтиёжини лозим бўлган ҳажмда, керакли муддатда сифатли материаллар (хомашё, яримфабрикат маҳсулотлар) билан юқори хизмат даражаси ҳамда энг кам харажатлар эвазига таъминлашдан иборатdir (3.1 чизма).

Демак, миллий иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларининг ўзаро алоқаларини кенгайтириш ва аҳоли мобиллигини ошириш талабларидан келиб чиқиб, транспорт корхоналарини ривожлантириш қуидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш билан амалга оширилиши мумкин:

- транспорт-логистика хизматлари ҳажмини ошириш ва янгиларини таклиф этиш;
- ташишда замонавий транспорт воситалари, технологиялар ва ишлаб чиқариш усулларини қўллаш;
- янги транспорт хизматлари бозорларини эгаллаш;
- техник, таъмирлаш ва сервис, транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш жараёнлари ҳамда ходимларни бошқаришда замонавий усулларини қўллаш.

Мазкур вазифалар истиқболли инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан ҳал этилади. Унинг асосини автомобиль транспортига жалб қилинувчи инвестиция ҳажми, энг аввало, транспорт хизмати кўрсатиш бозорида юк ва йўловчи ташишга бўлган талабни сифат ва микдор жиҳатдан қондира оладиган замонавий автомобиль транспорти воситалари, йўл инфратузилмаси тармоқлари ва бошқа моддий-техника базасига бўлган эҳтиёж ташкил этади.

Таъминот жараёнининг асосий омиллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, тизимли ёндашув асосида автомобиль транспорти корхоналарида инвестициявий жараёнларни ташкил этишга элементларининг ўзаро алоқадорликдагитаркибий механизми сифатидақараш мумкин (1-чизма).



1-чизма. Транспорти таъминоти корхоналарида инвестицияйи жараёнларни ташкил этишнинг таркибий механизми.

Мазкур механизмнинг асосий элементлари қуидагилардан иборатdir:

1) инвестиция жараёнига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар мажмуи;

2) инвестиция иқлими ва мавжуд инвестицион салоҳият доирасида шаклланадиган инвестицион муҳит;

3) инвестицион салоҳият –корхонани барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд инвестиция муҳитининг жамланма омилларидан фойдаланиш имконияти;

4) инвестицион муҳит – корхоналарда инвестицион жараёнларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи ва капитални кўпайтиришга таъсир қилувчи ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, хуқуқий ва бошқа муносабатлар тизими.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибасида, глобал рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш ва таркибий жиҳатдан ўзгартиришларнинг барчаси транспорт логистика хизматлари бозорини ривожланиши билан боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳар бир соҳаси, шу жумладан, транспорт тизимини янада жадал ривожлантиришда логистика хизматларининг аҳамияти беқиёс. Шу боисдан, нуфузли халқаро ташкилотларнинг иқтисодиётимиз ривожланишига бўлган эътибори ва шу билан биргаликда хорижий инвесторларни жалб этиш, кўплаб қўшма корхоналар ва уларнинг филиаллари фаолиятини ташкил этилиши янги худудларни ўзлаштириш ва халқаро бозорларга чиқишни тақозо этмоқда.

Бунинг учун авваломбор, транспорт йўлаклари ва замонавий транспорт-логистика марказларига эга бўлиш лозим. Бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб республикамиз транспорт тизимидан самарали фойдаланиш, мульти modal ва интермодал ташувларининг ривожланиши, янги инфратузилма обьектларини барпо этишни, яъни ташиш терминалларини шакллантиришни талаб этади. Халқаро миқёсда ушбу мульти modal ташиш терминалларининг кенгайиши натижасида логистик марказларга айланиши, шу билан биргаликда халқаро ташув ва логистик жараёнларини ўзига қамраб олишига асос бўлди.

Мазкур механизмда таъминот жараёнлари муайян вақт ва маконда мавжуд инвестицион муҳит шароитида инвестор томонидан юқори даромад олиш

учунмоддий ва молиявий ресурсларни сафарбар қилиш фаолияти сифатида намоён бўлиб, унинг ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолияти жараённи ҳаракатлантирувчиасосий дастак бўлиб хизмат қиласди. Фикримизча, инвестицион фаолиятга инвестициялашибъектининг келажақда ҳам барқарор фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган инвестиция жараёнидаги иқтисодий муносабатларнинг шакли ва мазмунини белгиловчи тизимлаштирилган тартиб ва қоидаларнинг мажмуаси сифатида қараш ҳам мумкин. Таъминот жараёнлари жараёнига ташқи ва ички муҳитнинг омиллари ва шарт-шароитлари таъсир кўрсатади.

Ташқи омилларни жараёнларнинг динамикаси нуқтаи назаридан шартли равища икки гурухга бўлиш мумкин: статик ва динамик омиллар.

Статик омиллар вақт ўтиши билан инвестиция жараёнига ўз таъсирини ўзгартирмайдилар. Уларга табиий-иқлим, географик, ҳуқуқий, технологик ҳамда инвестиция объектларининг кўлами киради.

Динамик омилларга бозорнинг муайян бир ҳолатида унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ва инвестиция жараёнларнинг жадаллигини (ракобатчилар, етказиб берувчилар, мижозлар) киритиш мумкин.

Таъминот жараёнининг ички муҳити корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарув соҳасидаги мавжуд омилларнингтўғридан-тўғри таъсири остида шаклланади. Бунда капитал айланиши жараёнида ишлаб чиқариш омилларидан (капитал, иш кучи, тадбиркорлик қобилияти) фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришдаги инвестицион фаоллик билан боғлиқ омиллар киради.

Турли иқтисодий адабиётларда олим ва мутахассислар томонидан инвестициялаш ва унингмуайян бир йўналишлари бўйича атрофлича фикр юритилганлигини эътироф этган ҳолда, автомобиль транспортида инвестициялашга қўйидагича муаллифлик таърифини беришни лозим деб топдик: автомобиль транспортида инвестициялашиқтисодиёт тармоқлари ва ахолининг талаб этилган ҳажмда, хилма-хилликда ва мувофиқлаштирилган баҳода транспорт-логистика хизматларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган

корхона ривожланиши ва капиталининг ўсишини таъминловчи узқ муддатлиресурс салоҳиятидан фойдаланиш жараёнидир.

Таъминот жараёнлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида инвестиция режалари ва молиявий имкониятларни мувофиқлаштириш учун уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллаш зарурияти туғилади. Бунда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини миқдорий баҳолашда энг асосий эътибор инвестицион фаолиятдан олинган фойданингсарф этилган капиталга нисбатига қаратилади.

Транспорт таъминоти компаниялари юкларни жўнатувчилар ва қабул қилувчилар транспорт хизматлари сифатини (юкларни жўнатиш жадвалларига риоя қилиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш, ер шарининг исталган нуқтасига юкларни етказиш) ошириш, халқаро юкларни ташишда транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи илмий техникавий, ижтимоий ва инфратузилма билан боғлиқ омилларга алоҳида эътибор бериши зарур. Замонавий транспорт-логистик марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш доирасида инфратузилмавий муаммоларни ечимини топиш, шу билан бирга замонавий транспорт-логистик инфратузилма мажмуасини барпо этиш халқаро талаблардан бири ҳисобланади(1-расм).



1-расм. Замонавий транспорт-логистика таъминоти жараёнлари инфратузилмасининг умумий кўриниши

Транспорт-логистик таъминот жараёни, яъни логистик хизматларни ташкил этиш учун ахборот тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш, омборхона, транспорт ва уларнинг таъминоти логистик фаолиятни ривожлантириш ҳамда халқаро логистик рақобатга дош берадиган асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, транспорт-логистик фаолияти ташкил этиши биринчи халқаро даражадаги рақобатга логистик инфратузилма талаблари томонидан жавоб бериши билан ўзига хос хусусиятини намоён қиласи. Л.Б. Миротин ва А.Н.Родниковларнинг тадқиқотига кўра замонавий транспорт - логистик хизматлар инфратузилма билан боғлиқ бўлиб, моддий ва ахборот оқимларини биринчи манбадан якуний истеъмолчигача масофа ва вақтдаги ҳаракатини режалаштириш, замонавий транспорт таркибини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш ва тартибга солишдир” деб таъриф берган.

Умуман олганда замонавий транспорт-логистика хизматларини ташкил этишининг халқаро даражадаги вазифаларига қўйидагилар киради: - материал, ахборот ва бошқа керакли оқимларни интеграллашган комплекс тизимларини яратиш;

- ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида логистик имкониятлардан фойдаланишни назоратга олиш, уларни режалаштириш ва стратегик мувофиқлаштириш;

- бозор мухитини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган стратегия доирасида логистик конвенцияни доимий мукаммаллаштириш;

- транспорт-логистика жараёнлари технологиясини сифатли таъминлай оладиган малакали кадрлар билан таъминлаш;

- халқаро йўналишларда хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллаш;

- республикамиизда транспорт-логистик марказлар ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектларининг оптимал жойлашувини таъминлаш;

- транспорт - логистик хизматлари кўрсатиш операторларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

- соҳада инновацион муҳитни яратиш орқали миллий операторларнинг ахборот технологиялари ва воситалари билан таъминоти ва бошқарувда улардан кенг фойдаланишни таъминлаш; - транспорт-логистик тизим иштирокчиларининг халқаро иқтисодий алоқаларини оқилона ташкил этиш ва бошқалар.

Замонавий транспорт-логистика хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагиларни ўзида мужассам этади: -замон талабидан келиб чиқиб маҳсулотларни янги ташиш технологияларида сифатли етказишни ташкил этишда;



- транспорт-логистик хизматлари жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишида; -захираларни омборда саклаш ва уларни оптималлаштириш жараёнида;

- моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотлар захирасининг назорати;

- ортиш ва тушириш ишларида ;

- ахборот оқимларини йўналтиришда;

- фаолиятда менежмент ва маркетингнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланишида.



5.2- расм. Юк ташишнинг технологик схемаларига мисоллар:

а) битта транспорт турида; б) бир неча транспорт турида.

Сўнгги йилларда таъминот жараёни траспорт – логистика хизмати билан фаолият юритувчи кичик корхоналар кўпроқ кичик сервис хизматлари билан чекланиб қолиб, улар нафақат хорижий корхоналар билан транспортда ташиш хизматини аутсорсинг қилиб, кам даромадли хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Аммо, транспорт – логистиканинг асосий даромадли фаолияти ҳалқаро бозорларга экспорт-импорт маҳсулотларини транспортда етказиб бериш бўлсада, замонавий ташиш технологияларига эга бўлмаганлиги сабаб, валюта оқимини олиб келиши муваффақиятсиз яқунланяпти.

Бозор иқтисодиётини ривожланиши ва кенг таъминот жараёни логистика инфратузилмаси тармоғини шаклланиши албатта, умумиқтисодий тармоқлар ичида албатта транспорт хизматини улушини ошишига олиб келади.

1.2. Таъминот жараёнларини бошқариш объекти ва субъекти.

Таъминот жараёнларини бошқариш операциялари.

Бозор иқтисодиётига боскичма-боскич ўтиш кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб килади. Инфратузилма турли хил вазифаларни бажарувчи таркибий қисмлар, унсурлардан иборат тизимини намоён этади. Шунга мос холда, инфратузилманинг таркибий қисмларини белгилаб олиш, уларнинг хар бирининг аҳамиятини ўрганиш, иқтисодий табиатини очиб бериш муҳим ҳисобланади. Хозирги кунда инфратузилма таркибини белгилаш, мазкур тизимга кирувчи унсурларни кўрсатиб беришда маълум номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, бирқатор иқтисодчи олимлар томонидан инфратузилма алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуи сифатида қараб, уни беш бўғинга ажратадилар:

- Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика кабилар)
- Товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотик ва уларни назорат этувчи муассасалари)
- молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари)
- аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма (уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини шгажойлаштириш фирмалари ва идоралари)

- ахборот хизмати (иктисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар – маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари).

Таъминот логистикасининг обьекти –таъминотнинг функционал циклида ҳаракатланувчи материал ресурслар ва хизматлар оқимиидир. Корхонада истеъмол қилинадиган материал ресурслар асосий ва ёрдамчи ресурсларга бўлинади.

Асосий ресурсларга қўйидагилар киради:


- дастлабки ишловдан ўтмаган хомашё материаллар;
- маълум ишловдан ўтган дастлабки материаллар (яrim фабрикатлар).

Ёрдамчи маҳсулотларга эса турли металл буюмлар, бутловчи қисмлар, маҳкамловчи болтлар, бундан ташкари, ишлаб чиқариш учун лозим бўладиган, машина ва курилмалар учун зарур турли эксплуатацион материаллар (ёқилғи, мойлаш материаллари, совитувчи суюкликлар, электроэнергия ва ш.к)

Илмий тадқикотларда инфратузилмани таърифлашда, ривожланган инфратузилмага эга бўлган мамлакатлар тажрибасини тахлил килиш Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги услубий ёндашувлар тавсия этилади:

- функционал
- тармоқ
- бозорларга хизмат қилиш
- худудий фаолияти
- мулк шакллари
- ривожланганлик даражаси.

Инфратузилманинг функционал белгиси такрор ишлаб чиқариш жараёниннинг узлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиб беради, яъни: савдо воситачилик, молия-кредит, иктисодий-ахборот, иктисодий- ҳуқуқий, ташки иқтисодий кабиларни.




1-чизма. Инфратузилма тизимининг тузилиши

Бозорларга хизмат қилиш белгиси бўйича – тижорат банклари, сугурта компаниялари, маслаҳат, аудиторлик фирмалари, ахборот муассасалари.

Жумладан, солик идораси, сугурта муассасасининг баъзи турлари, божхона, эмиссия банки каби тузилмалар бевосита давлат томонидан ташкил қилинган бўлиб, улар иктисадий фаолиятнинг зарур меъёр ва тартибларда олиб борилишинит аъминлашга хизмат қиладилар.

Инфратузилма тизимининг тузилишини ва туркумланишини қўйидаги чизмаларда ўз аксини топган.



2-чизма. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши.

Республикамизда транспорт - логистик таъминот жараёнларини бошқариш хизматларини ташкил этиш стратегиясида авваламбор, транспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ва янги логистик марказларга муҳтоҗлигимиз кўрсатиб ўтилган.

Транспорт-логистик хизматлар бозорини янада ривожлантириш ва бозорни тўйинтириш, инфратузилмани яхшилаш ва самарали ташишни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар стратегияда таклиф этилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, халқаро иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантиришда транспорт-логистик марказларининг ташкил этилиши, айни пайтда барча муаммоларни ечимини топувчи катта тизимдир. Айнан шу тизимни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан ҳудудларида мевасабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, Транспорт-логистика хизматлари:

1. Комплекс логистик хизматлар 2. Мультимодаль ташиш 3. Юкларни божхонадан расмийлаштириш 4. Юкларни транспортда ташиш хизматлари 5. Терминал-омборхона хизматлари 6. Етказиб бериш харакат таркиби 7. Тўпланган юкларни ташиш Навоий халқаро интермодал логистика маркази(1, 2) Ангрен логистика маркази (1,2,4, 5, 6, 7) Халқаро ташувдаги автотранспорт корхоналари (4,6, 7) «Ўзбекистон темир йўллари” АК(2, 4, 7) “Ўзбекистон ҳаво йўллари”Авиа компанияси(1,2,3) Янги ташкил қилиниши керак бўлган ЛОГИСТИК марказлар (1,2,4, 5, 6, 7) Ягона дарча тизими барча ҳудулар бўйича (3) халқаро ташувдаги янги автомобиль транспорти корхоналар фаолиятини ташкил қилиш (4,6,7) транспортировка қилиш ва экспортга чиқариш ишларини амалга оширишга ихтисослаштирилган 17 та логистик марказларни ташкил этиш белгиланди .



З-чизма. Ижтимоий инфратузилма унсурлари.

Ушбу қарорга асосан 2016 йилнинг ўзида 4 та логистик марказ, жумладан Андижон, Наманган, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этилиши юзасидан сай-харакатлар бошланган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Республикаизда замонавий транспорт-логистик хизматларининг ташкил этилиши ва шу билан биргаликда ушбу хизматларнинг миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириши, айнан транспорт-логистик инфратузилма масалалари билан боғлиқдир.

Замонавий транспорт-логистик марказларда барпо этилаётган экспорт-импорт юкларини ташувчи транспорт мажмуалар, омборлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини совуткичларда сакловчи терминалларни ташкил этилиши,

биричи навбатда, экспортга йўналтирилган корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга, иккинчидан, кичик бизнес субъектлари сонини ортиши ва шу билан биргаликда иқтисодиётимизни барча тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қиласи.

1.3. Таъминот жараёнларини бошқаришда моддий, ахборот, иқтисодий оқимлар тушунчаси.

Логистик таъминот жараёнларини бошқаришда транспорт тизими корхоналарда логистик фаолиятнинг икки жихати ажралиб туради.

Биринчиси *саноат инженеринги* тушунчаси билан бодлик булиб, транспорт воситалари ва омборларни ишлатиш, юклаш мосламаларини ишлатиш ва танлаш, кадоқдаш усули, ахборот бопщарув тизимларининг ишлаш муаммоларини ечади.

Иккинчи жихат *моддий оқимяяри* макро ва микро даражаларда бошқариш ва ташкил этишнинг уз ига тегишли булиб, логистик тизимнинг амал килиш жараёнида хар хил омилларнинг узаро таъсири тахлилига асосланади.

Умуман, бозор иқтисодиёта логистикага корхона бонщарувининг бозорга йуналтирилганлигини таъминлаб берувчи тизим сифатида қдралади ва шу оркали корхонанинг истеъмолчи билан алокаларни урнатиш фаолиятининг таркиби аниқданади.

Шу соҳада амалга ошириладиган ишларнинг асосий йуналишлари куйидагилардир:

- бозорни урганиш ва аник турдаги махсулотларга буладиган талабни башорат килиш;
- махсулот ишлаб чикарилиши учун зарур булган моддий ресурсларни харид килиш, захираларнинг хажми хакида карорлар кабул килиш ва захираларни бонщариш;
- ишлаб чикаришда моддий оқимларни ташкил этиш;
- товар таксимотини ташкил этиш: тайёр махсулотни кадоқдаш ва танлаш, уни аник; манзилга ташиш, истеъмолчига махсулотни етказиб бериш, зарур булган

хужжатларни чизмайлаштириш.

Логистика узининг тушуниш аппаратига эга булиб, унинг таркибига логистикага хос булган категориялар, тушунчалар, атамалар киради.

Моддий оқим тушунчаси логистикада мухим урин тутади.

Моддий оқим - бу вакт оралигига келтирилган ва хар хил логистик амалларни жорий этиш жараёнида куриб чикилаётган товар-моддий бойликларнинг йигиндисидир.

Молияеий оцим - бу логистика тизимлари ичида, улар уртасида ва ташки мухитда харакатланувчи хамда моддий оқимларнинг самарали харакатини таъминловчи молиявий маблагларнинг максадли ҳаракатидир.

Ахборот оцими - бу логистика ичида ва ташки мухит орасида айланаётган хамда логистик жараёнларни бошқадриш учун зарур булган маълумотлар йигиндисидир.

Логистик операция - бу моддий ёки ахборот оқимини қўйта ишлашга каратилган, ихтисослашган амаллар йигиндисидир.

Моддий оқимлар устидан логистик операцияларга омборга жойлаштириш, ташиш, кадоқдаш ва бонщаларни мисол килиш мумкин.

Ахборот оқимлари устидан логистик операциялар таркибига зарур ахборотни йигиш, қўйта ишлаш ва утказиш киради.

Логистик операцияларнинг ички ва ташки турлари ажратилади.

Ташки логистик операцияларга таъминот ва тайёр маҳсулотни сотиш соҳасидаги барча ҳаракатлар тааллукди, ички операцияларга эса - ишлаб чиқаришда моддий оқимни бопщариш киради.

Бундан тапшари логистик операция бир томонлама ёки икки томонлама булиши мумкин, бунда маҳсулотга эгалик килиш хукуки бир юридик шахсдан иккинчисига утади.

Таъминот жараёнларини бошқаришда моддий, ахборот, иқтисодий оқимлар тизими назарий жиҳатдан қуйидаги оқимлар ва логистик занжирлар тизимида шаклланган.

Логистик функция - бу логистик тизимнинг максадларини амалга оширишга каратилган логистик операцияларнинг йириклаштирилган гурӯҳидир. Логиситканинг хар бир функцияси амалларнинг бир бутун (максад нуктаи назаридан) йигиндисини ташкил этади.

Логистик функцияларнинг асосийлари булиб куйидагилар хисобланади: ишлаб чикиришнинг моддий таъминотини режалаштириш; ишлаб чикириш буюртмаларини бажарилиш тартибини бопщариш; захираларни функцияларга башоратлаш ва назорат килиш ҳам киради.

Логистик занжир. Моддий окимни етказиб берувчиси ва истеъмолчиси умумий ҳолда иккита микрологистик тизимни ташкил этади ва логистик занжир деб аталувчи тизим орқдли боғланган булади.

Логистик занжир - бу ишлаб чикдриш истеъмолидан ташки моддий окимнинг бир логистик тизимдан иккинчисига ёки шахсий ноишлаб чикириш истеъмолидан охирги истеъмолчигача утиб бориши буйича логистик операцияларни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсларнинг чизикди келтирилган микдоридир.

Логистик занжирнинг асосий бугинлари булиб куйидагилар хисобланади:

- материал етказиб берувчилар;
- омборхоналар;
- транспорт;
- таксимот булим (марказ)лари;
- маҳсулот ишлаб чикарувчилар;
- маҳсулот истеъмолчилари.

Логистик тизим у ёки бу логистик фунуцияларни амалга оширувчи, тескари алоқдга эга булган оддий тизимдан иборатdir. У, асосан, бир нечта тизим остилардан ташкил топади ва ташки мухит билан ривожланган алокаларга эга булади.

Хозирги даврда логистика тутган урнининг ошиши биринчи навбатда иктисолий сабабларга боғлик. Саноат ишлаб чикдриш хажмининг ошиши ва миллий, хамда жаҳон хужалиги алокаларининг кенгайиши бозор соҳасидаги харажатларинг камайтирилишига купрок, эътибор қдратилишини талаб этмоқда.

Фарб мамлакатларида хом ашёнинг биринчи манбаидан то охирги истеъмолчигача булган маҳсулот харакат вактининг 93%и унинг моддий-техник таъминотининг турли каналларидан утишига тугри келади. Товар ишлаб чиқарилиши умумий вактнинг атиги 2%ини олса, уни ташиш эса -5%ини олади. Товар харакатининг ушбу мамлакатлар маҳсулотидаги улуши миллий даромаднинг 20%дан ортигини ташкил этади.

1-жадвал

Фарб мамлакатларида товар харакатинингтаркибий тузилмаси

<i>№</i>	<i>Товар ҳараами босқичи</i>	<i>Улуши, %</i>
1.	Хом ашё, материаллар	44 %
	Ёрдамчи материаллар	16 %
	Магистрал ташиш	23 %
2.	Маҳуслотларни етказиб беришва технологик ташиш	9 %
	Ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулоталарни саклаш	8 %

Манба: Умарова Д.М. ва б. Логистика: Укув кулланма. - Т.: ТДТУ, 2006.

Логистиканинг ривожланиши биринчи навбатда товар харакати билан боғлик булган вактнчалик ва пул харажатларини камайтиришга интилиш билан боғлик,

Шу билан бирга логистикага булган кизикишнинг ортиши куйидаги *омилларть* боғлик:

- савдо бозоридан истеъмолчи бозорига утиш, бунда истеъмолчилар эҳтиёжи ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқтиши асос булади ва товар харакати тизимиш заруриятини асослаб беради;
- ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил этишини логистик асосларини куллаётган корхоналарнинг ракобатбардошлигини таъминлаш;
- логистика тизимида техник ривожланиш ютуқдарини ишлатиш учун объектив имкониятлар яратиш;
- амалларни урганишнинг янги услуг ва назарияларини ишлаб чиқиш, масалан, логистика жараёнларини оптималлаштириш учун асос булган тизимлар ва муросалар назариясини куллаш-

Логистика фаолиятини такомиллаштиришнинг З босқичи ажратилади.

Биринчи босқич - XX асрнинг 60-йиллари - омбор хужалигининг транспорт билан интеграциялашуви ҳамда уларни ишлатишда бир-бирига мослаштириш билан характерланади.

Бу боскичда факат юклаш-тушириш амаллари билан боғлиқ, булган транспорт билан омбор якин узаро алокаларга эга була бошлайди. Улар бир график ва солиширилган технология буйича бир иктисодий натижага ишлашни бошлайди.

Иккинчи босқич XX асрнинг 80-йиллари бошига тугри келиб, бунда омборга жойлаштириш ва транспорт ишларининг узаро хамжихатлигига ишлаб чикаришни режалаштириш кушила бошлайди.

Ишлаб чикариш цехи, транспорт ва омборлар бир бутун механизм **сифатида** ишлашни бошлайди. Шу йул билан харидорларга хизмат курсатиш сифатини бопщариш, мосламаларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш имконияти вужудга келади.

Учичи босқич XX асрнинг 80-йиллари урталарига тугри келади ва материал утказувчи тармокни хамма бугинларининг интеграциялашуви билан характерланади. Логистика концепциясининг асоси булган интеграциялашув зарурятини, таъминот, ишлаб чиқдириш ва таксимот бугинларининг купчилик кдгаашчилари тан ола бошлайди.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида унинг қон томири бўлган логистика тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Самарадор логистика тизими ички бозорда тайёр маҳсулот ва хом-ашё ҳаракатини оптималлаштириш орқали товар ва хизматларнинг харидорлар учун қулай шароит ва арzon нархларда етказиб берилишини таъминлайди, бозордаги рақобатни рафбатлантиради. Ташқи бозорда эса мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширади ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнини тезлаштиради. Ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун самарадор логистика тизимини ташкил қилиш жуда ҳам муҳим.

Жаҳон Банки томонидан 2018 йилда чоп этилган логистика самарадорлиги хисоботида Ўзбекистон 160 давлат орасида 99-ўринни эгаллади. Ҳисботни ишлаб чиқишида божхона самарадорлиги, транспорт инфратузилмаси сифати,

халқаро ташималарни ташкил қилиш осонлиги, соҳа мутахассисларининг билим ва салоҳияти, юкларни кузатиш имконияти ва юкларни ўз вақтида етказиш даражаси каби меъзонлар ҳисобга олинган. Афсуски миңтақамиз ЛПИ даражаси мақтанарли даражада эмас. Бу борада республикамиз миңтақада Қозогистондан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Қўйида ЛПИ рейтингида биринчи ўринни эгаллаган Германия ва Ўзбекистоннинг меъзонлар бўйича фарқини кўришингиз мумкин:

Натижаларга қарайдиган бўлсак, соҳани ривожлантириш учун ҳали жуда ҳам кўп ишлар қилиниши кераклигини тушуниш қийин эмас. Бунда асосан чегара ва мамлакат ҳудудига божхона жараёнлари самарадорлигини ошириш, соҳа мутахассисларини кўпайтириш, тизимга инновацион ёндашувни татбиқ қилиш муҳим.

Логистика самарадорлигининг иқтисодиётга таъсири

Логистика самарадорлигини ошириш транспорт-жўғрофий нокулай жойлашган ва энг арzon транспорт тури бўлган денгиз портларига тўғридан-тўғри, ҳатто чегарадош давлатлар орқали ҳам чиқиш имкониятига эга бўлмаган бизнинг мамлакатда айниқса долзарбдир.

Республикамиз экспортининг катта қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом-ашё ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш маҳсулотлари (manufactured goods) қараганда транспорт бирлигига нисбатан (масалан бир тонна пахта ва бир тонна тайёр юқори сифатли тўқимачилик маҳсулоти) жуда арzonдир. Бундан келиб чиқадики, экспорт маҳсулотларимизнинг сўнгги нархларида транспорт харажатларининг фоиз улуши юқори ва бу логистика самарадорлиги иқтисодиётимизда ривожланган давлатларга таққослагандага муҳимроқ эканлигини англатади.

Қўйидаги графикда Швецияда турли маҳсулотлар туркумининг даромадидаги транспорт харажатларининг улушкини кўриш мумкин:

Самарадор логистика тизимини тушунтириш учун жуда оддий икки мисолни келтириб ўтаман.

Занжирнинг бирор-бир нуқтасида муаммо пайдо бўлиши фойданинг камайишига ва ҳатто тадбиркорнинг заарга киришга сабаб бўлиши мумкин. Бунга маҳлусотни вақтида йиғиб олмаслик, нотўғри қадоқлаш, нотўғри сақлаш, транспорт воситасининг вақтида мавжуд эмаслиги/носозлиги ёки кераклича жиҳозланмагани ва шунга ўхшаш қўплаб муаммолар сабаб бўлиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамиятини, унинг меъёрий асосларини конспект қилинг.
2. Мамлакатимзда иқтисодиётни модернизациялаш шароитидан таъминот жараёнларини бошқаришнинг ўрни ва моҳиятини изоҳлаб беринг.
3. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг тизими ва асосий классификацияларини ва уларнинг мазмунини изоҳлаб беринг
4. “Таъминот жараёнларини бошқаришнинг соҳа ва тармоқларда тутган ўрни”

2-мавзу: Иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида мамлакат таъминот жараёнларини бошқаришнинг ҳуқуқий меъёрий асослари

РЕЖА:

2.1. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг тамойиллари, ҳуқуқий меъёрий асослари ва логистикасининг хўжалик алоқалари хусусияти

2.2. Таъминот жараёнларини бошқаришда транспорт хужжатлари, класификацияси ва уларнинг тавсифи

2.3. Автомобиль транспорти орқали юк ташиш харажатларини қиқартиришнинг асосий йўналишлари.

2.1. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг тамойиллари, ҳуқуқий меъёрий асослари ва логистикасининг хўжалик алоқалари хусусияти

Логистик тизимда таъминот жараёнларини бошқаришда, умуман барча ишлаб чиқарувчилар иқтисодий фаолият юритишни бошлар эканлар, улар учун зарур юкларни белгиланган манзилга тез ва заарсиз етказиш асосий мақсадга айланади.

Логистика тамойиллари бошлангич нукталарни ташкил этади ва улар асосида логистик тизимларнинг ишлаши ва курилиши амалга оширилади.

1. *Тизимилик тамойши* ишлаб чиқдриш-сотиш тизими чегарасида моддий окимларни бошқаришнинг интеграллашган тизимини шакллантиришни кузда тутади. Бу тамойил ишлаб чиқдриш буюртмаларини харид килиш, ишлаб чиқдриш ва махсулотни сотиш боскичларида бир бутун технологик жараённи ишлаб чиқдрилишида ва амалиётда кулланилишида уз аксини топади.

2. *Тескари алоқа тамойши*. Бу тамойилга асосан логистик тизимнинг максад ва вазифалари махсулот ва хизматлар бозори талабларига биноан аникданади. Кутилаётган буюртмалар микдори, талаб этилаётган сифат даражаси ва етказиб

бериш муддатидан келиб чиккан холда ишлаб чикираётган маҳсулот микдори ва ассортименти, материалларга буюртмалар шаклланади. Уз навбатида, кабул килинган харид стратегиясидан келиб чиккан холда зарур булган захдралар микдори аниқданади. Тескари

алока тамойилини амалга ошириш логистик тизим таркибида маҳсус булим ажратилишини талаб этади, бу булим бонщарув тизимиning самарадорлиги ва маҳсулот бозори талаблари хдада маълумотларни йигиш ва кайта ишлашни амалга оширади.

1. Оптималлик (мацбуллик) тамойии - товар харакати жараёнининг боскичлари ва катнашчилари уртасида шундай узаро келишилганликка эришиладики, бунда корхонанинг ишлаб чикиш-сотиш тизими сифатида фаолиятнинг энг катта самарадорлиги таъминланади.

2. Эгилувчанлик (мойиллик) тамойии - логистик тизимни фаолият курсатиш шароитларига ва истеъмолчиларнинг узига хос талабларига юкори даражада мослашувчанликни назарда тутади. Эгилувчанлик тамойилини амалга оширишда ташки иктисадий мухитнинг узгариш тенденция (йуналиш)ларини башоратлаш ва уларга карши хатти-харакатларни ишлаб чикиш буйича амалларни олиб бориш талаб этилади.

3. Келиб тушишининг хавфсизлигини таъминлаш тамойили - логистиканинг тамойили сифатида шундай ташкилий-иктисадий шароитларни яратишни кузда тутадики, унда корхонани зарур моддий ресурслар билан узлуксиз таъминланиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш муддатларини сузсиз бажарилиши таъминлаб берилиши зарур. Келиб тушишининг хавфсизлигини таъминлаш тамойили товар харакатининг барча боскичларини «синхронлаштириш», келиб тушиш ва юк ташишни бонщариш буйича фаолиятларни бир-бирига мослаштириш, ишлаб чиқдиш ва захира микдорларини ташкил этиш зарурлигини кузда тутади.

4. Компьютерлаштириш тамойили - логистик функциялар ва умуман товар харакати жараёнларини автоматлаштириш максимал даражада бажарилиши лозимлигидан иборат. Автоматлаштирилган тизим материаллар харакатини назорат килиш ва ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотларнинг ишлаб

чикарилиши, ишлаб чикариш захираларининг холати, келиб тушишнинг хажми, буюртмаларнинг бажарилиш даражаси ва бонщалар хакида маълумот туплаш учун хизмат килади. Вактни зичлаштиришнинг энг катта самараси ва истеъмолчиларга юкри даражада хизмат курсатилиш гаровини ахборот-боншарув тизимлари беради. Бу тизимлар хом ашё харид килинишидан то тайёр маҳсулотни истеъмолчига етиб боргунича товар харакати устидан назоратни амалга оширади.

Концепция - бу ёндашувлар тизими, ходисаларни, жараёнларни у ёки бу тарзда тушунишdir. Моддий окимларни бошкаришни окилона ташкил этиш йули билан хужалик фаолиятини такомиллаштиришга ёндашувлар тизими логистиканинг концепциясини характерлайди.

Бу концепциянинг ташкил этувчилари булиб куйидагилар хисобланади:

- логистика масалаларини ечишда тизимли ёндашув тамойилини амалга ошириш;
- иктисадий келишувлар асосида карорлар кабул килиш;
- бутун логистик занжир давомида харажатларни хисобга олиш;
- логистикага корхоналарнинг ракобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш.

Мамлакат транспорт тизимининг ривожланишига бир қанча ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади



Тизимли ёндашиш тамойилини амалга ошириш.

Логистикада тизимли ёндашиш хужалик юритувчи субъектларни узаро боғлик тизим остилар комплекси - ишлаб чикириш, сотиш ва харид килиш булинмалари сифатида куриб чикишни назарда тутади, улар ташки мухитдан олинадиган ва узатиладиган маълумотлар асосида бонщарилади. Логистик тизимларнинг фаолияти мураккаб асос - натижа алокаларининг хам тизимлар ичидаги, хам ташки мухит билан муносабатларида вужудга келиши билан характерланади. Бундай шароитларда тизимлар фаолиятининг умумий максадларини хисобга олмасдан, алоҳида карорлар кабул килиш етарли эмас ёки хато булиши мумкин.

1-мисол. Корхонанинг бошицарув булими шакарни ҳозор пакетларга жойлаштириши хацида царор қабул қиласди. Кўпларга қадоцланган шакарни ташшишга, юклашга ва бошица технологик амалларни бажаршишга мослаштирилган умуман товар ҳаракати тизими бу карорга қандай муносабатда булади?

Тизимли ёндашишга биноан ишлаб чикарувчи корхонада шакарни кадокдаш хакидаги карорлар транспорт ва савдо-сотик ташкилотларининг талабларини

хисобга олган холда кабул килиниши зарур ва максади моддий окимни оптималлаштиришдан иборат булиши керак. Мазкур жараёндатранспорт ташувларида қўлланиладиган транспорт ва савдо ҳужжатларини юритишни мукаммал билиш, транспорт ташувларида иштирок этаётган барча тарафларнинг ишини енгиллаштиради ва мазкур транспорт ташувини юқори сифатда бажарилишига асос яратади.

Юкларни ташишда транспорт-экспедиторлик хизматлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ Кемаларни фрахтлаш ва фрахтлар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш;
- ✓ Ташқи савдо опрециялари битимлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- ✓ Ҳисоб-китоб ва экспедиторлик операциялари бўйича консультациялар;
- ✓ Юкларни божхона декларациясини амалга ошириш;
- ✓ Юклаш-тушириш ишлари;
- ✓ Автомобил ташувлари;
- ✓ Маҳсулот ҳужжатларини расмийлаштириш;
- ✓ Юкларни суғурталаш;

Тўғри ташкил этилган ташиш ишининг амалий бошқаруви, тўғри ташкил этилган ҳужжатлаштириш ва ҳужжат айланмаси ҳамда барча транспорт жараёнларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Халқаро юк ташувларида маҳсулотнинг транспорт ҳужжатлари танланган транспорт воситаси турига қараб, халқаро муомалада қўлланиладиган тилда тайёрланади. Бундай ҳужжатларга мисоллар:

- ✓ Авиацион йўл варакаси (Air Waybill);
- ✓ Халқаро автомобилюкхати (CMR);
- ✓ Коносамент (Bill of Lading);
- ✓ Юк ведомости (Cargo Manifest);
- ✓ Тир-Карнет (TIR-Carnet)
- ✓ Ва бошқалар.

Юк ташуви жараёнида экспедиторлик хизматидан фойдаланилганлик ягона транспорт ҳужжати ёки ҳужжатлар тўпламининг (темир йўл, автомобил йўллари, авиацион йўл ва рақаси, коносамент ва шунга ўхшаш) тақдимоти билан исботланилади, бу ҳужжатларда юкнинг бошланғич ҳаракат нуқтасидан то якуний манзилигача ҳаракат йўналиши кўрсатилган бўлади.

Маълум транспорт турида ташиш ишини тартибга солувчи амалдаги умумий кодекс ва низомлар билан бир қаторда ҳар бир аниқ ҳолда ҳам ташиш шартномаси тузилади. Бу ҳужжатда юк ташувчи айтилган юкни белгиланган муддатда берилган манзилгача ташиб бериш, жўнатувчи эса белгиланган тартибда юк ташувчи ишига хақ тўлаш мажбуриятларини оладилар.

Интегарциялашувчи функция. Товарларни етказиб берувчидан истеъмолчигача булган ҳдрақати давомида моддий оким материалларни сотиб олиш, маҳсулотни ишлаб чикириш ва таксимлаш (сотиш) боскичларидан утади. Товар ҳаракатининг ҳар бир боскичи уз ига хос хусусиятлар билан характерланади ва факат унга тегишли булган масалаларни ечади. Лекин уларнинг биронтаси ҳdm товар ҳаракати жараёнидан ташқрида мустакил куриб чикилиши мумкин эмас. Бу жараёнда муҳим уринни сотиш эгаллайди, у ишлаб чикиришнинг ташкилий ва иктисадий хусусиятларини, материаллар харидининг ҳджмини ва номенклатурасини ҳамда бу боскичларнинг бир - бирига муносабатларини асослаб беради.

Шу билан бирга товар ҳаракатининг ҳар бир боскичи, уз урнида ҳам ишлаб чикириш жараёнига, ҳам умуман товар ҳаракати жараёнининг утишига таъсир утказади. Масалан, савдо бозорининг кенгайиши ишлаб чикириш ва харид килиш ҳажмининг усишига олиб келади. Материаллар етказиб берилишининг вактинчалик тухташи ёки уларга куйилган таклифнинг кескин ошиб кетиши, материалларни катта микдорда ва арzonрок нархда сотиб олиш ҳдсобига заҳдралар микдорининг ортиб кетишига олиб келади.

Логистика харид килиш, ишлаб чикириш ва сотиш боскичларини битта умумий жараёнга бирлаштиради.

Логистика оркали материаллар оқимини бопщариш бир бутун, интеграциялашган тизим сифатида амалга оширилади, у хом ашё манбаларини кайта ишлашнинг бир нечта боскичларини ва тайёр маҳсулотни сотишни камраб олади. Тизим остининг алохида, локал (хусусий) масалаларидан ишлаб чикириш ташкилотининг глобал (умумий) максадларига утиш амалга оширилади.

Ташкиллаштирувчи функция. Товар харакати жараёнида етказиб берувчилар, ишлаб чикарувчилар ва сотувчилар ўртасида хўжалик алокалари ташкил этилади ва амалга оширилади. Хўжалик алокаларининг объектив асоси булиб меҳнатни товар харакати боскичлари буйича булиниши хизмат килади, бу эса жараёнларнинг алохидалашувига олиб келади ва турли алоки тизимлари бирлаштирувчиларини созлаш талабини вужудга келтиради. Бу масаланинг ечими бир бутун оқимли жараён ичида материаллар ва ахборотнинг ишлаб чикарувчи - истеъмолчи занжири буйича харакатини ташкил этиш, алохида боскичларини узаро таъсирини таъминлаш ва товар харакати катнашчилари харакатларини мослаштириш оркали амалга оширилади.

Бошкарувчи функция. Куриб чикилаётган жараённинг хамма кисмларини бир-бирига мувофикаштириш ва узаро макбул харакатига эришиш учун уларни бошқариш зарур. Логистик бопщарув хамма турдаги ресурсларнинг иктиносига, товар харакати боскичларида жонли ва буюмлаштирилган меҳнатга кетадиган харажатларни камайтиришга каратилган. Кенг маънода логистиканинг материаллар харакати жараёнига бошкарув таъсири материал утказувчи тизим параметрларини берилган чегарада сакдашдан иборат.

Шундай килиш, логистика товар харакати жараёнининг шаклланишини, логистик жараённинг алохида боскичлар ва катнашчилари уртасида зарур хўжалик алокаларини урнатиш йули билан унинг самарали ишлашини ва материаллар оқими харакатининг бошкарувини таъминлаб беради.

Иктиносий компромисс (келишув)лар асосида карорлар кабул кил иш - иктиносий ккелишувларни ишлатиш хамда логистик жараёнда катнашувчи хамма ишлаб чикириш ташкилотларининг кизикиш доирасини намоён килувчи хисоботларда акс этади. Иктиносий компромисслар асосида карорлар кабул килиш, товар харакатининг алохида боскичларини туташув жойларида

логистиканинг аралаш функциялари талабларини хисобга олиш заруриятини кузда тутади. Бу келиб тушишининг хажми, тезлиги ва унга кетадиган харажатлардаги курсаткичларнинг узаро бодлик холда куриб чикилиши, харидлар миқдори хакида карорлар эса буюртмани бажаришга кетадиган харажатлар ва захираларни сакдашга кетадиган харажатлар хисобга олинган холда кабул килиниши зарурлигини билдиради.

Бутун логистик занжир давомида харажатлар хисоби. Логистиканинг асосий максадларидан бири - моддий окимнинг бирламчи хом ашёдан то охирги истеъмолчигача етказиб беришга кетадиган харажатларни бошкаришдир. Лекин товар харакати жараёнида харажатларни бонщариш факатгина чукур хисобот амалга оширилсагина мумкин булади. Логистик жараёнлар ва ишлаб чикириш харажатларини хисобга олиш тизими, логистик функцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатларни ажратиши, энг муҳим харажатлар хакида, хамда уларнинг узаро таъсири хакида маълумотларни шакллантириши зарур. Бу шарт бажарилса, логистик тизимнинг оптималь шаклининг асосий мезонини ишлатиш имконияти вужудга келади - бутун логистик занжир давомида энг кам харажатлар йигиндиси хосил булади.

Логистикага корхонанинг ракобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш. Логистиканинг ракобатбардошлик омили сифатида куриб чикилиши, шу соҳадақбул килинаётган қдрорлар, маҳсулот сотишдан тушадиган фойдага курсатадиган таъсири нуктаи назаридан баҳоланиши зарурлигини кузда тутади. Шунинг учун логистикани корхона ишининг асосий иктиносидий ва молиявий курсаткичлар билан бодликлигини акс эттирувчи курсаткичларини кидириш масаласи юзага келади.

Логистиканинг асосий максадлари. Иккинчи даражали максадлар логистиканинг бош максадига эришиш воситалари булиб хисобланади хамда асосий максадларга хизматкилиб, уларни логистика соҳасидаги корхонанинг фаолияти аникдаб беради.

Маълумки, сотишни ташкил этишда асосий муаммо булиб буюртма олиш хисобланади. Бу муаммо истеъмолчилар билан алоқдларни урнатиш ва кидириш, уларга сервис (хизмат) курсатишни ташкил этиш оркали хал этилади. Асосий

эътибор куйидаги саволларга қдратилади: корхонада ишлаб чикдрилган махсулот устидан назорат килиш; сотиб олинган техникани, унинг кафолатланган хизмат курсатиш муддатига мое холда ипшатиш ва созлаш. Бу соҳадаги ишларнинг асосий йуналишлари булиб куйидагилар хисобланади: хизмат курсатиш услубларини такомиллаштириш; махсулот сифатини урганиш ва аниқдаш; созлаш булинмаларнинг эҳтиёт кисмлари билан марказлашган таъминотини ташкил этиш.

Республикада таъминот жараёнларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси транспорт Вазирининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартағи ПҚ-4230-сон “Юк ва йўловчи ташишлари тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган юк ва йўловчи ташишлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл ҳаритаси”нинг 2-бандини амалга ошириш мақсадида “Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ва электрон тизим ишлашининг ягона минимал стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги Буйруғи бўйича вуйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Транспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиш тезлиги, техник ҳолатини масофадан кузатиш ва автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқиши олдидан техник кўриқдан ўтишини ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтишини назорат қилиш имкониятини яратувчи ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ва электрон тизим архитектураси мижоз-сервер принципида амалга оширилади.

2. Тизимда қуйидаги имкониятлар жойлаштирилиши лозим:

автоматлаштирилаёдган функциялар рўйхатини кенгайтириш;
қонунчилик нормаларининг ва тегишли равишда,
автоматлаштирилаёдган жараёнларнинг ўзгаришларига мослаштириш;
бошка тизимлар билан ўзаро ҳамкорлик;
маълумотларни яратиш ва сақлаш;
маълумотларни тезкор қидириш;

олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

ҳисоб олиш ва мониторингкилиш.

3. Тизимдаги мижоз қисмида, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ҳамда “Электрон хужжат айланиши тўғрисида” ги Қонунлари талабларига мувофиқ, Электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ деб юритилади) қўлланилади. ЭРИни тизимда шакллантириш ва текшириш “Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари” O’zDSt 1092 давлат стандартига мувофиқ амалга оширилади.

ЭРИни текширишда ЭРИнинг очик калити сертификатининг ҳақиқийлиги ва амал килиш муддати текширилади ҳамда сертификат мақомини (ҳақиқий, тўхтатилган, бекор қилинган) чақириб олинган сертификатлар рўйхатидан сертификатни текшириш йўли билан текшириш.

4. Тизимдаги мижоз қисми талаблари:

фойдаланиш интерфейс экранли шаклини расмийлаштиришнинг ягона стили:

бошқариш элементлари, экранли шакллар ва уларнинг маълумот элементларини (оиналар, панеллари ва бошқа), асосий бошқарув ва навигация элементларини бир ҳил жойлаштирган ҳолда тақдим этиш;

ўхшаш тартиб-таомилларни белгилаш учун ўхшаш график белгилар, тугмачалар ва бошқа бошқарувчи (навигация) элементлардан фойдаланилади. Намунавий тартиб таомилларни (маълумот можиятини қўшиш, маълумотлар майдонини таҳрирлаш) ҳамда уларни бажаришда фойдаланувчининг ҳаракатларининг изчиллигини белгилаш учун фойдаланиладиган атамалар уйғулаштирилади;

интерфейснинг ўхшаш элементларининг ташқи хатти-ҳарактлари (“сичқонча” кўрсаткичининг йўналтирилишига муносабати, фокус ўзгариши, тугманинг босилиши) бир типдаги элементлар учун бир ҳилда амалга оширилади;

фойдаланувчининг тизим билан ўзаро ҳамкорлиги икки тилда ўзбек ва рус тилларида амалга оширилади;

экранда фақатгина муайян фойдаланувчи учун унинг тизимдаги функционал ролига мувофиқ рухсат этилган имкониятлар акс эттирилган;

иш жараёнида фойдаланувчига вазифанинг муваффақиятли/муваффақиятсиз бажарилганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилади;

агар фойдаланувчининг иши муайян ҳужжатлардан фойдаланишни назарда тутган тақдирда, фойдаланувчининг интерфейси мазкур ҳужжатларнинг хусусиятлари билан мужассамлаштирилади, аммо бу талаб ҳужжатлар шаклларини яхшилашни таъкидламайди, аксинча, қўйилган мақсадларни бажариш учун уларни қулайроқ даражага келтиради;

фойдаланувчининг автоматлаштирилган иш жойида ишлаган вақтида марказлаштирилган диспетчерлик бошқармаси (кейинги ўринларда – МДБ деб юритилади) фойланувчининг қўлланмага мурожаат қилиш ва бошқа ташқи маълумотлардан фойдаланиш заруриятлари минимал даражага тушади; маълумотларни киритиш шакли АИЖ МДБ фойдаланувчисига кутилаётган киритиш шакли ҳақида маълумот тақдим этади;

агар АИЖ МДБ фойдаланувчиси ҳаракатларига тизимнинг муносабати аниқ вақти АИЖ МДБ фойдаланувчиси томонидан кўтилаётган вақтдан анча фарқланадиган бўлса, бу ҳақда фойдаланувчи хабардор қилинади;

фойдаланувчига тақдим этилаётган қайтма алоқа ёки хабарлар тушунарли тарзда рамийлаштирилади ва тақдим этилади;

фақат рухсат этилган киритиш-чиқариш воситаларидан фойдаланиш имконияти;

хатоларга мустаҳкамлиги. Ҳатоларга бардошликга қуйидагилар ёрдамида эришиш мумкин:

хатоларни назорат қилиш;

хатоларни тузатиш;

хатоларни тузатиш учун уларга ишлов беришни бошқариш;

аълумотларни киритиш жараёнида ҳатоларни аниқлаш ва олдини олишда фойланувчига ёрдам кўрсатишни таъминлаш, масалан, фойдаланувчи томонидан тўлдирилмаган мажбурий майдонларни унга кўрсатиш;

фойдаланувчи тизимда ишлаган вақтида у бажарилган ҳаракатларни автосақлаш функциясига эга.

5. Тизимда маълумотлар ҳимояси эркин рухсатни чегаралаш воситалари билан амалга оширилади. Тизимдан фойдаланишга эркин рухсат қуидаги параметрларга мувофиқлик текширилганидан сўнг тақдим этилади: IP-манзиллар, МАС-манзиллар, ЭРИ, логин ва парол.

6. МДБда электрон ҳужжатнинг (сўров бўйича ҳисоботлар, статистика) даҳлизлиги (ўзгармаганлиги)ни текшириш ноёб рақамдан фойдаланилган ҳолда фойланувчига боғлаб, амалга оширилади.

2.2. Таъминот жараёnlарини бошқаришда транспорт ҳужжатлари, класификацияси ва уларнинг тавсифи

Ҳозирги кунда транспорт жараёнининг юқори даражада ахборотлаштирилишига асосланган ҳолда логистик фаолиятларни ривожланиши билан аралаш контейнер темир йўл-автомобил-сув ташиш услубини амалга ошириш имконияти туғилди. Юкларнинг йирик партияларини минтақалараро ташишга ихтисослашган автомобил транспорти компаниялари ўзларининг юқори тезликка ва катта юқ кўтариш имкониятига эга тиркамали автомобилларини ҳамда катта юқ кўтара оладиган ярим тиркамалари мавжуд кучли тягачларини ишлатадилар.

Бундай юқ кўтара оладиган ва юқори унумдорликга эга техникани тўлиқ ишлатиш учун юқ ташувчи компаниялар бошланғич манзилда ташиладиган юкларни йиғадилар, охирги манзилда эса уларни кичик партиялар билан қабул қилувчиларга етказадилар.

Транспортнинг ҳар хил турлари учун юк ташиш ишларини хужжатлаштиришга доир ўз атамалари мавжуд, ҳамда тузилаётган юклаш хужжатлари ўз хусусиятларига эга.

Ҳар хил транспорт турлари учун юк ташиш хужжатларининг классификацияси 2.1-расмда келтирилган. 2.1 - расмга кўра темир йўл транспорта учун, шартнома кучига эга бўлган бирламчи хужжат бу накладной. У жўнатувчи томонидан тузилади.

Шунингдек керакли хужжатларга йўл ведомости, йўл ведомости корешоги ва юкни қабул қилганлик тўғрисида квитанция ҳам киради.



2.1-расм. Ҳар хил транспорт турларида юкларни ташишни ташкил этишда лозим бўлган хужжатларнинг тавсифланиши.

Темир йўл ишини назорат қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб йўл ведомости корешоги хизмат қиласи. Юкни автомобил транспортида жўнатганда, ташиш учун намунавий шартнома асосий ҳужжат ҳисобланади. Буюртмачи ва автотранспорт ташкилоти ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун товар-транспорт юхати тузилади. Денгиз транспортида юк доимий ҳаракатланувчи кема орқали ташилса мазмуни бўйича юхатига ўхшаш коносамент деб аталувчи ҳужжат тузилади. Агарда кема доимий шу йўналишда ҳаракатланмаса, у ҳолда чартер шартномаси тузилади. Портлараро юк ташиш ҳолати юз берганда эса бирламчи ҳужжат бўлиб ортиш ордери хизмат қиласи.

Ички дарё транспортида асосий ҳужжат бу навигацион шартномалардир. Бу шартномалар мавсумий бўлиб навигация (кемалар юриши) бошланишидан олдин тузилади. Бу ҳолда ҳам юкни кузатувчи ҳужжат бўлиб на-кладной хизмат қиласи ва ниҳоят ҳаво транспортида ҳам юк ташиш ўзига хос ҳолда тўлдирилган накладнойлар орқали амалга оширилади.

Халқаро ва қитъалараро бозорларнинг ривожланиши билан денгиз йўли орқали ташишни амалга ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳар хил транспорт турларини ўзаро ҳамкорликда фаолиятини амалга ошириш учун порт иншоотларини, ортиш-тушириш терминалларини, омбор иншоотларини, кириш йўлларини, саралаш мосламаларини, ҳаракатланиш воситаларини ҳамда ортиш-тушириш механизми ва ускуналарини ривожланган тармоғи зарур бўлади. Шунинг учун ҳам ташишнинг тижорат операцияларини (юкларни тайёрлаш ва қабул қилиш, ҳужжатларни тўлдириш, тўлов ва ҳар хил йигимларни ундириш, пломбалаш, манзил ўзгартиришни расмийлаштириш, қабул қилувчиларга топшириш) бошқариш билан бир каторда ташишнинг технологик жараёнини бошқариш ҳам амалга оширилади.

Юк ташишни ташкил этишда воситачиларни танлаш жараёни келтирилган схемадан кўриниб турибдики, ташувларни ташкил этиш жараёнида кўмак берувчи шерикларни танлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ташиш услубини (турини) танлаш (махсус адабиётларда ташиш усули ёки юкларни етказиш тизими деб ҳам юритилади);

- транспорт турини (бир нечта турларини) танлаш;
- ташишда кўмаклашувчи асосий ва ёрдамчи шерикларни танлаш.

Барча жараёнлар, ташқи логистик тизимга қўйилган чеклашларга риоя қилинганда, битта мезон ёки мезонлар тизими асосида амалга оширилади. Бу чеклашлар ёки ташқи (интеграллашган) логистик тизимларнинг мақсадли функциялари билан ёки макро ва микроқўтиносидий муҳитнинг омиллари билан шартли тарзда боғланган. Ташиш услугига: унимодалли, аралаш, комбинациялашган, интермодал, терминалли, мультимодал ва бошқалар киради. Асосий кўмак берувчиларни бевосита ташиш билан шуғулланувчи фирмалар ташкил этса, ёрдамчи кўмак берувчиларга: суғурталовчи, қўриқловчи, молиявий ва бошқа ҳар хил ёрдамчи хизматларни амалга оширувчи фирмалар киради. Асосий кўмак берувчиларни танланганда қайси транспорт туридан (темир йўл, автомобил, дарё, денгиз) фойдаланишни ҳам эътиборга олиш лозим. Шунингдек ҳар бир транспорт турининг хусусиятларига қараб қандай ташиш услугидан фойдаланиш мумкинлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Таъминот жараёнларидағи ҳужжатлари, турли транспорт ташувлари ҳажми ва улардан фойдаланишга кетадиган харажатлар қўйидаги тартибда шаклланади ва амалга ошиилади.

Халқаро транспорт жараёнларида ҳужжатлар тизимида транспортга тегишли ҳужжатлардан ташқари транспортировкани енгиллатувчи товарга илова қилинадигаги бошқа ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бундай ҳужжатларни бирхиллаштириш билан Халқаро савдо палатаси ва Халқаро савдо тартибларини соддалаштириш қўмитаси (SITRO) шуғулланади. Юк ташувларида қўйидаги товарга илова қилинадиган ҳужжатлардан фойдаланилади:

Счет-фактура (invoice) – ҳамиша товарларни жўнатишда тузиладиган тижорат ҳисоб-вараги. Мазкур ҳужжатнинг асосий вазифаси тўлов суммасини кўрсатишидир. Ундан ташқари счет-фактура товар накладнойи сифатида ишлатилиши мумкин. Божхона органлари талабига кўра, счет-фактура белгиланган шаклда тўлдирилади ва бир вақтнинг ўзида товарнинг келиб чиқиши сертификати сифатида қўлланилади. Счет-фактурада қўйидаги маълумотлар

берилигандын бүләди:

- Битимда иштирок этаётган томонлар номи ва манзили;
- Товарга эгалик ҳуқуқини берадиган битим түғрисидаги маълумот (номер ва сана);
- Юк тавсифи ва товар кодлари;
- Юк жойлари миқдори;
- Юкнинг брутто ва нетто оғирлиги;
- Юк бирлигининг баҳоси ва умумий баҳо;
- “Инкотермс” бүйича етказиб бериш шартлари.

Счет-фактурада юкни етказиб бериш усули түғрисида баъзи кўрсатмалар ҳам берилидь. Счет-фактура юборувчининг бланкасида расмийлаштирилади ва бошқа ҳужжат билан алмаштириб бўлмайди. Счет-фактурада кўрсатилган ҳамма маълумотлар ташувдаги бошқа маълумотлар билан бир хил бўлиши керак. Ҳар бир юк жўнатишда алоҳида счет-фактура тузилади. Агар юклар контейнерларда ташилса, ҳар бир контейнерга алоҳида счет-фактура тузилади. Халқаро савдодаги бошқа барча ҳужжатлар счет-фактура асосида расмийлаштирилади.

Консуллик счет-фактуралари (consular invoice) – счет-фактураларнинг одатда, юклар экспортида керак бўлувчи транзит ёки охирги манзилидаги давлат тилига таржима қилинган нусхасидир. Ҳар бир давлат счет-фактуранинг ўз тилидаги нусхасини талаб қилиши мумкин. Импорт – қилувчи давлатлар келаётган счет фактуралар ўзларининг экспорт қилаётган давлатлардаги консулликларида рухсат олган бўлишларини талаб қиладилар.

Қадоқлаш вараги (packinglist, упаковочный лист)- товарга илова қилинадиган асосий ҳужжатлардан бири. Қадоқлаш вараги, одатда, қадоқда маҳсус жойга солинади. Қадоқлаш варагида қуйидаги маълумотлар бўлади:

- ҳар бир навдаги товар миқдори (қадоқдаги дона)
- қадоқ номери (жойи)

Қадоқлаш вараги битта қадоқда турли ассортиментдаги товарлар бўлганда счет-фактурага қўшимча тарзда ишлатилади. Счет-фактура ва қадоқлаш вараги бир-бирига яқин бўлади, фақат қадоқлаш варагида нарх кўрсатилмайди.

Тушириш спецификацияси (shipping specification, отгрузочная спецификация) – берилган партияга тегишли барча товарлар турлари ва навлари рўйхатини ўзига олувчи тижорат ҳужжатидир. Бу ҳужжатда ҳар бир жойнинг миқдори ва товар тури кўрсатилган бўлади. Спецификация турли турдаги ва навдаги товарларни етказиб беришда ташувлар сифатли ўтишини ва барча товарлар ўз жойидалигини текшириш учун катта аҳамиятга эга.

Юк манифести (manifest of cargo) – бирон транспорт воситасида ташилаётган товарлар рўйхати бериладиган ҳужжатдир. Юк манифестида товар ҳақидаги қуидаги маълумотлар берилади:

- транспорт ҳужжатларининг рақами;
- юк олувчи ва юк жўнатувчиларнинг номи;
- Маркировка, миқдор, масса ;
- Товарлар таснифи ва миқдори.

Бордеро (bordero) – юк манифестига ўхшаш ҳужжат, автомобил ташувларида кўлланилади, CMRда келтирилган юк рўйхати ёзилган бўлади.

Товарнинг келиб чиқиши сертификати (certificate of origin, Сертификат происхождения товара), давлатлар орасида имтиёзли бож тўловлари бўлганда фойдаланилади. Келиб чиқиши давлати – товар ишлаб чиқарилиб, қайта ишланган жой хисобланади.

Товар сифати тўғрисида сертификат(certificate of quality) битта юк ташиш ҳужжатида жўнатилаётган ҳар бир товар партиясига берилад. Одатда, бу ҳужжат озиқ-овқат маҳсулотларига, косметика маҳсулотларига зарур.

Бу сертификатда қуидагилар кўратилилади:

- Сертификатни берган ташкилот;
- Сертификат номери;
- Сертификат берилган сана;
- Товар номи;
- Етказиб беривчи номи;
- Олувчи номи;
- Товар характеристикиси ва унинг нави;

- Товар миқдори ва жой сони;
- Товар ишлаб чиқарилган сана;
- Товарнинг маълум стандартга мовофиқлиги.

Фитосанитар сертификат (phitosanitarycertificate) экспорт қилаётган давлатдаги карантин ёки ўсимликлар ҳимояси органлари томонидан карантин бўйича сертификат олиши керак бўлган товарларга (урӯғ ва ўсимликлар, ҳайвонлар, жун маҳсулотлари, ёнғоқлар, ун, дон, ёрмалар, табака, доривор ўсимликлар ва ҳоказо) берилади. Сертификат юкни кузатиб борувчи траспорт хужжатларига илова қилиниши керак.

Фумигацион сертификат (fumigationcertificate) маҳсулотларда (гуруч, чой, табака, ёнғоқ, ун ва ҳоказо) мавжуд бўлган ҳашаротларни йўқ қилинишига қаратилган ишловдан ўтганлигини тасдиқлаш учун берилади. Фумигацион сертификатда қуидаги маълумотлар келтирилади:

- Юк олувчи ва жўнатувчининг номи;
- Белгиланган порт;
- Юк ва қадоғи тавсифи;
- Брутто ва нетто оғирлиги;
- Фумигант номи, обработка температураси ва ишлов беришнинг бошқа ахборотлари.

Гигиена сертификати (сертификат анализов, sertificateofanalysis) киши саломатлигига зарап етказиши мумкин бўлган маҳсулотларга талаб этилади. Бундай маҳсулотлар рўйхати ҳар хил давлатларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда бундай товарларга озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар товарлари, косметик маҳсулотлар ва бошқалар киради.

Ветеринар сертификати (veterinarycertificate) ҳайвонлар, гўшт маҳсулотлари импортида расмийлаштирилади:

- юк олувчи ва жўнатувчи номи;
- юк миқдори ва оғирлиги;
- сертификат берган ташкилот номи;
- юк тавсифи;

-сақлаш шартлари.

Хавфли юклар сертификати (certificateofdangerousgoods) хавфли юк тўғри характерланганини исботлайди. Бу сертификат:

-жўнаталиётган юк аниқ техник ном билан номланганини;

- юк ташишда хавф туғдирмайдиган қилиб қадоқланганини;

-юк хавфли юклар талаби бўйича маркирлангани ва қадоқланганлигини тасдиқлайди.

2.3. Автомобиль транспорти орқали юк ташиш харажатларини қиқартиришнинг асосий йўналишлари

Глобал логистик тизимларда юк ташишнинг замонавий амалиёти ягона диспетчерлик маркази ва ягона транспорт ҳужжати орқали (мультимодал, интерmodal, трансмодал, аралашма, сегментал ва х.к) битта (экспедитор) оператор томонидан амалга оширилувчи технологияларни жорий этиш юк ташиш кўламини оширишнинг омили ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, шу вақтгача дунёда юк ташишнинг юкорида айтиб ўтилган турлари бўйича аниқ белгиланган атама бўлмаганлиги учун бу ҳолат шу жумладан, юк ташишнинг унимодал, мураккаб ва аралаш турларига ҳам тааллуклидир.

Илмий адабиётда интерmodal атамасининг қўйидаги таърифи келтирилади: битта оператор бошқарувида ягона юк ташиш ҳужжати асосида ягона фрахт ставкасини тўғридан-тўғри қўллаш билан амалга оширадиган аралаш "door to door" (эшикдан эшиккача) юк ташишга айтилади.

UNCTAD тавсиясига кўра, интерmodal ташув деб, бир нечта турдаги транспортда юк ташишни ташкил этишга айтилади. Бунда юкларни етказиб беришда юк ташувчилардан бири томонидан юкни А пунктдан Б пунктгача бир ёки ундан ортиқ пунктлар орқали етказиб беришини ташкил этишга айтилади ва юк ташиш учун жавобгарликнинг тақсимланишига кўра, турли хил транспорт ҳужжатлари берилади, мультимодал ташувда эса юк ташишни ташкил қилган


шахс бутун йўл давомида ягона юк ташиш ҳужжатини расмийлаштириш билан иштирок этаётган транспорт сонидан қатъий назар, жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Аралаш юк ташишда асосий логистик воситачи юк жўнатувчи (юк эгаси) ва юк қабул қилувчи аралашма (мульти ва интермодал) юк ташиш оператори ҳисобланади. У юк эгаси билан шартнома тузади ва юкни шартномада кўзда тутилган харидор омборигача ёки бошқа нуқтагача етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Оператор турли хил транспортда юк ташувчилар билан шартномалар орқали боғланган бўлиб, юкнинг йўқолиши ёки заарланиши ҳамда етказиб беришдаги кечикишлар натижасида ҳам етказилган зарап учун жавобгардир. Интермодал юк ташишни амалга оширишнинг ҳуқукий мувофиқлашувини БМТнинг юкларни халқаро мултимодал ташишлар тўғрисидаги 1980 йилда қабул қилинган Женева Конвенциясига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур Конвенция, интермодал юк ташишнинг битта транспорт ҳужжати коносамент бўйича белгиланганлигини назарда тутади.

Интермодал юк ташиш операторлари (ИЮТО) - турли хилдаги транспорт корхоналари, юк жўнатувчилар билан тўғридан-тўғри алоқаси бўлган экспедиторлик-транспорт фирмалари бўлиши мумкин. Бу уларга йирик юк оқимлари ва жўнатишни уйғунлаштириб ҳамда бирлаштириб назорат қилиш имконини яратади.



5.1- расм. Транспортда юк ташиш жараёнининг таркибий тузилмаси

Интермодал ва мультимодал юк ташиш белгилари:

- логистик занжирнинг бошидан охиригача етказиб бериш операторининг мавжудлиги;
- фрахтнинг ягона, тўғридан-тўғри ставкаси;
- юк учун ва юк ташиш шартномасининг бажарилиши учун ягона жавобгарлик.

Юк ташишнинг интермодал ва мультимодал тизимларининг асосий тамойиллари қуидагилар:

- ягона турдаги тижорат-хукуқий тартиб;
- юк ташишни ташкил этишнинг молиявий-иқтисодий масалаларини хал этишда тизимли ёндашув;
- телекоммуникация тармоқлари ва электрон ҳужжатлари айланмаси тизимидан юқори даражада фойдаланиш;
- юк ташиш устидан бошқарувнинг ягона ташкилий-технологик тамойили ва юк ташишда иштирок этувчи барча логистик воситачилар харакатларини мувофиқлаштириш;
- логистик воситачиларнинг интеграциялашуви;

- транспорт турлари билан юк ташиш инфратузилмасини комплекс ривожлантириш.

Юкларни ташишнинг аралаш тури одатда транспортнинг икки турида амалга оширилади, масалан: темир йўл – автомобиль ёки дарё - автомобиль, ёки денгиз - темир йўл орқали ва ҳокозо. Бунда юк транспортининг биринчи турида ташиб бориш манзилига ёки юк терминалида сақлашсиз ёки қисқа муддатли сақлаш билан етказилади ва кейинчалик транспортнинг бошқа турига юкланди. Аралаш юк ташишнинг ўзига хослиги автомобиль транспорти фирмалари томонидан транспорт тармоғининг темир йўл станциялари ёки денгиз (дарё) портларига хизмат кўрсатишидир.

Аралаш юк ташишнинг алоҳида белгилари: бир неча транспорт ҳужжатларининг мавжудлиги, фрахт ягона тариф сеткасининг йўқлиги, транспорт жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳаракати схемасининг кетма- кетлиги билан белгиланди. Тўғридан-тўғри аралаш юк ташишда юк эгаси биринчи юк ташувчи билан шартнома тузади ва биринчи юк ташувчи кейинги

юк ташувчи мажбуриятларига жавобгар, шу билан бирга уларнинг ҳар бири юк эгаси билан ҳисоб-китоб қиласи, ўз юкининг сақланишига юк ташиш йўналишининг фақат тегишли қисми учунгина жавобгарликка эга бўлади.

Мураккаб ёки аралаш юк ташиш иккитадан қўп транспортнинг мавжудлиги билан фарқланади. Мураккаб ташиш атамаси билан юкларнинг бир юк бирлиги бир неча транспорт турларидан фойдаланиш орқали, таркибига йирик тонналик контейнерлар, олиб қўйиладиган кузовлар, ярим прицеплар ва автомобиль транспорти воситалари киради.

Интермодал юк ташиш шартномаси бўйича юкларни етказиб бериш йирик логистик тизимида юк жўнатувчилар учун бир қатор афзалликларга эгадир. Одатда, интермодал юк ташиш операторлари ўзига йирик мижоз сифатида, бошқа логистик воситачилардан оладиган ставка ва тарифнинг асосий ставкасидаги фарқни фақат бир қисмини олиб қолади. Транспорт харажатлари иқтисодининг бундай таксимланиши, ИЮТО (Интермодал юк ташуви операторлари) ва юк жўнатувчилар ўртасида икки томон учун ҳам шартноманинг самарали бўлишини

таъминлайди. Бундан ташқари, мижоз ИЮТОдан бошқа шахслар билан молиявий ҳисоб-китоб олиб бориш мажбуриятидан озод бўлади. Шунингдек, юк жўнатувчи ва ташишнинг ҳар бир иштирокчisi билан шартнома тузишдан ҳам, бундай юк ташишнинг ҳар босқичи бўйича транспорт хужжатини расмийлаштиришдан ҳам холи бўлади.

Барча логистик воситачилар билан тузиладиган шартномаларга ИЮТО (Интермодал юк ташиш операторлари) фақат ўз номидан имзо чеккани сабабли мижоз юк ташишнинг кўп сонли иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатларга киришиши ҳам зарур бўлмайди. Юкнинг йўқолиши ёки унга зарар етказилган ҳолларда ўз даъвосини фақатгина ИЮТО (интермодал юк ташиш операторлари) га қаратади.

Жаҳоннинг кўпгина банклари, интермодал коносаментни товар-тақсимлаш ҳужжати сифатида қабул қиласди. Сотувчи, маҳсулотни ўз омборидан ИЮТО томонидан тақдим этилган автомобиль транспорти, темир йўл вагонлари ёки денгиз кемаларига ортгач ёки маҳсулотни ИЮТО терминалига топширгач, ундан интер-мульти modal коносаментни олади ва бу коносаментни банкка тақдим этиб, аккредитивни очиши, яъни савдо шартномасига кўра маҳсулотнинг нархи бўйича ҳақ олиши мумкин ва маҳсулотни экспорт қилувчининг маҳсулотини сотишдан келадиган даромадининг тезкор олиниши таъминланади. Ўз навбатида, харидор, интер- мульти modal коносаментни олгач, маҳсулотни денгиз кемаси ортилишидан анча аввал ундан фойдаланиш имконини беради.

ИЮТО юк эгасини юкининг ҳаракати ҳақида мунтазам маълумот билан таъминлайди. ИЮТО етказиб бериш жойларида юкларнинг туриб қолишини қисқартиради ва маҳсулотни график бўйича аник муддатда қатъий суръатда етказиб берилишини ташкил қиласди бу эса маҳсулотни сақлаш учун кетадиган харажатларни қисқартиради.

Интермодал юк ташишлар, контейнерларда кичик юк партияларини LCL/FCL ва LCL/LCL (LCL/I-Less container load) етказиб беришга шароит яратади, яъни юк ташиш ва юкни ташиб бериш нархи камаяди ва унинг сақланишини таъминлайди.

Ундан ташқари, денгизда юк ташиш бўйича UNCTAD қўмитаси котибиятига омилкор тижорат ташкилотлари ва халқаро органлар билан ҳамкорликда мавжуд меъёр ва қоидалар асосида, юкни аралаш ташиш ҳужжатлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиши топширади. Натижада аралаш юк ташиш ҳужжатига оид UNCTAD қоидалари ишлаб чиқилади. Улардан бутун дунёда халқаро савдо соҳасида фойдаланилади ва халқаро банклар томонидан қабул қилиниши мумкин, чунки улар қайта кўриб чиқилган автомобиль транспорти корхоналарнинг (АТК) унификация қилиш қоидаларининг охирги варианtlарига тўла мос келади.

Автомобил транспортида халқаро ташувларда қўйидаги ҳужжатлар тўлдирилади:

Товар-транспорт юкхати *CMR*, бу ҳужжат юкни ташувчи томонидан олингани ва битим шартлари исботи бўлиб хизмат қиласи. Юкхати формаси Халқаро автомобил транспорти уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган.

CMR юкхати бўш графалардан иборат 12 варақдан ташкил топган. Биринчи тўртта нусхаси номерланган ва юк жўнатувчи, юк олувчи, ташувчи ва ҳисоблар учун ажратилган. *CMR*нинг биринчи Зта варағигина юридик кучга эга. Бошқа варақлари давлатлар божхоналари, чегараларидан ўтишда фойдаланилади.

Юкларни қабул қилишда ташувчи юкхатидаги барча ёзувларни текшириб чиқиши лозим. Юк жўнатувчи юкхатига барча зарур илова ҳужжатларни қўшиб бериши шарт. Халқаро авиа ташувларда асосий ҳужжатлар бўлиб, авиаюкхати ва юк манифести ҳисобланади.

Авия юк хати (airwaybill) – жўнатувчи ва ташувчи орасида битим тузилганлигини кўрсатувчи ҳужжат. Юкхати асосий молиявий ва битим ҳужжати, у илова ҳисобланмайди.

Юк жўнатувчи авиаюкхатини инглиз тилида тўлдириб, юк билан бирга ташувчига топширади. Авиаюкхати Зта рангда 12 варақда тузилади (Зта биринчиси оригинал)

Юк манифести ҳар бир авиаюкхати учун тузилади:

-ташувчи номи ва миллати;

- рейс санаси ва номери;
- жўнатиш ва қабул қилиш пунктлари;
- жой микдори, оғирлиги ва юк номи


Аэропортда юк нечта жойда туширилса, шунча юк манифести тайёрлаб қўйилиши керак.

Темир йўл транспортида транспорт юкхати ва унинг дубликати ички ва халқаро ташувларда асосий ҳужжат ҳисобланади. Темир йўл юкхати юк олувчи номига расмийлаштирилади ва то охирги манзилгача юк билан бирга боради.

Йирик логистик тизимларда юк ташиш усулини танлашда юк ташиш билан боғлиқ харажатларни тўғри белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, юкларни халқаро ташиш билан боғлиқ харажатларни логистик ташкил этувчилари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- маҳсулотни жўнатишга тайёрлаш (сифатини, сонини, маркировкаси, қадоқланиши ва х.к ни текшириш);
- мамлакатда ортиш-тушириш;
- юкларни жўнатиш нуқталарида, терминалларда саклаш, вақтинчалик саклаш омборларида ва х.к;
- юкларни чегарадан олиб ўтиш, портлар ва хорижда жўновчи транспорт воситаларига етказиш;
- транспорт воситаларига ортиш (автомобиль, кема ва вагон), шу жумладан чегарадан ўтиш нуқтасида ҳам;
- халқаро транспорт орқали ташиш;
- суғурта ва божхона декларацияси учун ҳақ тўлаш;
- белгиланган пунктда юкни тушириш;
- божхона тўловлари, солиқ ва йигимларни тўлаш;
- юкларни қабул қилувчи омборига етказилгани учун ҳақ тўлаш ва бошқалар.

Юкларни етказишида аниқ харажатлар йиғиндисининг мавжудлиги сотиш-сотиб олиш шартномаси билан белгиланган асосий шарт - шароитлардан келиб чиқади.



1-расм. Терминалларда юкларни ташишни ташкил этиш схемаси.

Жаҳоннинг экспорт-импорт амалиётларида маҳсулот нархининг транспорт ташкил қилувчиси, одатда, сотувчи ёки харидор давлатнинг франко-чегараси шарт-шароити билан белгиланади. Юк ташишдаги алоҳида логистик ха-ражатлар етказиб беришнинг йирик занжиридаги алоҳида белгиланган бўйинлари бўйича гурухлантирилган ёки дифференциаллаштирилган бўлиши мумкин.

Сотиб олиш-сотиши шартномасида одатда, транспорт шартлари деган алоҳида бўлим қўзда тутилган. Халқаро юкларни йирик логистик тизимларда ташиш (экспорт-импорт савдо амалиётлари) шартномасида қуйидагилар келишиб олинади: ташиш тартиби, ортиш-тушириш шартлари ва муддатлари, ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби ва бошқалар. Шартларнинг мазмуни транспорт тури, ташиш усули, юк (маҳсулот тури), битим тури, етказиб беришнинг асосий шартлари ва бошқа омилларга кўра тузилади ва ўз ичига қуйидагиларни олади. Масалан:

- маҳсулотни жўнатиш муддатлари;
- маҳсулотни сотувчи харидорга топшириш жойи ва тартиби;
- ташувчининг номи;

- портлар, темир йўл станциялари, чегарадан ўтиш нуқталари, қайта ортиш нуқталари ва ҳ.к номи;
- ортиш-тушириш ва бошқа харажатлар бўйича ҳақ тўловчи томонларни аниқлаш;
- учинчи давлатлар ҳудудида транзит йўл билан ташиш учун ҳисоб-китоблар тартиби;
- агентлар, брокерлар, операторлар, экспедиторлар ва бошқа воситачилар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби;
- транспорт тавакалчилигини суғурталаш тартиби;
- юклар учун ҳужжатлар ва ҳ.қ

Йирик логистик тизимда юк ташиш билан боғлик логистик харажатларга жиддий таъсир этувчи асосий омиллардан бири маҳсулотларни етказиш қабул қилиш бўйича мажбуриятлар етказиб бериш базаси ҳисбланади. Етказиб беришнинг базис шартларини ифодалаш халқаро амалиётда “Инкотермс-2000” (жойи, муддати, етказиб бериш усули, тавакалчилик тақсимоти, суғурта) халқаро ташуввларни амалга оширишнинг стандарт шартларига мувофиқ амалга оширилади.

“Инкотермс-2000” ни қўлланилишида ҳужжатларни қайта ишлаш ва UN-EDIFACT стандартининг татбиқ этилиши билан халқаро юк ташиш амалиёти янги логистик технологиялар асосида йўлга қўйила бошлаган.

Назорат саволлари:

1. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг мазмuni ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Firma tovarlarini differentsiyalashtirish borasidagi muvaffaqqiyatli strategiyani amalga oshrishi nimaga olib keladi?
3. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг иқтсодиётда тутган ўрни аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Таъминот жараёнларини бошқаришнинг усулларини изоҳлаб беринг.
5. Коносамент нима?

6. Авиа ташувларида фойдаланиладиган хужжатларни сананг ва тавсифлаб беринг

7. Темир йўл транспорти ташувларида оловчи юк келиб тушиш жойини ўзгартиришга ҳақи борми

7. Автомобил транспорти ташувларида асосий хужжатлар ва илова хужжатларни санаб беринг.

З-мавзу:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 7-февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони бўйича таъминот жараёнларини оптималлаштириш чора-тадбирлари.

РЕЖА:

3.1.Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” Ҳаракатлар стратегияси бўйича таъминот жараёнларини оптималлаштириш моҳияти ва ва аҳамияти.

3.2. Таъминот жараёнини бошқариш бўйича “Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

3.3. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш борасида таъминот жараёнини бошқаришнинг асосий чора-тадбирлари

3.1.Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” Ҳаракатлар стратегияси бўйича таъминот жараёнларини оптималлаштириш моҳияти ва ва аҳамияти.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги

хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили” деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган тегишли Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган курилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” ва “Yoshlar – kelajagimiz” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, жумладан ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишлари очилгани ва қабул квоталари оширилгани туфайли олий таълим олиш имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан ундириладиган давлат

мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

Солик маъмуриятчилигининг моҳияттан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпdir.

Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456 та лойиха амалга оширилмоқда.

2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 1 080 та лойиха бўйича 52 миллиард АҚШ долларига teng келишувларга эришилди.

Шу билан бирга, халқ билан очик мулоқот ва амалга оширилган ишларнинг танқидий таҳлили натижалари инвестицияларни фаол жалб этиш ва ижтимоий ривожланиш вазифаларини самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

Йўлларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар.

Давлат аҳамиятидаги ҳамда маҳаллий йўлларни қуриш, таъмирлаш	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси	1,7 трлн сўм 94,5 млн АҚШ доллар	Давлат бюджети маблағлари Халқаро молия институтла	Бунда 2019 йилда 46,2 км халқаро, 18,7 км давлат аҳамиятидаги, 60 км намунавий қишлоқ аҳоли пунктлари ва хизмат уйлари,
--	---	----------------------------------	--	---

ва реконструкци я қилиш.	Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари	и	хорижий хукуматлар молия ташкилотла ри маблағлари	шунингдек 65 км эркин иқтисодий, кичик саноат, эркин саноат иқтисодий ва эркин иқтисодий фарм зоналар ва 35,6 км маҳаллий йўлларни қуриш, таъмилаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.
---	---	---	--	---

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, 1 февраль куни “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

Мазку қарорга асосан Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди.

Бу ўз навбатида ҳозирги пайтда мамлакатда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг муҳим омилларини белгилаб берди.

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали давлат томонидан тартибга солиш вазифасини амалга оширади;

Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва инвесторлар ишончини

оқлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июнь	Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви ва уларга жалб қилинадиган инвестициялар йўналишлари; юқори технологияли ишлаб чиқаришни талаб этадиган тўғридан- тўғри инвестиция жалб қилиниши лозим бўлган соҳаларни белгилаш ва уларни қўллаб-куватлаш механизмлари; жалб этиладиган инвестицияларнинг соҳа ва ҳудудлар кесимида манбаларини шаклларини белгилаш назарда тутилади.
---	--------------------------	---	--

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

Транспорт-логистик хизматларини кўрсатиш тузилмаси авваламбор, тузилманинг энг юқорисида интермодаль, кейин мультимодаль, ундан кейин юнимодаль регионалараро ташишлар, кейин вилоятлар ва шаҳарлар миқёсидағи ташишлар, энг охирида эса алоҳида транспорт ташкилоти ҳисобланмайдиган корхоналар тасарруфидаги транспорт воситаларида бажариладиган юк ташишлар кўзда тутилади.

Республикамизда ташкил этилган ва режалаштирилган логистика марказларининг истеъмолчиларга транспорт хизматини кўрсатиш қуидагиларни бажарилишини таклиф этади:

- ♣ товар (юк)лар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни тегишли тарзда ўрам (упаковка) воситаларини танлаш;
- ♣ упаковкадаги юк пакетларига тегишли ёзувлар ва белгилар киритиш, яъни тамғалаш;
- ♣ маҳсус таралардан фойдаланишни кўзда тутиш, уларга тегишли белгилаш ва кодларни киритиш, юк бирликларини шакллантириш, юкларни пакетлаштириш ва контейнерлаштириш;
- ♣ самарали ташиш тури ва воситаларини танлаш;
- ♣ транспорт воситаларига юк ортиш ва тушириш ишларини бажаришда рационал технологияларга амал қилиш;
- ♣ юк омбори ва терминалларда товарларни рационал жойлаштириш, уларни ҳисобга олиш ва захираларни шакллантириш;
- ♣ замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- ♣ илмий-тадқиқот ишлардан фойдаланган ҳолда инновациялар яратиш ва амалиётга қўллаш. Замонавий логистик марказлар товар ва йўловчиларни манзилга етказиб беришда иштирок этувчи транспорт турларини сони бўйича юк ташиш тизими юнимодаль(бир турли), мультимодал ва интермодал(кўп турли) транспортда ташиш кўринишга эга бўлиш керак.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидагилар транспорт тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

-халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

-транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

-бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илгор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва баҳтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва худудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илфор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш мақсадида қуидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ички йўлларини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича

амалий чора-тадбирлар

Шахар кўчалари ва бошқа аҳоли пунктларининг ички йўлларини капитал ва жорий таъмирлаш.	Йил давомида	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	250 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Бунда қишлоқ, шаҳар, шаҳар посёлкалари ва овул йўлларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга oshiрилади.
---	-----------------	---	--------------------	---------------------------------	---

Магистрал телекоммуникация транспорт тармоқларини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар.

Магистрал телекоммуникация транспорт тармоқларини кенгайтириш.	Йил давомида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришиш вазирлиги	Хисобкитобларга асосан	Ижрочилар, Ахборот-коммуникация технологияла ривожлантириш жамғармаси ва халқаро молия институтлари маблағлари	Бунда: “Ўзбектелеком” АК магистрал телекоммуникация тармоғи ўтказувчанлигини вилоят марказларигача 100 Гбит/с дан 400 Гбит/с гача, туман марказларигача 10 Гбит/с дан 100 Гбит/с гача ошириш чоралари кўрилади.
---	--------------	--	------------------------	--	--

Мазкур ягона минимал стандартлар билан, транспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиш тезлиги, техник ҳолатини масофадан кузатиш ва автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқиш олдидан техник кўрикдан ўтишини ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишини назорат қилиш имкониятини яратувчи, транспорт ташишлари борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда ташиш жараёнларини бошқариш тизими қисмида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш бўйича асосий талаблар ўрнатилади.

Транспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиш тезлиги, техник ҳолатини масофадан кузатиш ва автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқиш олдидан техник кўрикдан ўтишини ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишини назорат қилиш имкониятини яратувчи ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ва электрон тизим архитектураси мижоз-сервер принципида амалга оширилади.

3.2. Таъминот жараёнини бошқариш бўйича “Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'rzasida Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbarni – bu Bosh vazir yoki uning o'rnbosarlari bo'ladimi, hukumat a'zosi yoki hududlar hokimi bo'ladimi, ular faoliyatining kundalik qoidasi bo'lib qolishi kerak. Ana shu talabni, shuningdek, 2017-2021 yillarda O'zbekistonni yanada rivojlantirish bo'yicha Harakat strategiyasi loyihasini keng muhokama qilish davomida kelib tushgan takliflarni inobatga olgan holda, 2017 yil uchun mo'ljallangan iqtisodiy va ijtimoiy dasturning o'n bitta eng muhim ustuvor vazifasini belgilashni taklif etaman. Endi har birimiz, eng avvalo, davlat boshqaruvi organlari rahbarlarining vazifasi – o'zimiz mas'ul bo'lган soha va tarmoqda ishlarning ahvolini tanqidiy baholash asosida zimmamizga yuklatilgan vazifalarni mas'uliyat bilan bajarishni ta'minlashdan iborat "Nol" qiymati bo'yicha 1 ming 27 ta ob'ekt sotilgan. Albatta, bu yaxshi, biroq nima uchun ularning ko'pchiligi, ba'zilarini hisobga olmaganda, ishga tushirilmagan va vayrona holida yotibdi? Biz ularning o'rniga nimani tashkil etdik, qanday quvvatlar va ishlab chiqarishlar barpo etildi, qancha odam ish bilan band.

Nima uchun sotilishi lozim bo'lган 119 ta akstiyadorlik jamiyatidan faqat yarmining 15 foizlik ulushi xorijiy investorlarga sotilgan.

Bo'lib o'tgan muhokamadan so'ng O'zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoev majlisga yakun yasab, quyidagi fikrlarni ta'kidladi “–Aziz do'stlar, hozir sizlar bilan belgilab olgan maqsad va vazifalarga erishish uchun ishimizni yangicha asosda tashkil etib, har birimiz o'z joyimizda mas'uliyatni chuqur his qilib, qattiq ish olib borishimiz kerak



“Bugungi majlisda bildirilgan barcha tahliliy va tanqidiy fikrlar ertangi kun uchun, yangi marralarni egallashimiz uchun mustahkam zamin bo’lib xizmat qiladi. Hammamizga bir haqiqat ravshan bo’lishi lozim: biz mavjud rivojlanish sur’atlari bilan o’z oldimizga qo’ygan yuksak maqsadlarga erisha olmaymiz. Bugun

**2017-2021 yillarda
O’zbekiston Respublikasini
rivojlantirishning beshta ustuvor
yo’nalishlari bo’yicha
HARAKATLAR STRATEGIYASI**

zamon o’zgarmoqda, uning talabi, oldimizga qo’yayotgan vazifalari tobora ortib bormoqda. Mana shunday murakkab sharoitda “Sen – menga tegma, men – senga tegmayman” degan kayfiyat bilan ishlashning vaqtি o’tdi. Biz “vaziyat yomon, vaziyat og’ir” deb bahona qidirishga o’rganib qolganmiz. Lekin shu vaziyatni kim o’zgartiradi, kim izga soladi, degan savolni, keling, o’zimizga beraylik. Vaziyatni o’zimiz, o’z aql-zakovatimiz, mehnatimiz bilan o’zgartirmasak, hech kim chetdan kelib bu ishni biz uchun qilib bermaydi. Bugun bu majlisda hamma narsa o’z nomi bilan aytilib, iqtisodiyotimizdagi mavjud ahvol xolis tahlil qilindi, kelgusi rejalar belgilab olindi. Eng muhim vazifamiz – mamlakatimizda tinchlik va farovonlikni mustahkamlash, odamlarni, xalqimizni hayotdan rozi qilishdan iborat. Buning uchun el-yurtimiz avvalo biz – rahbarlarning faoliyatidan rozi bo’lishi kerak. Buning uchun har bir rahbar o’z aravasini o’zi tortishi, o’z sohasidagi ishlarning ahvoli uchun o’zi shaxsan javob berishi kerak. Shundan keyin jamiyatimizda o’zgarish bo’ladi, rivojlanish bo’ladi.³

1.2. 2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishlari bo’yicha harakatlar strategiyasi doirasida korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda akstiyadorlarning rolini kuchaytirish maqsadlari

2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishlari bo’yicha harakatlar strategiyasi doirasida korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda akstiyadorlarning rolini kuchaytirish maqsadida harakatlar strategiyasining 3-bo’lim, 4-bandida quyidagi masalalar ko’rib o’tilgan:

³ www.uzau.uz <http://www.press-service.uz/uz/news/5451/>

3.4. Iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uni ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirishga qaratilgan institustional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish:

- xususiy mulkning huquq va kafolatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlash, barcha turdag'i to'siq va cheklowlarni bartaraf etish, xususiy tadbirkorlik va kichik biznes rivojiga to'liq erkinlik berish, «Agar xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va kuchli bo'ladi» degan prinsipni amalga oshirish;
- kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni keng rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik tuzilmalarining faoliyatiga davlat, nazorat va huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan noqonuniy aralashuvlarning qat'iy oldini olish;
- davlat mulkini xususiylashtirishni kengaytirish va uning tartib-taomillarini yanada soddallashtirish, xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning ustav jamg'armalarida davlat ishtirokini kamaytirish, davlat mulki xususiylashtirilgan ob'ektlar bazasida xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish;
- investistiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlariga va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investisiyalarni faol jalg qilish;
- korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda akstiyadorlarning rolini kuchaytirish;
Узок даврга мұлжалланған башоратлар ҳар хил транспорт турлари фаолиятини мувофиқлаштирилған равища режалаштиришнинг асоси ҳисобланади. Мавжуд транспорт тармоғидаги ташишларни мувофиқлаштиришнинг йил чоракларига тақсимланған йиллик режалаштирилишидір.



5.3- расм. Етказиб бериш жараёнининг боскичлари ва бошкарилиши

Юк тасиши йиллик режаларининг лойиҳалари юк жүнатувчиларнинг тегишли компаниялар ва конфернларга ҳамда айни вақтда Ўзбекистон миллий темир йўл компанияси, дарё кемачилиги ва автомобилларда тасиши уюшмалари ҳамда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авивкомпаниясига тақдим этадиган буюртмалари асосида ишлаб чиқилади. Бир қанча корхоналар (уюшмалар, концернлар ва ҳоказо)ни бирлаштирувчи худудий ташкилотлар мавжуд бўлганида буюртмалар ва юк тасиши режалари лойиҳалари шу ташкилотлар орқали тақдим этилади.

Шундай килиб, тасиши режасининг барча кўрсаткичлари компания (уюшма)ларда ва айрим вақтда транспорт худудий уюшмаларида жам бўлади. Бу режалар ва буюртмалар иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини текшириш юк тасиши режаларини ўзаро келишиб олиш имкониятини яратади.

Йиллик режалар лойиҳалари билан бир вақтда барча юк жўнатувчилар транспорт техник воситаларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари режасини ва норағионал ташишларга барҳам беришга қаратилган таклифларини тақдим этадилар.

Ташишнинг йиллик режаларини ишлаб чиқиша уларни рационализациялаш иши нормал ташишларнинг ишлаб чиқилган схемалари ҳисобга олинган ҳолда, режа, таъминот-сотиш ташкилотлари ва юк жўнатувчи компаниялар томонидан амалга оширилади. Бу ишда транспорт компанияси, уюшмалари ва уларнинг худудий корхоналари фаол ролқ ўйнайди. Истиқболли режалаштиришда бу мақсад учун одатда лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари бажарадиган маҳсус ҳисоб-китоб ишлари ўтказилади.

Ташишни квартал бўйича режалаштириш кварталларга бўлинган ва тасдиқланган йиллик режа ҳамда юк жўнатувчиларнинг аниқланган буюртмалари асосида амалга оширилади. Бунда туманлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш режаларида аввал тасдиқланган режаларга нисбатан содир бўлган ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Квартал режаларда шунингдек юк ташиш бўйича ҳукumat қарорларида кўзда тутилган айrim қўшимча топшириқлар ҳам ҳисобга олинади.

Барча транспорт турлари учун бир хил бўлган йиллик режаси ишлаб чиқиши тартибидан фарқли ўлароқ, квартал бўйича режалаштириш ҳар бир транспорт тури учун айrim хусусиятларга эга. Масалан, темир йўл транспортида режа ишлаб чиқища юклар марказий тарзда режалаштириладиган ("Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси) ва жойларда (йўлларда) режалаштириладиган турларга ажратилади.

Зарур ҳисоб-китоб билан асосланган режалаштиришнинг барча босқичларида ташиш учун тузилган режа-буюртмаларда қўйидагилар кўрсатилади:

-темир йўл транспорти бўйича—йиллик ва йил чораги режалари учун ўртача бир суткалик ташишларнинг тонналар ва вагонлардаги ҳажми ҳамда юк жҳнатиш темир йўл бўлимлари номи;

-кенгайтирилган ойлик режалар учун—етказиб келтириш темир йўл бўлимлари номи, маҳаллий алоқа йўлларида эса етказиб келтириш бекатлари номи ҳам кўрсатилади;

-дарё транспорти бўйича—ташишларнинг тонналардаги ҳажми, уюшмалар номи ва жҳнатиш ва етказиб келтириш жойлари;

-автомобиль транспорти бўйича—ташишларнинг тонналардаги ҳажми, жҳнатиш ва етказиб келтириш жойлари номлари;

-ҳаво транспорти бўйича—ташишларнинг тонналардаги умумий ҳажми, жҳнатиш ва етказиб келтириш жойлари.

Тўғридан-тўғри ва аралаш ташиш алоқа йўлларида, яъни икки ёки бир неча (иккита) транспорт турлари иштирокида юк ташишни режалаштириш тегишли турдаги юкларни ташишнинг умумий режаси ҳисобига амалга оширилади.

Ташқи савдо обороти режалари бўйича экспорт-импорт юклар ташиш ишларини бажаришда темир йўл транспорти ҳзаро, айниқса аниқ ҳаракат қилиши лозим. Экспорт юкларини ташиш режаси бу ёки у турдаги маҳсулотни ташиш умумий режасининг узвий қисмидир. Бундай ташишлар тегишли чет эл темир йўллари билан албатта келишиб олиниши керак.

Ташиш режаларида, одатда, юк ортиб жҳнатиш йил чораклари ва ойлар бўйича нисбатан бир маромда олиб борилиши кхзда тутилади. Лекин бунда маҳсулот етказиб бериш албатта чет эл давлатлари билан тузилган шартномалар ва келишувларда кхзда тутилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Экспорт юклар ташишни режалаштириш темир йўл транспорти Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги режа буюртмалари асосида амалга оширилади. Режа-буюртмаларда режалаштирилаётган йўл учун ташишларнинг умумий ҳажми, юк турлари, чет элга жҳнатиш ва етиб келиш бекатлари ҳамда портлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади. Чегара бекатлари орқали келиб тушадиган импорт юкларни темир йўл транспортида ташишни режалаштириш Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазирлиги буюртмалари асосида амалга оширилади.

Ташиш ишларини оқиллаштириш мухим аҳамиятга эгадир. Ташиш ишларини оқиллаштириш дейилганда истеъмолчиларни етказиб берувчиларга бириктиришни оптималлаш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришда транспорт воситаларини тўғри ҳисобга олиш, бутун транспорт жараёнини такомиллаштириш тушинилмоғи керак. Ташиш ишларини оқиллаштириш транспортга қилинадиган харажатларни тежашнинг энг катта резерви ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, истеъмолчи жойларни ишлаб чиқариш жойларига бириктириб қўйишдаги камчиликлар туфайли ҳтказиладиган ортиқча ташишлар юклар турига қараб 2 дан 20 фоизгача миқдорини ташкил этади.

Ташиш ишларини илдам режалаштиришда, оқилона бҳлмаган, жумладан, қарама-қарши ва ортиқ даражада олис ташишларга барҳам беришда айрим юклар учун меъёридаги юк оқимларининг олдиндан тайёрланган схемалари катта роль ўйнайди.

Хозир меъёридаги юк оқимлари схемаларини ишлаб чиқиша математик усууллардан ва электрон-ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланилмоқда.

Корреспонденцияларни, шунингдек юк оқимларини барча транспорт турлари бўйича камраб олишда схемаларнинг комплектли бҳлишини аниқлаш учун худудий бирликлар масаласини ишлаб чиқиш жуда мухимдир, чунки схемалар ҳозирча нефть юклари схемалари ҳисобга олинмаган ҳолида фақат темир йўл транспорти бўйича тузилмоқда.

Республикасининг қонун хужжатлари ҳамда ҳалқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш таъқиқланиши мумкин.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиш тақиқланган товарлар ва транспорт воситалари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ёки ҳалқаро шартномаларида бу товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилмаган бўлса, дархол Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси худудига қайтарилиши шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқиб кетишни ёки қайтаришни олиб ўтаётган шахс ёхуд ташувчи ўз ҳисобидан амалга оширади. Товарлар ва транспорт воситалари дарҳол олиб чиқиб кетилмаган ёки қайтарилмаган тақдирда улар божхона органига қарашли бўлган омборга вақтинча сақлаш режими остида жойлаштирилади. Сақлаш муддати уч сутка бўлади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишдаги чекловлар ҳалқаро мажбуриятлардан, ички бозорни ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек чет давлатлар ва улар иттифоқларининг ҳуқуқни камситувчи ёки Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларига жавоб чораси тариқасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган чекловлар жорий этилиши муносабати билан товарларни олиб ўтаётган шахс ёхуд ташувчи қиласидан ҳаражатлар божхона органлари томонидан тўланмайди.

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш жойи ва вақтибожхона органлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, шу жумладан товар сифатида олиб ўтиладиган транспорт воситалари божхона органлари белгилайдиган жойларда тўхтатилади. Бу талаб бажарилмаган тақдирда, божхона органлари транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурлаб тўхтатишга ҳақли. Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш муддати ва жойи божхона органлари томонидан ташувчи билан биргаликда аниқланади. Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш муддати божхона назорати ва божхона расмийлаштируви манфаатларига зид тарзда қисқартирилиши мумкин эмас.

Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш жойларидан жўнатиб юбориш божхона органининг рухсати билан амалга оширилади. Транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона

чегарасидан ўтиш жойи ва вақти ташувчи томонидан тегишли божхона органи билан келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси валютасини ва валюта бойликларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш қонун ҳужжатларига мувофиқа амалга оширилади.

Жисмоний шахслар нотижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарларни божхона чегараси орқали қонун ҳужжатларида назарда тутилган соддалаштирилган, имтиёзли тартибда олиб ўтишлари мумкин. Товарларнинг нимага мўлжалланганлиги уларнинг хусусиятлари ва миқдорига, товарларни олиб ўтиш такрорланиб туришига қараб, жисмоний шахснинг сафари қандай вазиятда кечаётганлигини ҳисобга олиб белгиланади.

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиб, шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан факат шу мақсадда, ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга божхона тўловларини тўлашни ҳамда Божхона Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талабларни бажаришни шарт қилиб қўйган ҳолда йўл қўйилади.

Назорат учун саволлар:

1. Товар моддий захираларни шакллантиришнинг асосий манбаларини изоҳлаб беринг.
2. Товар моддий захираларнинг харакати ва улардан фойдаланиш хисоби аудитини тушунтиринг.
3. Меъёр тушунчаси. Моддий ресурслар харажатларини меъёrlаш усууларини изоҳлаб беринг.
4. Таъминот жараёнларини бошқаришда ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш кўрсаткичларини кўрсатиб беринг.
5. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш чора-тартибларини тушунтириб беринг.

6-мавзу. Таъминот жараёнини бошқаришда ахборотлар тизими

РЕЖА:

6.1.Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти.

6.2. Тъминот жараёнларини бошқаришни амалга оширишда маълумот ва хабарларнинг турлари. Биринчи даражали ва иккинчи даражали маълумотлар ва уларнинг манбаи.

6.3.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилган лойиҳалар қўлами ва уларнинг натижалари

6.4.Мамлакатимизда халқаро логистика марказларини ривожлантиришда ахборт технологияларининг ўрни.

6.1.Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Натижада республикамиз 2019 йилда мобил алоқанинг ривожланиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи мамлакат қаторига қўшилди. 2018 йилда 2039,6 миллиард сўмлик алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатилди. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 129 %ни ташкил этди.

Мамалакатимиз ялпи ички маҳсулотида алоқанинг улуши 12,4 %га teng бўлди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошди. Ҳозирда улар сони 19 миллиондан ортиқdir. Ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобил телефон тўғри келар эди. Эндиликда бу кўрсаткич 600 донадан ошди.

Шунингдек, мамалакатимизда рақамли телефонлардан фойдаланувчилар ва рақамли телефон станциялар сони ортиб бормоқда. 2010 йилга келиб Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларида рақамли телефон станцияларнинг сони мос равишда 112, 108 ва 90 тани ташкил этмоқда. Андижон, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида рақамли телефон станцияларининг сони республикамиз бўйича энг оздир. Жиззах вилоятида жами 35 та, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса жами 45 та рақамли телефон станциялари мавжуд.

1-жадвал

2017-2018 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш

хизматларининг ортиши

	Рақамли АТС (дона)			Ҳар 100 аҳолига тўғри келувчи рақамли телефонлар		
	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати
Республика бўйича	450	1008	224%	5,7	6,8	119%
ҚҚ Республикаси	26	61	235%	4,74	4,92	104%
Андижон	27	45	167%	4,19	4,64	111%
Бухоро	41	81	198%	7,39	7,57	102%
Жиззах	17	35	206%	2,12	2,42	114%
Қашқадарё	23	83	361%	1,89	2,15	114%
Навоий	23	54	235%	7,09	7,59	107%
Наманган	30	90	300%	3,98	4,4	111%
Самарқанд	35	108	309%	3,94	4,27	108%
Сурхондарё	10	45	450%	1,30	2,65	204%
Сирдарё	27	46	170%	5,70	6,02	106%
Тошкент	53	112	211%	4,93	5,14	104%

Фарғона	38	76	200%	4,15	4,28	103%
Хоразм	27	78	289%	4,49	4,59	102%
Тошкент шаҳри	73	94	129%	14,48	28,47	197%

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, республика бўйича 2017 йилда жами 450 та рақамли телефон станциялари мавжуд бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1008 тани ёки ўша йилга нисбатан 224 %ни ташкил этди. Ушбу ҳолат рақамли телефонлардан фойдаланувчилар сонини ортишига олиб келди. Яъни 2017 йилга нисбатан 2018 йилда рақамли телефонлардан фойдаланувчилар сони 119 %га ўсади. Ҳар 100 кишига 2017 йилда 5,8 та рақамли телефон тўғри келган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 6,8 тани ташкил этди. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич энг юқори, яъни 28,47 тани, энг паст кўрсаткичлар, яъни Жиззахда 2,45 тани Қашқадарёда 2,15 тани ва Сурхондарёда 2,65 тани ташкил этди.

Мамлакатимизда рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ушбу жараён 2019 йилда ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

Республикамизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш жадал ривожланиб бормоқда. Дунё ахборот ҳамжамиятига teng хуқуқли аъзо сифатида қўшилиш, етакчи мамалакатлар билан ўзаро ахборот аламашиш, ахборот ресурсларидан teng хуқуқли шерикчилик асосида фойдаланиш албатта иқтисодиётимизни ривожланишига янгича туртки беради.


2016 йилда мамлакатимизда интернет хизматидан фойдаланувчилар умумий сони 6,6 миллион кишидан ошди. 2017 йилда ҳар минг кишига интернетдан фойдаланувчилар сони 96,8 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йил якунларига кўра 230 тадан зиёдроқни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчилар сонини ортиши ўз навбатида республикамизда ахброт-коммуникация соҳасини жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирлар натижасидир.



4-расм. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси (минг киши ҳисобида).


Манба: Давлат Статистика Кумитасининг маълумотлари асосида тайёрланган.

Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак.




5-расм. Интернет хизмати операторлари ва провайдерларининг умумий сони.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг равишда жорий этилиши нафакат бу соҳада хизматлар кўрсатиш даражасининг ортишига, балки шу билан бирга инвестицияларнинг кенг жалб этилишига ва янги иш ўринларининг яратилишига, мамлакат иқтисодиётининг ри вожланиши ва барқарор ўсиш суръатларига эришишга ҳамда, энг муҳими, барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ортишига олиб келади (6-расм).



6-расм. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

Кейинги йилларда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг кескин ошиши интернетдан умумий фойдаланиш пунктлари сонининг ортишига олиб келди. 2012 йилда республикамиз бўйича бор-йўғи 26 та интернетдан умумий фойдаланиш пунктлари мажуд бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 856 тани ташкил этди. 2018 йилда эса улар сони 1000 та етди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 116,8 %ни ташкил этди.



7-расм. Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктларининг сони

Шуниси эътиборга лойиқки, ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши мамлакатимизда электрон имзони жорий этилишига, шунингдек бу соҳанинг ҳукуқий-меъёрий асосларининг яратилишига сабаб бўлди. 2018 йилда электрон имзони қайд этиш марказлари сони 6 тага етди. Шундай марказларни

ташкыл этилиши ва йилдан-йилга сонини ортиши электрон имзодан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда электрон ҳужжат айланишини осонлаштиради.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.


Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хато йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасининг идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хато йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасининг идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Бундан ташқари электрон имзо учун бериладиган калитлар сони 2016 йилда 25000 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда берилган калитлар сони 50399 тани ташкил этди. 2016 йилга нисбатан бу кўрсаткич 201,5% ни ташкил этган.


Бундан ташқари электрон имзо учун бериладиган калитлар сони 2016 йилда 25000 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда берилган калитлар сони 50399 тани ташкил этди. 2016 йилга нисбатан бу кўрсаткич 201,5% ни ташкил этган.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, факт имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.



7-расм. Электрон рақамли имзони қайд этиш марказларининг сони.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.




7-расм. Электрон рақамли имзолар учун берилган калитлар сони.

Манба: Давлат Статистика Кумитасининг маълумотлари асосида тайёрланган.

Электрон рақамли имзонинг очиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланаган белгилар кетма-кетлиги.

Ўзбекистон Республикасида «www.uz» миллий ҳудудида фаол домен номларининг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2017 йилда уларнинг умумий сони 7595 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда улар сони 9550 тани ташкил этди. 2017 йилга нисбатан миллий домен номларининг сони қарийб 3 бараварга ортган.

Домен номи-бу интернет-сервери манзилини топишга ёрдам берувчи рамзий ном



9-расм. Ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимиға жорий этилиш ҳолати.

Ўзбекистонда 2017 йилда давлат бошқаруви органларининг компьютер техникаси билан жиҳозланганлик даражаси ҳар 100 нафар ходимга 68 тани ташкил этди. Давлат бошқарув органларида юқори тезликда ахборот алмашиш тизимлари 81% ни ташкил этган. Давлат бошқарув органлари ходимларининг компьютер техникасидан фойдаланиш даражаси 73% ни ташкил этди. Умумий хужжат айланиши ҳажмида электрон хужжат айланишининг улуши 22% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимиға жорий этилиши жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Республикамизда Интернет тармоғида давлат органлари веб-сайтларидан ўртача фойдалана олиш имконияти кенгайиб бормоқда. 2018 йилнинг 1-чорагига нисбатан шу йилнинг 4-чорагида давлат органлари веб-сайтларидан ўртача фойдалана олиш даражаси 6,5 %га ошган. Бу ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув органлари фаолиятида кенг жорий этилаётганини тасдиқлайди.

2017 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг ПРООН. ҳисоботига кўра электрон ҳукуматни жорий этишга тайёр мамлакатлар рейтинги аниқланган. Ушбу рейтингдан Ўзбекистон 0,4498 индекс билан 87 ўринни эгаллаган. 2008 йилда ушбу рейтингда Ўзбекистон 109 ўринда эди. Бир йилнинг ўзида Ўзбекистон ушбу рейтинг поғонасида 22 пунктга кўтарилган.

4-жадвал

Электрон ҳукуматни жорий этишга тайёрлик индекси

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1	Корея Республикаси	0,8785
2	АҚШ	0,8510
3	Канада	0,8448
МДХ		

46	Қозоғистон	0,5578
54	Украина	0,5181
59	Россия	0,5136
64	Беларусия	0,4900
80	Молдова	0,4611
83	Озарбайджон	0,4571
87	Ўзбекистон	0,4498
91	Қирғизистон	0,4417
100	Грузия	0,4248
110	Арманистон	0,4025
122	Тожикистон	0,3477
130	Туркманистон	0,3226

Манба: Давлат Статистика Кумитасининг маълумотлари асосида тайёрланган.

6.2.Бошқариш ишини амалга оширишда маълумот ва хабарларнинг турлари. Биринчи даражали ва иккинчи даражали маълумотлар ва уларнинг манбаи.

Моддий окимларни бошқариш бўйича асосланган карорни кабул килиш учун маълум даражадаги билимлар талаб килинади.

Моддий окимларни бошқариш, бошка ҳар кандай объектда бўлгани сингари, иккита кисмдан таркиб топади:

карор кабул килиш;

кабул килинган карорни амалга ошириш;

Моддий окимлар билан боғлик бўлган бевосита жараёнлардан (юклаш, тушириш, транспорт оркали ташиш ва ҳ.к) ташкари ўз ичига қуидагиларни олади:

турли хилдаги тижорат жараёнлари бўлиб, улар натижасида томонларнинг окимларнинг ўтиши ва уларнинг кўрсаткичлари ҳакида келишувлар вужудга келади;


юкларни олувчиларга транспорт экспедицияси хизматининг окилона шаклларини излаб топиш;

моддий оқимларнинг бориши юзасидан оқилона йўлларни, ҳамда уларнинг вактинчалик тўпланиш ва кўплаб бошқа ишлар юзасидан йўлларни аниклаш;

Моддий воситаларнинг бошқарилиши ушбу шакл бўйича барча ҳаракатларини катта иккита кисмга бўлиш мумкин:

-биринчи бўйлимда ишлаб чикириш-техникасига оид маҳсулотлар ҳаракатланади;

-иккинчисида халк истеъмоли буюмлари ҳаракат қиласди;



Rasm 1. Моддий ва ахборот оқимларининг тамоилиллик шакли

Бундай бошқариш цикларини ишлаб чикиш бўйича фаолиятлар логистикага оидdir; бинобарин аниклашларнинг каттагина гурухи логистикани фан сифатида ёки илмий йўналиш сифатида талкин киладилар; логистика ўзаро тартибга солувчи илмий йўналиш бўлиб, моддий оқимларнинг самарадорлигини оширишдаги янги

имкониятларни излаб топиш билан бевосита боғлангандир.

Амалга оширилаётган эҳтиёжлар асосида моддий таъминот захиралар ўз вақтида тўлдирилишини ва уларнинг, материаллар янги келиб тушишигача вужудга келадиган ҳар қандай эҳтиёжни қоплай оладиган даражада ушлаб турилишини назарда тутади. Қўйилган мақсадга биноан қўшимча буюртмаларни бериш вақтини аниқлаш муаммоси ҳал қилинади, буюртма миқдори ҳақида савол кўтарилилмайди.

Қўшимча буюртмаларни текшириш турларига ва хужжатлаштириш қоидаларига биноан моддий таъминотнинг икки хил услуги ажратилади, улар захираларни бошқариш тизимлари деб аталади.

Бу услублар:

- буюртмаларни ўз вақтида берилишини таъминлаш (захираларни бошқариш тизими, буюртманинг аниқ ҳажми билан);
- зарур тезликни (ритмни) таъминлаш (захираларни бошқариш тизими аниқ даврийлиги билан).

Айтиб ўтилган услублар доирасида бир қанча вариациялар мавжуд, улар омбор захираларини саклаш соҳасида олиб борилаётган сиёsat билан аниқланади.

Буюртмалар асосида моддий таъминот алоҳида ва бир қанча позициялар бўйича амалга оширилиши мумкин. Бир қанча позициялар бўйича моддий таъминот бир хил вақт оралиқларидан (масалан ҳафталардан) кейин амалга оширилади, бунда берилган давр бўйича келиб тушган аризаларни ҳисобга олган ҳолда битта умумий буюртма шакллантирилади.

Режадаги вазифалар асосида моддий таъминот. Бу услуг матерайларга бўлган эҳтиёжнинг детерминант ҳисобига асосланади. Бунда маълум даврда вужудга келадиган бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларни аниқлаш имконини берувчи маҳсулот структураси ҳамда қўшимча эҳтиёжларнинг маълум бўлиши назарда тутилади.

Режадаги вазифалар асосида хом ашё билан таъминлашда буюртмалар ҳажми **нетто эҳтиёждан** келиб чиқсан ҳолда аниқланади, бунда режалаштирилаётган келиб тушишлар ва омборда мавжуд материаллар миқдори ҳисобга олинади.

Нетто эҳтиёж деб режали давр давомида материалларга бўлган эҳтиёж тушунилади, бунда аксинча мавжуд захиралар ҳисобга олинади. У маълум муддат мобайнида омборда мавжуд захиралар билан брутто эҳтиёж ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Брутто эҳтиёж деб режали давр мобайнида материалларга бўлган эҳтиёж тушунилади, бунда омборда ёки ишлаб чиқаришда мавжуд захиралар ҳисобга олинмайди. Бу ҳисоб кетма-кетлиги 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.

Режадаги вазифалар асосида моддий таъминот (нетто эҳтиёжни аниқлаш)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот тартиби.
1.	Бирламчи эҳтиёж	-
2.	Иккиламчи эҳтиёж	-
3.	Кўшимча эҳтиёж	
4.	Умумий брутто эҳтиёж	[кат.1]+[кат.2]+[кат.3]
5.	Омбордаги захиралар	-
6.	Кўзланган захиралар	-
7.	Режалаштирилаётган келиб тушишлар	-
8.	Мавжуд захиралар	[кат.5]-[кат.6]+[кат.7]
9.	Цех захираси	-
10.	Нетто эҳтиёж	[кат.4]-[кат.8]+[кат.9]

Материалларга буюртмалар фақатгина умумий эҳтиёж мавжуд захиралардан ошса берилади.

Материалларга бўладиган эҳтиёжларнинг турлари. Хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёж деб мавжуд буюртмани ёки белгиланган ишлаб чиқариш дастури бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган уларнинг миқдорини маълум муддатга етказилиши тушунилади.

Маълум давр давомида вужудга келадиган материалларга эҳтиёж даврий эҳтиёж деб аталади. У бирламчи, иккиламчи ва учламчи эҳтиёжлардан иборат.

Бирламчи эҳтиёж деб сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотларга, боғловчиларга ва деталларга ҳамда харид қилинадиган эҳтиёт қисмларига бўлган эҳтиёж тушунилади. Бирламчи эҳтиёж ҳисоби математик статистика ва башорат қилиш услублари ёрдамида амалга оширилади, бу услублар кутилаётган эҳтиёжни аниқлаш имконини беради. Эҳтиёжларни нотўғри баҳолаш ёки ноаниқ башорат қилиш хавфи суғурта захирасини ошириш йўли билан қопланади.

Бирламчи эҳтиёж савдо – сотиқ соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда моддий оқимларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Саноат корхоналари учун бирламчи эҳтиёжни иккиламчи ташкил этувчиларга ажратиш лозим.

Иккиламчи эҳтиёж деб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларга, деталлар ва хом ашёга бўлган эҳтиёж тушунилади.

Мисол .

Мебель фабрикаси ошхона мебели учун столлар ишлаб чиқаради. Столда идиш ювиш мосламаси жойлаштирилади, у ўз ўрнида иссиқ ва совуқ сув крани билан комплектланади.

Идиш ювиш мосламаси ва смесителларга бўлган эҳтиёж иккиламчи деб аталади, чунки у бирламчи эҳтиёж (иш столлари миқдори)дан келиб чиқади. Агар идиш ювиш мосламалари ва смесителлар савдо – сотиқ тармоғига зарур эҳтиёт қисмлар сифатида етказилса, унда бу маҳсулотларга ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи эҳтиёжлар ўринли бўлади.

Иккиламчи эҳтиёж ҳисобида қуйидагилар берилиши кўзда тутилади: ҳажм ва муддатлар тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган бирламчи эҳтиёжлар; ўзига хослиги ёки қўлланилиши ҳақида маълумотлар; қўшимча етказиб бериш имконининг мавжудлиги; корхонанинг қўл остида бўлган материаллар миқдори. Шунинг учун иккиламчи эҳтиёжларни аниқлаш учун ҳисобнинг детерминант услублари қўлланилади. Агар ўзига хос жиҳатларнинг йўқлиги ёки материалларга бўлган эҳтиёжнинг камлиги натижасида бу услубни қўллаб бўлмаса, у холда хом

ашё ва материаллар ҳаракати ҳақида маълумот асосида эҳтиёжлар башорат қилинади.

Учламчи эҳтиёж деб ишлаб чиқаришни ёрдамчи материалларга ва эскирувчи мосламаларга бўлган эҳтиёжи тушунилади. У иккиламчи эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда материалларни ишлатиш кўрсаткичлари асосида аниқланади (эҳтиёжларни детермирантлар орқали аниқлаш), бунда мавжуд материаллар ҳаракати асосида статистик хисоблар олиб борилади ёки экспертели йўналишлар ишлатилади.

Мавжуд харажатлар ҳисобидан келиб чиқсан ҳолда материалларга брутто ва нетто эҳтиёжлар ажратилади.

Брутто эҳтиёж деб режали давр мобайнида материалларга бўлган эҳтиёж тушунилади, бунда омборда ёки ишлаб чиқаришда мавжуд захиралар ҳисобга олинмайди.

Нетто эҳтиёж деб режали давр давомида материалларга бўлган эҳтиёж тушунилади, бунда аксинча мавжуд захиралар ҳисобга олинади. У маълум муддат мобайнида омборда мавжуд захиралар билан брутто эҳтиёж ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

6.3.Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилган лойиҳалар кўлами ва уларнинг натижалари

Президентимиз Олий мажлисда сўзлаган маъruzасида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасини янада жадаллаштиришга алоҳида урғу берилди. Умуман олганда, бу соҳа давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади ва бу борада аниқ устувор вазифалар белгилаб олинган.

Шунингдек, ҳозирги вақтда ҳалқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Ҳалқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш “Кореан Эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари

географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

ахборотлаштиришнинг миллий тизимини ривожлантириш:

иктисодиётни барча тармоқ ва соҳаларида, шунингдек жамият ҳётида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва жорий этиш;

фуқароларни ахборотга оид бўлган эҳтиёжини қондириш;

жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шароитларни яратиш.

1-расм. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасидаги устувор вазифалар.

Ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш асносида миллий ахборот тизимини ривожлантириш давлат органлари, идоралар, тармоқлар ва бошқа таркибий тузилмалар орасидаги ахборот алмашинувини яхшилаш, уларнинг интеграция даражасини ва бошқарув самарадорлигини оширишга имкон беради.

давлат органлари ўртасида ахборот тизимларини ўзаро алоқаларини таъминлайдиган меъёрлар, қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқиш;

миллий ахборот тизимлари дастурий-техник инфратузилмасини ривожлантириш;

тармоқ, ҳудудий ва миллий ахборот тизимлари доирасида ташкилотлар ахборот тизимларининг интеграциялашувини таъминлаш;

идоралараро ва ички электрон ҳужжат айланиш тизимларини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

давлат интерфаол хизматларини тақдим этиш бўйича ягона технологик қарорни амалга ошириш бўйича техник ёрдам кўрсатиш.

2-расм. Миллий ахборот тизимини ривожлантириш вазифалари.

Манба: 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига (ПҚ-1442, ПҚ-1446) асосида тайёранган.

Мамлакатимизда 2017 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ

таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2017 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-хунар колледжларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2018 йилгача мамлакатимизнинг барча худудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2017 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан қамраб олишни 23 фоиздан 37 фоизга ошириш, шунингдек, “Навоий” эркин индустрисал-иктисодий зонасида рақамли телевидение учун маҳсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донага етказиш вазифаси топширилади. 2018 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини Япония ва Германиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган ЭНГ замонавий мультимедиа техникаси билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширишни таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда ПҚ-1442 сонли Қарори доирасида, 2011-2015 йилларда:

Молиялаштириш манбалари аниқланган лойиҳалар рўйхати бўйича:


- 29,4 млрд. АҚШ доллари қийматига эга 259 та йирик тармоқ лойиҳалари,
- 642,2 млн. АҚШ долларига teng 1064 та худудий лойиҳаларни амалга оширилиши режалаштирилган.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига (ПҚ-1442, ПҚ-1446) кирган лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларида газ ва сув тармоқларини қуриш лойиҳаларига алоҳида ўрин берилган.

Мазкур лойиҳалар ичида қиймати 2978,6 миллион АҚШ долларига teng бўлган, йиллик газ ўтказиш қуввати 30 миллиард кубни ташкил этувчи

“Ўзбекистон-Хитой” газ қувурини қуриш лойиҳаси, шунингдек қиймати 15,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги техник сувни йифиш ва чучуклаштириш иншоотини қуриш лойиҳаси ва қиймати 81,0 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг газ еткзиг бериш (траспортировка) тизими бўйлаб технологик алоқа ва бошқарув тизимини таъминланганлигини лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантиришда газ таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса йилдан-йилга мамлакатимиз худуди бўйлаб кенг ёйилиб бораётган газ тармоқларининг узунлиги ўсиб бормоқда. 2018 йилда ҳам ушбу газ тармоқларини 1000 км қуриш режалаштирилган. 2014 йилда жами газ тармоғининг узунлиги 124,9 минг км.га етказилган.



3-расм. Газ тармоқларининг ўсиши (минг.км.).

Манба: 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига (ПҚ-1442, ПҚ-1446) асосида тайёрланган.

Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида янги иш ўринларини барпо этилаётгани ва ахолининг ушбу соҳалардаги бандлигини ошиб браётгани ҳам ижобий ютуқлардан ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2018 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши сифатида эътироф этилиши шубҳасиздир. 2018 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини, асосан, қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Бу иш жойларининг 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилиши ҳам аҳамиятга моликдир.

6.4.Мамлакатимизда ҳалқаро логистика марказларини ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни.

Моддий воситалар оқимининг ҳаракат натижалари ахборот оқимларининг ҳаракатини гашкиллаштириш билан бевосита алокада бўлади. Кейинги ўн йилликларда факатгина самарали бошкарув имкониятларининг кучли ахборот оқимлари соҳасида амалга оширилипш моддий воситалар оқимини бошкариш юзасидан бевосита масалаларни ҳал этишп имкониятларини қдэатади.

Логистик жараёнлардаги ахборот таркибининг юкори баҳоланиши логистиканинг маҳсус бўлимими-ахборот логистикасини ажратилишига сабаб бўлди. Бу ердаги тадқикот обьекти ахборотлар тизими бўлиб, улар моддий воситалар отрвдини бошкаришни таъминлайди, кичик жараёнлар бўйича техникалар, ахборот технологияси ва бошка ахборот оқимларини ташкил қдаштиршп билан боғлик масалалар билан пгуфулланилади.

Умуман олганда бирлашган ахборот тизимларининг афзалликлари куйидагилардан иборатdir:

- ахборотларни алмаштириш тезлиги ортади;
- ҳисоб китобларда хатоликлар сони анча камаяди;
- самарасш «коғозбозлик» ишарининг ҳажми камаяди;
- аввалда таркок бўлган ахборот блоклари бирга қўпгалади;

Логистик ахборот тизимларини ЭҲМ асосларида шакллантиришда маълум принципларга амал килиши лозим.

1. Аппарат ва дастурли модуллардан фойдаланиш принципи.

Аппарат модуллари дейилганда, радиоэлектрон аппаратнинг уйғунлаштирилган аппаратнинг уйғунлаштирилган вазифа доирасидаги, мустакил буюм сифатида бажарилган бўғини тушунилади.

Дастурни таъминловчи модул деб уйғунлашгирилган, маълум даражадаги мустакил, дастурли кисмни, ҳамда умумий дастур таъминотидага маълум вазифани бажарувчига айтилади.

Дастурли ва аппарат модулларидан фойдаланиш принципларига амал калиш куйидагиларга имкон яратади;

-бошкарувнинг турли боскичларида ҳисоблаш техникаси ва дастурлашни таъминлашнинг бир-бирига мослаштиришни таъминланди.

-логистик ахборот тизимиning самарали равишда фаолият кўрсатишини оширади;

-уларнинг кийматини пасайтиради;

-уларни шаклантиришни тезлаштиради;

2. Тизимни боскичма-боскич барпо этиш имкониятлари принциплари. ЭҲМ асосида таркиб топган логистик ахборот тизимлари, бажарувнинг бошка автоматлашган ривожланадиган тизимлар ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, лойихалашда автоматлаштириш объектларнинг сонини кўпайтириш имкониятларини доимо назарда тутиш, ахборот тизими вазифаларини ва ҳал этиладиган масалаларни амалга оширилиш таркибини кенгайтиришни назарда тутяш лозим.

Бунда шуни назарда тутиш лизимки тизимни барпо этишнинг боскичларини аниклаш, яъни биринчи навбатдаги вазифаларни аниклаш, логистик ахборот тизимиning кейинги ривожланишига ва унинг самарали фаолият кўрсатишга катта таъсир кўрсатади.

3. Учрашув жойини аник бслгилаш принципи. Учрашиш жойларида моддий воситалар ва ахборот окимлари корхона айrim бўлинмаларининг ҳукук доираси

ва масъулият чсгаралари оркали ёки мустакил ташкилотларнинг чегараларидан ўтади.

Учрашув жойларидаги тўсикларни силлик равишда логистиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

4. Ўзига хос талабларнинг аник кўлланиш нуктаи назаридан тизимнинг ихчамлик принциплари.

5. «Инсон–машина» муомаласида фойдаланувчилар учун тизимнинг кабул килиниши принципи.

Ижрочилик ахборот тизимларда моддий воситалар оқимини тезкор бошкариш амалга оширилади.

Бу тизимлар учун айникса ахборотларни мустаккамлаш ва моддий воситалар оқимининг ўтиш суръати бўйича ишлаш муҳимдир. Бунда вужудга келадиган масалаларни ҳал этиш кўпинча замонавий техника ва йиғиша, ишпатда ва ахборотлари аник вакт доирасида бериш тартибдаги технологиялардан фойдаланишдагина ҳал этиш имкониятлари мавжуд бўлади.

1-жадвал

Ягона ўзаро интеграциялашган ахборот тизимини шакллантириш амалий чора-тадбирлари

Экспортёrlа рни ташқи бозор конъюнктур асидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлар билиан таъминловч и ягона	2019 йил 1 сентябр ь	Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва	Бунда: ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси асосида хориж мамлакатларида жорий қилинган божхона тўловлари ва солиқ ставкалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш; ташқи бозорларда ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни, бозорларга кириш шарт- шароитларини, мавжуд чекловларни
--	-------------------------------	--	---

ўзаро интеграция лашган ахборот тизимини шаклланти риш.		коммуникациял арини ривожлантири ш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	доимий ўрганиш; ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ташқи савдо операцияларини кузатиш имкониятини берувчи “шахсий кабинет” яратиш назарда тутилади.
--	--	---	--

Тадбиркорликда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва Ўзбекистонда кичик бизнес билан шуғулланувчи корхоналарнинг логистик кўрсаткичлари. Ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тадбиркорлик фаолияти ягона иқтисодий ахборот макони яратилишидаги энг муҳим ечилиши керак бўлган муаммолардан биридир. Замонавий бизнес ахборот технологиялари тадбиркорлик ахбороти маълумотлар базаси ва банкidan ташкил топиб, булар жамиятнинг барча ахборот ресурслари билан узлуксиз тарзда боғланган бўлиши керак.

Ушбу иш доирасида, тадбиркорлар ахборот муҳитида Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари ўртасида олиб борилган тадқиқотлар, муваффақиятли бизнес учун нисбатан муҳим бўлган тадбиркорлик ахбороти секторларини аниqlаш имконини берди.

Ушбу 2-жадвалда тадбиркорлик ахбороти тўғрисидаги маълумотлар берилган бўлиб, у ёки бу ахборотни афзал кўришларига кўра, сўралганлар (%) да) жойлаштирилган.

2-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятида ахборотларга мазмунан қизиқишларнинг таснифланиши.

№	Ахборотлар рубрикаси	%
---	----------------------	---

1.	Хамкорлар ишончлилиги түғрисида	70
2.	Тадбиркорлик ахбороти манбалари түғрисида	56
3.	Нархлар ва нарх ҳосил бўлиши түғрисида	49
4.	Хўжалик шартномалари ва баҳслар, арбитраж тўғ.	45
5.	Банклар түғрисида	30
6.	Инвестиция компаниялари, фонdlар, биржалар тўғ.	35
7.	Ташқи иқтисодий фаолият түғрисида	30
8.	Кредит бозорлари ҳолати түғрисида	35
9.	Фонд, қимматли қоғозлар бозори ҳолати түғрисида	30
10.	Корхоналар, фирмалар (манзиллар, иш кўрсаткичлари) түғрисида	30
11.	Мулк бозори түғрисида	39
12.	Маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш бозори ҳолати түғрисида	26
13.	Республика иқтисодиётида чет эллик шериклар иштироки түғрисида	30
14.	Қонунчилик түғрисида	26
15.	Тадбиркорлик бирлашмалари, ассоциациялар тўғ.	24
16.	Маркетинг тадқиқотлари натижалари түғрисида	20
17.	Ислоҳотлар, санациялар, фирмалар тугатилиши тўғ.	24
18.	Реклама агентликлари түғрисида	20
19.	Аудиторлик фирмалари түғрисида	15
20.	Суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари тўғ.	16
21.	Тижорат таклифлари түғрисида	13
22.	Кўргазмалар ва ярмаркалар түғрисида	14

Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, ҳисобга олинган маълумот базаларининг (МБ) 84%и давлат секторига тегишлидир. Ҳозирги пайтда ишбилиармонлик ва тижорат ахборотлари МБ нинг шаклланиши ва ривожланиши иқтисодиётининг нодавлат секторида рўй бермоқда. Бугунги кунда юзлаб ахборот

маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва ахборот хизмати кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар ишлаб турибди.

Чет эл тажрибаларига қараганда, бу муаммони ечиш учун моддий оқим билан бўлган логистик операцияларда алоҳида юк бирлигини аниқлаш қобилиятига эга бўл-ган микропроцессорли техникани ишлатиш зарур. Гап, албатта, турли хилдаги штрих-кодларни «ўқий оладиган» ускуналар хақида. Ушбу ускуналар, логистик операция ха-қидаги ахборотни, у амалга оширилаётган вақтда ва жойда – хўжаликлар, саноат кор-хоналари, улгуржи базалар, дўконлар омборларида, транспортда – олиш имконини бе-радилар. Олинган ахборот вақтнинг реал миқёсида қайта ишланади, бу эса бошқарув тизимиға оптимал муддатларда жавоб қайтариш имконини беради.

Ахборотни автоматик тўплаш турли хилдаги штрих-кодларни ишлатишга асос-ланган, уларнинг ҳар бири ўз технологик устунликларига эга.

Масалан расмдаги ITF-14 коди ўз ихчамлилиги билан ажралиб туради ва товар партияларини кодлаш учун ишлатилади. Мазкур жадвалда турли мамлакатлар кодлари келтирилган.

3-жадвал.

EAN-13 ассоциацияси томонидан мамлакатларга берилган кодлар

Мамлакат	EAN	коди	Мамлакат	EAN	коди
АҚШ ва	Канада	00-13	Иордания	625	
Франция	30-37		Эрон	626	
Болгария	380		Финляндия	64	
Словения	383		Хитой	690-692	
Хорватия	385		Норвегия	70	
Босния ва	Герцеговина	387	Исройл	729	
Германия	400-440		Швеция	73	
Япония	45,49		Гватемала	740	
Россия	460-469		Салвадор	741	

Тайван	471	Гондурас	742	
Эстония	474	Никарагуа	743	
Латвия	475	Коста-рика	744	
Литва	477	Панама	745	
Узбекистан	478	Доминик	Респ	746
Шри-Ланка	479	Мексика	750	
Филиппин	480	Венесуэла	759	
Беларус	481	Швейцария	76	
Украина	482	Колумбия	770	
Молдова	484	Уругвай	773	
Армения	485	Перу	775	
Грузия	486	Боливия	777	
Казахстан	487	Аргентина	779	
Гонконг	489	Чили	780	
Буюк	Британия	50	Парагвай	784
Греция	520	Эквадор	786	
Ливан	528	Бразилия	789	
Кипр	529	Италия	80-83	
Македония	531	Испания	84	
Мальта	535	Куба	850	
Ирландия	539	Словакия	858	
Бельгия,	54	Чехия	859	
Португалия	560	Югославия	860	
Исландия	569	Турция	869	
Дания	57	Нидерланд	87	
Польша	590	Жанубий	Корея	880
Руминия	594	Таиланд	885	
Венгрия	599	Сингапур	888	

ЖАР	600-601	Индия	890
Маврикий	609	Вьетнам	893
Марокко	611	Индонезия	899
Алжир	613	Австрия	90-91
Тунис	619	Австралия	93
Сурия	621	Янги	Зеландия
Миср	622	Малайзия	955

Логистикада бошқа кодларга қўшимча равища 128-коди ишлатилиши ҳам мумкин. Ушбу код билан партия рақами, Ишлаб-чиқариш санаси, реализация муддати ва бошқалар кодланган бўлиши мумкин. Муомала соҳасида эса EAN коди кенг тарқалган, уни оммавий ис-теъмол товарларида тез учратиб туриш мумкин.

Қўшимча ахборот кодлаш учун бошқа кодлар билан ишлатилади.

Биринчи 3 та рақам мамлакат коди, иккинчи бта рақам корхона коди ва кейинги 3 та ракам маҳсулот коди. Охирги 1 та рақам контрол коди. Кодни тўғри ҳисобланга-нини кўрсатади.

Логистикада штрих кодларни автоматик аниқлаш технологиясини қўллаш, ло-гистик жараённинг барча босқичларида моддий оқимларни бошқаришни яхшилаш имконини беради. Унинг асосий устунликларини айтиб ўтамиз.

Ишлаб-чиқаришда:

- маҳсулотлар ва уларни бутловчи қисмларини ҳар бир участкадаги харакатини ва шунингдек умуман корхонадаги логистик жараённинг ҳолатини, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ягона тизими барпо этилиши;

- ёрдамчи персонал ва ҳисбот хужжатлар сонини камайиши, хатолар йўқолиши;

Омбор хўжалигига:

-моддий оқимни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилиши;

-моддий захираларни инвентаризациялаш жараёнини автоматлаштирилиши;

- моддий ва ахборот оқимлари билан бўладиган логистик операциялар вақтини қисқариши;

Савдо:

- моддий оқимни ҳисобга олишни ягона тизимини яратилиши;
- товарлар буюртмаси ва инвентаризациясини автоматлаштирилиши;
- харидорларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқариши.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди.

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш амалиётини ўрганиш уларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятининг етарлича самарали эмаслиги, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг суст ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда ва эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳиятли инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтиромоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органлари функцияларининг тақрорланиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишининг кечикишига олиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни

яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

-инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шахар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар худудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилади;

-эркин иқтисодий зоналар худудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили якунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиш белгиланади. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади;

-эркин иқтисодий зоналар худудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иктисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хulosаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади;

Марказнинг амалга оширилаётган лойиҳалар бизнес-режалари ёки уларнинг техник-иктисодий асосномалари бўйича хulosалар бериш муддатлари 20 календарь кунидан ошмаслиги лозим;

-маъмурий кенгашлар томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар худудида жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиши муддати Марказ томонидан хulosса бериш жараёни билан бирга 30 календарь кунидан ошмаслиги лозим;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви

товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади;

товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича Марказнинг хулоса бериш муддати 15 календарь кунидан ошмаслиги лозим;

эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар факат эркин иқтисодий зоналар худудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга татбиқ этилади;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг ташкилий-хуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансига «Навоий» эркин иқтисодий зонаси худудидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари обьектларини давлат улуши сифатида, шунингдек, «Навоий» эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан маркетинг, консалтинг, логистика, коммунал-маиший, меҳмонхона, таълим, суғурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси худудида соддалаштирилган виза режими ва ходимларни, шу жумладан чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш;

эркин иқтисодий зона қатнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекциясига қатнашчини кузатиш ва талабгорнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилади;

-инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар худудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик обьектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ролини белгилаш ва шу асосда лойихаларни танлаб олишнинг аниқ мезонларини, берилаётган имтиёзлар ҳамда давлат кўмагининг бошқа шаклларини белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар худудида зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан мұхандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлык даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқариш тизимини, шу жумладан дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона стандартларни белгилаш, күрсатилаётган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий компанияларга ишончли бошқарувга бериш йўли билан такомиллаштириш;

-буюртмачилар томонидан бирламчи маълумотларни Интернет тармоғи орқали рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритиш, шунингдек, лойиҳаларни муайян мезонлар асосида қатъий белгиланган аниқ автоматик алгоритм бўйича баҳолаш имконини берадиган, эркин иқтисодий зоналар худудида лойиҳаларни амалга ошириш учун аризаларни маъмурий кенгашлар томонидан қўриб чиқишининг электрон тизимини;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан тезкор назорат олиб бориши имконини берувчи эркин иқтисодий зоналар худудида инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишининг автоматлаштирилган тизимини;

-шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарори 12-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ягона порталининг янгиланган версиясини ишлаб чиқсин ва жорий этиш белгилаб берилган.

4-жадвал

2019 йилда эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

T/р	Тадбир номи	Часов бирл.	Ишлар жамни	Инвестициялар микдори (млн сўм)*
Жами:				102802,5
I.	Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш	км	127,3	61200
1.	«Навоий» ЭИЗда ички ва кириш йўлларини қуриш	км	6,4	5000
2.	«Ангрен» ЭИЗда А-373 айланма йўлни аввалги реконструқ. қилиш	км	6,7	9 200
3.	«Жиззах» ЭИЗда кириш йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш	км	7	3 000
4.	Ш. Рашидов туманидаги «Жиззах» ЭИЗнинг кенгайтирилаётган ҳудудида 2 та йўл кўприги билан кириш йўлларини қуриш	км	5,7	1 000
5.	«Ургут» ЭИЗда кириш йўлларини қуриш	км	65,1	15 000
6.	«Қўқон» ЭИЗ ҳудудининг «А» блокидаги ички автомобиль йўлларини қуриш	км	6,2	10 000
7.	«Қўқон» ЭИЗ ички автомобиль йўлларини қуриш	км	4,6	5 000
8.	«Ҳазорасп» ЭИЗ ҳудудидаги Питнак шаҳарчаси Ю. Шержонов массивининг 2-зонасида автомобиль йўл. қуриш	км	5,2	8 000
9.	Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп» ЭИЗ ҳудудидаги Амударё қишлоғининг 5-зонасида автомобиль йўл. қуриш	км	0,4	900

10.	«Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудига кириш йўлларини қуриш	км	1,5	1 000
11.	«Намуна» массивидаги «Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудига кириш йўлларини қуриш	км	5	2000
12.	«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудига кириш йўлларини қуриш	км	4,5	100
13.	«Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудига кириш йўлларини ва «Паркентсой» орқали кўприк қуриш	км	9	1 000

Манба: Ўз.Р Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон Фармонига 1-ИЛОВА

Назорат учун саволлар:

1. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.
2. Таъминот жараёнларини бошқаришни амалга оширишда маълумот ва хабарларнинг турлари нималардан иборат.
3. ТЖБда биринчи даражали ва иккинчи даражали маълумотлар ва уларнинг манбаларини изоҳланг.
4. Электрон рақамли имзо деганда нимани тушунасиз? Таъминот жараёнини бошқаришда унинг тутган ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.
5. Буюртмалар ҳажми аниқлашда брутто ва нетто нетто эҳтиёж деганда нимани тушунасиз. У қандай ҳисобланади?
6. Мамлакатимизда халқаро логистика марказларини ривожлантиришда ахборт технологияларининг ўрни ва ривожлантириш вазифаларини изоҳланг.

7-мавзу: Таъминот жараёнларини бошқаришда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси. Таъминот жараёнини бошқаришда омборхоналар техникаси ва технологияси

РЕЖА:

7.1. Таъминот жараёнини бошқариш технологиясини моҳияти ва аҳамияти, технологиясини тартиби ва зарурияти.

7.2.Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари ва устувор йўналишлари.

7.3.Таъминот жараёнини бошқаришда омборхоналар техникаси ва технологияси.

7.1.Таъминот жараёнини бошқариш технологиясини моҳияти ва аҳамияти, технологиясини тартиби ва зарурияти.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида ҳар биримизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат.

Шунингдек, 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017-йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг **муҳим устувор вазифаси белгилаб берилди.**

Энг муҳим вазифалар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг

асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойdevor бўлишлиги белгиланди.

Ана шу ишларнинг бош мақсади – фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчилаб кўриб чиқишини ва ҳал этишини таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги кампаниябозликни уюштириш керак эмас.

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиз эканлиги аниқлаб берилди.

Бунинг учун жойларга чиқиш, ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиктисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши зарурлиги белгилаб берилди.

Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаби бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймокда. Бу ўринда асосий муаммо, қуидагилардан иборат.

1.

- Birinchidan, ayrim idoralar va ularning rahbarlari real hayotdan va ularning ehtiyojlaridan ma'lum darajada uzilib qolmoqda

2.

- Ikkinchidan, tarmoq va hududlarni rivojlantirish konsepsiya va dasturlarini ishlab chiqishda yuzaki yondashuvga yo'l qo'yilmoqda.

3

•

- Uchinchidan, asosiy kamchilik ko'pchilik rahbarlarning murakkab muammolarini kabinetdan chiqmasdan, iqtisodiyot tarmoqlari, har bir korxonadagi, shahar va tumanlardagi, ayniqsa, qishloq joylardagi ishlar qanday ahvolda ekanini chuqur o'rGANmasdan, hal etishga odatlanib qolgani bilan bog'liq.

Манба: Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 34-б.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши белгилаб берилди.

Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган⁵.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 34-б.

Таъминот жараёнларини бошқаришда хом-ашё импорт қилиш 1,3 баробар кўпайган. Йирик ва ҳаётий муҳим лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари доимо барбод қилинмоқда. 40 минг киши ишлайдиган “Ўзтрансгаз” компанияси тизимида муддати ўтган дебитор қарздорлик 14 фоизга ошган.

иккинчи – нафақат жорий йилда, балки яқин 3-5 йилда фойдаланишга топшириладиган барча стратегик муҳим обектларни ўз вактида ишга тушириш даркор;

учинчи – нефт-газ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, импортни кескин камайтириш ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини ошириш учун қўшма корхона ташкил этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш зарур.

Автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган⁶.

Саноат соҳасида импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Экспорт салоҳиятини ва машинасозлик, автомобил ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалаларидағи мавжуд муаммо ва камчиликлар:

биринчи – автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, унинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини, енг аввало, яқин ва узок хорижий мамлакатлар бозорларида ошириш бо‘йича принсипал жиҳатдан янги тизим зарур

иккинчи – аҳоли учун мақбул нархда турли майший электротехника буюмлари ишлаб чиқаришни та’минлашимиз керак

учинчи – “О‘загротахсаноатхолдинг” аксиядорлик жамияти фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш ва бу о‘та муҳим тармоқнинг барқарор иш юритишни та’минлаш

то‘ртинчи – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий халқаро

⁶ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017.34-б.

стандартларга жавоб беришни та'минлаш учун бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача **10 фоизга қисқартирилган** бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айrim маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпти. Айrim корхоналар зарар билан ишламоқда.

Автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган. Бу нафақат саноат маҳсулоти ўсиш суръатига, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳада импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юқори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизимини тубдан қайта қуриш таъминланмаган. Бу тизим ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш ва фермер хўжаликлари меҳнатини энгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, айни вақтда мамлакатимиз валюта балансини тўлдириш бўйича кафолатланган манба бўлиши керак эди.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизатсия ва диверсификатсия қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат қўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвеститсия сиёсатини олиб бориш;
- фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартериш;

Корхонанинг транспорт ва омбор хўжалиги маълум шартларга асосан шартномаларда вақтлари ва оптимал маршрутлари белгиланганларига қараб истеъмолчига турли юкларни етказиш, омборда сақлаш ишлари учун ташкил қилинади.

- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимиға ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модрнизатсиялаш ва диверсификациялаш дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияси йўлларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма обектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди (1-расм).



1-чизма. Иқтисодиётни модрнизациялаш ва диверсификациялаш чоралар дастурини амалга оширишнинг устувор йўналишлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Таъминот жараёнини бошқариш технологиясини асосий воситалари - транспорт ва омбор хўжалиги ташкил қилиниши критерийлари асосий бўлиб, минимал баҳоларда, ўз вақтида ишларни сифатли бажариш ҳисобланади.

Таъминот жараёнини бошқариш технологиясида транспорт хўжалиги корхонанинг артерияси ҳисобланиб, у барча потокларни бир-бири билан боғлаб туради.

Транспорт операциялари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ички завод транспортини рационал ташкил қилиш ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартиришга, айланма воситалар айланишини тезлаштиришга, маҳсулот таннархини камайтиришда, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади.

Таъминот жараёнларини бошқаришда корхоналардаги мавжуд транспорт воситаларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- 1.Хизмат қўрсатиши бўйича цехлараро ва цех ичидағи транспорт воситалари;
2. Иш режимига боғлик ҳолда узлуксиз харакатдаги транспорт воситалари (конвейер системасидаги) ва даврий ҳаракатдаги воситалар (автомашиналар, аравачалар);
3. Ҳаракат йўналиши бўйича горизонтал, вертикал (лифтлар, элеваторлар) ва аралаш қўчирувчи транспорт воситалари(кранлар);
- 4.Автоматизация даражаси бўйича автоматлашган, механизация-лашган ва қўлда бажариладиган воситалар;
5. Кўчириш турлари бўйича донали, тўкиладиган, сочиладиган юкларни ташувчи машиналар;

Корхонада транспорт хўжалигини ташкил қилиш қуидагича ишларни ўз ичига олади:

1. Транспорт воситаларини янгилаш стратегик режалаштириши;
2. Корхона ишлаб чиқариш структурасининг таҳлили ва уни такомиллаштириш бўйича тадбирлар, уни тадбиқ қилиш: ишлаб чиқариш жараёнларини транспорт схемалари бўйича аниқ тўғририлигини, пропорционаллик, узлуксизлик ва ритмлиликни таъминлаш;
3. Транспорт воситаларидан вақт ва унумдорлик бўйича самарали фойдаланиш ҳамда юкланиш даражасини таҳлил қилиш;
4. Транспорт воситаларининг турини танлаш ва асослаш, улар сонини ҳисоблаш;
5. Транспорт хўжалиги ремонт эксплуатация эҳтиёжлари учун материал ресурсларни сарфлаш, меъёр ва нормативларини ҳисоблаш;
6. Юк обороти балансини тузиш (горизонтал бўйича юкларни узатувчи, вертикал бўйича юкни қабул қилувчилар) кўрсатилади;
7. Юк оқимлари схемасини лойиҳалаштириш, юкларнинг йўналишини аниқлаш;
8. Транспорт воситаларини оператив календарли режалаштириш, юк ташишларнинг маршрутини белгилаш;
9. Корхона транспорти ишини диспетчерлаш;
10. Транспорт хўжалиги юқори сифатли ва самарали ишининг ҳисоби, назорат қилиш ва мотивация.

Таъкидлаш лозимки, таъминот жараёнларни бошқаришда транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш худудларда саноат ва ижтимоий инфратузилма билан узвийликда ва ўзаро алоқадорликда олиб борилади. Ижтимоий инфратузилма, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш дастури доирасида 2019 йилнинг ўзида республикамиз бўйича жами 102 та худудий лойиҳа амалга оширилади ва натижада кўшимча 5339 та иш ўринлари яратилади.

Ташки транспорт корхонага хом ашё, материаллар, ёкилгиларни ташиб келтириш ва тайёр маҳсулотни чиқариш учун керак. Бу операциялар даврий

равища амалга оширилиб, таъминот ва товар сотилиши шароитлари, захира нормалари, омбор сифимига асосланади ҳамда автомобиль, темир йўл ва сув транспорти билан бажарилади. Корхона ичидаги транспорт юкларни корхона ичидаги ташиш учун мўлжалланган.

Юклар турини аниқлашнинг бошлангич материаллари бўлиб, корхона ёки цехнинг ишлаб чиқариш дастури, таъминот режаси, ишлаб чиқариш потокининг хисобланган кўрсаткичлари хизмат қиласи. Юк йўналишини аниқлаш, юклар қайси томонга ташилишини кўрсатади. Ташишларнинг маршрутини белгилаш алоҳида транспорт воситаларининг харакатини тўла тартибга солиш мақсадида амалга оширилади. Маршрутлар бир ёки бир неча юк йўналишига хизмат қилиш учун белгиланади.

Уларнинг ҳар бири ташишнинг маълум масофаси, йўлда тўхташларнинг тезлиги, сони давомийлиги билан тавсифланади.

Маршрутларни белгилашда ташиш усули хисобга олинади. У маятниксимон ва доиравий бўлиши мумкин. Биринчи усулда транспорт юкни керакли жойга ташиб бўлгач, бошқа партия учун қайтиб келади. Иккинчи усулда эса машина юкни керакли жойга этгач, қайтиб келмайди, балки уша ердан яна юк олиб бошқа жойга этади. у ердан яна бошқа жойга ва охири дастлабки жойига қайтади.

7.2.Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари ва устувор йўналишлари

Минг йиллар давомида Ўзбекистон савдо, иқтисодий, маданий алоқалар ва Буюк ипак йўли бўйлаб цивилизацияларни туташтириб турувчи марказ бўлиб келган. Глобализация шароитида Марказий Осиёning халқаро ташувлардаги аҳамияти тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бу ўринда, биринчи навбатда минтақа етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг салоҳияти яққол ажралиб туради.

Бугунги кунга келиб самарали ташувлар тизими иқтисодий ўсишнинг калит омили эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Транспорт тизимлари ва транспорт


коммуникациялари Марказий Осиё орқали трансосиё ва трансевропа ташувларининг асосидир.

Денгизга чиқиши йўлиниң мавжуд эмаслигига қарамасдан, Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашуви унга қатор қулайликларни яратиб беради. Ижобий жиҳат шундан иборатки, Марказий Осиё етакчи минтақавий иқтисодий бозорлар – Европа ва Жанубий ва Жануби-ғарбий Осиёй, Узок Шарқ орасида жойлашган. Ушбу худуднинг йиллик умумий импорт ҳажми 335 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди. Марказий Осиё орқали Яқин ва Ўрта Шарққа боришининг энг қисқа йўли ўтган.

Ёвроосиё қитъасини айланиб ўтишга мажбур бўлган денгиз кемаларидан фарқли ўлароқ, Марказий Осиё орқали ташувлар тўғридан-тўғри амалга ошиши мумкин. Бу эса ташувлар вақтини ва юк жўнатувчиларнинг молиявий маблағлари сарфини сезиларли равишда камайтиришга имкон беради. Бу эса савдо келишувларини тузишда катта аҳамиятга эга.

Марказий Осиё коридорларидан фойдаланишнинг яна бир сабаби глобал бозорнинг жорий муаммолари билан боғлиқдир. Жанубий-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг барқарор юқори иқтисодий ўсиши уларнинг маҳсулотларининг йирик истеъмолчилари – АҚШ, Европа Иттифоқи, МДҲ мамлакатлари билан мисли кўрилмаган даражада товар алмашинишининг ўсишига олиб келди. Шу билан биргаликда, бир вақтнинг ўзида Осиё мамлакатларининг хомашё етказиб берувчи давлатлар билан товар алмашинувларининг ошиши ҳам кузатилмоқда.

Бундай жараёнларнинг кечиши натижасида анъанавий, биринчи навбатда,



Хинд океани кўрфазлари орқали ўтадиган транспорт йўналишларининг ҳаддан ташқари юк билан бандлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолат эса баъзи ҳудудларда денгиз қароқчиларининг таъсири доирасига айланаётганига сабаб бўлмоқда. Денгиз қароқчилигидан кўрилаётган иқтисодий зарар 16-20 миллиард АҚШ доллари деб баҳоланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, бундай вазиятда, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, бизнинг пировард мақсадимиз «... Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат».

Аммо Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг калит транспорт-транзит тармоғига айланиши учун коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш ва юкларнинг ўтиш йўлларини диверсификациялашга имкон берадиган янги транспорт йўлакларини ривожлантириш талаб этилади. Бу борада чора-тадбирлар катор йиллардан бери амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё, МДҲ, Европа, Шимолий Америка, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Жанубий Осиё ҳамда Осиё-Тинч океани миintaқаси (ОТМ) давлатлари мутахассислари, транспорт коммуникациялари ва ҳудудий юк ташишга ихтисослашган халқаро компания ва ташкилотлар вакиллари ҳамда эксперtlари томонидан Ўзбекистонда транспорт тизими борасида қилинаётган саъй-харакатларга жуда юқори баҳо берилмоқда. Айниқса халқаро юк ташувларининг истиқболлари, Марказий Осиё транспорт соҳасига сармоя жалб қилиш масалалари, ҳудудий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар транспорт коридорини яратиш ташаббуси, мазкур транспорт коридори ёрдамида Марказий Осиё давлатларини Форс кўрфази билан боғлаш

имкониятиниң долгарб аҳамияти хусусида ўзининг ижобий фикрларини баён этмоқда.

Шунингдек, эксперталар томонидан Афғонистондан ўтган транспорт коридорини такомиллаштириш йўлида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами алоҳида эътироф этилмоқда. Биринчи навбатда Хайратон-Мозори Шариф темир йўл тармоғининг қурилиши қўшни ағон мамлакати иқтисодиётини тиклашга салмоқли ҳисса қўшиши таъкидланмоқда.

Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро логистика салоҳиятини ошириш билан ҳамоҳанг равишда мамлакатимизда қатор салмоқли дастур ва режалар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ташки транспорт корхонага хом ашё, материаллар, ёкилгиларни ташиб келтириш ва тайёр маҳсулотни чиқариш учун керак. Бу операциялар даврий равишда амалга оширилиб, таъминот ва товар сотилиши шароитлари, захира нормалари, омбор сигимиға асосланади ҳамда автомобиль, темир йўл ва сув транспорти билан бажарилади. Корхона ичидаги транспорт юкларни корхона ичida ташиш учун мўлжалланган.

Таъминот жараёнини бошқариш технологиясининг бошқарув ҳаракатлари билан боғлиқ жараёнлари.

Маълумки, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли транспорт ва коммуникация инфратузилмасини узлуксиз равишда ривожлатириб бориш республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада қатор дастурлар қабул қилиниб, улар ички ва ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириб келинмоқда.


Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу лойиҳаларни учун йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига йўналтираётган инвестицияларнинг умумий ҳажмида салмоқли ҳиссага эга бўлмоқда. 2018 йилда автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга teng бўлган маблағ ўзлаштирилди. Бу

кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 31,5 фоизга кўпайган. 2010 йилда мамлакатимизда ушбу маблағлар ҳисобидан 270 километрик замонавий автомобиль йўллари қурилди ва фойдаланиш учун топширилди.

Ўзбекистон Республикасининг қулай географик жойлашуви ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари орасида транспорт инфратузилмаси бўйича етакчи мавқега эгалигини ҳисобга олган хорижий инвесторлар ва молиявий муассасалар мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этишга интилишмоқда.

Бу борада Осиё тараққиёт банкини яққол мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу молиявий ташкилот билан Ўзбекистон миллий автомагистрални лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишида транспорт хизматларининг аҳамияти бекиёсdir. Ўзбекистон миллий автомагистрални бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чоратадбирлар ўз натижасини бериб, юк ва йўловчи ташиш, транспорт хизматларини кўрсатиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда.



1-расм. 2017йилда Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар таркиби.

Коммуникация (лот. communicate - алоқа) - алоқа ва қатнов (транспорт коммуникациялари) воситалари, ахборот алмашиш муносабатлари.

2018 йилда мамлакатимиз миқёсида жами 10031,30 миллиард сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилди. Бу мамлакатимизда кўрсатилган барча хизматлар ҳажмида энг юқори улушни, яъни 32 %ни ташкил этади. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 7,1 % га кўпdir.

2018 йилда транспорт хизматлари кўрсатиш доирасида 1173,2 миллион тонналик юк ҳамда 6045,3 миллион йўловчи ташилди ва прогноз кўрсаткичлар мос равиша 109,9 ва 106,2 фоиз қилиб бажарилди (1-жадвал):

1-жадвал

**2018 йилда Ўзбекистон Республикасида юк ва йўловчи ташиш,
транспорт хизматларини кўрсатиш ҳолати**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Январь- декабрь	2017 йил январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юк ташиш	млн. тн	1173,2	109,9
Йўловчилар ташиш	млн. киши	6045,3	106,2

Замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш мақсадида, 2010 йилнинг 9 ойлигига халқаро ва республика аҳамиятидаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини, шунингдек Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш учун 305,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп демакдир.

2018 йилнинг 9 ойлигига халқаро ва республика аҳамиятидаги 191 км узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди.

Ўзбекистон Республикасида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш баробарида транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2010 йилда янги русумдаги 480 дан ортиқ “МАН” оғир юк автомобиллари ҳамда 7797 дона “

Спарк М 300” енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди. Ушбу лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 31,3 млн. АҚШ долл. ва 3 млн. евро ҳажмида инвестиция жалб этилди.

2009-2015йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қишилиш комплекс дастури доирасида 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 232 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

2015 йилда ниҳоясига етказилган инвестиция лойиҳалар ичида инвестиция ҳажми 34,4 млрд.сўм бўлган «Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон» йўналишидаги янги темир йўлларни қурилишини яққол мисол тариқасида келтириш мумукин.

Шунингдек, 2010 йилда «Навоий–Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разезди ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 6,8 млрд.сўмлик инвестиция киритилди.

2016 йилда инвестиция ҳажми 85,4 млн.АҚШ долл. Бўлган «Тукумачи-Ангрен» йўналишида янги темир йўллар ишга туширилди.

Сўнгги йилларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида нафақат замонавий йўллар ва автомобилларга ёқилғи қуийш шахобчалари қурилишига, балки ҳайдовчи ва йўловчиларнинг сафар давомида мароқли дам олишлари ҳамда зарурий ҳолларда тегишли тиббий хизматлардан фойдаланишларига шароитлар яратишга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини шакллантириш бўйича 2017 йилда амалга оширилган ишлар

Объектлар номи	Ўлчов бирлиги	2017 й.
Кемпинглар	дона	5

Мотеллар	дона	12
Кўп тармоқли ёқилғи қуиши шахобчалари	дона	22
Медицина ва авария-чақириув хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари	дона	19
Автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари	дона	24
Жами	дона	78

2017 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини шакллантириш бўйича 78 та обьект, яъни 22 та кўп тармоқли ёқилғи қуиши шахобчалари 5 та кемпинг, 12 та мотел, 19 та медицина ва авария-чақириув хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари, 24 та автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари қуриб битказилди.

Yuklarni tashish bilan birgalikda amalga oshiriladigan operatsiyalar.

Yuklarni tashishda ularni jo‘natuvchidan qabul qilish va egalariga topshirish operatsiyalari bajariladi.

Tashishga talabnoma. Tashishga bo‘lgan zarurat maxsus hujjat, ya’ni yuklarni qabul qilish va topshirish talabnomasi orqali rasmiylashtiriladi. Tashish shartnomasiga qo‘sishma yuk tashishning oylik rejasini tuzish avtotransport korxonalari va mijozlar uchun majburiydir. Tashishdan oldin (1-2 kun) mijozlar belgilangan shaklda talabnoma berishlari lozim. Bunday talabnoma tezkor rejlashtirish hujjati hisoblanadi.

Yuklarni tashishga qabul etish. Avtotransportda markazlashtirilgan usulda yuk tashishda belgilangan shartnomaga asosan yukni avtomobil haydovchisi, markazlashtirilmagan tashish usulida esa mijozning vakili (ekspeditor) qabul qilib oladi.

Tashiladigan yuklarni yuk jo‘natuvchilar oldindan topshirishga tayyorlab qo‘yishlari zarur. Masalan, upakovkada tashiluvchi yuklar, yuk turiga mos buzilmagan taraga joylashtiriladi. Tortilishi lozim yuklar og‘irligini tortish orqali, joylarisanaladigan yuklar joylari soni va h.k.

Yuk bahosi. Buzilganlikda yoki yo‘qotilganlikda moddiy javobgarlik miqdorini aniqlash uchun jo‘natiluvchi ba’zi yuklar (pul birligiga) baholanadi. Bunda belgilangan

baho tovar narxidan (hujjatda ko'rsatilgan) ortiq bo'lmasligi zarur. Bahosi kam bo'lgan yuklarga (qum, shag'al, maydalangan tosh, tuproq va h.k.) baho belgilash odatda tatbiq etilmaydi.

Yukni topshirish. Tashilgan yuk egasiga joylarda topshirilishi zarur. Bunda yuk rasmiylashtirilgan tovar-transport hujjatida ko'rsatilgan manzilga keltiriladi. Kimning manziliga yuk jo'natilgan bo'lsa, o'sha tashkilot yukni qabul etishdan bosh torta olmaydi. Ba'zi hollarda jo'natuvchini ogohlantirib, yukni boshqa manzilga jo'natish ham mumkin.

Юклар турини аниқлашнинг бошлангич материаллари бўлиб, корхона ёки цехнинг ишлаб чиқариш дастури, таъминот режаси, ишлаб чиқариш потокининг ҳисобланган кўрсаткичлари хизмат қилади. Юк йўналишини аниқлаш, юклар қайси томонга ташилишини кўрсатади. Ташишларнинг маршрутини белгилаш алоҳида транспорт воситаларининг харакатини тўла тартибга солиш мақсадида амалга оширилади. Маршрутлар бир ёки бир неча юк йўналишига хизмат қилиш учун белгиланади.

Уларнинг ҳар бири ташишнинг маълум масофаси, йўлда тўхташларнинг тезлиги, сони давомийлиги билан тавсифланади.

Маршрутларни белгилашда ташиш усули ҳисобга олинади. У маятниксимон ва доиравий бўлиши мумкин. Биринчи усулда транспорт юкни керакли жойга ташиб бўлгач, бошқа партия учун қайтиб келади. Иккинчи усулда эса машина юкни керакли жойга этгач, қайтиб келмайди, балки уша ердан яна юк олиб бошқа жойга этади. у ердан яна бошқа жойга ва охири дастлабки жойига қайтади.

Бу усул транспортдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Корхона юк обороти деб, режалаштирилган даврда корхона миқёсида транспорт ҳамма турларида узатилган, кўчирилган ва корхонадан қабул қилинган юклар миқдорига айтилади.

Корхона юк оқими деб, режалаштирилган даврда узатиш ва қабул қилиш алоҳида пунктлари орасида аниқ турдаги транспорт воситалари ёрдамида кўчирилган юклар миқдорига айтилади.

Транспорт воситасини танлаш ва улар сонини ҳисоблаш.

Ҳар бир турдаги маҳсулотни кучириш учун транспорт воситалари сони аниқланади. Транспорт воситаларининг сонини аниқлашда иш воситаларининг унумдорлиги катта роль ўйнайди. Сочилувчан юкларни кўчиришда горизонтал конвейерларнинг унумдорлиги қуидагича аниқланади:

$$Q = 150 M V q, \text{ бу ерда,}$$

M - лента кенглиги, м;

V - конвейер харакатининг тезлиги, м\с;

q - кўчириладиган маҳсулот тезлиги, т\м³.

Донали юкларни кўчиришда лентали конвейерлар унумдорлиги қуидагича аниқланади.

Айланма система бўйича иш вақти сарфлари қуидаги формулалар орқали аниқланади:

$$P_m = Z_m \cdot (t_1 + t_2 + 2l / v)$$

$$P_k = Z_k \cdot (mt_1 + mt_2 + l / v)$$

бу ерда:

Z_m, Z_k - юк массаси.

Автомобиллардан фойдаланиш жадаллиги. Унинг автомобил техник ҳолатига таъсири 2-бўлимда келтирилган. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида эҳтиёт қисмлар сарфига ҳам тўғридан-тўғри таъсир этади. Шу сабаби эҳтиёт қисмлар сарфига бўлган талабни ҳисоблаш вақтида автомобиллардан фойдаланиш жадаллигини йиллик ёки прогнозлаш даврида ўртacha босиб ўтиладиган масофа билан эътиборга олинади.

Ҳайдовчининг малакаси. Унинг автомобил техник ҳолатига таъсири 2-бўлимда келтирилган. Автомобилнинг техник ҳолатига таъсир этадиган омиллар ўз навбатида эҳтиёт қисмлар сарфига ҳам таъсир этади. Шу сабабли кўпгина автотранспорт корхоналарида эҳтиёт қисмларни кам сарф қилган ҳайдовчиларга қўшимча мукофот пули белгилаб, ойлик маошларига қўшиб берадилар. Бу кўрсаткични ҳар бир корхонада ўз вақтида ҳисобга олиб борилса, тежамкорлик ва автомобиллардан фойдаланиш самараси ошади.

Технологик омиллар. Бу омиллар гурухи автомобилнинг техник ҳолатига таъсири 2- бўлимда келтирилган. Ушбу омилларнинг ҳар бири ўз навбатида эҳтиёт қисмлар сарфига кескин таъсир этади. Чунки қайси корхонада сифатсиз ТХК ва таъмирлаш ишлари ўтказилса, тақлидчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва бошқа сифатсиз эҳтиёт қисмлар бузилган деталлар ўрнига қўйилса ҳамда автомобил ишлаб чиқарган завод (фирма) томонидан белгиланган сифатли эксплуатацион материаллар қўлланилмаса эҳтиёт қисмларга бўлган талаб ошиб боради.

Бу талабни камайтириш мақсадида ҳар бир корхонада:

- ТХК ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида ўтказиш;
- эҳтиёт қисмларни “аслият” нусхасини қўйиш;
- эксплуатацион материалларни завод (фирма) томонидан белгиланган турларини қўллаш керак.

Ташкилий омиллар. Бу омиллар гурухига: автотранспорт корхонасига (ёки регионга) келадиган янги ва ҳисобдан чиқариладиган автомобиллар сони, автомобиллар “ёш” гурухи ва автомобилларнинг жамланиш даражаси киради. Янги келадиган ва ҳисобдан чиқариладиган автомобиллар сони. Ушбу кўрсаткич ҳозирги вақтда бизнинг давлатимизда нотекис ўзгармоқда. Чунки автомобилларнинг нархи ҳаддан ташқари юқори бўлганлиги сабабли кўпгина корхоналар ўз вақтида янги автомобилларни сотиб ололмаяптилар ва натижада автомобилларни ҳисобдан чиқариш ҳам суст бормоқда. Бундай ҳолат автотранспорт корхоналарида моддий-техник таъминот ишларини қийинлаштиради.

Узок масофаларга пассажирлар ва юк ташиш ишларини мувофиқлаштириш ва транспорт турлари ўртасида юк ташишни оқилона тақсимлаш масалалари Вазирлар маҳкамаси қошида ташкил этилган "Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги"га юклатилган. Бу агентликка бундан ташқари меъёрий хужжатлар ва услубий материаллар тайёрлаб, уларни республика ҳукумати тасдиғига бериш ҳам юклатилган. Транспорт турлари ишларини

мувофиқлаштиришда республикада автомобиль ва дарё транспортлари бўйича жорий этилган лицензиялашдан оқилона фойдаланишлик лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг у ёки бу туридан фойдаланувчи транспорт корхоналари фаолиятининг натижаси уларнинг мижозларга сифатли ва арzon транспорт харажатлари билан хизмат кўрсатишларига чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шариотида тадбиркорлик фаолиятининг ошкоралиги, транспорт фаолияти давлат томонидан тегишли воситалари билан тартибга солиб турилмаса, мамлакат иқтисодиёти комплекси ва ҳар бир шахс оғир тангликда қолиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, транспортда бозор иқтисодиёти амал қилиб турган шароитда давлат ва аҳоли манфаатларига риоя қилишга давлатнинг қонуний-хуқуқий ҳамда тариф-солиғ, аввало лицензиялаш механизми билан тартибга солиш орқали эришилади.

Автомобиль транспортида лицензиялаш ташиш, транспорт-экспедицион ва бошқа транспорт жараёни билан боғлиқ фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши турларидан бири бўлиб, унинг мақсади транспорт маҳсулоти истеъмолчилари манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга ташиш ва бошқа транспорт хизматлари бозорини меъёрли даражада йўлга қўйиш, монополияга қарши қонунлар, ҳаракат хавфсизлиги ва автомобиль транспортни ишлатишдаги экология талаблари бажарилиши устидан давлат назортини таъминлашдир.

Лицензия тадбиркорларга бериладиган юридик ҳужжат бўлиб, уларга лицензия талабларига риоя қилган ҳолда белгиланган турдаги транспорт соҳасида иш юритиш хуқуқини беради.

Автомобиль транспортида лицензиялаш кўпгина ғарбий Овропа мамлакатлари ҳамда АҚШ, Канада ва Японияда кенг кўпланилади. Кҳпчилик хорижий мамлакатларда юк ва пассажирлар ташиш ҳамда айrim мамлакатларда (Япония) автомобилларга сервис (техника) хизмати кўрсатиш лицензияланади. Турли мамлакатларда лицензиялаш объектини белгилашнинг ўзига хос томонлари бор. Масалан, Белгия, Голландия, Франғия ва Финляндияда лицензияга фақат маҳсус ташувчилар (тижорат асосида ишловчи умум фойдаланилайдиган

транспорт) эга бўлиши керак. Ўз юкларини ўз транспорти билан ташиш (идоравий ташиш) учун лицензия талаб этилмайди. Айни пайтда Англия, Дания, Швейцария, Австрия, Германия ва АҚШ да барча турдаги ташишлар лицензияланади.

Барча мамлакатларда лицензия беришда аризачиларнинг касбкорлик тайёрлиги ва ишончлилиги хамда тўлашга қобилияти текширилади. Баъзи мамлакатларда (Англия, Дания, АҚШ) тижорат асосидаги ташишларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан зарурлигини лицензиат исботлаши керак. Хорижий давлатларда ташувчиларнинг лицензия шартларига риоя қилишига катта эътибор берилади. Агар лицензиядан фойдаланиш қоидаси бузилса, ташувчилар огоҳлантирилади ёки улардан жарима олинади. Агар ташувчилар лицензия олмай, тижорат ишлари билан шуғуллансалар, катта миқдорда жарима тўлайдилар, Финляндияда эса 6 ойлик муддатга ҳибсга олинишлари мумкин.

Хорижий давлатларда автомобиль транспорти фаолиятига лицензия бериш тегишли қонунлар хамда уларни кўплаш билан боғлиқ кўрсатмаларга биноан тартибга солинади. Ҳозирги кунда Овропа ҳамжамияти мамлакатларида автомобиль транспорти ишини лицензиялаш қонунларини бир-бирларига мослаштириш устида катта ишлар олиб борилмоқда.

8. Лицензия бериш тартиби.

Транспорт жараёни билан боғлиқ хизматларни бажаришни истаган корхона, ташкилот, муассаса ёки айрим тадбиркорлар лицензия берувчи ташкилотга қўйидаги ҳужжатларни ёзма тарзда топширадилар:

- а) исталган транспорт тури учун Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тасдиқлаган нусхадаги ариза (нусха қўйида берилган);
- б) корхона ва бошқа тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатдан нусха, ташкилолар эса тасдиқланган устав ёки низомлардан кхчирма берадилар;
- в) транспорт жиҳозлариниг турлари бўйича сони, уларни тузатиш ва техника хизмати кўрсатиш жойлари сони;

г) транспорт жараёни билан боғлиқ транспорт - экспедицион ва бошқа фаолиятлар кўрсаткичлари;

д) аризада кўрсатилган фаолиятни бажариш учун зарур бошқа асосий фондлар кўрсаткичлари;

е) аниқ буюртмачилар билан келишилган ҳажмдаги ташиш, уларга транспорт - экспедицион хизмат, транспорт жиҳозларини тузатиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш зарурлиги асослари;

ж) корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, айрим тадбиркорлар ёки улар мухтор вакилларининг лицензия билан боғлиқ ишларни бажариш учун мутахассислик тайёрлиги ёки маҳсус ҳқув юртини тугатганлик ҳужжати ёки айни мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган стажи.

Мутахассислик бўйича етарли даражадаги ҳужжатлари бўлмаган раҳбар ва тадбиркорлар ёки уларнинг мухтор вакиллари аризада кўрсатилган лицензия фаолиятига оид имтиҳон топширишлари лозим. Имтиҳонлар белгилаш тартиби ва сўраладиган билимлар ҳажми Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан белгиланади;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бўлимлари назорат қилишда давлат стандарти, тоғ-техника назорати, санэпидбекат ва бошқа назорат ташкилотлари, истеъмолчи корхона, ташкилот, муассаса ва айрим тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Лицензиялаш меззанизми ёрдамида транспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, аввало, мавжуд ташувчи ва сервис хизмати ҳамда тузатиш корхоналари олдига қўйиладиган талабларни янада оширишга, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга, лицензиатларининг ўз хизматларини сифатли бажаришлари устидан фаол назоратни йўлга қўйишга қаратилгандир.

Лицензиялашнинг амалга оширишнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиёти тармоқларидағи транспорт харажатларини камайтиришdir.

Давлат транспорт хизматларининг у ёки бу турларини бажариш ҳуқуқига лицензия бериш билан тадбиркорлар ғайрати ва билимини мамлакат иқтисодиёти, мижозлар ёки аҳоли талабларини муваффақиятли ҳал қилиш билан боғлиқ

транспорт хизматларини энг зарур саноат, қурилиш, савдо объектларига ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташиш ва бошқа ишларни бажаришга йўналтириш имконига эга бўлинади. Айни вақтда транспорт воситаларининг кимга тегишлигидан қатъий назар, кўпроқ самара билан ишлатиш имкони ҳам яратилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, "нотранспорт" тармоқларидағи жуда кўп транспорт воситаларидан фойдаланиш самараси ва бошқа кўрсаткичлар минтақавий автомобилларда ташиш уюшмалари кўрсаткичларига нисбатан анча орқададир. Лицензиялашни жорий этишда иқтисодий усулларни қўплаш ҳамда айрим транспорт соҳаси бўлмаган ташувчиларга қўшимча талаблар белгилаш ҳисобига транспорт воситалари иш самараси ва бошқа кўрсаткичларини яхшилаш имкони туғилади. Лицензиялаш орқали ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишларга транспорт жиҳозларини кўпроқ йўналтириб, транспорт хизмати бозорида такчилликни анча камайтириш имкони яратилади. Масалан, айрим идораларга қарашли автобуслар ташиш имконининг бир қисмини шаҳар ичи ва шаҳар атрофи маршрутларида ишлатиш аҳолининг пассажир транспортига бўлган талабини тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Лицензиялаш ёрдамида юкларни маҳсулот чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказишни тезлаштириш, транспорт воситалари юк қўтариш қобилиятидан тўлароқ фойдаланиш, салт юришларни камайтириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳажмини ошириш ва уни сифатли бажариш имкони ҳам туғилади.

Барча лицензиатларга бир хил имкониятлар яратиб, лицензиялаш тизимидан фойдаланадиган мулк эгалари шаклидан қатъий назар, транспортдаги монополизмни тутатишга ёрдам беради. Агар айрим ташишларга бир неча тадбиркорлардан лицензия олишга ариза тушган бўлса, улардан мижозларга юқори сифатли (ташиш ҳақи арzon, юкларни тез етказиб берувчи, илғор технологиялар кўпловчи ва ҳоказо) хизмат кўрсатганига лицензия берилади. Бошқача қилиб айтганда корхона, ташкилот ёки шахсий тадбиркорларга лицензия аризачи транспорт хизматини лицензияга бошқа даъвогарларга нисбатан кўпроқ

самара билан хизмат кўрсатишини исботлай олсагина берилади.

Мисол тариқасида бу ерда хорижий давлатлар лицензиялаш тажрибасини келтириш мумкин. Лицензия билан шуғулланувчи комиссия йил давомида ташиб ишлари учун тушган 5 минг аризадан фақат 80 фоизини қониқтирган. Ана шунда тармоқдаги энг қулай рақобатчилик ҳисобига автомобиль транспорти жиҳозларининг иқтисодий ва ижтимоий самарасини ошириш имкони бўлади. Лицензиялашдан кўзланган яна бир мақсад транспортнинг атроф муҳитни заҳарли ёнилғи чиқиндилари билан ифлосланишини камайтириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини яхшилашдир.

Лицензиялаш, ўз навбатида, ташувчилар, уларнинг ташиб имконияти, транспорт бозорининг тҳйинганлик даражаси тўғрисида тўла ва холисона ахборот олиш ҳамда шу маълумотлар асосида фақат лицензия билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки нархлар, кира ҳақлари ва солиқларни тартибга солишга, транспорт тизимининг ривожлантиришнинг мамлакат ҳамда минтақа дастурларини ишлаб чиқишига қаратилган оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради. Лицензиялашни қўплаш ҳуқуқий давлат коғепфиясига тўла мос бўлиб тушади. У юридик шахслар, фуқаролар ва бутун жамиятнинг қонуний мафаатларига риоя қилиш кафолати бўлиб қолади.

7.3. Таъминот жараёнини бошқаришда омборхоналар техникаси ва технологияси.

Омборлар логистик тизимнинг муҳим элементларидан бири хисобланади, чунки моддий оким ҳаракатининг барча боскичларидан захираларнинг саклаб туриш учуй иншоатларнинг объектив зарурлиги мавжуд.

Омборлар - бу келиб тушаётган юкларни қабул қилиш, жойлаштириш, саклаш ва уларни бевосита истеъмолга тайёрлаш ва истеъмолчига ортиб жунатишга мулжалланган бинолар, иншоатлар, ускуналар ва турли хил курилмалар мажмуидир.

Омборларнинг асосий вазифалари куйдагилар.

- * моддий захираларни вактинча жойлаштириш ва саклаш;
- * моддий окимларни тубдан узгариши;
- * хизмат курсатиш тизимида логистик сервисни таъминлаш.

Омборларни логистик вазифалари операцияларни амалга ошириши жараёнида бажарилади, уларга куйдагилар киради:

- * омборга юклар олиб келган транспортни жунатиш;
- * келиб тушган юкларни кабул килиш;
- * саклаш жойида материалларни танлаб олиш;
- * материалларни бевосита истеъмолга тайёрлаш;
- * материалларни бутлаш ва идишларга жойлаштириш;
- * юкларни омборхона ичидаги харакати;
- * омборхона ичидаги харакат.

Омборларни самарали иншали купрок даражада уларнинг техник таъминланиши, омборга жойлаштиришнинг энг кулий технологяси ва уларни бошкаришни автоматлаштиришга boglik.

Макро ва микро даражадаги логистик тизимни яратиш учун аввало уларнинг техник таъминланиши талаб этилади. Логистик тизимни техник таъминланиш деб логистик жараёнларни бажарилишини (юк ва ахборот окимларини кайта ишлашни) таъминловчи техник воситалари мажмуасини тушуниш керак.

Логистик тизимни аник фаолият курсатишни таъминлаш учун ишлаб чикириш, транспорт, моддий-техник соҳаларига тегишли барча техник воситалардан фойдаланилади. Аммо логистик тизимлар доирасида, аввало, таксимот ва сотиш жараёнларини хамда омборхона ва ортиштуширишоперацияларини автоматлаштириш воситалари моддий ва ахборот окимларини бошкариш учун узига хос куринишда булади.

Макрологистик тизимнинг техник таъминоти куйдаги вазифавий элементларни уз ичига олиши керак: транспорт омборхоналар мажмуаси билан ишлаб чикириш, корхона таъминоти ва сотишга хизмат курсатувчи магистрал транспорт, бозор ва омборхона тизимлари билан истеъмолчи.

Техника таъминот модуль тамойил буйича курилиши керак, яъни хар бир вазифавий элементга модуль яратилиши керак. Кейин худди шундай агрегатлашган модуллардан умуман бутун тизим курилади. Логистик тизимнинг энг йирик техника таъминотини синтез килиш жараёни фавкулотда кийин муаммо.

Омбор хўжалигини ташкил қилиш, омборлар турлари.

Корхона омбор хўжалиги корхонага қабул қилинувчи моддий техник ресурслар ва тайёр маҳсулот ҳаракатини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва сақлаш функцияларини бажаради. Омбор хўжалиги ўз функцияларни ўз муддатларида ва минимал харажатлар билан сифатли бажариши керак. Иш ҳажмига боғлик ҳолда омборлар унумзавод ва цех омборларига бўлинади. Умум завод омборлари ўз навбатида қуидагиларга бўлинади:

1. Материал омборлари (асосий ва ёрдамчи материаллар, ёкилги омбори);
2. Бир цехда ишлов берилиб иккинчи цехга ишлов беришга ўзатиладиган яrim фабрикатлар ва бошқа материаллар омбори;
3. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш омбори;
4. Цехлардан тайёр маҳсулот қабул қилувчи, қадоқловчи ва истеъмолчига узатувчи тайёр маҳсулот омбори;
5. Чиқиндилар, иккиламчи хом ашё омбори;
6. Таралар, идишлар, маҳсус кийимлар, хўжалик материаллар ва ишчи истеъмолчилари сакланадиган хўжалик омборлари.

Хозирги вактда факат логистик тизим техник таъминотининг айrim булаклари яратилмокда. Уларга, хусусан, саноат корхоналари ва моддий техника таъминоти соҳасидаги эпчил технология билан транспорт омборхона мажмуасини автоматлаштириш (ТОМА) ни киритиш мумкин.

Юкори даражали тизим сифатида ТОМАни куришда элементларни юкорида турувчи ва пастда турувчи тизимлар билан алокасини узиш мумкин эмас. Шу сабабли бошкариш жараёнини ишлаб чикишда барча элементларнинг узаро хамкорлигини ҳисобга олган ҳолда, бошкариш шаклини аник ажратиш зарур,

бундан ташкари логистик тизим техник таъминоти таркиби мувозанатлаштирилган ва мувофиклаштирилган булиши керак. Масалан, техник таъминот таркибини куришда юк воситаларининг кайта ишлаш кобилияти, транспорт таксимот тизими, хисоблаш техникаси воситалари ва аюка каналларининг утказитш кобилияти – қувватларини мувозанатлаштириш зарур.

Логистик тизим техник таъминотнинг айрим элементлари уртасида вазифаларни энг макул таксимлаш ва шароитга мослаштириш вазифасини хал килиш учун унинг таркибини келтириш зарур.

Таркиблаштиришнинг асосий максад - вазифавий тамойилларга мувофик техник таъминот элементларини туркумлаш ва гурухларга ажратиш булади. Мисол учун, хозирги вактда мавжуд туркумлаш буйича омборларни технологик таъминланишнинг барча воситалари туртга синфга ажратилади:

- * омборхона ускуналари;
- * кутариш транспорт ускуналари;
- * ёрдамчи ускуналар;
- * идишлар.

Ишлаб чикариш воситалари улгуржи савдоси буйича тижорат воситачилик корхоналарининг технологик таъминланиш воситаларини туркумлаштирувчи курсаткич сифатида ускуналарнинг хар бир тури учун юк кутариш кобилияти, катталик улчамлари ва узига хос таснифлари тушунилади.

Омборхона ускуналарини, жавонлар, сочиладиган ва суюк юкларни саклаш воситалари, улчовчи ва дозаларга ажратувчи ускуналар, маҳсулотлар сакланишини таъминловчи тизимлар бошқаришни автоматлаштириш воситаларини олади.

Омборхона агрегат-транспорт мажмуалари комплекс механизациялаштирилган ва автомалаштирилган турларга булинади. Комплекс – механизациялаштирилган тартибда юкни кайта ишлаш учун машиналар ва ускуналар мажмуи билан жавон модули, юкни узатиш учун омборхона терминали киради.

Автоматлаштирилган омборхона агрегат-транспорт мажмуасига
куйдагилар киради:

* кутариш транспорт воситалари мажмуаси ва автоматлаштирилган бошкарувнинг жойлаштирилган тизими билан автоматлаштирилган

жавон;

* автоматлаштирилган тарзда фаолият курсатувчи кутариш транспорт ускуналари мажмуаси билан автоматлаштирилган жавон модули.

Автоматик омборхона агрегат-транспорт мажмуаларига куйдагилар
киради:

* ортиш-тушириш ва тарнспорт воситалари билан автоматик бошкарувчи омборхона мажмуалари;

* автоматик бошカリувчи омборхона мажмуалари, омборлар автоматлар.

Энг куп фойдаланувчи омборхона ускуналарига киравчи асосий жавонлар:

* бир жойда турувчи;

* айланувчи;

* элеваторли;

* контейнерли;

* харакатланувчи;

* гравитацион.

Омборхона ускуналарига киравчи, сочилувчи, суюк ва бошка юкларни саклаш воситалари куйдагиларга булинади:

* ясси ва кутичалардан иборат булган бункерлар;

* ер усти идишлари;

* ер ости идишлари;

Омборларнинг улчови ва дозаларга ажратувчи ускуналар логистик тизимда техник таъминотнинг алохида гурухини ташкил килади. Хозирги вактда тарозилар куйдаги гурухларга булинади:

* платформалар учун;

* автомобиллар учун;

* вагонлар учун;

* юк кранлари учун;

* конвейерлар учун.

Барча кутариш транспорт воситалари вазифаларни бажаришларига мувофик беш гурухга булиниши мумкин:

* юк кранлари;

* кутаргичлар;

* транспорт воситалари;

* юкни ушлаб турувчи мосламалар;

* трансманипуляторлар.

Юк кранларига куприкли, эчкисимон, узи юрар порт, миноралар ва консолли кранлар киради. Куприкли кранлар бир балкали тираб туриладиган, бир балкали осма икки балкали умумий, икки балкали маҳсус булиши мумкин; эчкисимон кранлар эса канали ва каналсиз булиши мумкин. Куприкли ва эчкисимон кранлар енгил, уртача оғир режимли, бир илгали ва икки илгакларига булинади. Узи юкори кранлар автомобиль, темир йул ва сикилган хаво билан юрадиганларга булинади. Консолли кранлар айланувчи ва харакат килувчи булиши мумкин. Трансманипуляторлар пол устидаги, таянчли ва осма транспорт механизмларига булинади.

Бундан ташкари, пол устидаги трансманипуляторлар гурухига куйдагилар киради:

* портлашда химояланган электр орткичлар;

* оддий килиб бажарилган электр орткичлар;

* электр штабеллар. Транспорт воситалари уз ичига транспорт-таксимот восита пол

устидаги воситаларни олади. Транспорт - таксимот воситаларига контейерлар ва таксимот мосламалари киради. Конструктура белгиларга мувофик конвейерлар куйдагиларга ажралаждилар: бурама, лентасимон, гардинсимон, эчкисимон, осма, маҳкамланган, гилдиракчали, пластик.

Юкни ушлаб турувчи мосламалар кутариш транспорт воситаларининг алохида тури сифатида уларнинг вазифаси ва турига мувофик куйдагиларни уз ичига олади:

- донали юкларни кутариш учун; сочиладиган юклар учун; узун металл прокати учун; контейнерлар учун;
- курилиш ёгоч юклари учун; куп навли махсулотлар учун. Мавжуд туркумлашга мувофик логистик тизим техник

таъминланишини воситаларнинг куп сонли гурӯхлар ёрдамчи, купинча омборхона ва кутариш транспорт ускуналари юкори даражада фаолият курсатадиган ускуналардан ташкил булади.

Ёрдамчи ускуналар омборларни технalogик жихозланишининг куйдаги воситалари киради:

- * юкларни оралик кайта ишлаш ускуналари;
- * халталарга жойлаштириш ускуналари;
- * идишларга жойлаштириш воситалари;
- * суюк кимёвий махсулотларни кайта ишлаш учун ускуналар;
- * жихозлар. Омборларнинг технalogик жихозларнинг бошқа воситаларига куйдагилар киради:
- * халталарга (идишларга) жойлаштириш воситалари;
- * омборхона идишлари;
- * контейнерлар.

Саноат корхоналар доирасида макро ва микрологистик тизимлар доирасида махсулотларни «**аниқ муддатда**» принципи асосида таксимлаш ва сотиш махсулотларни идишларга жойлаштириш бийча аник ташкил килишни ва самарали хал килишни талаб килади. Махсулотларни идишларга жойлаштириш транспорт омборхона тизимида мухим кисмлардан бири булади, чунки идишлар сифати нафакат юкларни саклайди ва балки атроф мухитнинг ифлосланишнинголдини олади.

Германияда 55405-сонли саноат стандартига мувофик идишларга жойлаштириш жараёни куйдаги учта узаро бөгликтөр вазифавий тушунчаларнинг бирлиги **сифатида** каралади.

- * идишларга жойлаштирилиши керак булган юклар;
- * юк бирлиги;
- * юк бирлигини ортиш.

Идишлар ишлаб чикарувчи воситалар ва материалларнинг ривожланиши материал тушунослик ва иктисадий хисоб-китобларнинг замонавий ютукларига асосланган. Кейинги пайтларда идиш ясовчи материалларни танлашга иктисадий талаблар катта таъсир курсатмокда. Германия ва Европа мамлакатлардаги идишли ва донали юкларни тасиши ва кайта ишлеш жараёнининг тахлили юк бирлигини идишлгага жойлаштириш ва шакллантириш масалларига, умуман логистик жараённинг худди энг муҳим ташкилий кисми **сифатида** тизимни интеграцион ёндошиш зарурлигини курсатади.

Логистиканинг худди шундай нұктай назаридан юкларни идишларга жойлаштириш, юклар ва ахборотлар тизимини бир холатидан бошқасига жойини, вактини, сонини ва гурухларга ажратилишини узгартириш масаласида тубдан узгартирилишини намоён этади. Бунда керакли тубдан узгартиришларни энг кам харажатлар йигиндиси билан амалга ошириш максади қуилади.

Кейинги вактларда юкларни контейнерларда, юкдонларда ва күп мартали айланувчи идишларда тасиши янада кенгрек кулланмокда. Техник таъминотнинг бундай элементларининг самарадорлиги уларни логистик занжирнинг пайдо булишидан то юк оқимини тугашигача, яъни истеъмолчигача куллаш шароитидан намоён булади.

Бу транспорт воситалари кутариш - транспорт ускуналари, ёрдамчи воситалар ва мосламалар ва идишлар ясовчи материалларни танлаш, тизимнинг логистик талабларига асосланган булиши кераклигини билдиради.

Тизимни конструктура яратилиши ушбу элементларнинг хар бирини ва улар уртасидаги узаро хамкорлик шартларини хисобга олиш керак. Шундай килиб, хомашё материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг сакланиши ва иктисадий,

уларнинг ташишдаги харажатларини камайиши, демак, муомала харажатларининг камайиш техник таъминоти холатига бөглиқ.

Логистик тизимларда омборга жойлаштиришнинг энг кулагай технологиясини танлаш алохида фаолликни талаб этади, чунки омборга жойлаштириш буйича масалаларни хал килишда бир-бирлари билан жудаям жисплашиб кетган ва динамик бояланган купгина турли хил омилларни таккослаш муомиласи вужудга келади. Шу сабабли омборга жойлаштириш технологиясини танлаш етарли даражада мураккаб хисоблаш техникасини куллаш заруритини хисобга олиш билан тизимий ва мажмуавий ёндошишни талаб этувчи булиб куринади.

Шунинг учун ушбу вазифани хал килишнинг биринчи боскичидәёк илгаридан техник омиллар асосида кабул килиниши мумкин булмаган омборга жойлаштириш технологияси вариантларидан воз кечиш максадга мувофикдир.

Омборлар уларнинг иш фаолиятларига қараб жойлаштирилади: Масалан, материаллар ва ишлаб чиқариш омборлари истеъмолчи цехлар яқинига жойлаштирилади, бу ўз навбатида юкларни кам масофа орқали кўчиришни таъминлайди. Омбор хўжалигини ташкил этиш қўйидаги ишларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш жараёнлари тўғри аниқлилик, пропорционаллик узлуксизлик, ритмлилик принципларига асосан корхона ишлаб чиқариш структурасини таҳлил қилиш;
- омборхоналар типи ва номенклатурасини аниқлаш;
- янги омборхоналарни жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва кўриш;
- омборхоналар иши оператив календар режаларини ишлаб чиқиш;
- омбордан материал оқимлар ҳаракатини хисобга олиш ва назоратни ташкил қилиш;
- юкларни олиш ва истеъмолчиларга етказишни ташкил этиш;
- омбор хўжалиги иши самарадорлигини таҳлил қилиш ва уни ишини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

Омборлар ўз конструкциясига кўра очиқ, ярим очиқ, ёпиқ ва маҳсус омборларга бўлинади.

Очиқ омборларда сақланишига атмосфера омиллари таъсир этмайдиган хом ашё ва материаллар сақланади.

Ярим очиқ омборларга айвонлар мисол бўла олади.

Ёпик омборларга полли омборлар киради. Хом ашё ва материаллар қадоқланган ҳолда, полга тўкилган ҳолда ёки силосларда сақланади. Хом ашёнинг ҳар бир турига алоҳида силослар ажратилиб берилади.

Силос типидаги омборлар хом ашё ва маҳсулотни сифатли сақлашни, материалларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш, қабул қилиш ва юбориш ишларини комплекс механизациялашни таъминлайди.

Корхонанинг омборхоналар билан таъминланганлиги 2 хил усул билан аниқланади. Биринчи усулда хом ашёнинг ёки тайёр маҳсулотнинг кунларда ифодаланган захираси аниқланади.

Олинган катталик норматив билан таққосланади ва хуносаланади, керак бўлса ташкилий - техник чоралар ишлаб чиқилиб уларни амалга ошириш орқали омбордан фойдаланишини яхшилашга эришилади. Ҳисоблашлар хом ашё омборлари учун ва тайёр маҳсулот омборлари учун алоҳида бажарилади. Иккинчи усул бўйича ҳисоблашларда юк айланишининг маҳсус графиги тузилади. У корхонанинг нормал ишларини таъминловчи хом ашё ва маҳсулотнинг максимал захирасини кўрсатади.

Шунга ва баъзи резервга асосланиб керакли ҳажмдаги омборхона аниқланади ва мавжуд омбор билан таққосланади.

Омборлар ҳажмини аниқлаш.

Корхоналарнинг фаолияти давомида омбор хўжалигини ташкил этишнинг элементларидан бири бўлиб, маълум миқдордаги хом ашё ёки маҳсулотни сақлаш учун керакли омбор ҳажмини ҳисоблаш юзага келади. Ҳисоблашлар мос материалларни сақлашнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолдаги формуласалар орқали амалга оширилади. Силос типидаги омбор учун битта силоснинг ҳажми қўйидагича ҳисобланади:

$$Ec = V \cdot H \cdot Kp$$

бу ерда:

Ec - битта силоснинг сифими (т);

V - силоснинг ҳажми (м³);

H - маҳсулотнинг ҳажмий массаси (т\м);

Kp - силос ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти.

Мана шуларни билган ҳолда силослар сонини топиш мумкин. Ҳом ашё, материал ёки тайёр маҳсулотни жойлаштириш учун керакли майдон турли формулалар орқали ҳисобланади. Бунда баъзи материалларнинг сақлаш қоидаси ва хусусиятларини билиш шартдир.

Омборларда қабул қилиш ва юбориш қурилмалари бор. Уларнинг қобилияти қабул қилиш ва юбориш нуқталари ҳамда уларнинг унумдорлиги билан ўлчанади. Омборхонага ҳом ашё қабул қилиш унинг келиши билан амалга оширилади, ишлаб чиқаришга юбориш эса узлуксиз, даврий ёки партиялар шаклида амалга оширилади.

Божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кура олиб чикишга мулжалланган товарларни бождан, соликлардан озод қилиш ёки туланган суммаларни кайтариш.

Агар товарларни амалда четга олиб чикиш вактида туловлардан озод қилиш ёки туланган суммани кайтариш назарда тутилган булса, божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кура олиб чикишга мулжалланган товарлар бождан, соликлардан озод қилинади ёхуд туланган суммалар кайтарилади. Бу товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай олиб чикилиши лозим. Товарлар белгиланган муддатларда амалда олиб чиқилмаган такдирда бож, соликлар, шунингдек уларнинг фоизлари конун хужжатларида назарда тутилган тартибда туланади.

• Эркин божхона зонаси ва эркин омбор шундай режимларки, бунда чет эл товарлари муайян худудлар ва жойларда бож, соликлар ва иктисодийсиёsatчораларикулланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади,

Узбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофик олиб чикишда кулланиладиган шартларга кура жойлаширилади ва ишлатилади.

• Эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимлари конун хужжатларига мувофик белгиланади.

Товарлар эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларида чекланмаган муддатларгача туриши мумкин.

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда, агар конун хужжатларидан бошкача тартиб назарда тутилмаган булса, товарлар билан ишлаб чикириш ва тижорат операцияларини бажаришга йул куйилади, улар нинг чакана савдоси бундан мустасно.

Божхона Кодексининг ва бошка конун хужжатларининг коидаларига риоя этмаётган айрим шахсларга божхона органлари товарлар билан операцияларни амалга оширишни такиклаб куюиши хамда эркин божхона зоналари ва эркин омборларга монеликсиз кириб чикишни рад этиши мумкин. Эркин божхона зонаси режими амал килаетган худудда бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этишга божхона органи билан келишган холда йул куйилади.

Эркин божхона зонаси ёки эркин омбор режимларига жойлашириладиган товарларга нисбатан бож, соликлар ва эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларидан турган товарларни эркин муомалага ёки экспортга чикириш режимларига жойлаштирганда, агар конун хужжатларидан бошкача тартибназарда тутилмаган булса, бож, соликлар хамда иктисодий сиёsat чоралари товарларнинг келиб чикишига караб кулланилади.

Халқаро терминалларда юқ ташиш.

Халқаро юқ ташишда икки усул мавжуд бўлиб унинг биринчисида юклар жўнатувчидан юқ қабул қилувчига тўғридан-тўғри етказиб берилса, иккинчисида жўнатиш ва (ёки) қабул қилиш жойларидаги терминалларга етказиб берилади. Иккинчи усулни терминал тизими халқлараро юқ ташишлар деб юритилади ва унда транспорт жараёнини ташкил этиш асосий звеноси (бҳфини) вазифасини терминаллар бажаради. Терминаллар аксарият транспорт-экспедицион ишларни

бажарадилар. Терминал ибораси халқаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши натижасида МДХ давлатлариға етиб келган бўлиб, унинг том маъноси инглиз тилидаги terminal сўзи бўлиб, охирги тҳҳташ жойини билдиради.

Жаҳон амалиётида эса freight terminal ибораси ишлатилиб, унинг маъноси транспорт-тарқатувчи марказ бўлиб, турли хил товарларни омборларда (заруратга кўра)тижорат мақсадида сақлаш билан бирга, ҳар хил зарурий хизматларни ҳам бажаради.

Терминал ёки терминал мажмуи-ҳозирги замон талабига биноан технологик жиҳозланган, товарларни транспортировкалаш ва уларни гурухлаб тарқатиш билан боғлиқ комплекс инженер-техник иншоот бўлиб, унда қуидаги ишлар бажарилиши мумкин:

- божхона ишловларини бажариш;
- ортиш-тушириш ишлари;
- кенг номенклатурадаги товарларни (контейнерларда келган товарларни ҳам) сақлаш;
- сархиллаш ва жўнатишга тайёрлаш;
- транспорт воситалариға техник хизмат кўрсатиш ва уларга тҳловли жой бериш;
- суғурталаш ва ҳисобот ишларини бажариш;
- ахборот хизмати, бошқа терминаллар, юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар билан алоқани ташкил этиш;
- меҳмонхона туридаги хизматни ташкил этиш.

Терминалнинг асосий вазифаси юкларни (бўлиб)тарқатишдан иборат. Терминаллар, асосан йирик темир бекатларида, дарё пристанларида, аэропортларда, юк автомобили бекати (ЮАБ)ларида ташкил этилади. Йирик темир йўл бекатларида маҳсуслаштирилган контейнер терминаллари ҳам бўлиши мумкин. Баъзи бир корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи очик турдаги ёки ёпик турдаги терминаллар бўлиши мумкин. Ёпик турдаги терминалга 2001 йил нефть ва нефть маҳсулотларини Қамчиқ довони орқали ташиш билан боғлиқ Ангрен ва Поп нефть маҳсулотлари терминалини мисол қилиб келтириш мумкин.

Терминал тизимида ташишни ташкил этувчиларга қуидагилар киради:

- экспедиторлар. Экспедиторлар юкларни жүннатиш ва келтириш билан боғлиқ ходимлар бўлиб, улар ўз номларидан ёки ваколатини олган корхона (ташкилот) номидан шартнома тузиб ташиш ишлари жавобгарлигини олган шахслардир;
- юк ташувчилар. Юк жүннатиш жойидан уни етказиб бериш жойигача ташиш ишларини бажарувчи транспорт ташкилоти ёки шахсий мулк (транспорт) эгаси.

Ўзбекистон республикасида терминал тизимида юк ташувчиларга, Тошкент аэропорти терминали, пахта толаси темир йўл терминаллари (Бухоро ва Сирдарёда) ва “Хзашарларапортранс-Узмежгортранс” хиссадорлик юк автомобиль бекатларини киргазиш мумкин. Пахта толаси терминали ҳар бир вилоятда ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

Терминал тизими технологияси орқали юк ташишда йирик ва майдада компаниялар фойдаланадилар.

Транспорт-экспедицияси хизматлари бозорининг бешафқат рақобати шароитида терминал тизимлари товарларни тезлаштириб етказиб беришга имкон яратиб беради;

терминаллар аксарият ҳолларда талаб ва таклиф мавсумий ўзгаришларини мавжудлиги билан боғлиқ омборлар заҳираларига эга бўлишлари имконини беради;

тижорат(товарни баланд нарх билан сотиш ва қулай солиққа тортилиш) мақсадида товарларни узоқ вақт сақлаш имконлари мавжудлиги кўпчилик корхоналарни терминал технологияларидан фойдаланиб, ўзларининг омбор хўжаликларидан воз кечишлирага имкон яратиб беради. Бунинг мисолига “Ўзбекпахтасаноати” қошида ташкил этилган терминаллар пахта тозалаш заводларининг ўз омборларига зарурат йҳқлигини келтириш мумкин.

Масалан, Японияда юк ташиш терминал тизимини ривожлантиришга автомобиль транспорти терминаллари тўғрисидаги қонун асос бўлган.* А. С. Шустов, Е. А. Малишева маълумотларига кўра ҳозирги кунда Японияда 1500 дан

ортиқ маҳсуслаштирилган терминаллар, шу жумладан “Сейко” соатини тарқатиш маркази, тез бузилувчи қишлоқ хұжалик маҳсулотларига ишлов берувчи “Дейкоку” терминалини келтириш мүмкін.

Россияда ҳам маҳсус Терминал номли давлат инновағион дастури қабул этилған.

Халқаро терминаллар орқали юк ташишни ташкил этишда қуйидагиларни инобатта олиш керак:

- ташиш технологиясини, ҳаракатни ташкил этиш тизими ва транспорт ҳаракати маршрутини танлаш;
- зарур бўлган транспорт воситалари танлови ва ҳисоби;
- транспорт воситалари ҳаракат жадвалини ишлаб чиқиш ва уни алоқадор корхоналар билан келишиш.

Ҳаракатни ташкил этиш қуйидагича бўлиши мүмкін: тўғридан-тўғри(бир транспорт воситаси юкни жўнатиш терминалидан то етказиб бориш терминалигача) етказиш; участка терминалигача (оралиқ терминалда ярим тиркамани ёки контейнерни алмаштириш)етказиш; эстафета (ҳайдовчи ёки экипажни маршрут ичи оралиқ терминалида) алмашуви. Ўзбекистонда ҳаво транспорти бўйича юк ташиш терминаллари Тошкент аэропортида ва Асакадаги “УзДЭУавто” заводи комплектағияси юкларига хизмат этувчи Андижон аэропортида мавжуд.

-ғарбий Овропа мамлакатларида ва Россияда қуйидаги терминал шахобчалари мавжуд:

- Овропа тизими терминаллари (жумладан интерконтейнер шахобчаси);
- икки-уч мамлакатни бирлаштирувчи терминал шахобчалари;
- айрим транспорт компанияларига қарашли мули ва бимодал юк ташиш терминаллари мавжуд.

Давлат миқёсида барча транспортлар инфратузилмаси ривожида терминал тизимининг аҳамияти катталигининг ҳисобга олиниб ривожланган мамлакатлар халқаро юк ташишларни тартибга солиш мақсадида маҳсус қонунлар қабул этилған.

Назорат учун саволлар:

1. Таъминот жараёнини бошқариш технологиясини моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат.
2. Автомобил ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалаларидағи мавжуд муаммо ва камчиликларини изоҳлаб беринг.
3. Таъминот жараёнларини бошқаришда корхоналардаги мавжуд транспорт воситаларининг турларини тавсифлаб беринг.
4. Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари ва устувор йўналишлари нималардан иборат.
5. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича асосий лойихалар технологиясини тартиби ва заруриятини изоҳлаб беринг.
6. Транспорт жараёни билан боғлиқ хизматларни бажаришда лицензиялар бериш тартибини тушунтириб беринг.
7. Омборларнинг асосий ва логистик вазифалари нималардан иборат?
8. Омборхона агрегат-транспорт мажмуалари кандай турларга булинади?

8-мавзу. Таъминот жараёнини бошқаришда режалаштириш

РЕЖА:

- 8.1. Таъминот логистикасини режалаштиришни иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти ва хос хусусиятлари.**
- 8.2. Таъминот логистикасини режалаштиришни бўлимлари твасифи**
- 8.3. Таъминот логистикасини режалаштириш жараёни ва унинг таҳлил қилиш йўллари.**

8.1. Таъминот логистикасини режалаштиришни иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти ва хос хусусиятлари.

Темир йўл транспорти билан автомобиль транспорти ўртасида юк ташишни оқилона тақсимлашнинг асосий тамойили ижтимоий меҳнат сарфини иложи борича қисқартишдир. Ижтимоий меҳнат сарфи иқтисодий кўрсатгичлар тизими бўйича аниқланади ва унга фақат юкорида кўрсатилган харажатлар қийматигина кириб қолмай, натурал кўрсатгичлар қиймати (масалан, амортизация харажати) ҳам киради. Лекин қиймат кўрсаткичлари муҳимроқ ҳисобланади, чунки улар аниқ ҳисобга олинади ва муайян ишлаб чиқариш (юк ташиш) шароитида транспортнинг қайси бир турини ишлатиш афзалроқ эканлигини аниқлаш имконини беради.

Юк ташиш, ортиш-тушириш ишларига турли хил транспортда турлича вақт сарфланади.

Юкни тез етказиб бериш нуқтаи назаридан транспортнинг у ёки бу турини баҳолаш кўрсаткичи сифатида юкларни етказиб бериш тезлиги ошиши ҳисобига транспорт жараёнидан ҳоли бўлган юк қиймати олинади (у мамлакат иқтисодиёти айланма маблағларининг бир қисмини ташкил этади). Бу кўрсаткич қимматбаҳо юклар ташилаётганда айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Тез бузиладиган юкларни ташишда етказиш тезлиги бошқача аҳамият касб этади

Юк ташиш вақти оша бориши билан тез бузиладиган юклар сифати пасаяди ва бундан кўриладиган зиён орта боради. Шу сабабли транспортнинг у ёки бу турини танлашда ташилаётган юк сифатининг пасайиши ва бундан кўриладиган зиён назарда тутилиши лозим

Баъзан маълум бир транспорт туридан фойдаланишни баҳолашда қиймат кўрсаткичлари етарли бўлмай қолади. Бундай ҳолларда қўшимча равишда натурал кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларга, масалан, сарфланган ёнилғи микдори, ташишда банд бўлган ишчилар сони кабилар киради. Таққосланадиган қиймат кўрсаткичлари етарли бўлмай қолганда натурал кўрсаткичлар транспортнинг у ёки бу турини танлашда ёрдам бериши мумкин.

Автомобиль ва темир йўл транспортнинг оқилона ташиш масофасини юк ташишнинг қиймат кўрсаткичи бўйича аниқлашда юк ташиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни, яъни юкни магистрал транспорт воситаларигача олиб келиш

ва ундан ташиб чиқиш ҳамда ортиш-тушириш ишларини ҳисобга олиш зарур. Юкни түғри автомобиль транспортида ташиш харажатларига ташиш харажатларининг ўзи, ортиш-тушириш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлар; омбор ишлари харажатлари; шунингдек ташиш таннархини ҳисоблашда иштирок этувчи йўл харажатлари (бундай харажатлар йўл турига ва ундаги ҳаракат тезлигига боғлиқ) киради.

Юк темир йўл транспортида ташилгандаги харажатларга юк ташишга бевосита алоқадор харажатлар, юкни жҳнатувчи омборидан темир йўл бекатигача келтириш харажатлари ва уни темир йўл бекатидан юк олувчи омборига етказиб бериш харажатлари, ортиш-тушириш ишларига алоқадор бўлган ишлар харажатлари киради.

Бунда юкларни темир йўл бекатларига олиб келиш ва олиб кетиш ишлари асосан автомобиль транспортида амалга оширилади. Бу ҳолда темир йўл транспортида юк ташиш тизими автомобиль транспорти харажати ҳам қўшилади. Умумий юк ташиш қиймати қўшимча автомобиль транспорти харажати ҳисобига ошади ва қайта юклаш ишлари сони бевосита автомобилда ташилгандагига нисбатан қўпаяди.

Транспорт турини иқтисодий жиҳатдан мақсаддага мувофиқ равища танлаш ёки транспорт тури бўйича юк оборотини түғри тақсимлаш учун автомобиль ва темир йўл транспортида турли масофаларга юк ташишда ҳосил бўладиган харажатларининг суммар графигини тузиш керак. Бунда чизиқлар туташган нукта юк ташишда автомобиль транспортини қўлланиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган энг катта масофани аниқлаб беради.

Энг самарали транспорт турини танлашда юк ташиш харажатлари кўрсаткичи билан бирга юк ташиш тезлиги кўрсаткичи ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Юк ташиш тезлигини оширишдан олинадиган иқтисодий самарани асосан қимматбаҳо ва омборларда узок вақт сақлаб бўлмайдиган юклар бўйича аниқлаш керак. Юкларни бевосита автомобиль транспортида ташиб, уларни етказиб бериш тезлигини ошириш юк ташиш тежами ҳисобга йўлда ва омборларда турадиган

захира юклар миқдорини камайтиради, демак, айланма маблағларни қискартиришга имкон беради.

Илмий тадқиқотчилар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида автомобиль транспорти ва темир йўл транспортнинг ҳозирги шарт-шароитида барча турдаги юкларни 100 км масофагача автомобиль транспорти билан ташишга ўтказиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Юкларнинг айрим турлари учун бу масофа янада каттароқдир. Чунончи:

Кум, шағал, тош, кўмир, руда 125-130 км;

ғишт, цемент, металл, ун, дон, қанд лавлаги 165-175 км;

Газмол, пойабзал, кондитер маҳсулотлари 230-240 км;

Мева, сабзавот, тирик қорамол, сут ва сут маҳсулотлари 350-400 км;

Пахта хом ашёси (қоп-қонарсиз) 500-550 км.

Юк ташиш масофаси мазкур туман бошқа турдаги транспорт алоқалари мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Транспортнинг бошқа турлари кам ривожланган туманларда автомобиль билан юк ташиш масофасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт воситалари ва юк ташиш ишларини такомиллаштириш ҳамда қаттиқ қопламли автомобиль йўлларини кўпайтириш юк ташишда автомобиль транспортидан фойдаланишини янада яхшилашга олиб келади. Юк ташиш учун кўп юк кўтарадиган автомобиллардан ва автопоездлардан фойдаланиш автомобиль транспортини ишлатиш доирасини кенгайтириш имконини беради.

Масалан, пахта хом ашёсини ташишда ЗИЛ-130В1 тягачини ишлатиш пахта хом ашёсини ташишга ихтисослаштирилган иккита ТМЗ-879 маркали яrim тиркамали тиркаш имконини берадики, натижада автопоезд унуми деярли 1,5...2 мартагача ошади.

Куруқлиқда ишловчи транспорт турлари ўртасида юк оборотини тақсимлашда бир кунлик вагон обороти 1...3 вагондан, айрим жойларда 5 вагондан ошмайдиган магистрал темир йўл бекатларидан ва саноат темир йўл шаҳобчаларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаб чиқиши зарур. Чунки

бундай кичик юк бекатларда ва саноат темир йўл шаҳобчаларида ортиш-тушириш механизмларини ишлатиш иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушади. Бундан ташқари вагонларни келтириш ва қайтариб олиб кетиш, маневр ишларини бажаришда темир йўл шаҳобчалари ҳамда транспорт воситаларини эксплуатағия қилиш умумий харажатлари бундай жойларда автомобиль транспорти билан юк ташиш харажатларига нисбатан қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун кичик юк бекатларини ва саноат темир йўл шаҳобчаларини тубдан қисқартириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Темир йўл ва дарё транспортида юк ташиш ишларини тўғри тақсимлаш ва улар ишини мувофиқлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Агар ишлаб чиқариш туманига темир йўл транспорти, истеъмолчи туманига эса сув транспорти хизмат қилса, бундай туманларнинг транспорт алоқалари аралаш темир йўл-сув йўли алоқалари ташикил қилиниб, амалга оширилади.

Темир йўл ва сув транспорти ўртасида юк ташишни мақсадга мувофиқ тақсимлаш учун ташиладиган юклар миқдорини ва истеъмол қилишнинг мавсумийлигини ўрганиш лозим.

Арzonроқ ва кўплаб ташиладиган юклар (қурилиш материаллари, ёғоч ва бошқалар) сув транспортида ташилгани яхши, чунки бу мамлакат иқтисодиётида айланма маблағларни тежаш имконини беради. Дарё транспортига узок масофаларга ташиладиган юкларни ўтказиш лозим, чунки бундай юклар дарё транспортида ташилганда кўп маблағ тежаб қолинади.

Пассажирлар ташишда ҳам юк ташишни ташкил этишдаги каби транспорт турлари ишини мувофиқлаштириш ва пассажирлар ташишда заруриятга қараб аралаш транспорт тизимини қўлланиш жуда катта аҳамиятга эга. Пассажирларни аралаш транспорт тизими билан ташишни ташкил қилишдаги асосий мезон пассажирларнинг сафардаги вақтини тежаш ва кира хақини арzonлаштириш. Бунга ҳаракат тезлигини ошириш, транспорт воситасини такомиллаштириш ва йўл шароитини яхшилаш, ҳаракат мунтазамлигини таъминлаш, пассажирлар учун максимал қулайлик ва шинамликлар яратиш билан эришилади.

Пассажирларнинг сафардаги вақтини тежаш мақсадида поезд ва самолётлар ҳаракат графикларига автобуслар графиклари мослаштириб тузилади. Ўз навбатида, поездлари ҳаракат графикларига самолётлар ҳаракат графиклари мосланиб тузилган бўлиши керак. Турли хил транспорт воситаларида пассажирларни аралаш ташишда йўл кира ҳақлари келишилиб белгиланиши лозим бўлади.

Пассажир ташиш тезлигини ошириш самарадорлигини аниқлаш анча мураккабдир. Шунинг учун кўп ҳолларда пассажирлар ташиш тезлигини ошириш пассажир-соат ҳисобидаги тежамни ҳисоблаш билан тугалланади. Сафардаги пассажир-соатларда ўлчанувчи вақтни тежаш зарур кўрсатгичдир. Кишиларнинг сафарда бўлиш вақти кўп ҳолларда уларнинг иш ёки дам олиш вақтини қискартириш ҳисобига бўлади.

Демак, пассажирларни чарчамайдиган ҳолда ташиш тезликларини ошириш уларнинг номинал иш вақтлари ресурсларини ошириш билан бирга иш унумдорлигини ҳам оширади ва бу иккала ҳол ишлаб чиқаришни оширишга ёрдам беради.

Пассажирлар тежаган ҳар бир соатнинг ўртача пул ҳисобидаги нархини топиш иккинчи усулдир. Бу усулдаги ҳисоблашлар сўнгги йилларда кенг қўлланилмоқда. Ҳар бир пассажир-соат сарфининг пул ҳисобидаги нархини топиш параллел ҳаракат қилувчи бир қанча транспортларнинг қайси туридан фойдаланганда қанча вақт тежалиш, кира ҳақи ва йўлдаги харажатлар йигиндиси фарқини таққослашда ишлатилади.

Масалан, узоқ масофадаги сафарда бўлишда поездларда юришни ёки самолётларда учишни таққослашда. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, узоқ масофаларда поездларда юришнинг ҳар бир пассажир-соати нархи тахминан 500...800 сўм атрофида экан.

Мана шундай ўртача ҳисобдаги пассажир-соатлар нархи ва бир йилда олинадиган тежам вақтларига қараб, ҳаракатни тезлатиш билан боғлиқ инвестициялар қанча вақт ичida ўзини оқлашини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Агар

ҳаракатни тезлатиши учун сарфланган инвестиғиялар 6...8 йил мобайнида ўзини оқласа, бундай ҳаракатлар самарали бўлади.

Шуни айтиш керакки, иккала усулда ҳисоблаш ҳам кўп жиҳатдан шартли бўлиб, катта миқёслардаги ҳисоблашлардагина қўлланилади. Амалда пассажирларнинг ҳар бири сафарда юриш вақтлари тежамини ҳар хил усулда ҳисоблайдилар. Чунки бундай ҳисоблар уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига, харажатларни ким қоплашига, сафар қайси маҳалда (кечаси ёки кундузи) бўлишига, қандай қулайлик ва шинамликлар борлигига ва бошқа бир қанча сабабларга боғлиқдир.

Масалан, пассажир кечаси 8 соат ухлаб борадими ёки кундузи 5 соат юрадими. Биринчи ҳолда вақт сарфи 3 соат ортиқ бўлса ҳам, унинг пассажир учун аҳамияти кам бўлиши мумкин. Демақ, бундай ҳисоблар аниқроқ бўлиши учун маҳсус текширишлар ўтказиш ҳамда ҳаракатни тезлаштиришнинг аниқ шартларини ҳисобга олиш лозим.

Сўнгги йилларда транспортнинг айрим турлари ўртасида юк ва пассажир ташиш ҳажми кескин ўсиши билан бирга уларни транспортлараро тақсимлаш ҳам оптималлашиб бормоқда. Шундай хулоса чиқаришга, биринчидан, ҳозир барча мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланаётганлиги ҳамда аҳолининг ташишга бўлган талаблари умуман бажарилаётганлиги, иккинчидан, барча турдаги транспортлар фойдалилик даражаси анча юқори эканлиги асос бўлаолади.

Лекин шунга қарамай, айрим юкларни бир транспорт туридан иккинчисига ўтказиб ташиш иқтисодий жиҳатдан афзалроқдир. Масалан, нефть ва нефть маҳсулотлари қувур юборғич транспортига ўтказилса, ташиш таннархи темир йўл транспортидагига нисбатан 2...3 марта арzonлашади ёки темир йўл транспортида қисқа масофаларда (150...200 километргача) ташилаётган юклар автомобиль транспортига ўтказилса, ташиш харажатлари камаяди. Мана шундай қисқа масофаларга ташилаётган юклар ҳажми ҳар йилига бир неча минг тоннадан кўпроқни ташкил қиласди.

Келтирилган мисоллар транспорт айрим турлари ўртасидаги ташишларни янада оптималлаштириб тақсимлаш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Бундай масалаларни ҳал қилиш учун аввало мавжуд юк ташиш умумий ҳажмини иқтисодий туманлар ва вилоятлараро перспектив давр мобайнидаги транспорт-иқтисодий баланслари асосида белгиланади. Узокроқ даврлар учун юк ташиш умумий ҳажми айрим статистик материалларни таҳлил қилиш асосида башоратлаш йўли билан белгиланади.

Айрим турдаги юклар фақат аниқ транспортлардагина ташилгани ҳолда кўпчилик юклар транспортнинг бир неча турларида ташилиши мумкин. Бунда юкларни транспортнинг айрим турлари ўртасида ташишни оптималлаштириш учун бир ёки бир неча ташиш самарадарлиги кўрсаткичлари таққосланади.

Оптимал ташишни ташкил қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари (ёки мезонлари) баъзан умумлаштирилган бўлса, гоҳо хусусий кўрсаткичлар бўлиши ҳам мумкин. Оптимал ташишни ташкил қилишни ифодаловчи хусусий кўрсаткичларга тонна-километр билан ўлчанадиган юк оборотлари, ташиш тезлиги, ёнилғи ёки қувват сарфи, иш кучи сарфи ва бошқа натураган кўрсатгичлар кириши мумкин.

Оптимал ташишни ташкил қилишни ифодаловчи умумлаштирилган асосий кхрсаткич-мехнат сарфидир. Мехнат сарфи келтирилган харажатлар, яъни айни даврда ташиш учун қилинган эксплуатағион харажатлар ва инвестицион харажатларнинг эксплуатағион харажатларга келтирилган қисми йиғиндисидан иборат бўлиб, қуидаги формула орқали аниқланади.

Скелт + Е + Ен +Кт+Кюк

бу ерда Скелт -келтирилган харажатлар йиғиндиси, сўм;

Е - айни даврга (бир йилги) ташиш учун қилинган эксплуатағион харажатлар, сўм;

Ен - инвестицион харажатларни эксплуатацион харажатларга келтириш (меъёrlаш) коэффициенти (транспортда $E=0,12$ қабул қилинган);

Кт - инвестицион харажатлар (бино, иншоотлар, транспорт воситалари) йиғиндиси, сўм;

Кюк-транспорт жараёнида йўлдаги юклар умумий қиймати (ёки мамлакат иқтисодиёти айланма маблағлари), сўм.

Юқорида келтирилген формула орқали транспортнинг айrim турлари бўйича харажатлар йиғиндиси аниқланиб, уларни бир бири билан таққослаш лозим бўлади. Бундан ташқари зарурият туғилган жойларда қўшимча қилиб оптималь ташишни ташкил қилиш хусусий кўрсаткичлари ҳам таққослаб кўрилиши лозим. Масалан, ёнилғи танқис бўлган жойда унинг нисбий сарфи ва бошқалар. Албатта тўғри хulosага келиш учун таққосланувчи кўрсаткич ўлчамлари бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиши назарда тутилиши керак.

Умумий ҳолларда эса транспорт айrim турлари ўртасидаги оптималь ташишни ташикил қилишда транспортларнинг куйидаги иқтисодий самарадорлиги доираларини ҳисобга олиш лозим.

Асосан кўп ҳажмдаги юкларни узоқ ва ўрта (200 км дан ортиқ) масофаларга ташишда темир йўл транспорти ишлатилгани мақсадга мувофиқдир. Корхоналар ичи темир йўл шаҳобчалари мавжуд бўлган жойларга кўп ҳажмдаги (йилига 30...40 минг тоннадан кам бўлмаган) юкларни қисқа масофаларга ташишда ҳам кўпинча темир йўл транспорти ишлатиши мумкин. Ташиш ҳажмлари кам бўлган жойларда корхоналар ичи темир йўл шаҳобчаларини эксплуатағия қилиш нисбий харажатлари кўпайиб кетиб, ташиш таннархини қимматлаштириб юборади. Мана шундай темир йўл шаҳобчалари орқали ташиладиган юклар автомобиль транспортига ўтказиб ташилиши мақсадга мувофиқдир.

Янги корхоналарни жойлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишида уларга транспорт хизмати кўрсатиш аҳолида ва чуқур техник-иктисодий ҳисоблар билан кўриб чиқилиши лозим.

Автомобиль транспорти шаҳарлар, саноат марказлари ичи, қишлоқ хўжалик туманлари юкларни ташишда, юкларни магистрал транспортдан қабул қилувчиларгача ва аксинча ишлаб чиқариш жойлардан магистрал транспортгача темир йўл ва бошқа магистрал транспортда ташиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш жойларидан қабул қилувчиларга, тез бузиладиган, тирик мол ва бошқа тез ташилиши зарур бўлган юкларни ташишда, контейнерларда ташиладиган ва кичик партияли юкларни қисқа ва ўрта масофаларга ташишда ишлатилади.

Автомобиль ва темир йўл транспортлари ўртасида юк ташишни оптимал тақсимлашда, корхоналарга транспорт хизмати кўрсатиш схемасини танлашда аниқ шароитларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, юк жўнатувчи ва қабул қилувчи корхоналар ўз темир йўл шаҳобчалари билан боғланган бўлсалар, автомобиль транспортида қисқа масофалардаги жуда тез ташилиши лозим бўлган юклар ташилгани яхши. Юклар магистрал транспортгача ёки магистрал транспортдан юк қабул қилувчигача бир томонга автомобиллар ёрдамида ташиладиган аниқ шароитларда уларни бевосита автомобилларда ташишнинг самарали масофалари 50...150 км ва ортиқроқ бўлиши ҳам мумкин.

Юклар ишлаб чиқариш жойидан магистрал темир йўлгача ва темир йўл магистрал транспортидан қабул қилувчигача автомобиль транспортида ташиладиган бўлса, уларни бевосита автомобиль транспортида ташишнинг самарали масофалари аниқ шароитлардаги турларига қараб 200 километргача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Чунки бундай ташиш схемаси қўлланилганда йўлдаги қайта ортиш-тушириш ишлари камида тўрт марта камайиши ва юк ташиш тезлиги ошиши натижасида автомобилларда юк ташиш қиммат бўёлишига қарамай, иқтисодиётнинг умумий транспорт харажатлари камаяди.

Дарё транспортини қуидаги ҳолларда ишлатган маъқул: аввало бошқа турдаги магистрал транспортлар бўлмаган ерларда ҳамда юклар ташилиши ўртасидаги кема йўллари ривожланган жойларда; кема йўллари чуқур магистралларда; аралаш транспорт (дарё-темир йўл), схемаларини қўлланиш самарали бўлган ерларда.

Пассажирлар ташишда транспорт айрим турларидан фойдаланиш кўп ҳолларда аҳоли яшайдиган жойларнинг магистрал транспорт алоқаси борлигига, уларнинг ўзгарувчан пассажирлар оқими билан боғланишига, ташиш тезлиги ва шинамлигига, кира ҳақига, ҳарақат вақтига (кечаси ёки кундузи), қатнов мақсадларига (хизмат сафари ёки дам олишга) боғлиқдир. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда пассажирлар кўп ҳолларда пассажир транспорти турини ўzlари танлайдилар.

Пассажирлар шаҳар атрофи маршрутларида кўпинча темир йўл электричкалар ҳамда автобуслардан фойдаланадилар. Шаҳар атрофида темир йўйл электричкаларини ишлатишнинг баъзи афзалликлари бор. Масалан, тез-тез қатнаб турувчи электричкаларнинг умумий қулайлиги, ҳаракат тезлиги ва абонемент қўлланган кира ҳақи арzonлиги шу афзалликлар жумласига киради. Автобуслар пассажирлар йўлда қайта тушиб-чиқиб қатнайдиган маршрутларда афзалроқдир.

Пассажирлар ўртача масофаларга (500...1000 км) қатнашда кўпинча темир йўл транспортидан ва ҳаво транспортларидан фойдаланадилар. Бундай масофаларга қатнашда сафарда бўлиш вақти 5...10 соат атрофида бўлгани учун тунги қатнов жадваллари қўлланилса, кўп пассажирлар темир йўл транспортини афзал кўрадилар, чунки бундай сафарлар иш вақтида бўлмасдан, bemalol ухлаб кетиши имкониятини беради.

Узоқ масофаларга қатнашда пассажирлар асосан тез ҳаракатланувчи ҳаво транспортини танлайдилар. Улкан сифимли пассажир самолётларнинг яратилиши, аэропорт хизматининг янада яхшиланиши пассажир транспортнинг бу турини кенгайтиришни тақозо этади.

8.2. Таъминот логистикасини режалаштиришни бўлимлари тавсифи

Bozor iqtisodiyoti sharoitida biznesni rejalash va tahlil etish, investitsiya loyihalariga katta e’tibor berilishi, umuman bu faoliyatlarning korxona uchun nihoyatda zarurligi jahon tajribasida alaqachon isbotlangan. SHu bois, bozor munosabatlari sharoitida har bir firma, kompaniya va korxona biznesni loyihalash va rejalashdan manfaatdor bo‘lib undan o‘z imkoniyatlari doirasida u yoki bu darajada foydalananadi.

Ishbilarmonlik muhitini yaxshilash hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivoji uchun yanada qulay sharoitlar yaratishga qaratilgan chora-tadbirlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash zarurligini barchamiz albatta yaxshi tushunamiz.

Rejelashtirish - maqsadni belgilash, unga etish vositalarini aniqlash va harakat yo'llari to'g'risida muntazam ravishda dastur ishlab chiqish jarayonidir.

Rejelashtirish bir necha bosqichdan iborat bo'ladi. Ularni umumlashtirib uch bosqichga bo'lish mumkin.

Boshlang'ich bosqichda g'oyani shakllantirish, maqsadni aniqlash, ma'lumotlarni tahlil qilish, umumlashtirish, rejelashtirilayotgan ko'rsatkichlarning yo'nalishlarini aniqlash, istiqbolni belgilashdan iborat bo'lishi kerak.

O'rtanchi bosqichi ko'p variantli rejani tuzish, xo'jalik sub'ekti rahbariyati tomonidan ko'rib chiqish, uning optimal variantini ma'kullash.

Oxirgi bosqichi qabul qilingan rejani bajaruvchilarga etkazish, bajarilishini ta'minlashni chora-tadbirlarini ko'rish va nazorat qilishdan iborat bo'lishi kerak deb hisoblaymiz. Ushbu bosqichlarni standart sifatida qabul qilmaslik kerak. Rejelashtirishning turlari va ko'rsatkichlari, rejelashtirilayotgan faoliyatga qarab bosqichlarni kengaytirish, boshqa ketma-ketlik shakllarini ishlatish mumkin.

O'zoq muddatli rejalar quyidagi tartibda tuzilishi ham korxonalar tajribasida ishlatilib kelinmoqda: korxonaning maqsadi, investitsiya va ishlab chiqarishni takomillashtirish, resurslarning ishlatilish samarasi, boshqarishni takomillashtirish, raqobat vaziyatlarining tahlili, korxona tarkiblarining resurslari, ularning samaradorligi kabilar.

Marketing tadqiqotlari asosida korxonaning rivojlanish istiqbolini aniqlash va uning raqobatbardoshligini baholash.

Bozor vaziyatiga bog'liq muammolarni aniqlash, ularni hal qilish variantlarini asoslash va tanlagen variantning oqibatini baholash.

O'zoq muddatli rejani tuzish.

Xo'jalik faoliyatining strategik sohalari bo'yicha maqsadli dasturlar ishlab chiqish.

1-chizma. O'zoq muddatli rejelashtirishning bosqichlari

Chet el korxonalarining tajribasi shuni ko'rsatadiki, rejalarning bajarilishi qat'iy xarakterga ega. Rejalarda asosiy masalalar o'z ifodasini topadi. Masalan: ishlab chiqarishning assortimenti, foyda (yoki daromad) darajasi, xarajatlar mikdori, kapital mablag'larning samarasi kabilar. Bunday bo'limlarning har biri bo'yicha aniq choratadbirlar, konkret javobgarlar aniqlaniladi. Alovida bo'limlar bo'yicha (kalendar) taqvim rejalar tuzilib, kim nima qiladi, qanday bajaradi kabi savollarga javoblar belgilab qo'yiladi.

Biznes-reja doimiy hujjat bo'lib, muntazam ravishda yangilab boriladi, unga ham firmaning ichida, ham umuman iqtisodiyotdagi sharoitlarga qarab ro'y bergan o'zgarishlar kiritiladi.

Rejalarshirishning muhim bir tamoyili **ilmiylik** bo'lib, u avvalo tayyorlanayotgan rejalar va ishlab chiqarishni rivojlantirish dasturlariga, shuningdek, fan-texnika taraqqiyoti talablari, raqobatchilik va bozor talablarini hisobga olishga asoslanadi. Rejalarshirishning ilmiyligi, jonli mehnat va mahsulotga aylangan mehnat xarajatlarining eng kam miqdorida iloji boricha yuqori natijalarga erishishga, shuningdek, korxona xodimlari manfaatdorligini oshirishga ko'maklashadi.

Jahon amaliyoti shuni ko'rsatmoqdaki biznes-reja hamma uchun o'ta zarurdir.

Uning dolzarbliqi oq'ida qilar bilan belgilanadi (**4-chizma**):

Iqtisodiyotimizga yangi tadbirkorlar avlodining ko'pchiligi bozor iqtisodiyotida vujudga keladigan muammolarni tasavvur ham qila olmaydilar;

Iqtisodiyotimizga yangi tadbirkorlar avlodni kirib kelmoqda. Ularning ko'pchiligi hech qachon mustaqil ish yuritmaganlar, korxona (firma)ni boshqarmaganlar.

Mamlakatimizda tadbirkorlikni rivojlantirish uchun biznes rejaning muhimligi, quyidagi yo'nalishlar bilan belgilanadi:

Butunlay o'zgarib borayotgan xo'jalik faoliyati sohasi hatto katta tajribaga ega bo'lgan rahbarlarni ham ishdagi har bir qadamni boshqacha bosishni, hozirgacha bizga yet bo'lgan raqobatga tayyor turishni taqozo etadi.

4-chizma. Biznes rejaning asosiy omillarini belgilovchi yo‘nalishlar

Manba: N.X.Jumaev, I.O‘ Majidov,M.R.Boltabaev, I.A.Axmedov. “O‘z biznesingizni yarating”. O‘quv-uslubiy majmua. TDIU. 2012, -75 b.

Gap shundaki, bugun ishlab chiqarilayotgan narsa ertaga yoki indinga kerak bo‘lmay qolishi mumkin. SHu sababli biznes-reja nafaqat bugungi, balki ertangi kunga ham yo‘naltirilgan bo‘lishi lozim. Hech qaysi korxona o‘z faoliyatida istiqbolini ko‘zdan qochira olmaydi. Bu bozor sharoitlarida korxona barqarorligining asosiy qoidasidir.

Бозор иқтисодиёти режали иқтисодиётдан тубдан фарқ қиласди. Лекин бу иқтисодиётда ҳам режалаштириш бор, аммо унинг мазмуни тамомила бошқача, яъни социализмдаги режалаштириш каби корхонанинг оёқ-қўлини давлат берган топшириқларни бажариш билан боғлаб қўймайди. Бозор хўжалигида режалаштириш корхонанинг иқтисодий эркинлиги доирасида амал қиласди ва бозордаги талаб-таклифга қараб уюштирилади.

Режалаштириш фирма фаолиятини бозор талабига мослаштириш учун керакли чора-тадбирларни олдиндан белгилаш ва шароитга қараб уларга ўзгартиришлар киритиб боришдир.

Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг бир қатор қоидалари ёки тамойиллари бор:

1. Бозордаги реал шароитни ҳисобга олиш. Бунда корхона ўз ишини бозордаги нарх-навонинг ўзгариши эҳтимолини ҳисобга олиб режалаштиради.


2. Рақобатчилар имкониятларини инобатга олиш. Бунда қандай рақиблар бўлиши, уларнинг саъй-ҳаракатлари эҳтимоллари эътиборга олинади.

3. Режаларни юқоридан қуига ёки қуидан юқорига қараб ишлаб чиқиш. Бунда режа юқорида корхона даражасида ва қуида унинг бўғинлари доирасида тузилади.

4. Режалаштиришнинг узлуксизлиги. Бу тамойилга биноан қисқа ёки узок муддатга мўлжалланган саъй-ҳаракатларга керакли тузатишлар киритиш талаб қилинади, чунки бозор шароитида ҳамма нарсани олдиндан билиш қийин ва вавазиятга қараб режаларга ўзгаришлар киритиш талаб қилинади.

5. Турли режаларни мувофиқлаштириш. Фирманинг турли бўғинларидағи режалар бир-бирига мослаштирилади ва пировард натижада яхлит, ҳамма режаларни бирлаштирган умумий режа юзага келади.

Navbatdagi keltirilayotgan **2-rasmida** biznes rejaning kimlar uchun tuzish zarurati keltirilgan.



2-rasm. Biznes rejaning tuzish kimlar uchun zarurati

Асосий масала ҳар тарафлама асосланган ва келажакка мўлжалланган режаларни ишлаб чиқишидан иборат. Режа иш дастурини яратишидан бошланади. Дастурда мақсад белгиланади ва унга эришиш тадбирлар кўрсатилади.

2.Бизнес режани мақсади ва вазифалари.

Янгидан очиладиган фирмалар ўз ишини бизнес режани тузишдан бошлайдилар.

Бизнес режа кенг, ҳар томонлама аниқ тизимиға туширилган ва чуқур ўйлаб тайёрланган ҳужжат бўлиб, у фирмани қай мақсадга ҳаракат қилаётганлиги, кўзланган мақсадга эришгандан сўнг натижа қандай бўлади деган саволларга жавоб беради.

Бизнес режа корхона (фирма)нинг стратегик истиқболини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади ва уни 3-5 йилга тузишни тавсия этилади.

Бизнес режада аниқ танланган тадбиркорлик ишининг ҳамма томонлари ўз аксини топади. Энг аввал нима иш қилиш аниқланади, сўнгра қанча молиявий маблағлар кераклиги ҳисоб-китоб қилинади. Хизмат кўрсатиш соҳаси камхарожат, ишлаб чиқариш эса серхаражат ҳисобланади. Масалан, сартарошхона очиш. Соч-соқол олиш учун майда асбоблар ва кичик хоналар зарур ва улар катта пул талаб қилмайди. Тикувчилик цехи очиш учун эса бичиш, тикиш, тугма қадаш машиналари, юк транспорти, омборхоналар керак.

Албатта бу кўп пул талаб қиласи.

Бугунги кундаги шароит тадбиркордан шуни талаб қиласиди, бизнесда муваффақиятсизликка учрашдан қўра маълум вақт сарфлаб бизнес режа ишлаб олишни. Ёзма шаклда жиҳозланган бизнес режа ишни ташкил этиш ва уни бажаришни таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Бизнес режани ишлаб чиқишидан асосий мақсад - фирма фаолиятини келгуси давр ва айрим олинган даврдаги бозор эҳтиёжлари ва зарурий манбалар олиш имкониятларидан келиб чиқишидир.

Банклар ва инвестицион компаниялар учун бизнес режа визит карточка вазифасини бажаради. Имкониятли инвесторни корхона билан яқиндан таништириш ва ҳамкорликда ушбу лойихани жорий этишга ундаш ҳисобланади.

Бизнес режалар тадбиркор учун қуидаги асосий вазифаларни хал этишда ёрдам беради.

- фирма фаолияти асосий йўналиши, бозор мақсадлари ва фирманинг бозордаги ўрнини аниқлаш;
- фирманинг узоқ муддатли ва қисқа давр мақсадлари, стратегиясини , тактикасини амалга оширишга эришишни белгилаб бериш;
- фирманинг истемолчиларга тавсия этадиган товар (хизмат)лар таркибини танлаш ва асосий кўрсаткичларни аниқлаш;
- бозорни ўрганиш бўйича фирма маркетинг тадбирларини таркибини, реклама реализацияни рағбатлантириш, баҳони шакллантириш ва реализация йўлларини аниқлаш ва ҳ.к.

Quyidagi keltirilgan 4-rasmda biznes-rejani standart tuzilishi ko‘rsatilgan.

Biznes - rejaning standart tuzilishi:

Biznes-reja qanday shaklda tuzulishidan qat'iy nazar, quyidagi bo’limlarni o’zida aks ettirishi kerak:

Rezyume (kirish, xulosa)

Ishlab chiqarish (xizmat ko’rsatish) rejasi

Korxonani (firmani) tavsifnomasi

Marketing rejasi

Boshqarishni tashkil etish rejasi

Moliya rejasi

4-rasm. Biznes-rejaning standart tuzilishi

3 Бизнес режани тузиш тартиби.

Бизнес режа тузилиши дейилгандың унда ёритиладиган материаллар қисқача тавсифига эътибор берамиз. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар бизнес режаси билан ахолига сервис хизмат кўрсатувчилар режаси бир биридан тубдан фарқ қиласди. Бизнес режа ишлаб чиқишининг умумий талабларга риоя килиниши ҳам керак.

У л а р г а: режани қисқа бўлиши, бизнес ҳақидаги барча асосий маълумотлар қамраб олиниши ва ҳажми 7-10 бетдан ортмаслиги.(Айрим ҳолатларда 50 бетгача бориши мумкин).

Бизнес режа содда ва тўла бўлиши . Режалар аниқ таҳлилга асосланиши лозим. Таҳлилда аниқ рақамлардан ва таклифлардан фойдаланиш зарур. Масалан: бозорни ўрганишда тўғри статистик, демографик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш.

Хозирги кунда жаҳон амалиётида бизнес режаларнинг 5 дан 18 бўлимгача тузиб чиқилган кўринишлари мавжуд, уларнинг асосий қисимлари:

умумий, маркетинг, ишлаб чиқариш, молия, ташкилий қисимлар.

Тадбиркорликни режасиз ҳам бошлаш мумкин, аммо бу хавф-хатарни кучайтиради. Чунки бу ҳолда хатарнинг олдини олиш чоралари мўлжалланмаган бўлади.

Бозор шароитида, биринчидан, иш юришиб, бойиб кетиш имкони бўлса, иккинчидан, иш юришмай хонавайрон бўлиш ҳам мумкин. Шу сабабли хатар кам бўлиши учун бизнес режа тузиш талаб қилинади.

Biznes reja quyidagi bo'limlardan iborat bo'ladı:

1. Firmaning imkoniyatlari (kirish).
2. Tovar (xizmat)lar turlari.
3. Tovarlar sotish bozorlari.
4. Tovarlarni sotish bozorlarida raqobat.

5. Marketing rejasi.
 6. Ishlab chiqarish rejasi.
 7. Tashkiliy reja.
 8. Firmaning huquqiy ta'minoti.
 9. Tavakkalchilikni baholash va sug'urtalash.
 10. Moliyaviy reja (axborot).
 11. Moliyalashtirish strategiyasi.
 12. Menejment komandasi.
 13. Noaniqlik va tavakkalchilik.
- Endi liar bir bo'limning alohida sharhini ko'rib chiqamiz.

Firma imkoniyatlari (kirish) qismini yoritish maqsa- dida quyida uning sharni berilgan. (Masalan, firmanın nomi, haqiqiy manzili, telefoni, faks raqami, bankdagi hisob varaqalarining raqamlari, aloqa qilish uchun manzil va h.k.)

Bozor sharoitida har qanday firma doimiy ravishda '-z oldiga quyidagi savollarni qo'yadi:

1. Firma o'zida nimani aks ettiradi?
2. Firmanın tovarları (xizmatları) iste'molchilarini
■ imlar hisoblanadi?
3. Xaridorlarning imkoniyatlari qanday va ularga qaysi tovar (xizmat)lar qadrli?
4. Kelgusida firma qanday bo'ladi?
5. Qanday bo'lishi kerak?

Ushbu savollarga yetarli javob berilishi talab etiladi. Javoblar majmuyi firma faoliyati dasturini aks ettiradi. Yaxshi ishlangan dastur firmanın kelgusi istiqbollarini kafo- latidir.

Dastur tayyorlashda firma faoliyati va yo'nalishi aniq belgilab olinishi zarur.

Ishlab chiqarilayotgan tovar firma ishlab chiqarish faoliyatining chegarasi bo'lishi mumkin. Shuni esda tutish lozimki, tovar, texnologiya eskirishi mumkin, ammo bozor talabi uzoq vaqt saqlanib qoladi. Korxona rahbari firma dasturini ishlab

chiqishda faoliyatni o‘ta tor yoki o‘ta keng doirada tanlab olmasligi zarur. Bu holatda dastur imkoniyat doirasida bo‘lishi kerak.

Firma faoliyati dasturini ishlab chiqish strategik das- turlashning birinchi bosqichi hisoblanadi.

Strategik rejalashtirish bu — firmaning barcha kuch va marketing sohasidagi imkoniyatlariga tayangan holdagi maqsadi, tashkil etish va qo‘llab-quwatlash orasidagi bosh- qaruv faoliyatidir.

Firma boshqaruvining vazifasi — o‘zgaradigan tashqi shartlarga o‘ta tez moslashuvini ta’minlovchi xo‘jalik mexa- nizmini yaratishdir. Bu xo‘jalik faoliyatida tavakkalchilik va ishonchsizlikni kamaytiradi, tanlangan yo‘nalish bo‘yicha manbalarni mu- jassamlashishini ta’minlaydi. Boshqarishning oliv bo‘g‘inida firma rahbarlarining asosiy funksiyalari strategiyani ishlab chiqish va amalga oshirish hisoblanadi. Strategik reja firmaning asosiy maqsadi va unga eri- shish yoilarini belgilaydi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib strategik rejalashtirish- ning ma’nosini quyidagicha anglash mumkin:

1. Firma daromadlarini maksimallashtirishga sharoit yaratish.
2. Firma rahbarlarini tashqi muhitni oldindan ko‘ra bilishga undash
3. Firma rahbarlariga doimo ko‘zlangan maqsadga erishish yo‘lida mavjud manbalarni oqilona taqsimlashga imkoniyat berish.

Biznes rejaning asosiy bo‘limlari.

Biznes rejaga rezyume.

Strategik rejalashtirishning ikkinchi omili esa firma maqsadi va vazifalarini belgilab olishdir.

Firma maqsadini belgilashda miqdor ko‘rsatkichlardan foydalanilganlik maqsadga muvofiqdir. Masalan, firmaning bozordagi ulushi mahsulot ishlab chiqarish va sotish xara- jatlari, foyda miqdori va hokazo.

Sifat ko‘rsatkichlari orqali esa quyidagilarni xarakter- lashimiz mumkin:

- * bozorni jalb qilish (o‘zlashtirish);
- * yangi mahsulot yaratish va sotishni tashkil etish;

- * firma faoliyat ko 'rsatayotgan davlatda atrof- muhit muhofazasi;
- * savdo- sotiq amalga oshirilayotgan davlatda bandlik;
- * va hokazo.

Firma qanchalik o'z maqsadi, miqdori, vaqtি va o'rnini aniq belgilab olsa, aniq rejaning amalga oshirilishida shunchalik muvaffaqiyatga ega bo'ladi.

Strategik rejalahtirish
boshqichlari

Firma faoliyati dasturini ishlab chiqish Fimia maqsadi va vazifalarini belgilab olish.

Таъминот логистикасида ташиш иш бўйича бизнес режаларининг вазифаси ва аҳамияти юк ва пассажирлар ташишни режалаштириш муҳим вазифаларига қўйидагилар киради:

-ташишларни ва мамлакат транспорт тизимини ривожлантиришни иқтисодиёт ва мудофаа манфаатларини кҳзлаган ҳолда режалаштириш, тармоқ ва ҳудудий режалаштиришни транспорт моддий-техника базасидан энг самарали фойдаланиш ҳамда хўжалик фаолиятининг юқори пиравард натижаларига еришиш асосидаги ишлаб чиқариш, моддий-техника таъминоти режалари билан уйғунлаштириш;

-иқтисодиёт ва аҳолининг ташишларга бўлган эҳтиёжи ҳамда транспортнинг барча турлари ташиш қобилиятини ривожлантиришни баланслаш;

-маҳсулотни транспортировка қилишда минимал харажат сарфига эга бўлган оқилона хҳжалик алоқаларини ўрнатиш;

-транспорт турлари ўртасидаги ташишларни оқилона тақсимлаш ва аралаш алоқа йўлларида юк ташишни иқтисодий асосланган ҳолда ривожлантириш;

-транспортнинг айrim турларини ривожлантиришда оқилона нисбатларни белгилаш, улардан мамлакат ва айrim минтақалар миқёсида фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини назарда тутган ҳолда транспортнинг янги турларини анча кенгроқ қўлланиш;

-барча транспорт турларига илмий-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилиш, транспорт корхоналари ва ташкилотларининг меҳнат

унумдорлигини ҳамда иқтисодиёт ва ахолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган эксплуатацион фаолиятини яхшилаш;

-асосий фондлардан, материаллар, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, ёнилғи, электр энергияси ҳамда материалларни тежамкорлик билан сарфлаш, исрофгарчилик ва беунум харажатларга барҳам бериш;

-айниқса иқтисодиёт юклари ва пассажирларни оммавий равишида ташиш даврларида транспорт тизимида транспорт воситалари ҳамда ташиш қобилиятининг зарур резервларини топиш, тизим фаолияти пухталигини ошириш.

Ташиш ҳажмлари ва юк обороти тузулмалари турли турдаги локомотивлар, вагонлар, кемалар, автомобилларга бўлган талабни ҳисоблаб чиқиши учун асос ҳисобланади.

Қўшма транспорт-иктисодий баланс маҳсулот ресурслари ва унинг ҳар қайси жой бўйича истеъмол қилиниши, шунингдек у қаердан, қаерга ва қандай ҳажмда келтирилиши кераклиги тўғрисида яққол тушунча беради. Сўнгги вазифани, яъни қаердан ва қанча келтириш маъқуллигини тўғри ҳал этиш қўшма баланс тузишдаги энг мураккаб ишларидан бири ҳисобланади, чунки маҳсулот жўнатиш ва етказиб бериш жойлари сони бўлмаган тақдирда ҳам уларни ўзаро бириктириш имкониятининг хилма-хил варианtlари пайдо бўлади. Ўнлаб жойлардан жўнатиладиган ва юзлаб жойларда қабул қилиб оладиган юклар бўйича ҳзаро бириктириш имкониятининг турлари ғоят даражада кўп бўлади. Математик усуllар ва электрон-ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ёрдами билангина таққослаш ва энг қулай вариантни танлаб олиш мумкин.

Бу хилдаги вазифаларни транспортнинг битта турига, масалан, темир йўлга нисбатан ҳал этиш оптималликнинг одатда қўллланиладиган мезони — қатнов минимуми соддалиги туфайли осонлашади. Агар оптимал қўшма транспорт-иктисодий баланс транспорт тармоғи (транспортнинг бир неча тури) бўйича тузилиши керак бҳлиб қолса, унда мезон бўлган қатнов минимуми транспорт турларида ташиш харажатларининг жуда хилма-хиллиги туфайли мутлақо яроқсиз бҳлиб қолади. Бундай ҳолда ташишларни илдам режалаштиришда "кира

ҳақи тҳловлари минимуми" ёки "ташишларга жорий эксплуатацион харажатлар минимуми" мезони бўйича, истиқболли вазифаларни ҳал этишда эса "бажарилган эксплуатацион-қурилиш харажатларининг минимал миқдори" мезони бўйича энг қулай варианти танлаш керак.

Харажатларнинг барча кўрсаткичлари бутун қатнов йўли давомида — биз келтирган мисолдаги А жойдан К жойигача, Г жойидан З,К ва Л жойларигача — ташишнинг аниқ шароитлари учун ҳисоблаб чиқилиши лозим тушунарли.

Транспорт-иктисодий баланс айрим жойлар учун эмас, балки бутун туманлар, масалан, Ўзбекистон республикаси учун тузиладиган ҳолларда туманнинг ташиб кетилиши лозим бҳлган ресурслари туманнинг тегишли кириш ва чиқиш жойларига "боғлаб қўйилади". Чунончи, Ўзбекистон республикасига кириш ва чиқиш жой Арис бекати ҳисобланади ва ҳоказо. Йирик туманларни (ёки уларнинг қисмларини) кириш ёки чиқиш жойларига "боғлаб қўйиш" корреспонденцияловчи жойлар сонини анча қисқартириш ва билан оптималь қўшма транспорт-иктисодий баланслар тузиш вазифаларини ҳал этишни хийла соддалаштириш имконини беради.

Транспорт-иктисодий баланс тузишда ва истеъмолчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга биритириб қўйишда, барча бошқа шароитлар teng бҳлган ҳолда, юк оқимлари майдалашиб кетмаслигига, ҳар қайси истеъмолчи ҳзига керакли маҳсулотни иложи борича кам сонли етказиб берувчилардан олишга транспорт-иктисодий алоқаларнинг барқарорлиги таъминланишига интилмоқ керак.

Вазифани шу тарзда ҳал этиш туфайли ташишларнинг жҳнатув маршрутизациясини кҳпайтириш, портлар, пристанлар ва бекатларнинг техник воситаларини бу ёки у юкларга қайта ишлов беришга яхши мослаш ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ҳртасидаги иқтисодий алоқаларини енгиллаштириш учун энг қулай шароитлар вужудга келади.

8.3. Таъминот логистикасини режалаштириш жараёни ва унинг таҳлил қилиш йўллари

Ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар, микроавтобуслар, юк автомобиллари билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, ташишлар хавфсизлиги чораларини кучайтириш ҳисобига аҳолининг автомобиль ташишларига эҳтиёжини имкон қадар тўлақонли таъминлаш автомобиль транспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи кўлами 1,4 бараварга ортди, республика бўйича 117 та йўловчи автовокзали ва автостанцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу факторларни ҳисобга олган ҳолда қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

биринчидан, соҳада кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун қонунчилик даражасида қулай шарт-шароитлар яратилди;

иккинчидан, йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, янги йўловчи йўналишларини очиш, автомобиль транспорти ҳаракатдаги таркибини янгилаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда;

учинчидан, ташишлар йўналишларини тендер орқали жойлаштириш механизmlарини жорий этиш йўли билан автомобиль транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда;

тўртинчидан, автомобиль ташишларини бошқариш тизимиغا тадбиркорлар томонидан тегишли давлат хизматларини олишда рухсат бериш ва лицензия жараёнларини максимал даражада соддалаштириш, талаб этилаётган ҳужжатлар сони, уларни тақдим этиш муддатларини қисқартиришни назарда тутувчи ягона ахборот-интеграллашув тизими жорий этилган.

Шу билан бир қаторда, автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва захираларидан тўлиқ хажмда фойдаланилмаяпти. Автотранспорт хўжаликларини модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмас, соҳада ахборот-коммуникация

технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмаяпти, автотранспорт хизматлари экспорти-импорти ва транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Моддий воситалар оқимини бошқариш учун ушбу оқимга мос бўлган ахборотларни қабул қилиш, ишлаш ва етказиб бериш зарур бўлади. Бу харакатлар жараёнида бажариладиган ишлар ҳам логистик жараёнларга киритилади.

Логистик жараёнларни шаклланиши ишлаб чиқаришни шаклантириш ва ҳар қандай халқ истеъмоли буюмларини охирги истеъмолчига етказиб бериш ҳақида тасаввур ҳосил қиласди.

1. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш бўйича технология жараёнлари, яъни бу жараёнлар давомида меҳнат буюмларининг сифат ўзгаришлари рўёбга чиқади: ўрмонда дарахт кесиш (ёғоч маҳсулотларини олиш учун), тўсинларни кесиб тахта қилиши, ёғоч қипиқларини тўплаб пресслаш, мебелларнинг қисмларини тайёрлаш, уларга сайқал бериш ва улардан охирги ёзув столи тайёрлаш.

2. Логистик жараёнларга бошқа барча жараёнлар киритилиб, улар керакли буюмнинг мавжуд бўлишини ёки меҳнат маҳсулотларининг керакли микдорда, керакли жойда ва зарур пайтда таъминланади.

Улардан баъзиларини санаб ўтайлик: тўсинларни ёғоч тайёрлаш жойларидан олиб келиш ва дарёда оқизиш, уларни ёғочни қайта ишланадиган саноат корхонасига етказиш, юклаш, тушириш, сақлаш учун кўйиш, ишлаб чиқариш цехларига етказиб бериш, ярим тайёр маҳсулотларини ва охирги буюмларни олиб чиқиш, сақлаш ва охирги истеъмолчиларга етказиб бериш.

Логистик жараёнлар, шундай қилиб, бу ҳар қандай жараён улиб, моддий буюмлар ва меҳнат маҳсулотлари билан ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида содир этилади, ҳамда моддий неъматларни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнлари бундан мустаснодир.

Буюртманинг самарали миқдорини аниқлаш. Буюртманинг самарали миқдори деб, буюртманинг бажарилишига ва материалларни сақлашга кетадиган

йиллик харажатларнинг умумий миқдорини минимумгача камайтириш имконини берувчи материаллар партиясига айтилади.

Буюртма бажарлишига ва захираларни сақлашга кетадиган харажатлар қуйидаги формула орқали берилиши мумкин:

$$C = C_1 n + C_2 \times q/2,$$

Бу ерда C_1 ва C_2 – доимий ва ўзгарувчан харажатлар, улар буюртманинг бажарилиши ва материалларни сақлаш билан боғлик; n –йиллик буюртмалар миқдори; $q/2$ – захиранинг ўртacha миқдори.

Буюртманинг самарали миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$q_{\text{улг.}} = \sqrt{2C_1 Q / C_2}$$

бу ерда Q – материалларга бўлган йиллик эҳтиёж.

Мисол. Қуйидагилар берилган бўлсин:

C_1 – бир дона материални харид қилишга кетадиган харажатлар – **8,33** пул бирлиги/дона;

C_2 – захираларни сақлашга кетадиган йиллик харажатлар – **0,1** пул бирлиги/дона.

Материалларга бўлган йиллик эҳтиёж Q – **1500** дона. Бунда буюртманинг самарали ҳажми.

$$q_{\text{улг.}} = \sqrt{2 \times 8,33 \times 1500 / 0,1} = 500 \text{ донага тенг.}$$

Бу материалларга йиллик буюртмалар сони $n = 3$ ($1500 / 500$) лигини билдиради.

Йил давомида талаб ўзгармас деб олингани учун буюртма йилнинг ҳар **80** (**240/3**) иш кунида берилиши зарур.

Буюртма циклининг ўртacha давомийлиги тутатилмаган ишлаб чиқариш ҳажмидан ва тизимнинг ҳақиқий ўтказиш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади:

$$T_n = Z_t / N_{\text{ўрт}}$$

Бу ерда, $T_{\text{ц}}$ - буюртма бажарилиш циклининг ўртача давомийлиги; Z_t – тутатилган ишлаб чиқаришнинг ўртача миқдори; $N_{\text{ұрт}}$ – бир бирлик вақт ичида бажариладиган буюртманинг ўртача сони.

Товарларни келтиришда транзит ва омбор усулларидан фойдаланилади.

Транзит усули товарларни ишлаб чиқариш корхоналаридан түғридан-түғри чакана савдо тармоғига келтиришдан иборат. Оддий товар ассортиментлари бўйича кўпроқ транзит усули қўлланилади.

Товар харакатининг **омбор усули асосан мураккаб ассортиментдаги** товарларни чакана савдо тармоғига етказиб беришда қўлланилади. Бунда товарлар уларни сортларга ажратиш мақсадида омбор поғоналаридан ўтади.

Товар харакатини омбор усуллари бир поғонали ва кўп поғонали бўлади.

Омбор поғоналигини аниқлашда қуйидаги формула:

К_к= T_{yo} : T_Ч, коэффициент қўлланилади

Бунда, T_{yo} - улгуржи-омбор товар айланиши;

Т_Ч - чакана товар айланиши.

Бу усулда товарлар кўп поғоналардан ўтиб келади ва кўпроқ харажатларни талаб қиласди.

Biznes-reja rentabelligi va zararsizlik nuqtasi tavsifi

Bozor iqtisodiyoti sharoitida har qanday tadbirdilik faoliyatining bosh maqsadi samarali (foydali) harakat qilish hisoblanadi. SHuning uchun ham, tadbirkor asosiy e'tiborni birinchi navbatda yuqori daromad va uning yuksalishiga qaratmog'i lozim.

Biznes reja tuzishdan avval rahbar korxonaning foydali ekanligiga to'la baho berishi kerak. U mahsulotning bozordagi xissasini, sotib olish qobiliyati tahlilini, baho siyosatini tanlash va zaruriy servis darajasini baholashda biznes rejaning rentabelligi (foydaliligini) aniqlashdan iborat.

Marketingni rejallashtirish xar yili o'tkazilishi kerak. Imkoniyatli bozorlar xajmi, ularni o'zgarishi tendensiyalari, bundan tashqari bozorni ayrim segmentlari xaqidagi ma'lumotlarni shu bo'lim materiallaridan bilishimiz mumkin. SHu bilan bir qatorda - xaqiqiy sotish xajmi, bozor xolati xaqidagi ma'lumotlarni ham. U mahsulotning

bozordagi xissasini, sotib olish qobiliyati tahlilini, baho siyosatini tanlash va zaruriy servis darajasini baholashda biznes rejaning rentabelligi (foydalilagini) aniqlashdan iborat.

Navbatdagi biznes-rejaning **loyiha rentabelligi (foydaliligi)** haqidagi ma'lumotlar keltirilgan:

**Loyihaning rentabelligi
(foydaliligi):**

➤ korxonani tashkil etish býicha investitsiya xarajatlarining umumiyligi hamda mahsulot birligiga to'g'ri kelishi qanday;

➤ rejalshtirilayotgan korxonani ishlatish, mahsulotini sotishni yoki xizmatni tashkil etish qanchaga tushadi;

➤ mahsulotni sotishdan yoki xizmatdan keladigan umumiyligi daromadlar hajmi qancha bo'lishi mumkin;

➤ rejalshtirilayotgan korxona (firma) qanday turdagি soliqlarni to'lashi kerak

➤ qarzga olingan mablag'larni qaysi muddatlarda va qanday hajmlarda qaytarish rejalshtirilayapti;

➤ rejalshtirilayotgan korxonaning (firmanning) umumiyligi foya hajmi va normasi qancha bo'lishi mumkin.

13-rasm Loyihaning rentabelligi

Bozor iktisodiyoti sharoitida xar qanday tadbirkorlik faoliyatining bosh maqsadi samarali (foydali) xarakat qilish hisoblanadi. SHuning uchun ham, tadbirkor asosiy e'tiborni birinchi navbatda yuqori daromad va uning yuksalishiga qaratmog'i lozim. O'z

navbatida biznes rejani amalga oshirish jarayonida turdi xildagi ko‘zda tutilmagan xavf-xatarlar va tahdidlar uchrab turishi mumkin.

Foyda va zarar zonalarini bir-biridan ajratib turadigan chegaraviy nuqta **“Zararsizlik nuqtasi” yoki ba’zida rentabellik chegaraviy nuqtasi** ham deyiladi

Zararsizlik nuqtasi-bu mahsulot sotishdan tushgan tushumni uni ishlab chiqarish va sotish uchun qilingan harajatlarga teng bo‘lishi yoki foyda summasini nolga tengligidir.

Korxonalar umumiyligi harajatlarini mahsulot ishlab chiqarish va sotishga bog‘liqligi quyidagi ko‘rinishni oladi:

Zararsizlik tahlili – korxona mahsulotining bahosi, ishlab chiqarish xajmi, mahsulot birligiga to‘g‘ri keluvchi o‘zgaruvchi harajat, doimiy harajat va foydalilikni o‘rganuvchi usuldir.

Zararsizlik tahlilining eng asosiy tomoni bu harajatlarni ikki guruxga bo‘lib o‘rganishdir:


1. Doimiy harajatlar;
2. O‘zgaruvchan harajatlar.

O‘zgaruvchan harajatlar mahsulot ishlab chiqarish xajmi ortishi va kamayishiga qarab ortib yoki kamayib boradi.

Bularga xom ashyo va materiallar, ish haqi, texnik xizmat ko‘rsatish, mukofotlar va boshqa o‘zgaruvchan harajatlar kiradi.

Doimiy harajatlar bu mahsulot ishlab chiqarish va sotish xajmiga bog‘liq bo‘lmagan harajatlardir.

Bu harajatlarga ijara to‘lovi, doimiy maoshlar, yillik reklama harajatlari, kommunal xizmat to‘lovleri, sug‘urta so‘mmasi va boshqalar kiradi.



14-rasm: “Zararsizlik nuqtasi”ni shakllanish sxemasi

Yuqoridagi harajatlarni o‘zgarishi korxona(firma)ni moliyaviy holatini o‘zgarishiga olib keladi.

Har birlik tushum hisobiga mahsulot ishlab chiqarishning ortishida bir xil summaga o‘zgaruvchan harajatlar ortadi. Bundan tashqari doimiy miqdor ham ortadi.

Har bir mahsulot birligida sotish bahosi bilan o‘zgaruvchan harajatlar orasidagi farq o‘zgarmas miqdor bo‘lishi kerak. Bu farq **yalpi foyda** deb yuritiladi.

Bu nuqtada xarajatlarni qoplash uchun zarur bo‘lgan, minimal oborot hamjmini yoki minimal tushum hajmini ham ko‘rsatadi. SHuningdek, bu nuqtada ishlab chiqarilgan (sotilgan) qandaydir minimal mahsulot hajmida (sonida), korxona xarajatlarini butunlay qoplashga erishish mumkin.

“Zararsizlik nuqtasi”- konsepsiysi, bu mavjud imkoniyatlardan foydalangan holda qancha miqdorda mahsulot ishlab chiqarish (xizmatlar ko‘rsatish) natijasida zararsiz (kamomadsiz) bo‘ladi, ma’nosini bildiradi.

“Zararsizlik nuqtasi” quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

$$Q_{zn} = SHD : (B - SHO')$$

Bu erda,

Q_{zn} – mahsulot ishlab chiqarish zararsizlik nuqtasi, dona (1 mah.birl.);

SHD – shartli doimiy xarajatlar,

SHO' – shartli o‘zgaruvchan xarajatlar dona (1 mah.birl.);

B – 1 mahsulot birligidagi narx.

SHD –shartli doimiy xarajatlar,;

- 1) kreditorlarlik topshirig‘iga asosan so‘ralgan va oldin to‘langan barcha mablag‘lar, shuningdek yil davomida to‘langan foizlar;
- 2) korxona (firma) bo‘yicha jami joriy xarajatlar (накладные) summasi;
- 3) asosiy texnik jihozlar bo‘yicha amortizatsiya ajratmalari summasi.

SHO‘-shartli o‘zgaruvchan xarajatlar, 1 mahs.birl.;

- 1)materiallarga, xom-ashyo va uskuna va jihozlarga xarajatlar;
- 2) ishlab chiqarish jarayonlariga sarflanayotgan issiqlik va elektr-energiyaga ketgan xarajatlar;
- 3) asosiy ishlab chiqarish xodimlari mehnatiga to‘lanadigan ish haqi xarajatlari.

B – mahsulot birligidagi narx. (tovarlar va xizmatlar);

Misol, shartli doimiy xarajatlar – 40 000 so‘m, shartli o‘zgaruvchan xarajatlar (1 mahs.birl) - 5 000 so‘m, mahsulot bahosi - 500 so‘m bo‘lganda zararsizlik nuqtasi:

40000 : 8000-5000= 40000:3000 = 13,3 donadan boshlab korxona daromadga ishlay boshlaydi.

Zararsizlik nuqtasi xususiyatlari – har qanday zararsizlik no‘qtasidan yuqori qo‘shimcha ishlab chiqarilgan mahsulot foyda beradi. Zararsizlik no‘qtasi doimiy hisoblanmaydi, u sotish bahosi o‘zgarishi bilan o‘zgarib boradi.

Zararsizlik tahlili mahsulot sotish xajmini baholashda qo‘llanishi mumkin, chunki u firmani maqsadli foyda olishini ta’minlaydi.

Hozirgi bozor iqtisodiyotiga o‘tish sharoitida biznesni boshqaruvchilar, tadbirkorlar tavakkalchilik va zararsizlikni tahlil etish qobiliyatiga ega bo‘lishlari lozim.

Yuqorida keltirilgan biznes rejaning bo‘limlaridan tashqari, yana qo‘shimcha ravishda quyidagi axborotlarni keltirish mumkin, ya’ni moliyaviy mablag‘lar hamda majburiyatlar, foyda va zararlar hisoboti, moddalar bo‘yicha harajatlar, zarasizlik nuqtasini hisobi va hokazolarni.

Biznes-reja muhim hujjat hisoblanadi, shuning uchun ham uni begona odamlarga hamda shuningdek, korxona boshqaruviga aloqador bo‘lmagan shaxslarga berish ta’qilanganadi.

Xulosa qilib aytganda, muvaffaqiyatli tuzilgan biznes-reja kichik korxonaning holatini chuqur tahlil qiladi, uning kelajakdagi rivojlanishiga holisona va ob'ektiv baho beradi.

Шундай килиб занжирли таъминот самарадорлигини белгиловчи асосий йуналишлар куйидагилардан иборат булади:

- занжирдаги барча окимларни режалаштириш ва бошқариш жараёнига ягона ёндашув;

- кооперациянинг ташкилий шароитлари узгариши, яъни умумий стратегик максадларни хал этиш борасида барча хамкорлар фаолиятини интеграциялаш;

- режалаштириш ва бошқаришнинг барча йуналишларида ахборот олиш ва фойдаланиш борасидаги тусикларни олиб ташлаш хдмда замонавий ахборот ва коммуникация тизимини яратиш.

Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ташкилий ва институционал ўзгаришларни самарали амалга ошириш, автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш ва автомобиль ташишлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди:

биринчи – Агентликнинг кемачилик Регистри томонидан дарё транспортининг давлат бошқаруви ва тартибга солиш функциялари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кичик ҳажмли кемалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат инспекцияси функциялари билан ўхшашлиги инобатга олиниб, Агентликнинг кемачилик Регистри Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарувига ўтказилмоқда;

иккинчи – автотранспорт соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органларининг ортиқча такрорловчи жараёнлари бекор қилинмоқда;

учинчи – 2018-2021 йилларда 437 та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84 та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг республика чекка минтақаларида

ташишларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янгиланган мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, юкларни халқаро автомобилда ташишларни амалга оширувчи миллий ташувчиларнинг оғир юк ташувчи 3824 та автотранспорт воситалари паркини янгилашнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланмоқда;

тўртинчи – автомобиль ташувлари билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун шаҳарлар ва туманларда автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш шуъбалари ташкил этилмоқда;

бешинчи – автомобиль транспортини бошқариш тизимига интеллектуал транспорт тизими инновация лойиҳаларининг зарур элементларини жорий этишни назарда тутувчи, умумий қиймати тахминан 90 миллиард сўмни ташкил этувчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланмоқда, жумладан:

-умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташишларни амалга оширишни онлайн тарзда автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимини тезкор хизматлар тизимлари билан интеграллашган ҳолда яратиш ва жорий этиш;

-умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар транспортида ягона автоматлаштирилган йўл ҳақи тўлови тизимини жорий этиш;

-белгиланган вазифалар ва функциялар бажарилишининг тезкорлиги ва сифатини оширишга ҳамда кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришга имкон яратувчи “Ўзавтотранс” агентлиги фаолиятининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш;

олтинчи – ташишлар жараёни, автовокзаллар ва автостанциялар фаолиятининг марказлашган нозимлик назорати ва бошқаруви тизимини яратиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда;

еттинчи – жойлардаги маҳаллий давлат органлари қарамоғида бўлган умумий фойдаланиш йўловчи йўналишларидаги тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш назарда тутилмоқда;

саккизинчи – соҳани янада ривожлантириш бўйича дастурий чоратадбирларни молиялаштириш мақсадлари учун Ўзбекистон автомобиль

транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

тўққизинчи – Автомобиль транспорти соҳасини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги таркибидаги З та (Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, Андижон транспорт ва хизматлар кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳамда Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи) “Ўзавтотранс” агентлиги таркибига ўтказилмоқда.

«Ўзавтотранс» агентлиги қошида автомобилда йўловчилар ёки юклар ташиш, транспорт-логистика фаолиятини амалга оширувчи мустақил ихтисослашган, юридик шахс ҳукуқлари билан унитар корхоналар ташкил этилади.

Автотранспорт воситаларининг оғирлик ва габарит кўрсаткичлари назоратини жорий этиш бўйича стационар ва кўчма масканларни амалда жорий этиш чора-тадбирлари режалаштирилмоқда.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва тартибга солиш функцияларини аниқ белгилаб олиш, ташкилий ва институционал ўзгартиришлар, хизмат кўрсатиш бозори ҳамда автомобиль ташишлари хавфсизлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланган Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги фаолияти самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Nazorat va muhokama uchun savollar:

1. Biznes-rejani mazmun-mohiyati nimadan iborat?
2. Biznes-rejaning maqsad va vazifalari nimalardan iborat?
3. Biznes-reja kimlar tomonidan tuziladi?
4. Biznes-reja bo‘limlari qanday tartibda ishlab chiqiladi?
5. Biznes-rejasining rezyumesi (xulosasi)da nimalar aks ettirladi?
6. Marketing rejäsining mohiyati va ahamiyati nimadan iborat?

7. Ishlab chiqarish rejasini moxiyati va ahamiyati nimada?
8. Moliyaviy rejasining tarkibiy tuzilishi qanday?
9. Kichik korxonani yaratish bo'yicha yosh tadbirkor ishlab chiqgan biznes-rejasida qanday savollarga javob topishi zarur?
10. "Zararsizlik nuqtasi" deganda nimani tushunasiz, izohlab bering!

9-мавзу: Таъминот жараёнларини бошқариш логистикасининг

стратегик жиҳатлари

РЕЖА:

- 9.1. Таъминот жараёнларида трансакцион харажатларининг мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**
- 9.2. Таъминот логистикасида трансакцион харажатларининг турлари ва уларнинг тавси**
- 9.3. Таъминот логистикасида трансакцион харажатларини рационаллаштириш омиллари**

9.1. Таъминот жараёнларида трансакцион харажатларининг мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтиришдан иборат. Ушбу вазифани самарали амалга оширишда харажатларни, шу жумладан маҳсулот таннархида иштирок

этмайдиган, аммо ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган трансакция харажатларини аниқлаш ва уларни камайтириш муҳим ҳисобланади.

Даставвал, трансакция харажатларининг моҳиятини илмий жиҳатдан ёритиш, уни бошқариш бўйича концепцияларни ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Трансакция харажатлари атамаси концептуал жиҳатдан XX асрнинг 30-йилларида «янги институционализм» доирасида пайдо бўлган. АҚШ ва Ғарбий Европада трансакция харажатлари алоҳида мустақил мавзу сифатида 1960- 1970 йилларда аввалимбор икки иқтисодчи- олимлар Р.Коуз⁷ ва О.Уильямсон орқали ажralиб чиққан.

Россияда ушбу муаммога XX асрнинг 90- йилларидан бошлаб қизиқиш уйғонган. 90- йилларнинг иккинчи ярмида В.Кокорев, Р. Капелюшников, В.Курченков ва В.Радаев каби олимларнинг ишларида трансакция харажатлари муаммоси тизимли тарзда кўриб чиқилади, трансакция харажатлари хусусиятига эга бўлган харажатлар иқтисодий категория сифатида изоҳланади. Бунда, агар дастлаб трансакция харажатлари тадбиркорликка бағишлиланган иқтисодий тадқиқотларда бевосита гап юритилган бўлса, охирги йилларда трансакция харажатлари мустақил тадқиқот предмети сифатида намоён бўлмоқда (масалан, А.Е.Шаститко ва С.Ю.Барсуковаб ишларида).

Ўзбекистонда трансакция харажатлари муаммосига 2000 йилдан бошлаб қизиқиш кучайиб кетди. Даставвал у «Институционал иқтисодиёт» фани ва соҳаларни институционал ривожлантиришига бағишлиланган илмий ишлар доирасида ўрганилиб, кейинчалик алоҳида мавзу сифатида кўриб чиқилган³.

Трансакция харажатлари назариясининг асосий бирлиги иқтисодий ўзаро муносабатлар, битимлар, трансакциялар ҳисобланади. Трансакция категорияси жуда кенг тушунилади ва ҳужжатларни муфассал расмийлаштиришни талаб

⁷ ² Coase R.H. The Problem of Social Cost. // Journal of Law and Economics, 3: 1—44, October 1960.

³ Williamson O. E. The Economics of Discretionary Behavior: Managerial Objectives in a Theory of the Firm. Englewood Cliffs, N. J.: Prentice-Hall, 1964; Williamson O. E. The Economics of Antitrust: Transaction Cost Considerations, University of Pennsylvania Law Review, 122: 1439-1496, June 1974.

этадиган ва томонлар ўзаро маъқул бўлган товарлар, юридик мажбуриятлар ҳамда қисқа ва узоқ муддатли битимлар алмашинуви учун қўлланилади. Мазкур ўзаро муносабатларда вужудга келадиган харажат ва йўқотишлар трансакция харажатлари дейилади.

Собитқадам классик назариясида бозор – мукаммал механизм (яъни унга кўра битимларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни ҳисобга олиш ҳожати йўқ) сифатида кўриб чиқилади. Бироқ, хозирги шароитда ҳар бир битимда музокараларни олиб бориш, назорат қилиш, ўзаро алоқаларни ўрнатиш, низоларни бартараф этиш лозим.

Бу ташкилотнинг бозор муносабатларининг ташқи субъектлари билан ҳамда ички алоқаларни ўрнатиш пайтида зарур амал ҳисобланади, чунки иерархик тузилма доирасида ишбилиармонлик хамкорлигига ҳам йўқотиш ва зиддиятликлар вужудга келади.

Охирги йилларда иқтисодчилар трансакция харажатлари концепциясиغا катта қизиқиши билан қарамоқдалар. Бироқ, ташкилотларда харажатларни ҳисобга олиш муаммоли ҳисобланади, чунки:

- биринчидан, норасмий тавсифга эга бўлган ушбу харажатларнинг улуши юқори;
- иккинчидан, расмий харажатлардан уларни ажратиш мураккаб ҳисобланади, чунки бухгалтерлик ҳисобида трансакция харажатлари деган тушунча назарда тутилмаган.

Концепциянинг асосий ғояси харажатларни бошқарув ҳисобига олиш ва таҳлил қилиш соҳасига компания, тармоқ ва бутун иқтисодиётнинг стратегик ривожланиш тўғрисидаги муфассал ахборотларни киритиш ҳисобланади.

Анъанавий тарзда харажатларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш муқобил бошқарув қарорлари натижасида амалга оширилган хўжалик операцияларини бухгалтер ҳисобида акс эттирилган баҳолаш нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Бироқ харажатларни ҳисобга олиш мақсад эмас, балки бизнесда муваффақиятга эришиш учун восита ҳисобланади. Шу боис корхонада қабул қилинган харажатларни ҳисобга олиш тизими ва методологиясининг қабул қилинган

ривожланиш стратегиясига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолаш лозим.

Маълумки, корхона паст нархларни ушлаб туриш ёки рақобатчилардан устун турувчи маҳсулот (хизмат)ларни таклиф этиш йўли билан рақобатга бардош бериши мумкин. Ушбу иккита тубдан фарқ қилувчи стратегиялар нафақат стратегик менежмент доирасида қизиқиш уйғотиши, балки харажатларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг турли устуворликларини назарда тутади. У ёки бу шаклдаги харажатлар тўғрисидаги ахборот барча корхоналар учун муҳим ҳисобланади, аммо турли стратегиялар харажатларга нисбатан турли хил қарашларни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, харажатларни бошқаришга нисбатан бундай ёндашув ўзини оқлади, бироқ уни амалда жорий этиш янада юқори даражадаги ички молиявий менежментни талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, мавжуд харажатларни бошқариш концепциялари бир хил эмас. Концепцияларнинг бири (функционал харажатларни шакллантирувчи омиллар, қўшилган қиймат) харажатларни ҳисобга олиш тавсифига асосланади ва харажатларни бошқариш соҳасида бухгалтерияга ҳам тегишли бўлади. Бошқа концепциялар (таркибий харажатларни шакллантирувчи омиллар, қадриятлар занжири, стратегик жойлашуви) харажатларни ҳисобга олиш нуқтаи назардан эмас, балки иқтисодий жиҳатдан бошқарув обьекти сифатида кўрилади. Харажатларни бошқариш концепциясининг йиғиндиси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Базавий концепцияларда харажатларни кўриб чиқиши жиҳатлари

Харажатларни бошқариш концепцияси	Ҳисобга олиш жиҳати	Иқтисодий жиҳати
Харажатларни шакллантирувчи омиллар концепцияси:		
- функционал (операцион) омиллар	+	-
- таркибий омиллар	-	+
Қўшилган қиймат концепцияси	+	-
Қийматлар занжири концепцияси	-	+
Муқобил харажатлар концепцияси	-	+
Трансакция харажатлари концепцияси	+	-
Стратегик жойланиш концепцияси	-	+


Юқорида санаб ўтилган харажатларни бошқариш концепциялари харажатларни тадқиқ этишда таъсирчан дастак ҳисобланади. Бироқ охирги дамларда иқтисодий адабиётларда харажатларни шакллантирувчи ҳисобга олиш жиҳатига тааллуқли концепцияларга катта эътибор берилмоқда. Бу шу билан изоҳланадики, харажатларни шакллантириш механизмининг иқтисодий жиҳатини белгиловчи омиллар статистика маълумотлари бўйича ишончли баҳолашни деярли амалга ошириш мумкин эмас. Ушбу маълумотларнинг иқтисодий таҳлили нотўғри, бир-бирига зид бўлган хulosаларни чиқаришга олиб келади.

Бу иқтисодиётда хуфёна операцияларнинг улуши юқорилиги ва бухгалтерлар томонидан расмий ҳисботларни тайёрлашда барча мумкин бўлган усуллар ёрдамида солик солинадиган база ни камайтириш бўйича хатти-харакатлар билан шартланган. Солик солишни такомиллаштириб ва унинг умумий даражасини лозим бўлган даражага келтириш орқали муаммо ечилади, бу эса харажатларни шакллантириш ва бошқариш механизмининг иқтисодий жиҳатларига эга бўлган ишнинг маҳсулдорлигини оширади.

Трансакция харажатларига таъсир кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги ва мумкинлиги уларнинг вужудга келиш шароитлари ва уларнинг миқдорини ўзгартириш бўйича мақсадли ўрнатмалар варианtlари билан белгиланади (локализация зоналари, ҳисобга олиш усуллари ва корхона фойдасига таъсир кўрсатишига қараб). Шу боис трансакция харажатлари таркибида учта трансакция харажатлари гурухларини ажратишни назарда тутади: камайтирадиган (\min), ўзгартирмасдан қолдирадиган (const), мақбуллаштирадиган (opt).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, турли саноат тармоқларида трансакция харажатларини ҳисобга олиш ва тартибга солиш мумкинлиги ва лозимлиги бўйича турли қарашлар мавжуд. Ушбу масалаларни ечиш бўйича аниқ услубиёт ва алгоритмлар йўқлиги маркетинг фаолияти билан боғлиқ моддий ва молиявий оқимларни бошқариш амалларини мураккаблаштиради. Трансакция харажатлари миқдорининг ошиши умумий харажатларни бошқариш концепция сини ишлаб чиқиши зарурлигини тақозо этади (1-расм).

1-расм. Трансакция харажатларини бошқаришнинг умумий концепцияси¹



1-расм. Трансакция харажатларини бошқаришнинг умумий концепцияси

Ишлаб чиқилган концепция уйғунлик тамойилларининг таъсир кўрсатишига қараб трансакция харажатларини (алоҳида турлари ёки умумий ҳолда) таҳлил қилиш, баҳолаш ва тартибга солиш учун қарорлар тўпламини шакллантиришни назарда тутади. Трансакция харажатларини тартибга солиш тизимини тузишнинг асосий омили трансакция харажатлари турлари бўйича мақсадли мўлжалларни аниқлаш ҳисобланади.

Трансакция харажатларини бошқариш бўйича таклиф этилаётган тамойиллар қуидагиларни ҳисобга олади: уйғунлик шароитида трансакция харажатлари тури бўйича корхонанинг мақсадли мўлжаллари, назорат ва ҳисобга олишни таъминлаш, самарасиз трансакцияларни қисқартириш учун ходимларни мотивация қилиш.

Трансакция харажатлари концепцияси бир қарашда ишончли туюлади ва айрим муаммоларни таҳлил қилишда уни асос сифатида қабул қилишимиз керак, деб тасаввур қиласиз. Аммо иқтисодий-ташкилий масалаларда барча муаммоларни таҳлил қилишда трансакция харажатларни ҳисобга олишни қўллаш ҳар доим ҳам тўғри келавермайди, чунки айрим қўшимча шароитлар йўқлигига унинг асосий ҳолатлар (унга кўра трансакция харажатларини энг кам миқдорига келтириш) низоли бўлиб қолади. Бунда иккита асосий муаммони келтириш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг умумий харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари ва трансакция харажатлари йиғиндиси кўринишида бўлиши мумкин, деган фикрни ҳамма ҳолатлар учун адолатли ҳисоблаш мумкин эмас. Одатда ҳам ишлаб чиқариш харажатлари, ҳам трансакция харажатлари бир вақтнинг ўзида ҳам ташкил этиш, ҳам технологияларга боғлиқ, бу уларни концептуал тарзда ажратишни қийинлаштиради. Ҳар қандай ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик юқори бўлса, доимий харажатлар шунчалик кам бўлади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар қандай алоҳида маҳсулот битта ишлаб чиқарувчи томонидан чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ охирги пайтларда кўплаб фирмалар янги маҳсулотни ишлаб чиқиб, тегишли техник ҳужжатларни бошқа фирмага бериш амалиёти қузатилади, бу эса, ўз навбатида, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида рақобат қила бошлайди. Шундай ҳолатлар ҳам борки, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда иккинчи фирма давлат томонидан кўмак олади.

Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ушбу усулда ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлик даражаси бошқа афзалликларни

олиш эвазига камаяди: агар бозорда иккинчи фирма бўлмаса, салоҳиятли харидорлар янги маҳсулотни харид қилиш учун битимларни хоҳламай тузишади, чунки ушбу фирма монопол ҳолатдан фойдаланиб, юқори нархларни қўйишидан қўрқади.

Иккинчи фирмани ташкил этиш ишончлиликни таъминлашнинг самарали усулини ўзида намоён этади, бу эса талабнинг ошишига олиб келади. Мазкур ҳолатда қўшимча харажатларни қўйидагича таснифлаш мумкин: уларни миқёс самарасидан тўлиқ ҳолда фойдаланилмайдиган самарасиз технологияларни қўллаш туфайли юзага келган ишлаб чиқариш харажатларига ёки фирма истеъмолчиларни битимлар шартининг ишончли эканлигини ишонтиришга кетадиган трансакция харажатларига киритиш керакми, деган савол туғилади. Ушбу саволга рад этиб бўлмайдиган жавобни бериш жуда қийин.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: трансакция харажатлари ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса ҳам, уларни бошқа турдаги харажатлардан ажратиш ҳар доим ҳам осон бўлмайди.

Иккинчи муаммо трансакция харажатлари тушунчаси билан эмас, балки самарали институтлар трансакция харажатларини камайтиришга интилади, деган ғояси билан боғлиқ. Масалан, Коуз қоидасида меҳнат муносабатлари умумий трансакция харажатларини камайтириш усули сифатида кўриб чиқилади. Умумий трансакция харажатларини камайтиришга интилаётган иш берувчилар ишчиларни ёллаш, меҳнатга ҳак тўлаш, хизматда кўтарилиш, меҳнат натижаларини баҳолаш ва ходимларни назорат қилиш тизимини ишлаб чиқаради. Аммо ушбу тизимлар трансакция харажатларини ҳеч ҳам камайтирумайди.

Трансакция харажатларининг бир қисми шубҳасиз, ишчилар зиммасига тушади, чунки ҳар қандай рақобат иш берувчиларни ишчилар сарфлаётган харажатларни ҳисобга олишга мажбур этади.

Умуман олганда иккинчи муаммони қўйидаги тарзда изоҳлаш мумкин: зеро ресурсларни тақсимлаш билан боғлиқ ҳар қандай муаммо, одатда, бир қанча самарали ечимларга эга бўлса, самарадорлик ўз- ўзидан аниқ прогнозларни ёки аниқ изоҳларни беришга имкон берадиган қучли мезонлар сифатида хизмат

қилмайди. Самарадорлик мезонлари кўплаб турли ташкил этиш турларига мос келиши лозим ва ҳар қандай амалий қадриятларнинг самарадорлиги деган тушунчасини йўқقا чиқарди.

Мазкур муаммо биргина соддалашган шарт билан, яъни бойлик самараси йўқ бўлган шароитда тўлиқ ҳал этилади. Ушбу шартда фақатгина битта ҳаракат тури битим натижасида шаклланаётган умумий қийматни максимал даражага олиб келадиган самарадорлик мезонига мос келади.

9.2. Таъминот логистикасида трансакцион харажатларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Республикамизда ўтиш даври ислоҳотлари шароитида ресурсга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини, одатда, алоҳида ҳуқуқлар эгалари ҳисобланган бир неча мулкдорлар ўртасида тақсимлаш амалиёти кенг қўлланилди. Ушбу тақсимлашда қандай тамойиллар асосида тартибга солиш ва унинг ҳамма вақт ҳам мулқдан самарали фойдаланиш учун замин яратиши асосий ўрин эгаллади.

Трансакция харажатларини бошқариш концепциясининг негизида иқтисодиётда иккита турдаги харажатлар туради:

- ишлаб чиқариш (операцион) харажатлари;
- трансакция харажатлари.

Трансакцион харажатларга қуйидагилар киради:

– *Ахборотни излаш харажатлари.* Ҳар қандай шартнома ёки битим шартнома тузилиши учун ахборотни тўплаш зарурлигини назарда тутади. Амалда ҳар қандай битим ахборотни таҳлил қилиш: бозорни маркетинг тадқиқ этиш, харидор ёки сотувчини қидириб топиш, нархлар ва бозорни таҳлил қилиш билан кузатилади. Баҳолаш хизматлари билан шуғулланувчи компаниялар учун ушбу харажатлар ўз хизматларини реклама қилиш харажатлари, буюртмаларни қидириб топишида воситачилар хизматларининг ҳақини тўлаш билан боғлиқ. Бироқ, баҳолашнинг ўзини бажаришда ахборотни излаш харажатлари, бозорларни таҳлил қилиш ва ҳ.к. ахборотни излаш харажатлари ҳисобланмайди, чунки мазкур

ҳолатда ушбу харажатлар баҳолаш компа нияси учун ишлаб чиқариш харажатлари таркибиға киради.

– *Музокаралар олиб бориши харажатлари.* Ҳар бир шартномадан олдин музокаралар олиб борилади. Мазкур харажатлар жумласига вакиллик харажатлари, эхтимол тутилган мижозларга ташриф буюришдаги хизмат сафарлари харажатлари ва ҳоказолар киритилиши мүмкин. Шунингдек, ушбу харажатлар таркибиға шартномани расмийлаштириш – шартномаларни тайёрлаш чоғида ҳуқуқшунослар маслаҳатлари харажатлари ҳам киради. Одатда, мазкур харажатлар шартномаларнинг намунавий шаклларидан фойдаланиш орқали камайтирилади.

- *Ўлчаш харажатлари.* Ушбу харажатлар жумласига кўрсатилаётган хизматлар ёки сотилаётган товарларнинг сифатини назорат қилиш харажатлари киради. Одатда, шартномаларни тузиш чоғида матнда шартнома предмети бўлган товарлар ёки хизматлар қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги кўрсатилади.

Мураккаб техникани ишлаб чиқариш ёки, масалан, мураккаб ва хавфли иншоотларни қуриш чоғида ушбу харажатлар маҳсус ўлчаш техникаси, сифат ва хавсизликни назорат қилувчи юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги билан боғлиқ умумий ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисмини ташкил қилиши мүмкин. Мазкур харажатларни камайтириш, биринчи навбатда, стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиши, лицензиялаш, сифатни сертификатлаш тизимлари ва ҳ.к. орқали амалга оширилади.

Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш фаолиятида ушбу харажатлар жумласига, биринчи галда, лицензиялаш харажатлари, шу жумладан баҳоловчиларни касбга қайта тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш харажатлари, турли буюртмачиларнинг талабига кўра аккредитациялаш харажатлари, хизматларни сертификатлаш ихтиёрий тизимларида фирмаларни сертификатлаш харажатлари, фуқаролик жавобгарлигини сугур та қилиш, ҳисботларга тақриз ёзиш (ихтиёрий равища ёки буюртмачининг талабига кўра) харажатлари, сертификатланган дастурий маҳсулотларни сотиб олиш харажатлари киритилиши мүмкин.

Шунингдек, турли норматив ва бошқа материаллар – услубий тавсиялар, маълумотномалар ва ҳоказоларни харид қилиш харажатларини ҳам мазкур харажатлар жумласига киритиш мумкин.

Ушбу харажатларнинг асосий функцияси сифатсиз хизматлар кўрсатилган ҳолларда кўрилиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтиришдан иборат. Баҳолаш фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар учун улар барча бизнесни юритиш харажатларининг 30-40 фоизгачасини ташкил қилиши мумкин.

– *Мулкчилик ҳуқуқларини таснифлаш ва ҳимоя қилиши харажатлари.*

Харажатларнинг ушбу тоифаси, биринчи навбатда, мулкчилик ҳуқуқларини расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган харажатлар билан шартланган. Бунга юристларни сақлаб туриш харажатлари, суд харажатлари, мулкчилик ҳуқуқларининг рўйхатга олинишини ва ҳимоя қилинишини таъминловчи давлат ҳокимияти органларини сақлаб туриш харажатлари киритилиши мумкин.

Баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи компаниялар учун мазкур харажатлар кўпинча мулкчилик ҳуқуқларини ёки эгаллаб турилган офис биноси учун ижара ҳуқуқларини рўйхатга олиш харажатларида, интеллектуал мулк обьектлари ва товар белгисини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш харажатларида, ушбу ҳуқуқлар бузилган ҳолларда суд чиқимларида ўз ифодасини топади. Таъкидлаш лозимки, харажатларнинг мазкур тури трансакция хизматлари бозорини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири билан боғлиқ бўлиб, ушбу бозорнинг ҳажми кўп жиҳатдан баҳоловчиларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди.

– *Оппортунистик хатти-ҳаракат харажатлари.* Мазкур харажатларни таҳлил қилиш ва аниқлаш анча мураккаб вазифа ҳисобланади. Улар жумласига, биринчи галда, битим иштирокчиларининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришдан озми ёки кўпми яширинча тарзда бўйин товлаши билан (лекин тўғридан- тўғри бош тортиши билан эмас) боғлиқ харажатлар киритилади. Ходим ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажармаган ҳолатдаги бўйин товлаш бундай хатти-ҳаракатга мисол бўлади. Ушбу ҳолатда бундай хатти-ҳаракатни аниқлаш

кўпинча компания маъмурияти томонидан назоратнинг қимматбаҳо ва самарали тизимларининг яратилишини талаб қиласди. Ҳар қандай раҳбар учун ходимлар ишининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Иккинчи томондан, ходимлар фаолиятини назорат қилиш тизимларини ташкил этиш харажатлари кам самарали бўлиши мумкин. Бошқарув аппарати ишининг вазифаларидан бири ушбу турдаги харажатларни камайтиришдан иборат.

Мамлакатимизда давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, айниқса мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган «ўзбек модели»га асос солинди. Йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш Давлат дастурига мувофиқ ОАЖ доирасида мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашнинг турли варианtlари назарда тутилди.

Масалан, меҳнат жамоасининг аъзолари акциялар умумий суммасида маълум (10) фоиз микдорида, лекин ҳар бир ходимга кўпи билан энг кам иш ҳақининг белгиланган (20 ёки 25) баравари суммасида имтиёзли (овоз бермайдиган) акцияларни олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Натижада, мулкчилик субъектлари ва ҳуқуқларининг тақсимланиши 1-жадвалдаги кўринишга эга бўлди.

1 -жадвал

Мулкчилик субъектлари бўйича ҳуқуқларининг тақсимланиши

Ҳуқуқларга эга бўлиш	Мулкчилик ҳуқуқи субъектлари			
	Акциядор, корхона ходими	Акциядорлар йиғилиши (меҳнат жамоаси)	Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси	Давлат мулки қўмитаси
Эгалик қилиш ҳуқуқи		+		
Фойдаланиш ҳуқуқи	+			
Тасарруф этиш ҳуқуқи			+	
Топшириш ҳуқуқи	+			+
Қолдиқ қийматни олиш		+		

хуқуқи				
Хавфсизлик ҳуқуқи	+			+
Мерос бўйича ашёнинг ўтиши ҳуқуқи	+			
Муддатсизлик	+			
Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи				+
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик	+	+		
Қолдиқ хусусияти		+		

Мулкчилик ҳуқуқларининг жадвалдаги тақсимланиши бирламчи тақсимот босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда, яъни ҳуқуқларнинг ҳар бири ундан самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган мулкдорнинг қўлида бўлган вазиятда мулкнинг оптимал таркибига эришиш муҳим ўрин тутади.

У ёки бу имкониятли мулкдорнинг мулкчилик ҳуқуқларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритишда Коуз теоремаси асос бўлиб хизмат қилади.

Коуз теоремасининг асосий қоидалари. Р.Коуз томонидан «Алоқа федерал комиссияси» (1959) ва «Ижтимоий харажатлар муаммоси» (1960) мақолаларида ифодаланган, лекин Коузнинг ўзи теорема атамасини ишлатмаган [47]. Р.Коуз қоидаси қисқа тарзда қуйидагича ифодаланади: мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлаш бозор механизми асосида кечади ва у ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг ошишига олиб келади, демак, якуний натижа ҳуқуқий қарорга боғлиқ эмас. **Коуз теоремасининг тўлиқ мазмуни шундай ифодаланади:**

Агар мулкчилик ҳуқуқлари аниқ тафсирланиб, трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, у ҳолда, агар даромад самарасидан фикрни бошқа томонга бурсак, мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланишидаги ўзгаришлардан қатъи назар, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгармасдан қолади.

Бошқача қилиб айтганда, мулкчилик хуқуқларининг дастлабки тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибига таъсир ўтказмайди. Чунки пировардида хуқуқларнинг ҳар бири ушбу хуқуқдан энг самарали фойдаланиш асосида у учун энг юқори нархни таклиф этишга қодир бўлган мулкдорнинг қўлида бўлади. Теорема шартига кўра, трансакция харажатларига эътибор қаратмаган ҳолда, мулкчилик хуқуқларининг муайян эгаси ҳақида эмас, балки ресурсларга бўлган мулкчилик хуқуқларини тафсирлашнинг муҳимлиги ҳақида хulosса чиқариш керак бўлади. Шу нуқтаи назардан мулкни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида эгалик қилиш хуқуқини меҳнат жамоасими, корхона маъмуриятими, Давлат мулки қўмитасими ёки бошқа тизимми, ким қўлга киритганлиги муҳим эмас, пировардида бу хуқуқни ундан ҳақиқий манфаатдор бўлган ва самарали мулкдор қўлга киритишидир.

Коуз теоремасининг яна бир хусусияти шундаки, теоремани исботлаш учун мулкий хуқуқларнинг алмашинуви бўйича аниқ амалий мисоллардан фойдаланилган. Масалан, олдинги бобда келтирилган икки фермернинг икки яйловдаги мулкий хуқуқларининг ўзгариши бўйича айрим вазиятлар таҳлилини чуқурлаштириш керак бўлади. Хусусан, биринчи фермер ўз яйловига бориши учун бошқа фермернинг яйловидан ўтишга тўғри келса, бундай вазият (пода ўтган йўлақда бошқа фермер яйловининг пайхон бўлиши ёхуд моллар сонининг қўпайиши)да ўзаро қўшимча келишувларни тақозо этади. Яна бир бошқа мисол сифатида бир хонада ўтирадиган иккита ходим (кашандা ва сигарет тутуни меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этадиган шахс)нинг ўзаро келишувини ташкил этишни келтириш мумкин.

Коуз теоремасини кўриб чиқиш хуқуқларни мулкдорлар фойдасига энг самарали тарзда қайта тақсимлаш жараёнида ўрин тутади. Мамлакатимизда хуқуқларни қайта тақсимлаш жараёни деярли хуқуқларни дастлабки тафсирлашдан сўнг дарҳол бошланди. Яъни, давлат корхоналари хусусийлаштирилиб, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Бунда акциялар ё корхона ишчилари ва маъмуриятининг, ёки ташқи инвесторнинг қўлига ўтди.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилган йирик корхоналарнинг аксариятида давлат, ташқи инвестор назорати амал қилади.

Бошқача айтганда, мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлашнинг аввалги босқичида аксарият корхоналарга эгалик қилиш ҳуқуқи меҳнат жамоасининг қўлидан давлат, маъмурият ва кам ҳолларда ташқи сармоядор қўлига ўтди.

Чунки, давлат мулкини ўзгартириш йўли билан ташкил этилган акциядорлик жамиятларида ҳуқуқларни тақсимлаш анча мураккаб кечади. Ушбу корхоналарда юзага келган мулкчилик муносабатларини таърифлаш учун борган сайин «қайта гуруҳлашган» (Д.Старк) ёки «чигаллашиб кетган» (Б.Шаванс) мулк атамалари кўпроқ ишлатилмоқда. Қайта гуруҳлашган мулк деганда қонун билан мустаҳкамланган ва реал мулкчилик ҳуқуқларининг мос келмаслиги, назорат механизмлари ва корхонанинг ташкилий чегараларининг «йўқотилганлиги» тушунилади. «Чигаллашиб кетган» мулк атамаси шундай ҳолатга эътиборни қаратадики, эгалик ҳуқуқининг қонун билан белгиланган эгалари – маъмурият ва ташқи сармоядорлардан ташқари корхонанинг фаолият кўрсатиши устидан назоратни у билан ўзаро боғлиқ корхоналар, асосий етказиб берувчилар, сотиш фирмалари ва истеъмолчилар амалга оширишади.

Қайта гуруҳлашган мулкчилик шакли пайдо бўлишининг асосий маъноси активларни тезкор қайта гуруҳлаш ҳамда хатарларни хижерлаш ва тақсимлаш имконини берувчи пассивларни бирлаштириш учун замин яратишдан иборат. Хусусан, корхоналарнинг ўзаро катта ҳажмдаги қарзларини бартараф этишда корхоналарга фаолият кўрсатиши давом этиш имконини берувчи ўзаро назорат механизмларининг мавжуд бўлишини назарда тутади. Шунингдек, банкротлик эҳтимоли юзага келган тақдирда эса корхона активларни қайта гуруҳлаган ҳолда, мажбуриятларни бажариш учун ресурсларнинг топилиши осонлашади.

9.3. Таъминот логисткасида трансакцион харажатларини рационаллаштириш омиллари

Коуз теоремасини ифодалашда трансакция харажатлари ҳисобга олинмаганлиги сабабли навбатдаги таҳлилда трансакция харажатларига эътибор қаратилади. Энг умумий таърифга кўра, «трансакция харажатлари» - бу механик тизимлардаги ишқаланиш тушунчасининг эквиваленти. Баъзан, «ишқаланиш» атамасидан иқтисодий агентлар ўртасидаги битимларнинг тезкор тузилишига тўсқинлик қилувчи омилларни ёритиш учун фойдаланилади. Физика билан ўхшатмаган ҳолда, иқтисодий субъектларни мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ исталган харажатлар трансакция харажатлари жумласига киритилади. Демак, трансакция харажатларининг таърифи қуидагича бўлади: Трансакция харажатлари – бу мулкчилик хуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлардир.

Институционал назария доирасида трансакция харажатларини изоҳлашда яқдиллик мавжуд эмас. Битимлар тузишида қаердан ва нима учун трансакция харажатлари пайдо бўлишини изоҳлашнинг камида учта варианти мавжуд: трансакция харажатлари назариясининг ёндашуви, ижтимоий танлов назариясининг ёндашуви ва келишувлар назариясининг ёндашуви.

Айниқса неоклассик иқтисодий назария харажатларнинг факат битта тури – ишлаб чиқариш харажатлари мавжудлигини назарда тутишини ҳисобга олсак, яқдилликнинг бундай мавжуд эмаслиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун трансакция харажатларининг мавжуд бўлишини фараз қилиш неоклассиканинг ё унинг «қатъий негизи»га ёки унинг «ҳимоя қобиғи»га тааллуқли фикрларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Трансакция харажатлари назариясига нисбатан ёндашув ахборот олиш учун харажатлар мавжуд эмас ва шахслар битим тўғрисидаги ахборотга тўлиқ эга бўладилар деган неоклассик фикрнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Бу ерда сотувчилар ва нархларни идентификациялаш харажатлари - *ахборот харажатлари* мавжудлигини эҳтимол тутиш муҳим ҳолат ҳисобланади. Бозорда сотувчилар ва харидорларнинг сони, товарнинг бир хиллик даражаси, уларнинг бозорда иштирок этиши вақти, бозорнинг географик давомийлиги

ахборот харажатларининг миқдорини белгилаб берувчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Бунда оқилона танлов модели ўзгармайди, лекин унга қўшимча шартлар киритилади: битим ҳақидаги қўшимча ахборотни қидириб топиш харажатлари ахборотга эга бўлишдан кутилаётган энг юқори даромадга тенглаштирилиши лозим.

Иқтисодий таҳлил чоғида эътиборни ахборот бозорига ва ахборот нархига қартиш трансакция харажатларининг табиатини батафсил изоҳлашга якун ясади. Умуман иқтисодий тизим динамикасини аниқлашда асосий ролни ўйновчи бозор секторига нисбатан қарашларнинг ўзгаришини 2-жадвал ёрдамида ифодалаш мумкин.

2-жадвал

Иқтисодий назарияларда устивор секторларнинг тақсимланиши

Назария номи	Марказий ўрин тутувчи иқтисодиёт сектори
Физиократлар назарияси	Қишлоқ хўжалиги
«Эски институционализм»	Меҳнат бозори
Иқтисодий динамика назарияси (Й.Шумпетер)	Тадбиркорлик хизматлари бозори
Кейнсчилик	Фонд бозори
Монетаризм	Пул бозори
Трансакция харажатлари назарияси	Ахборот бозори

Трансакция харажатларини таҳлил қилишдаги навбатдаги қадам шуни назарда тутадики, барча трансакция харажатлари ахборот харажатларидан чиқарилиши мумкин. Трансакция харажатлари алмашув тўғрисидаги ахборотни олиш харажатлари билан у ёки бу тарзда боғланган. Масалан Робинзон Крузо ўз фаолиятида трансакция харажатларига эмас, балки (об-ҳаво шароитлари, турли бошоқли экинларнинг ҳосилдорлиги тўғрисидаги) ахборот харажатларига дуч келади.

Битим бўйича шерикда эҳтимол тутиладиган оппортунистик^{*} феъл-аворнинг ахборот харажатларига боғлиқлигини қуидаги мисолда келтириш мумкин. Маълумки, оппортунизм ахборотнинг тўлиқсизлиги ва асимметриклиги шароитида алоҳида шаклдаги мақсадли ҳаракат ҳисобланади.

Шартнома A1 фаолиятни амалга оширишни талаб қилсин дейлик, лекин, шартнома тузилганидан кейинги воқеалар ривожини билгани ҳолда, томонлар A2 ҳаракатни бажаришимиз лозим деган қарорга келишади.

Бироқ A1 дан A2 га ўтиш осон бўлмаслиги мумкин. Олинган даромадларни тақсимлаш тартиби интенсив савдолар предметига айланади. Ўз навбатида, томонлар учун оппортунизмга асос вужудга келади. Агар битимни тузища томонлар контрагентнинг хатти-ҳаракати ва битимнинг эҳтимолий якуни ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлганида эди, уни амалга ошириш жараёнида оппортунистик хатти-ҳаракат ўрин тутмаган бўлар эди.

Трансакция харажатларини таснифлашда турли ёндашувлар мавжуд. Таснифлашни битимни тузиш босқичларига мувофиқ амалга оширган маъқул. О.Уильямсон трансакция харажатлари ҳақида *ex ante* ва *ex port* (битим тузилгунча ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган) дейди.

Агар шерикни қидириб топиш, манфаатларни мувофиқлаштириш, битимнинг бажарилишини назорат қилиш битим тузишнинг босқичлари сифатида ажратилса, у ҳолда трансакция харажатларини таснифлаш қуидаги З-жадвал кўринишга эга бўлади.

З-жадвал

Трансакция харажатларининг таснифланиши

<i>ex ante</i> харажатлари	<i>ex port</i> харажатлари
Ахборотни қидириб топиш харажатлари - имкониятли шерик ҳақидағи, бозордаги вазият ҳақидағи ахборотни қидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга	Мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари - битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларнинг бажарилишидан бош тортилишини

* Оппортунизм – қоидага риоя қиласлиқ, тажавузкорлик

киритиладиган түлиңсиз ва номукаммал ахборот билан боғлик йўқотишиларни ўз ичига олади.	олдини олиш харажатлари
Мулоқот юритиш харажатлари - алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади	Тафсирлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари - судлар, ҳакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфлари, шунингдек мулкчилик ҳуқуқларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз ҳимоядан кўрилган йўқотишилар
Ўлчаш харажатлари - битим предмети бўлган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш учун зарур бўлган харажатлар	
Шартнома тузиш харажатлари - битимни юридик ёки хуфёна (норасмий) расмийлаштириш харажатлари	Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари - учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинадиган фойдали самара қисмига эътиrozларидан ҳимоялаш харажатлари

Трансакция харажатларининг бундай таснифланиши уларни миқдорий баҳолаш масаласига нисбатан микро ва макроиктисодий даражада ёндашиш имконини беради.

Шундай қилиб, уй-жойни ижарага олишда юзага келадиган трансакция харажатларини миқдорий баҳолашга ё воситачилик фирмаларининг даромадларини таҳлил қилиш, ёки ўртacha соатлик иш ҳақига кўпайтирилган бевосита пул харажатлари ва вақт сарфларини қўшиш ёрдамида эришиш мумкин.

Масалан, квартирадан фойдаланиш ҳуқуқининг мулқдор томонидан ижарачига топширилишини назарда тутувчи квартирани ижарага олиш бўйича

битим тузишда ижарачининг трансакция харажатлари қуидаги шаклларга эга бўлади:

4-жадвал

Квартира ижараси бўйича трансакция харажатлари

Харажат мазмуни	Харажат шакли
Ижарага топшириладиган квартиralар, уй-жой бозоридаги нархлар ҳақидаги ахборотни кидириб топиш харажатлари: махсус нашрларни харид қилиш ва эълонлар бўйича қўнғироқлар ёки риэлторлик фирмасига мурожаат этиш;	Пул шаклидаги харажатлар ва вақт сарфлари;
Танланган квартиralар мулкдорлари билан ижаранинг алоҳида шартлари ҳақида мулоқатлар олиб бориш харажатлари;	Воситачи сарфлари ва вақт сарфлари;
Танланган квартиralарни бориб кўриш жараёнида уй-жой сифатини баҳолаш харажатлари	Воситачи зиммасига юклатиш мумкин бўлган вақт сарфлари ва транспорт харажатлари
Ижара шартномасини юридик расмийлаштириш, уни нотариал тасдиқлаш харажатлари;	Пул шаклидаги харажатлар;
Мулкдорнинг ижара шартларини ўзгартириш (ижара тўловини ошириш) бўйича оппортунизмни олдини олиш харажатлари;	Вақт ва асаб сарфлари;
Мулкдор ижарачига квартиrани сақлаб туриш юзасидан эътиroz билдирган ва / ёки шартномани муддатидан олдин бузишни хоҳлаган тақдирда шартнома амал қилиши муддатига берилган фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш харажатлари	Вақт сарфлари ва судга мурожаат этиш билан боғлиқ пул шаклидаги харажатлар

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқини тақсимлашда қандай тамойиллар асосида тартибга солиш ва унинг ҳамма вақт ҳам мулкдан самарали

фойдаланиш учун замин яратиши асосий ўрин эгаллади. Бунда эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, топшириш қолдик қийматни олиш, хавфсизлик, мерос, муддатсизлик, зарарли фойдаланишни тақиқлаш, ундириш ва бошқа хуқуқларнинг мутаносиблиги муҳим.

Коуз теоремасининг тўлиқ мазмуни қуйидагича ифодаланади: агар мулкчилик хуқуқлари аниқ тафсирланиб, трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, у ҳолда, агар даромад самарасидан фикрни бошқа томонга бурсак, мулкчилик хуқуқларининг тақсимланишидаги ўзгаришлардан қати назар, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгармасдан қолади.

Теореманинг шартининг биринчи хусусиятига қўра, трансакция харажатларига эътибор қаратмаган ҳолда, мулкчилик хуқуқларининг муайян эгаси ҳақида эмас, балки ресурсларга бўлган мулкчилик хуқуқларини тафсирлашнинг муҳимлиги ҳақида холоса чиқариш керак бўлади.

Иккинчи хусусият эса, теоремани исботлаш учун мулкий хуқуқларнинг алмашинуви бўйича аниқ амалий мисоллардан фойдаланилган. Қайта гурухланган мулк деганда қонун билан мустаҳкамланган ва реал мулкчилик хуқуқларининг мос келмаслиги, назорат механизmlари ва корхонанинг ташкилий чегараларининг «йўқотилганлиги» тушунилади.

«Чигаллашиб кетган» мулк атамаси шундай ҳолатга эътиборни қаратадики, эгалик хуқуқининг қонун билан белгиланган эгалари – маъмурият ва ташқи сармоядорлардан ташқари корхонанинг фаолият кўрсатиши устидан назоратни у билан ўзаро боғлиқ корхоналар, асосий етказиб берувчилар, сотиш фирмалари ва истеъмолчилар амалга оширишади.

Трансакция харажатлари – бу мулкчилик хуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мулкчилик хуқуқининг бўлинишини назарда тутувчи умумий хуқуқ талқинида фуқаролик хуқуқи концепциясига нисбатан мулкчилик концепциясининг иқтисодий устунликлари нимадан иборат?

2. Коуз теоремасининг тўлиқ мазмуни ва хусусиятларини шарҳланг.
3. «Рекомбинацияланган» ва «чиғаллашиб кетган» мулк тушунчалари қандай изоҳланади.
4. Ноль даражага эга трансакция харажатларининг омилларидан келиб чиқувчи Коуз теоремаси қандай амалий аҳамиятга эга?
5. Мулкчилик хуқуқларини у ёки бу тарзда тақсимлаш билан боғлиқ бўлган «даромад самараси»ни муҳокама этишда қандай омилларни эътиборга олиш лозим?

10-мавзу. Таъминот жараёнида таҳдидлар ва уларни иқтисодий бошқариш сиёсати

РЕЖА:

- 10.1. Таъминот жараёнида таҳдидлар, уларнинг иқтисодий
моҳияти, функциялари ва турлари**
- 10.2. Таъминот жараёнида логистикасида таҳдидларни
бошқариш**
- 10.3. Инкотермс тушунчаси, таъминот жараёнларида моҳияти
ва аҳамияти.**

10.1. Таъминот жараёнида таҳдидлар, уларнинг иқтисодий моҳияти, функциялари ва турлари

Таъминот жараёнини бошқариш жараёнидаги таҳдидларни назорат килиш моддий окимларни бошқаришнинг функцияси сифатида, корхонанинг ташкилий тузилмасини аниқдайдиган каналлар оркали амалга оширилади ва у белгиланган параметрлар буйлаб товар харакати жараёнининг утишини узлуксиз кузатишдан

иборат. Бунинг учун моддий оқимларнинг холати хакида маълумотларни йигиш ва кайта ишлаш амалга оширилади, ишлаб чикариш буюртмаларини бажариш буйича режадаги вазифалардан четлашишлар аникланади ва тахлил килинади, олиб борилган ишларнинг куйилган максадга мослик даражаси хакида хуросалар чикарилади. Аникданган камчиликларни йукотиш бошқариш йули билан амалга оширилади.

Бошқариш узининг ичига куйидаги амалларни олади: ишлаб чикариш буюртмаларининг бажарилиши буйича иш графигининг бузилиши ва бу келтириб чикарган сабабларнинг тахлили; четланишларни йукотиш буйича дастур ишлаб чикиш ва уни амалга ошириш буйича чора - тадбирлар.

Махсулот ишлаб чикариш хажми захираларнинг ва алоҳида ишлаб чикаришнинг хажмини, уларнинг миқдорини хамда юк оқимларининг кувватини аниклади.


Давлат бошмарувининг корпоратив тармоғи компьютер хуружлари ва вируслар таъсиридан ҳимоя қилишнинг ягона талабларини қўллаш асосида комплекс ёндашишни талаб этади.

Bugungi bozor munosabatlari sharoitida hamma korxonalarga erkinlik va mustaqillik joriy qilinayotgan bir paytda, uning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash ham o'ta dolzARB va ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga molik bo'lgan usulda muhim jarayondir. Bu jarayonni to'g'ri va to'liq anglash uchun uning tushunchasi, maqsad va vazifalarini aniq belgilab olishni taqozo qiladi.

Mahsulotlarning zamonaviy namunalari, ishlab chiqarish texnologiyasi, investitsiya rejalarini va boshqalar sanoat ayg'oqchiligining diqqat markazida turib, korxona va mamlakat uchun ma'lum bir xavf tug'diradi. Shu sababli xavfsizlik va tijorat sirlari muammolari hozirgi bozor va raqobatchilik sharoitlarida iqtisodiyot fanining, jumladan, zamonaviy korxonalar iqtisodiyotining muhim bo'limlaridan biri hisoblanadi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotini mutanosib rivojlantirish, uning samarali tarkibiy tuzilmasiga ega bo'lish va Shu orqali barqaror iqtisodiy o'sish sur'atlariga erishish Vatanimiz taraqqiyoti va xalq farovonligini ta'minlashning muhim shartlaridan hisoblanadi. Ushbu maqsadga erishish uchun esa eng avvalo iqtisodiyotning real sektorini jadal rivojlantirish zarur bo'ladi.

Shunga ko'ra, jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi sharoitida iqtisodiyotning real sektori korxonalarini qo'llab-quvvatlash dolzarb ahamiyat kasb etib, respublikamizda ushbu jarayon bir qator asosiy yo'nalishlar bo'yicha amalga oshirildi (**1-chizma**).



1-chizma: Iqtisodiyot real sektori korxonalarini qo'llab-quvvatlashning asosiy yo'nalishlari

Ayniqsa, real sektor korxonalarini qo'llab-quvvatlashda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, kooperatsiya aloqalarini kengaytirish, mustahkam hamkorlikni yo'lga qo'yish, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarga ichki talabni rag'batlantirish masalalari alohida o'rinn tutdi.

Shu boisdan korxonaning iqtisodiy xavfsizligini doimiy ravishda ta'minlab turish uning rahbariyatidan katta e'tiborni, tashkiliy ishlarni amalga oshirishni va uni oqilona boshqarib borishni talab qiladi. Bu jarayonni to'g'ri tashkil qilish uchun umuman xavflilik va xavfsizlik tushunchalarining nima ekanligini aniqlashni taqozo qiladi.

Mazkur ishda korxonaning umumiy xavfsizligi emas, balki iqtisodiy jihatdan xavfsizligi xususida gap boradi. Uni ta'minlash uchun esa korxona rahbariyatidan juda katta tashkilotchilikni talab qiladi.

Korxona iqtisodiy xavfsizligi tushunchasi. Erkin raqobat hukm surib turgan

bozor munosabatlari sharoitida har bir xo'jalik yurituvchi sub'ekt o'zlarining yashovchanligini ta'minlashga lozim. Bu esa o'ta murakkab va ko'p qirrali jarayondir. Shu tufayli korxonaning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash uchun bir qancha tadbirlarni amalga oshirish lozim bo'ladi.

Korxona xavfsizligini ta'minlashning asosiy maqsadlari quyidagilardan iborat:

- korxona va uning barcha bo'linmalari, mehnat jamoasining davlat tuzilmasi, xorijiy hamkorlar va raqiblar bilan o'zaro munosabatlarda qonuniy huquqlarini himoya qilish;
- korxona mulkini saqlash, undan oqilona va unumli foydalanish;
- ishlab chiqarilayotgan mahsulotning ichki va tashqi bozordagi raqobatbardoshligini oshirish;
- tashkiliy va ishlab chiqarish barqarorligiga erishish, butlovchi qismlar etkazib beruvchilarga yordamchi va hamkorlarga bir tomonlama qaram bo'lishga yo'l qo'ymaslik;
- barcha tuzilmaviy bo'g'inlardagi xodimlar orasida mehnat intizomini mustahkamlash;
- mehnat unumdorligini oshirish uchun moddiy va ma'naviy manfaatdorligini ta'minlash;
- jamoada axloqiy-ruhiy muhitning barqarorligi, mehnat va ijro intizomiga qattiq rioya qilish har bir xodim va bo'linmalarining hayot tarziga aylanganligi, ularning ishni bajarishdagi jipsligini ta'minlash tadbirlarini amalga oshirish;
- korxona xodimlarini moddiy va ma'naviy ragbatlantirishning ob'ekтивligini ta'minlash, uni bevosita korxonaning istiqboliga yo'naltirishga erishish orqali uning nufuzini ko'tarish.
- tashkiliy, ilmiy-texnikaviy sohani takomillashtirish orqali ishlab chiqarishga (faoliyatiga) zamonaviy texnologiyalarni joriy qilishga doimiy ravishda erishib, ularni ichki imkoniyati hisobidan rivojlantirib borish.

Ana shunday tadbirlar amalga oshirilsagina korxonaning iqtisodiy xavfsizligi ta'minlanish mumkin. Bulardan kelib chiqib, o'ta murakkab jarayon bo'lgan korxona

xavfsizligiga quyidagicha ta'rif berildi.

Korxonaning iqtisodiy xavfsizligi deganda, uning mustaqilligini, mustahkamligini, barqarorligi va ichki imkoniyatlar evaziga takomillashib, tarakkiy etib borishini doimiy ravishda ta'minlab turuvchi sharoitlar va omillar majmuasining mavjudligi tushuniladi.

Ko'rinish turibdiki, korxonaning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash o'ta murakkab bo'lishi bilan birga juda ko'p qirrali sohadir. Shu tufayli unga shunchaki kundalik tadbirlar bilan, yoki ozgina e'tibor bilan erishib bo'lmaydi. Korxonaning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash uchun undagi band bo'lgan kadrlar yuqori malakali, saviyali va tashabbuskor bo'lmosg'i lozim. Eng muhimi, hozirga paytda har bir korxonada ishlovchi xodim uni "umumiyligini mulkimiz" emas, balki "mening mulkim" deb his qilishi, shu ruhiyat bilan yashaydigan, ishlaydigan bo'lishi darkor.

Korxonaning iqtisodiy xavfsizligi tamoyillari. Xavfsizlikni ta'minlash uchun uni amalgalashda ma'lum tamoyillarga tayaniladi. Bu tamoyillar korxona ishining taktikasi va strategiyasini, aniq maqsad va vazifalar bilan faoliyat ko'rsatishini belgilab olishida namoyon bo'ladi.

Shu nuqtai nazardan qaraydigan bo'lsa, korxonaning iqtisodiy xavfsizligi quyidagi tamoyillarga tayanadi.

1. Uzoq istiqbolga mo'ljallangan dastur va maqsadli rejaning mavjudligi. Hozirgi bozor munosabatlari sharoitida har bir korxona o'z mulkiy javobgarligiga asoslanar ekan, u uzoqdi ko'zlab aniq strategik maqsad bilan va Shu maqsadga erishish uchun uzoq muddatga mo'ljallangan dastur asosida faoliyat ko'rsatishi lozim.

2. Qonuniylikni ta'minlash tamoyili. Hozirgi paytda juda ko'p korxonalar qonunni chetlab ma'lum vaqt noqonuniy foyda olish evaziga faoliyat ko'rsatmoqda. Ular faoliyatidagi qonunbuzarlik fosh bo'lgach (albatta shunday bo'ladi), juda ko'p jarimalar to'lashi evaziga birdaniga sinib inqirozga uchramoqda. Oqibatda korxona bankrot bo'lmoqda. Bu holat jamiyat uchun ham, davlat uchun ham, Shu erda ishlagan mehnat jamoasi uchun ham, pirovardida korxonaning iqtisodiy xavfsizligi uchun ham katta zarar keltirishi to'g'risida izohning hojati bo'lmasa kerak.

3. Mustaqillik va mas'uliyatlilik tamoyili. Korxona iqtisodiy xavfsizligini

ta'minlash uchun, eng avvalo, o'z faoliyatini mustaqil boshqarishi lozim. Ammo mustaqillik - bu o'zboshimchalik emas. Mustaqil faoliyat o'ta mas'uliyatni ham talab qiladi. Zero, korxonaning foydasi o'ziniki bo'lganidek, zarar ham o'zlar hisobidan qoplanadi. Ko'p zarar ko'rish korxonaga iqtisodiy jihatdan xavf tug'dirishi tabiiy.

4. Mehnat va ijro intizomi. Barcha muvaffaqiyatlar kaliti intizomda. Agar mehnat jamoasi korxonaning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash maqsadi bilan ishlasa, albatta u qattiq mehnat va ijro intizomiga rioya qilishi lozim. Intizom orqali qonuniylik, mustaqillik, mas'uliyat, maqsadlilik kabi tamoyillarga ham amal qilishni ta'minlaydi.

5. Kasbiy va texnologik takomillaShuv. Bozor munosabatlari sharoitida erkin raqobat muhiti korxonaning kundalik o'zgarishlar va Yangilashlarga, bozor kon'yunkurasiga moslashib borishni talab qiladi. Bu esa, o'z navbatida korxonaning tez o'zgarishlarga moslashuvchanligini ta'minlashni, bozor talabiga moslashish kabi holatlarni talab qiladi.

6. Mahsulot (ish, xizmat) sifatining doimo oshib borishini, tannarxning nisbiy kamayishini ta'minlash. Korxonaning nufuzi va iqtisodiy kudratini oshirib borishi uchun, eng avvalo, har bir korxona o'z mahsulotining (ish, xizmatining) sifatini oshirish uchun kurashib yashashi kerak. Sifat ko'rsatkichining yaxshilanishi korxonaning nafaqat iqtisodiy xavfsizligini, balki uning raqobatbardoshligini ham ta'minlaydi.

Mahsulotning (ish, xizmatning) sifatini oshirish ko'p hollarda tannarxni oshirish evaziga amalga oshiriladi. Ammo korxona hozirgi erkin iqtisodiyot sharoitida shunday natijaga erishish lozimki, qaysiki sifatning yaxshilanish tannarxning oshishiga nisbatan ustuvor bo'lishi ta'minlansin. Bunda mahsulot (ish, xizmat) sifatining oshishi evaziga olinadigan daromad 100 ming so'mni tashkil qilsa shunga bog'liq tannarx 50-60 ming so'mga ko'payishini ta'mindash lozim bo'ladi.

Respublikamizda iqtisodiyot komplekslari bo'yicha ishlab chiqarilgan mahsulotlar tannarxini pasaytirish bo'yicha erishilgan natijalarini quyidagi jadval orqali ko'rishimiz mumkin (**1-jadval**).

1-jadval.

O'zbekistonda iqtisodiyot komplekslari bo'yicha 2017 yilda ishlab chiqarilgan mahsulotlar tannarxini pasaytirish bo'yicha erishilgan natijalar

Komplekslar nomi	Mahsulot tannarxining pasayishi	
	mlrd. so'mda	foizda
Geologiya, yoqilg'i-energetika, kimyo, neft- kimyo va metallurgiya sanoati kompleksi	1413,1	21,9
Mashinosozlik, elektrotexnika va aviatsiya sanoati hamda mahsulotlarni standartizatsiyalashtirish kompleksi	190,9	18,5
Kommunal soha, transport, kapital qurilish va qurilish industriyasi kompleksi	560,7	21,3
Qishloq va suv xo'jaligi, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash hamda iste'mol tovarlari kompleksi	360,6	20,0
Ta'lim, sog'lqn ni saqlash va ijtimoiy muhofaza kompleksi	16,0	20,2
Respublika bo'yicha jami	2541,3	22,2

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlangan.

Jadvaldan ko'rindaniki, respublikamiz bo'yicha mahsulotlar tannarxini 2079,5 mlrd. so'mga yoki 20,38 foizga qisqartirishga erishilgan.

Iqtisodiyotning real sektori korxonalarini qo'llab-quvvatlashdagi muhim tadbirdan yana biri – turli sabablarga ko'ra vujudga kelgan hamda korxonaning sog'lom moliya-xo'jalik faoliyati yuritishiga jiddiy ta'sir ko'rsatib kelayotgan qarzlarini qayta ko'rib chiqish (restrukturizatsiya qilish) hisoblanadi. Mazkur tadbir orqali korxonalarning mavjud qarzlarining vujudga kelish sabablari va ularni to'lash imkoniyatlari o'rganiladi. Har bir korxonaning ahamiyati, yaxlit xo'jalik tizimida tutgan o'rni, boshqa korxonalar bilan ishlab chiqarish va xo'jalik aloqalarini hisobga olgan holda mazkur qarzlarni to'lash muddatlarini kechiktirish, ular bo'yicha qo'llanishi

mumkin bo'lgan turli sanktsiyalarni bekor qilish, zarur hollarda, ushbu qarzlarni umuman ro'yxatdan chiqarish kabi choralar belgilanishi mumkin.

Шу муносабат билан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг концепциясини ишлаб чиқиши ҳамма вақт тегишли лойиҳаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

У қуидагиларни ўз ичига олади:

- электрон ҳужжатлар айланиши хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳфий маълумотлар ва ахборот жараёнларини ҳам ходимларнинг қасдан содир этилган, ҳам малакасиз хаттиҳаракатларидан, шунингдек табиий ёки техноген тусдаги ҳалокатлар ҳолатларидан ҳимоя қилиш бўйича комплекс олдини олиш чоратадбирларни амалга ошириш;
- идентификатор калитлар, электрон рақамли имзолар, криптография, нутқни, бармоқ изларини аниқлаш дастурлари ва ҳоказо ҳар хил техник, дастурий ёки жисмоний ҳимоя воситалари ва бошқалар ишлатиш йўли билан фойдаланишни бошқариш ва маҳфий ахборотга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни ишончли идентификациялашни таъминлаш;
- ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини такомиллаштириш, умумий аҳамиятли қайта ишлашнинг ҳимояланган воситаларини қўллаш;
- ходимлар, менежерлар ва техник хизматлар учун аниқ лавозим йўриқномалари яратиш.

Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг давлат хизматчилари томонидан сустеъмол қилинишидан ҳимоя қилиш давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва технологиялари билан ишлашда улар иши мониторингини олиб бориш ва операцияларни ҳисобга олишнинг комплекс тизимини ташкил этиш асосида таъминланади. Ахборот хавфсизлиги харажатлари анчагинани ташкил этади ва узатилаётган, сақланаётган ёки қайта ишланаётган ахборотнинг муҳимлиги ва маҳфийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳимоянинг ишончли тизимини қуриш учун ахборотнинг маҳфийлиги даражасини, унинг ҳимояланганлиги даражасини ва ахборот тизими ресурсларига кириш ҳуқуқини тўғри белгилаш зарурдир.

Ишлаб чикарилаётган махсулот хажми канча катта булса, шунча ишлаб чикариш булинмалари йирикрок, уларнинг махсус йуналтирилганлиги аникрок, корхонага келиб тушаётган ва ундан чикиб кетаётган юкларнинг хажми катта булади. Ишлаб чикарилаётган махсулот хажмининг усиши уртacha бир кунлик материаллар харажатининг усишига олиб келади ва каттарок захираларни ташкил этишни асослайди.

Юкларни ташишни ташкил этиш услуги, транспорт булинмаларининг сонига, ишлар бажарилиш катнашчиларининг таркибига, махсулот харакатида бугинларнинг сонига ва оралик омборларнинг микдорига таъсир килади. Масалан, юк оқимларини ташкил этипшинг транзит схемасига утиш, махсулот харакатида бугинлар сонининг камайишига ва юкларни кайта ишлаш буйича ишлар хажмининг кискаришига олиб келади.

Таъминот жараёнини ташкил этиш, ички ташиш ишларининг хажми ва микдоригахамда тутатилмаган ишлаб чикариш мивдорига таъсир курсатади.

Юк ва тижорат ишларининг муаммоли масалалари. Юк ва тижорат ишлари ҳам темир йўл транспортининг ишлаб чиқариш соҳаси ва ҳам эксплуатация фанларининг тармоғи ҳисобланиб ўзининг юз йилликдан ортиқ ривожланиш тарихига эга. XX-асрнинг 60- ва 70-йилларидан бошлаб юк ва тижорат ишлари такомиллашуvida жуда катта ютиқларга эришила бошланди.

Контеинерларда ва пакетларда юк ташиш жадаллик билан ривожланмоқда, механизациялашган ва автоматизациялашган транспорт – омбор комплекслар ва юк станцияларининг ва контейнер терминалларининг автоматизациялашган бошқариш тизимлари яратилмоқда;

саноат транспортида Ягона технологик жараёнлар асосида темир йўл шохобча йўллари ва туташган станция ишини ўзаро ҳамкорлигини илмий асосланган усуллари омалашмоқда;

вагонларга зичлаб ортиш ва юк фронтларига жадаллаштириб хизмат кўрсатиш усулларидан, юк ташишлар учун марказлашган ҳисоблардан фойдаланилмоқда, юк ишларини кам сонли станцияларда концентрациялаш амалга оширилмоқда, юк ташишларни маршрутлаштириш юксалмоқда ва ҳ.к.

Лекин темир йўллардаги юк ва тижорат ишларининг техник базаси ва технологияси замонавий талабларни қониқтирумаяпти. Вагонларни юк операцияларида тўхтаб туриши ачинарли даражада катта. 2017 ва 2018 – йилнинг натижаларига кўра ЎТЙ ДАТК да вагоннинг айланиши ва уни элементлари бўйича қийматлари ҳамда фоизлари 1.1-жадвалда келтирилган.

1 – жадвал

ЎТЙ ДАТК да вагонни айланиши элементлари бўйича

Йиллар	Θ , сутка	Θ , соат	Шу жумладан			
			$T_{\text{хар.}}$, соат	$T_{\text{ор.}}$, соат	$T_{\text{тех.}}$, соат	$T_{\text{юк.}}$, соат
2017	3,65	87,6	9,9	2,7	36,7	37,4
	%	100	11,3	3,1	41,9	43,7
2018	3,62	86,9	10,0	3,0	36,0	37,9
	%	100	11,5	3,5	41,4	43,6

Ушбу 1-жадвалдан кўриниб турибдики вагон айланишини 43,6 % қисмини уларнинг юк операцияларини бажаришда тўхтаб туриши ташкил этмоқда. Хозирда ЎТЙ ДАТК да вагонлар ўзининг айланишининг фақат 11,5 % вақти харакатда бўлса, уларни оралиқ ва техник станцияларда тўхтаб туришларига мувофиқ равишда вагоннинг айланишини 3,5 % ва 41,4 % вақтини тўғри келар экан (2018 йил маълумотларига кўра).

Юк ва тижорат ишларининг муаммоли бўлиб турган масалалар шуки: самрасиз юк ташишлар бартараф этилмаган, вагонларни сифимидан ва юк кўтаришидан тўлиқ фойдаланимаяпти, юкларни етказиб бериш муддатларига риоя қилинмаяпти, юкларни ташишда нобудгарчиликлар жуда ҳам катта, юк ва тижорат ишларини механизациялаш ва автоматизациялаш суръатилари етарлича эмас, темир йўлинин мижозлар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий нормалар жиддий такомиллаштиришни талаб этмоқда ва ҳ.к. Юк ишларини ташкил этишдаги камчиликлар, кўп жиҳатдан саноат транспортини магистраль темир

йўлларни техник қайта тиклаш ва асосий саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш суръатларидан орқада қолиши натижасида, чуқурлашиб бормоқда.

Юк ва тижорат ишлари соҳасида темир йўлининг фаолиятини яхшиланишига кўмаклашувчи комплекс тадбирлар қуидагиларни ўз ичига олади:

а) юк ишларини кам сонли станцияларда концентрациялаш, станция ва унга туташган темир йўл шохобча йўллари худудларида эса – юк ташишларни ихтисослаштирилган ортиш ва тушириш фронтларида концентрациялаш;

б) контейнерлардан, таглик ва пакетлардан, катта тоннажли контейнерлардан фойдаланиш суръатларини жадаллаштириб, қайта юкламасдан ташиш тизимларини ривожлантириш, автоматизациялашган бошқариш тизимларини яратиш асосида контейнерларда юк ташишларни бошқаришни илфор усуулларидан фойдаланиш. Транспорт харажатларини 30 % гача тўғри келадиган қайта юклаш операцияларини қисқартириш – юкларни етказиб беришни жадаллаштиришни бош йўлларидан бири бўлиб, темир йўлини даромадлилигини (рентабеллигини) оширади ва меҳнат манба (ресурс) ларига бўлган талабни қисқатиради. Универсалъ ва маҳсус контейнерларни турли турдаги тагликлар ва пакетлар билан биргаликда кенг номенкларурадаги юкларни ташишда фойдаланиш ягона транспорт тизимини амалга ошириш имкониятини беради, чунки бир транспорт туридан бошқасига алоҳида юк жойлари эмас, балки иириклиштирилган стандарт траспорт бирликлари кўчириб қўйилади;

в) вагон паркини структурасини ва станцияларда ҳаракатдаги составларга қайта ишлов беришни такомиллаштириш. Бу тадбир, поездларнинг катта ҳаракат тезликларида ташиш шароитларини мураккаблашуви ва юкларни асрарни таъминлашга юқори талаблар қўйилаётганлиги сабабли зарурдир. Ўзини оқлаган вагон паркининг кенг универсаллигини, яъний ёпиқ вагонларни, яrim очик вагонларни, платформаларни ва цистерналарни катта номенклатурадаги юкларни ташиш учун фойдаланишда сақлаб қолган ҳолда, айрим турдари юкларни – минераль ўғитларни, дон юкларини, цементни, қофозни ва бошқа турдаги юкларни ташиш учун вагон паркини иқтисодий оқланган масштабларда ихтисослаштиришни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Вагонларга ва

автомобилларга замонавий автоматика ва телемеханика воситалари асосида юклаш ва туширишнинг илғор усулларини жорий қилиш, тижорат операцияларни автоматизациялаш учун компьютерларни қўллаш, юк станцияларида технололгик жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш, механизациялашган ва автоматизациялашган транспорт – омбор комплексларини яратиш зарур;

г) темир йўлини бошқа турдаги транспортлар билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш ва ташиш жараёнининг ташкил этиш сифатини юксалтириш. Бу комплекс масалаларга ишлаб чиқариш жараёнида технологик ташишлар мавжуд бўлмаган ташкилотларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларини темир йўлига топширишни якунлаш ҳамда магистраль ва саноат транспортини комплекс ривожлантиришнинг ягона техник сиёсатини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда темир йўлини ташкилотчилик ролини ошириш мансуб бўлади;

д) ташиш режасини бажариш, етказиб бериш муддатлари ва юкларни асрарни таъминлаш учун темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни ўзаро жавобгарликлари асосида темир йўлида юк ва тижорат ишларини ташкил этишнинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.

Юк ва тижорат ишлари соҳасидаги замонавий тенденцияларни (интилишларни) ўрганиш, бу соҳада бошқариш функцияси ролини ўсиб боришидан гувоҳлик бермоқда.

Таъкидлаб ўтилган амаллар бир вактда амалга оширилади ва биргалиқда моддий окимларни бошқариш механизмини ташкил этади.

Моддий окимлар харакатини ташкил этишни бу шаклининг афзаллиги тизимга кириш ва чиқишида материалларни катта хажмда йигиш имконининг мавжудлиги, бу эса бир тарафдан, зарур деталлар, яrim тайёр маҳсулотлар, йигувчи кисмларнинг ишлаб чиқаришга вақтида етказиб берилишини таъминласа, иккинчи тарафдан маҳсулот истеъмолчиларининг муҳим буюртмаларининг бажарилишини кафолатлайди. Материаллар харакатини йигувчи шаклининг асосий камчилиги бу транспорт ўналишларининг тармоқдашганлиги ва омборларнинг куплиги натижасида моддий окимлар харакатини боншариш ва захиралар устидан назоратнинг кийинлашувидир. Бундан тапщари маблагларни материалларга иммобиллаштириш ва омборлар тизимини

ташкил этиш учун капитал куйилмалар зарурлиги билан асосланадиган харажатлар ошади.

Материаллар марказий омборда ёки демарказлашган холда участкалар да йигилади. Биринчи холатда омбор бир канча ишлаб чикириш булинмаларига хизмат килади ва детални кайта ишлашни бошланиши билан тугатилиши уртасида захира йигувчи сифатида кулланилади. Иккинчи холатда омборлар алоҳида участкаларда хосил килинади ва детални кайта ишлаш ва ташишда юзага келадиган вакт ютказипшарни коплаш учун хизмат килади. Баъзи холларда аралаш ТОТ кулланилади, бунда хам марказлашган омбор, хам иш участкаларида захира йигувчилари мавжуд булади.

Моддий окимларни ташкил этиш ни бу шаклиниг кулайликлари куйидагилардан иборат: ТОТни ташкил этиш хисобига иш жойларида захира хажмининг камайишшишлаб чикириш циклиниг ташкил этувчилари уртасидаги тухташларни йукотиш оркали ишлаб чикириш жараёнининг давомийлигини кискартириш; захиралар устидан доимий назорат; материаллар харакатини бопщаришнинг яхши ташкил этилган тизимининг мавжудлиги.

Камчиликлар каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

транспорт -йигувчи шакл конструктив ва технологик бир хил деталь гурухлари учун самарали, бу эса,

биринчидан унинг кулланилиш соҳасини торайтиради, иккинчидан бир катор тайёргарлик ишларини утказиш заруриятини тугдиради;

бу шакл ишлаб чикиришни бопщаришнинг автоматлаштирилган тизимини ташкил этишга катта микдордаги куйилмаларни талаб этади.

Юқ қутариш-тушириш машина ва механизмларини, ташиш воситаларини ишлатганда меҳнат ҳавфсизлиги.

Транспорт ишларини бажаришда ҳавфсизлик чора-тадбирлари:

Ишлаб чикириш жароҳатланишларини тахлили шуни курсатадики, хар иили 20...25% оғир баҳтсиз ходисаларнинг улуши транспорт жараёнларини бажаришда содир булмокда.

Транспортларнинг транспорт ишларини бажаришида баҳтсиз ходисаларни содир булиши, асосан уларнинг кундаланглигига ва узунлигига гилдираклар оралигини хам булганлиги, бошқариш ёмонлиги ва тормозлаш сифатини пастлиги эвазига булмокда.

Баҳтсиз ходиса ва авариялар куп холларда транспортчининг бошқариш тажрибасига бөглик булади. Шунинг учун транспорт ишлари бажаришга тажрибали трактористларни ва йул- харакатлар коидаларида имтихон топширишларига рухсат этилади. Ундан ташкари, гилдиракли тракторларни 2 йил бошкарған ва занжирли тракторларни 1 йил бошкарған кишилар булиши шарт.

Барча тракторлар, тележка ва узиюрар машиналарда давлат номери белгилари булиши керак. Транспорт ишларда пахта катор оралигига ишловчи тракторлардан фойдаланиш маън этилади. Ишларни транспорт воситаларида хавфсиз бажарилишини тракторнинг тормозлаш тизими таъминлайди ва бу тизим трактор кабинасидан бошқарилади. Трактор поездларини комплектлашда прицеп тракторга саклагич сим оркали уланади ва улар бир-биридан ажралиб кетмаслигини таъминлайди.

Кишлок хужалиги юкларини катта кувватли тракторларда ташишда (К-700, К-701, Т- 150К) уларга бир нечта тележкалар тиркаб ишлатилади.

Уларни ишлатишда куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

-тележкалар сони тракторнинг кувватидан ва йул шароитидан келиб чикиши керак;

-трактор ва тележкани улаш ишончли ва захира сим аркон билан уланиши зарур.

-тормозлаш тизими ва кузовни кутариш ишлари тракторист уриндиқдан бошқариш керак.

Трактор поездларини бошқаришда маҳсус тайёргарлик ва бошқариш уникмалари булиши керак.

Трактор ва тележканинг юришидаги траектория бир чизикда булмайди ва буриш кенглиги ортиб кетади.

Бу холни уларнинг айникса, бурилиш пайтида хисобга олиш керак. Трактор поездларини бурилишида харакат тезлиги 5 км/с дан ошмаслиги керак.

Транспорт ишлари одамларни ташиш билан бөглик булса, эхтиёткорлик чораларини куриш зарур: одамларни ташиш раҳбар ва хайдовчи учун бир хил жавобгарлик зиммасига юклатилади. Шунинг учун одамларни транспорт воситасида ташиш маҳсус жихозланган транспортда бажарилади. Уларнинг кузови устида уриндиклар булиши ва баронта ортик одам олинмаслиги зарур. Транспорт воситаларини бажаришга С ва Д категорияли хукуки бор хайдовчиларга рухсат этилади. Ишчи жунашдан олдин одамларни ташиш тугрисида маъмурият томонидан маршрут, тухташ жойи, хавфсизлик талаблари хакида йурикнома олади.

Кишлок хужалиги ишлаб чикиришида чорва молларини ташиш хам муҳим ахамиятга эга.

Харакатланувчи транспорт воситасида ташилаётганда молларни тирик вазнини камайтирмасдан, уларни жароҳат олмаслигини таъминлаш керак. Хавфсизликни таъминлаш учун автомобил кузовлари тахтадан 2 метр баландликда ясалиши керак.

Хавфсизликни таъминлаш максадида машиналар орасидаги масофа занжирли тракторлар учун 20-25м, гилдиракли тракторлар учун 18-30 метр булиши керак.

Транспорт агрегатларида кундалангига ағдарилиши хавфи хисобланади. Шундай холларда тракторнинг кундалангига харакатида рухсат этилган статик бурчакни билиш керак ва бу эса куйидагича аникланади:

$$\Gamma_{\text{граст}} = 0,5B + m / hm$$

бу ерда B – тракторнинг гилдираклари орасидаги кундаланг кенглиги, $m.hm$ – тракторнинг оғирлик маркази баландлиги.

m – оғирлик марказининг кундаланг текисликдаги силжиши, m .

Турт гилдиракли тракторлар учун $\beta_{ст} = 40$ ч 50 , уч гилдиракли тракторлар учун $\beta_{ст} = 30$ ч 35 , юк автомобиллари учун $\beta_{ст} = 35$ га тенг.

Бахтсиз ходисалар тракторнинг тургунлиги бузилганда содир булиши таҳлили шуни курсатадики, асосан ён томонга кулаш йулнинг нотекислиги эвазига тури келар экан.

Юк кутариш механизмларидан фойдаланиша
хавфсизлик техникаси

Халк хужалигининг деярли барча тармокларида турли хил юк кутариш механизмларидан, жумладан, оддий чигириклиардан тортиб, юкори юк кутариш кобилиятига эга булган кранлардан фойдаланилади.

Юк кутариш механизмларидан хавфсиз фойдаланиш коидаларини кончилик ва техника назорати давлат комитети («Гостехнадзор») ишлаб чикади ва тасдиклайди. Улар иш жойида урнатилган Давлат Энергетика назорати томонидан рўйхатга олинади.

Барча турдаги юк кутариш механизмлари булгиланган муддатда тегишли синов ва текширишлардан утказилиб турилиши керак. Техник текширув хар 12 ойда бир марта, навбатдан ташкари текшириш эса капитал таъмирлаш ёки юк кутариш механизмлари бошка жойга урнатилганда утказилиши лозим.

Техник текширувда асосан куйидаги жараёнлар бажарилади:
а) ташки куздан кечириш – металл конструкциялар холати, канатлар, илгаклар, ушлар мосламалари, пайванд ва бошқа бирикмалар хамда маҳкамлаш курилмалари текширилади;

б) кучланиш остида статик синовдан утказиш;
в) статик синов;

г) электр жихозлапрни текшириш.

Амалда, техник текширишлар канатлар ва ушлаб турувчи мосламалар холатига катта эътибор берилади. Канатлар текширилганда улардаги узилган симлар сони аникланади ва симларнинг буралганлигига, урамларнинг эгилиб колган жойларига ахамият берилади. Агар урам кадами узунлиги буйича узилган симлар сони 10 % дан (ёки, рухсат этилган миқдордан, жадвалга каранг) куп

булса, бундай канат ишга яроксиз хисобланади. Бундан ташкари канат симлари занглаған ёки дастлабки диаметрига нисбатан 40 % гача ейилған булса хам яроксиз деб топилади.

Канатлар, занжирлар ва юк ушлаш мосламаларининг номинал юк кувватидан 2 баробар катта қучланишда синаб текширилади.

Статик синовлар балка (тусин) ларнинг мустахкамлигини текшириш ўзгаришида утказилади. Бунинг учун ишчи юк 200 мм баландликка кутарилиб 10 минут ушлаб турилади, кейин эса юк микдори фойдаланишдани кранлар учун 10 %, янги ва капитал таъмирланган кранлар учун 25 5 оширилиб кутарилади, хамда юк кутарилған холтада балканинг эгилиши (эластик деформацияси) текширилади. Кейин юк туширилиб колдик деформация аникланади.

Агар колдик деформация борлиги кайд этилса, бундай балка яроксиз деб хисобланади.

Динамик синовда юк кутариш механизмлари ва тормозлар, ажратгичлар хамда харакатни чегараловчи мосламалар текширилади. Синов номинал юк кутариш кобилиятидан 10 % ортик булған юқда, юкни 300 мм баландликка бир неча марта кутариб-тушириб утказилади. Юкни кутариш-тушириш вактида тормозланганда, юк уз жойида тухтиши зарур. Агар юк тормозлашдан кейин оз микдорда булсада уз холича туша бошласа, юк кутариш механизми фойдаланишга яроксиз хисобланади.

Барча синов ва текшириш натижалари акт билан хужджатлаштирилиб, механизм паспортга ёзилади.

Бундан ташкари, айрим таъмирлаш ёки техник хизмат курсатиш ишларида гидравлик ва механик юк кутаргичлар - «домкрат» лардан хам кенг фойдаланилади. Улар хар йили бир марта статик синовдан утказилиш зарур. Синов номинал юқдан 10 % ортик булған юқда 10 минут давомида утказилади.

Банда гидравлик юк кутаргичларда босим камайиши 5 % ортик булмаслиги зарур.

Автокранлардан фойдаланилганда кран хартуми («стрела») билан электр линияси орасидаги масофага катта эътибор бериш талаб этилади. Бу масофа

кучланиш 1 кВ гача булган линияларда- 1,5 м, 20 кВ гача булган линияларда- 2м ва 35...110 кВ гача булган кучланишларда- 4 м булиши талаб этилади.

Босим остида ишловчи идишлардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси

Ишлаб чикаришда корхоналарида сисилган хаво, газ, шунингдек, пневматик асбоб- ускуналар кенг ишлатилади. Бундай асбоб ускуналарни ишга туширишда ёки сикилган хаво хосил килишда компрессорлар фойдаланилади.

Компрессорлар тузилиши ва ишлатилиш хусусиятига кура, кучма, стационар ва компрессор курилмаларидан иборат булади. Босим остида ишловчи компрессорлар билан ишловчи ишчи маҳсус кийим-бош, пыйафзал, титрашга карши кулкот ва химоя каскасига урнатилган шовкиндан асровчи кулокчин («наушник») билан таъминланган булиши хамда хавфсизлик техникаси буйича малакали укитилиб, йурикномалардан утган булиши лозим.

Ишлаб чикаришда фойдаланилайдиган барча компрессорларда монометр урнатилган булиши ва улар «Стандартлаш ва улчов асбоблари Комитети» деталларини ёглашда факатгина завод паспортида курсатилган ёглаш материалларидан фойдаланиш талаб этилади.

Бошка ёгловчи материалларни ишлатиш такикланади. Иш бошланишидан олдин, компрессорларнинг барча элементларини яхшилаб куздан кечириш, бунда сикилган хавони нормал микдордан ортиб кетмаслигини таъминлаб турувчи автоматик курилмалар ва ортиқча хавони чикариб ташлайдиган клапанларнинг узурнида булиши ва ишчи холатда эканлигига эътибор бериш керак.

Компрессор ишлайдиганда суриладиган хаво таркибида захарли, енгил ёнувчи ва портловчи газлар хамда чанглар булмаслиги зарур. Компрессор ёпик биноларда ишлатилса, хонага хавони ифлосланишини олдини олувчи мосламалар урнатилиши керак. Агар иш даврида резервуар, ресивер, клапанлар, монометр ва бошка ишчи органлар яхши ишламайдиганлиги аникланса, компрессор дархол ишдан тухтатилиб тегишли таъмирлаш ишлари утказилиши зарур.

Компрессорларнинг тегишли деталларида синовдан утганлиги тугрисида белги ёки тамгалари («пломба») бушиши шарт, акс холда, бундай компрессорлардан фойдаланиш такикланади.

10.2. Таъминот жараёнида логистикасида таҳдидларни бошқариш

Bozor munosabatlari sharoitida korxonaning umumiy xavfsizligini, ayniqsa uning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash o'ta muhim ahamiyatga ega. Zero, korxona bankrotlikga uchramasligi, barqaror faoliyat ko'rsatishi, muntazam ravishda iqtisodiy o'sishni ta'minlab borishi uchun, eng avvalo, uning xavfsizligi ta'minlashi lozim. Ammo hozirgi paytda turli mulk shaklida faoliyat ko'rsatuvchi juda ko'p korxonalar tarkibida xavfsizlik xizmati tashkil qilinmagan. Bu bilan, asosan korxona rahbariyati Shug'ullanadi. Ammo bu erkin raqobat sharoitida etarli emas. Xavfsizlik xizmati juda ko'p funktsiyalar bilan shug'ullanadi va bir qancha muhim vazifalarni bajaradi. Shu tufayli har bir korxona tarkibida maxsus xavfsizlik xizmati bo'limi faoliyat ko'rsatishi lozim.

Xavfsizlik hodisalarining oldini olish va ogohlantirish chorasi sifatida, har bir alohida holatdagi aniq harakat bo'lib, korxona xarakteri, uning joylashuvi, ahamiyati va hokazolarga bog'liq bo'ladi. Mazkur jarayonda xavfsizlik tizimining o'zini belgilash muhim ahamiyat kasb etadi. Uning rahbari xavfsizlik konseptsiyasini ishlab chiqarishning muayyan sharoitlariga nisbatan ishlab chiqishda shaxsan ishtirok etishi zarur.

Xavfsizlik konseptsiyasi birinchidan, korxonaning maqsad va vazifalariga zid kelmasligi, **ikkinchidan**, korxona xavfsizligiga bevosita va bilvosita ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan tashqi muhit ta'sirini inobatga olishi zarur. Bu ta'sirni quyidagi chizma ko'rinishida aks ettirish mumkin (**2-chizma**):

Korxonaning tashqi muhiti

Bevosita ta'sir omillari

- etkazib beruvchilar
- mahsulot iste'molchilari
 - raqobatchilar
- qonunlar va muassasalar
 - tartibga solish
 - kasaba uyushmalari
 - boshqa omillar

Bilvosita ta'sir omillari

- mamlakat iqtisodiyotining ahvoli
- ijtimoiy va siyosiy o'zgarishlar
 - xalqaro voqealar
- guruh manfaatlarining ta'siri
- fan-texnika taraqqiyoti
- boshqa omillar

2-chizma. Korxona xavfsizligiga tashqi muhitning ta'siri.

Shu bilan bir vaqtda korxona o'z faoliyatining muhim yo'nalishlari xavfsizligini ta'minlash uchun muayyan chora-tadbirlarni amalga oshirishi kerak va buning uchun avvalo, mos keluvchi qo'riqlash tartibini yaratish lozim.

Mamlakatimiz va xorij amaliyoti tajribasi bunda quyidagi faoliyat turlarini ajratib ko'rsatadi:

1. Bino va inshootlar, aloqa tarmog'i qurilma va uskunalarini qo'riqlash tartibini ta'minlash.
2. Tezkor xavfsizlik – maxfiy axborotlarga bo'lган vakolatni boshqarish, kelib-ketuvchilar, transport va yuk tashishni nazorat qilish, qoidabuzarlik holatlarini tekshirish, axborot xavfsizligini ta'minlash.
3. Xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha ma'muriy faoliyat - personalni tayyorlash va o'qitish, inspeksiya, taftish va nazorat, muammoli vaziyatlarning oldini olish, istiqbolli chora-tadbirlarni ishlab chiqish.
4. Moddiy boyliklarni himoya qilish va tabiiy ofatlar bilan kurash - yong'inlarning oldini olish, yong'in xavfsizligi va ogohlantirish qurilmalari holatini kuzatib borish va hokazolar.

Korxonalar rahbarlari mehnat jamoalarini doimiy ravishda xavfsizlikni ta'minlash natijalari to'g'risida xabardor etishlari lozim. Faqat zarur hollardagina xavfsizlik chora-


tadbirlari maxfiy bo'lishi mumkin. Xavfsizlik chora-tadbirlarining maxfiyligi korxona bo'limlarini zaruriy qoidalarni qo'llash va ularga amal qilishini nazorat qilishni maxsus tashkil etishni ko'zda tutadi.

Hozirgi jamiyatning axborotlashtirish va elektronlashtirish sharoitlarida korxonalarining xavfsizligini ta'minlash uchun doimiy ravishda faoliyat ko'rsatuvchi, tijorat faoliyatining xavfsizligini ta'minlashning barcha shakl va usullarini qamrab oluvchi tizim amal qilishi lozim. Shu sababli xavfsizlik xizmati marketing va menedjment xizmati, valyuta, kredit va huquqiy bo'limlar kabi iqtisodiy bo'linmalar bilan chambarchas bog'liqlikda ishlab, iqtisodiy xavfsizlikka ko'proq yondashgan holda ularning faoliyatini to'ldirishi zarur.

Korxonaning xavfsizlik xizmati tarkibida uni turli xavf-xatarlardan saqlab qolish maqsadida axborot-tahlil bo'linmasi, xavfsizlikni ta'minlash yo'nalishi bo'yicha aniq vazifalarni echish uchun tajribali mutaxassislardan iborat vaqtincha tuzilmalar tashkil etilishi mumkin.

Korxonaning xavfsizlik xizmati o'z faoliyati davomida juda ko'plab vazifalarni bajaradi. Ushbu vazifalarni bajarish uchun bir kancha funktsiyalarni ham ijro etadi. Bularga kuyidagilar kiradi (**3-chizma**).

Korxona xavfsizligi xizmatining funktsiyalari





Hisob-nazorat funktsiyasi



Korxonaning moliyaviy barqaror va turg'un holatiga xavf tug'diradigan barcha hodisalarni, xususan noplarni, raqobatchilar, hamkorlar va shaxslarning paydo bo'lganligi to'g'risida axborot to'plash, ularga nisbatan tegishli chora ko'rish moliyaviy - tijorat faoliyatidagi uzulishlarga yo'l qo'yilmaslik holatlarini nazorat qilish orqali amalga oshiriladi.

Kadrlar siyosati funktsiyasi



Korxona xavfsizlik xizmatining kadrlarni joy-joyiga qo'yish, jamoada axloqiy-ruhiy muhitning buzilganligini aniqlash, nizolarni o'z vaqtida va joyida hal qilish, jamoada ijodiy muhitni yaratish kabi kadrlar siyosati bilan bog'liq muammolarni hal qilish orqali amalga oshiriladi.

Tashkiliy- boshqaruv funktsiyasi




Korxonada doimiy faoliyat ko'rsatib kelayotgan boshqaruv tizimini, uning xavfsizligini ta'minlash uchun tegishli yo'nalishlarga safarbar qilish, boshqaruv bo'g'inlari faoliyatini muvofiqlashtirgan holda maqsadli dasturiy vazifalarga yo'llash orqali amalga oshiriladi.

Reja-ishlab chiqarish funktsiyasi



Korxonada xavsizlik qoidalari (rejimini) ta'minlash bo'yicha kompleks dasturini ishlab chiqish, ularni amalga oshirish yo'llarini belgilab olish va tegishli amaliy tadbirlarni qo'llash orqali amalga oshiriladi.



3-chizma. Korxona xavfsizligi xizmatining funktsiyalari

Таъминот жараёнларида товар моддий захираларни бошқариш тизимининг тури ишлаб чикаришда уларнинг катталигига таъсир утказади: келиб тушишлар орасидаги вакт интервали ва буюртма хажми канча катта булса, ишлаб чикариш захираларининг даражаси шунча катта булади.

Юк ташишни оператив режалаштириш, юк станцияларида, контейнер терминалларида, саонат темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чикариш жараёнларини бошқариш, контейнер паркини ва рефрижератор ҳаракатдаги составларни тартибга солиш, контейнер оқимларини бошқариш, темир йўлларда юк ва тижорат ишларини бошқаришни ташкилий ва техник структурасини такомиллаштириш, қайта юклаш ва чегара станцияларида қайта юклаш жараёнларини бошқариш ва бошқа маслаларини ечиш учун математик усувлардан компьютерлардан кенг қамровли масштабларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Барча бу бошқариш муаммолари “Темир йўл транспортида юк ва тижорат ишларини бошқариш” илмий фанида чукур ёритилиши лозим.

Таъминот жараёнида хавфли юкларни транспорт воситалари билан халқаро ташиш борасида **ADR Конвенцияси хавфли юкларни автотранспорт билан халқаро ташишга оид Европа битими имзоланган**.

ADR Конвенцияси- хавфли юкларни автотранспорт билан халқаро ташишга оид Европа битими. Тўлалигича ADR га мос келадиган транспорт воситалари улар халқаро сафарда бўлган пайтда, хавфли юклар бўйича миллийқонунчилigi татбиқ этилишидан озод қилинадилар. Агар ADR тўла даражада қондирилмаса, унда озод қилиш яроқсиз іисобланади ва бунинг оқибатида юзага келувчи маіаллий қонунчилликнинг ҳар қандай бузилиши оператор ёки ҳайдовчини Союзлиқни сақлаш ва хавфсизлик тўјрисидаги қонунга мувофиқ айблов бўйича жавобгар тариқасида таништиршлари мумкин.

Битимнинг мақсади - транспортда ташилаётган хафли юклар Европа мамлакатлари чегараларини тўхтовсиз кесиб ўтишга қодир бўлишлари кафолатланади. Битим Халқаро ташишлар бўйича Битимда белгиланган хавфли юкларнинг транспортировкаси учун талабларни белгилайди ва нафақат хавфли материалларни санаб ўтади, шунингдек ўрамалаш, жойлаштириш ва

транспортировка қилиш бўйича масалаларни юам қўшимча шартлайди. Бундан ташқари, Битим контейнерлар-цистерналар ёки алмаштириувчи цистерналарни ташиётган цистернаташувчилар ва тарнспорт воситалари ва портловчи моддаларни ташиётган транспорт воситалари ўз мамлакатида техникавий назоратдан ўтказилиши талабини илгари суради.

Қуйидаги мамлакатлар ADRнинг аҳдлашувчи томонлари саналади: Австрия, Бельгия, Белоруссия, Болгария, Буюк Британия, Босния-Герцоговина, Венгрия, Германия, Голландия, Греция, Дания, Италия, Ирландия, Испания, Люксембург, Норвегия, Польша, Португалия, Чехия Республикаси, Россия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Хорватия, Швейцария, Швеция, Югославия, (собиқ худудлар) ва бошкалар.

Қатор мамлакатларда ADR андозалар ҳавфли юклар транспортировкаси маҳаллий андозалари билан қаноатлантирилади.

Битим шартларига кўра “Хавфли моддалар” соғ кимёвий маҳсулотлар, шунингдек аралашмаларнинг айрим турлари ва таркибида шундай аралашмалар бўлган дориларни хавфли чиқиндиларни қўшган ҳолда ўз ичига олади. “Хавфли товарлар” масалан, тозаланмаган идишлар, халтачалар ва аэрозолларни қамрайди.

ADR моддалар ва товарлар хавфли юкларни транспортировка қилиш бўйича БМТ Экспертлар Қўмитасининг тавсияларига мувофиқ 9 грухга қуйидаги тарзда ажратилган:

1-грух. Портловчи моддалар ва товарлар

2-грух. Газлар: босим таъсирида қисилган, сийраклаштирилган ёки суюлтирилган чекланган.

3- грух. Ўт олувчи суюқликлар чекланмаган

4.1- грух. Ўт олувчи қаттиқ жисмлар чекланмаган

4.2- грух. Ўз-ўзидан ўт олувчи моддалар чекланмаган.

4.3- грух. Сув текканда ўт олувчи газлар ажратувчи моддалар чекланмаган

5.1- грух. Ишқорланувчи моддалар чекланмаган

5.2- грух. Органик ишқорлар чекланмаган

6.1- гурух. Токсик моддалар чекланмаган

6.2- гурух. Инфекцион моддалар чекланмаган

7 - гурух. Радиоактив моддалар чекланган

8 - гурух. Коррозияланувчи моддалар чекланмаган

9 - гурух. Турли хавфли моддалар ва товарлар чекланмаган

Фақат транспортировка қилиниши мумкин бўлган моддаларгина номланиши бўйича «чекланган» гурухларга маҳсус тааллуқли деб топилади. Бундай гурух доирасига тааллуқли бўладиган, аммо номма-ном саналмаган моддалар манфаатдор мамлакатлар ўртасида Махсус битим имзоланмагунига қадар ман этилган бўлади. «Чекланмаган» гуруҳга тааллуқли бўладиган моддалар улар номма-ном кўрсатилган ё кўрсатилмаганидан қатъи назар транспортировка қилиниши мумкин. Исталган гуруҳдаги умумий сарлавҳада белгиланмаган ёки қамраб олинмаган моддалар ADR доирасида хавфли саналмайди ва Битим таъсирига учрамайди.

9-гурух бошқа гурухларнинг сарлавҳаларида қамраб олинмаган транспортировка пайтида хавф тујдирувчи моддалар ва товарлар масалан, асбестни қамраб олади.

Хавфли юклар ADR Битими шартлари бўйича транспортировка қилинаётган пайтида юк транспорт хужжати билан кузатиб борилиши лозим. Гарчи у барча маҳсус ахборотларни кўрсатиб турса-да бундай хужжатнинг маҳсус ADR битими йўқ.

Юк жўнатувчи юк ташувчига алоҳида маълумотларни киритиш бўйича фармойиши ёзма равища тайёрлаши лозим. Жўнатувчи мамлакатнинг расмий тилидан фойдаланиши, агар бу инглиз, француз ёки немис тилида бўлмаса, унда ана шу уч тилдан бирортаси қўлланилиши керак. ADR қоидаларига мувофиқ автомобиль транспорти билан транспортировка қилинаётган модда транспорт хужжатларига киритилиши ёки бирлаштирилиши тўјрисида ариза. Шунингдек, авария содир бўлган ҳолда ёзма тарздаги йўриқномалар илова этилиши лозим. Улар юк ташувчига транспорт талабномаси берилаётган пайтда топширилиши лозим. Гарчи Битим бу йўл йўриқлар киритилган ҳужжатнинг аниқ

ечимини белгилаган бўлмаса ҳамки, аксарият операторлар бу талабларни қаноатлантириш учун TREMCARD, яъни Транспорт Аварияси Варақчасини тайёрлайдилар. Танкер контейнерлари ташиётган аниқ контейнер ташувчилар ёки транспорт воситалари ҳолида йўл-йўриқлар қўйидаги қўшимча ахборотларга эга бўлиши лозим: модданинг номи, синфи, товар рақами ва ҳарфи, модданинг айнийлаштирувчи рақами ва хавфлиликнинг айнийлаштирувчи рақами. Хавфли юкларни ташиётган ва дengiz транспортировкасини ўз ичига олевчи халқаро йўналишларда ишлаётган транспорт воситалари хавфли юклар бўйича Халқаро Денгиз Кодекси (IMDC талабларини қаноатлантиришлари керак. Бу қоидалар қўйидаги масалаларни қамраб олади.:

- ёрлиқлар билан жиҳозлаш - транспорт воситалари юкни хавфлилиги тўјрисида огоҳлантирувчи, мавжуд хавфли юкларнинг гуруҳларига ишора қилувчи катталаштирилган ромбларга эга бўлган ёрлиқлар (250 мм x 250 мм) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Юкни жойлаштириш бўйича талаблар ADR да мавжуд бўлганларига нисбатан олганда ўзгаради.

- Аралаш юкланма - турли хафли юкларни аралаш юклашга оид қоидалар IMDC Кодекси бўйича ADRга нисбатан анча қатъийроқ шунинг учун улар қўшимча бажарилиши лозим.

- Жойлаштириш - айрим ўя хавфли юкларни ташиётган транспорт воситаларининг йўловчи кемаларида бўлиши ман этилади ва ёки улардан очик палубада жойлашиш талаб қилинади.

- Ажратиш - бир-бирига мос келмайдиган хавфли юкларни ташиётган транспорт воситалари бир-биридан муайян масофада жойлаштирилиши лозим.

- Ҳужжатлар - юк тўлјазилган ва имзоланган Хавфли юклар тўјрисидаги Декларация ва дengiz маконини кечиб ўтадиган контейнер ёки транспорт воситаси, Контейнер - Транспорт воситасига берилган ўрамлаш Сертификати билан кузатиб борилиши керак.

Хавфли юклар тўјрисидаги IMD Симвалнига ташиётган транспорт влситасига берилган ўрамлаш Сертификати кўпинча битта ҳужжатга - Хавфли Юклар тўјрисидаги накладнойга бирлаштирилади.

Хавфли юкка эга бўлган юк контейнерини мамлакат ичидан портга ёки порт соҳасига етказиб бераётган ҳар қандай шахс контейнер ўрамаси сертификати билан кузатиб борилишини кафолатлайди. Бу эса контейнер IMD Кодекси талабларига мувофиқ юкланганинига бирлаштирилади.

1. Хар бир причал оператори хавфли моддаларни ташиётган автотранспорт воситаси учун, бу амалда канчалик оқилонаэканлигидан келиб чиқсан ҳолда, жойлаштириш учун муносиб жой танлайди ёки порт раҳбариятига маълум қиласи.

2. Исталган хавфли моддаларни ташиётган транспорт воситасининг хайдовчиси қўйидаги қоидаларга риоя қиласи:

- Ўз транспорт воситасини “белгиланган” жойлардан ташқари жойларда назоратсиз қолдирмайди;

- ўз транспорт воситасини назорат остидами ёки бошқача тарздами бошқа исталган шахснинг саломатлигига нисбатан хавф тујдирадиган ҳолатда жойлаштирумайди.

Mamlakatimizda tijorat sirining himoyasi Fuqarolik kodeksida (FK) (98-modda) kafolatlangan. FKning mazkur moddasida "Fuqarolik qonun hujjatlari xizmat yoki tijorga siri. bo'lgan axborotni, basharti bu axborot uchinchi shaxslarga noma'lumligi sababli haqiqiy yoki nisbiy tijorat qiymatiga ega bo'lgan, qonun yo'li bilan undan erkin bahramand bo'lish mumkin bo'lmasdan hamda axborot egasi uning maxfiyligini saqlashga doir choralar ko'rigan hollarda himoya etiladi", deb ko'rsatilgan.

Korxonaning xavfsizligini ta'minlashning yana bir yo'li, xizmat sirini saqlashda ham namoyon bo'ladi. Korxonani boshqarishda, uning samarali faoliyatini ta'minlashda turli vosita va variantlardan foydalanish mumkin. Bu ham ma'lum shaxsning (rahbarning) ixtirosi sifatida baholanadi. Bu usulni ham himoya qilish, uni maxfiy tutish lozim. Ammo bu jarayonni muallif qonun hujjatlari bilan rasmiylashtirib, uning egasi ekanligini tasdiqlab olishi lozim. Shundagina u mazkur huquqni to'liq qo'lga kiritadi va

nomoddiy mulk egasi sifatida namoyon bo'ladi.

Bu holatda muallif uchinchi shaxsga ma'lum bo'lмаган texnikaviy, tashkiliy yoki tijorat axborotiga, shu jumladan ishlab chiqarish sirlariga (nou-xau) qonunan ega bo'lib turgan shaxs oshkor etilmagan axborotni noqonuniy foydalanishdan muhofaza qilish huquqiga ega.


Mutaxassislarning fikriga ko'ra, tijorat sirlariga mansub ma'lumotlarning to'rtdan bir qismi yo'qotilishi ham raqiblar uchun katta imkoniyat yaratadi hamda bir necha oy ichida ma'lumotlar chetga chiqib ketishiga yo'l qo'ygan firmalarning yarmi bankrotga uchrashiga olib keladi. Shu sabali hozirgi paytda tijorat sirlarining huquqiy maqomi va toifasini aniq belgilash, ularni oshkor qilish uchun javobgarlik mexanizmini ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Yuqorida sanab o'tilgan barcha vazifalarni samarali bajarish boshqaruв apparatida tijorat sirlarini muhofaza qilish bilan shug'ullanuvchi maxsus xizmatlarni yaratishni ko'zda tutadi. Xorij mamlakatlarida mazkur faoliyat bilan firmalarning maxsus bo'linmalari shug'ullanadi. Ular raqobatchilar to'g'risidagi ma'lumotlarni izlash va to'plash bilan ham shug'ullanadi. Shu bilan bir vaqtning o'zida ular savdo hamkorlarining tijorat sirlarini birgalikda himoya qilish imkoniyatini ham rad qilmaydilar. Masalan, ba'zi firmalar faoliyatida tadbirkorlik aloqalari davomida hamkorlarga berilgan ma'lumotlarni birgalikda himoya qilish bo'yicha maxsus shartnomalar tuzish tartibi ko'zda tutilgan.

Sanoati rivojlangan mamlakatlarning (masalan, AQSHning) davlat organlarida maxsus vositachilik xizmatlari mavjud bo'lib, u mijozlarni ularni qiziqtirayotgan korxona va tashkilotlar haqidagi ma'lumotlar bilan ta'minlaydi. Mamlakatimizda korxonalar davlatga soliqqa tortish va iqtisodiy ma'lumotlarni yig'ish va ular bilan ishslash tizimi uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni taqdim etishi qonun hujjalarda belgilab qo'yilgan. Shuningdek, korxonalar o'z faoliyatlari to'g'risidagi ma'lumotlarni, jumladan, yillik balansni nashr qiladilar. Shu bilan bir paytda korxonalar tijorat sirlariga oid ma'lumotlarni bermaslik huquqiga ega.

Quyidagi **5-chizmada** korxona tijorat sirlarini muhofaza qilish mexanizmining asosiy elementlari keltirilgan.

Korxona tijorat sirlarini muhofaza qilish mexanizmi



5-chizma. Korxona tijorat sirini muhofaza qilish mexanizmi.

Tijorat sirlari davlat boshqaruv va nazorat idoralari xodimlari orqali chetga chiqib ketishining oldini olish maqsadida korxona rahbari ularning vakolatlarini bilishi hamda ular talab qilgan istalgan ma'lumotni emas, balki faqat xizmat vakolatiga doir ma'lumotlarni taqdim etishi zarur. Birinchi o'rinda bu statistika xizmati, monopoliyaga

qarshi kurash qo'mitasi, militsiya, moliya, soliq, sanitariya, yong'inga qarshi kurash va boshqa xizmat vakillariga tegishli.

Korxona rahbari shuningdek, davlat idoralari xodimlarining noqonuniy xattiharakatlari ustidan arz qilish tartibi, ular tufayli korxonaga etkazilgan moddiy va ma'naviy zararni qoplash mexanizmini bilishi va unga amal qilishi zarur.

10.3.Инкотермс тушунчаси, таъминот жараёнларида моҳияти ва аҳамияти

Инкотермс – бу ташқи савдода кенг ишлатиладиган савдо атамаларини изоҳлаб берувчи халқаро қоидалар йигиндиси. Халқаро савдо атамалари, олдиндан келишиб олинган савдо-сотик шартномаларининг стандарт шартларидир. Улар халқаро савдо палатаси томонидан тузилган бўлиб, стандарт савдо-сотик шартномаларида фойдаланилади.

Inkoterms 2010 – butun dunyodagi hukumat organlari, yuridik kompaniyalar va biznes vakillari tomonidan xalqaro savdoda eng ko'p qo'llaniladigan atamalarning talqini sifatida e'tirof etilgan xalqaro qoidalardir.

Incoterms® - Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce, ICC) томонидан рўйхатга олинган савдо маркаси. Инкотермс-2010 расмий матнига муаллифлик ҳуқуқи ХСП ва унинг турли мамлакатлардаги миллий қўмиталарига тегишилдири.

Илк марта Инкотермс қоидалари Халқаро савдо палатаси томонидан 1936 йилда ишлаб чиқилган. Маҳаллий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган соҳа учун мутлақо янги концепцияни тақдим этган, қоидалар халқаро бизнес хамжамиятида шов-шувга сабаб бўлди, жаҳон савдо амалиётида долзарб ва муҳим янгиликка айланди.

Инкотермс қоидалари мунтазам, амалда ҳар 10 йилда, халқаро савдо ва глобаллашув ўсиши шароитида замон талабларига жавоб бериш учун қайтадан кўриб чиқилади. Шу тариқа, 1953, 1967, 1976, 1980, 1990 ва 2000 йилларда ҳужжатларнинг асосий тўпламига тузатишлар, қўшимчалар киритилган.

2011 йил 1 январдан бошлаб Халқаро савдо палатаси - Жаҳон бизнес ташкилоти (International Chamber of Commerce, ICC) томонидан ишилаб чиқилган Инкотермс-2010 (Incoterms-2010) нинг янги таҳрири кучга кирди.

Инкотермснинг амал қилиш соҳаси олди-сотди шартномаси бўйича тарафларнинг товарларни етказиб бериш (етказиб бериш шартлари) бобида хуқук ва мажбуриятларига татбиқ этилади. Улар халқаро савдо шартномаларининг муҳим элементи ҳисобланади, бугунги кунда ТИФ ва халқаро савдо уларсиз буткул бошқача амалга оширилган бўлар эди. Инкотермс атамалари товарларни сотувчидан ҳаридорга етказишдаги чиқимлар ва ҳатарларни тавсифлайди, шунингдек юқ ортиш-тушириш ишлари, товарларни ташиш, уларни суғурталаш ва божхонада тозалаш бўйича тарафларнинг мажбуриятларини тартибга солади.

Инкотермс-2010 қоидаларини қўллаш соҳасининг янада кенгайгани уларнинг шубҳасиз афзалигидир. 2010 йил версияси ушбу қоидаларни бир давлат ёки ЕИ ва МДҲ сингари интеграция бирлашмалари доирасида халқаро ва ички савдода қўллаш имконини беради.

Юкларни терминалда сақлаш чиқимларини тўлаш учун масъул тарафни белгилашда ҳам вазиятни тузатишга ва аниқлик киритишга йўналтирилган тузатишлар киритилди.

Сотувчи товарларни келишилган жойга етказиб беришни ташкил қилиши ва хаққини тўлаши керак бўлганда (CIP, CPT, CFR, CIF, DAT, DAP), терминалда сақлаганлик учун чиқимларни тўлаш мажбурияти товарлар учун шартнома баҳосининг бир қисми сифатида ҳаридорга ўтиши мумкин. Шундай бўлса-да, баъзи ҳолларда иккиёқлама тўлов юзага келган – сотувчи ҳам терминалга сақлаганлик учун хақ тўлаши керак бўлган.

Инкотермс-2010 қоидаларини 4 гуруҳга бўлишимиз мумкин. Хар бир атама 3 та ҳарфдан иборат бўлиб, биринчи ҳарфи мажбурият ва ҳатарларнинг сотувчидан ҳаридорга ўтадиган нуқтасини кўрасатади.

Инкотермснинг мақсади – ташқи савдо соҳасида кенг қўлланилаётган савдо атамаларини изоҳлаш бўйича халқаро қоидалар тўплами билан таъминлашдан иборат. Шундай қилиб, турли мамлакатларда бундай атамалардан

сақланиш ёки ҳеч бўлма-ганда турли талқинлар ноаниқлигини маълум даражада қисқартитиши мумкин.

Инкотермснинг таъсир қилиш соҳаси олди-сотди шартномаси томонларининг сотилган товарларни етказиб беришга нисбатан (бу ерда “товар” деганда “моддий то-варлар” тушунилади, бундан компьютер дастурий таъминот каби “номоддий товар-лар” мустасно) хуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар билан чекланади.

Амалиётда Инкотермсни нотўғри тушунишнинг иккита варианти кўп учрайди. **Биринчиси** – бу Инкотермсни олди-сотди шартномасига эмас, балки ташиш шартно-масига кўпроқ муносабатга эга сифатида нотўғри тушуниш. **Иккинчиси** – бу баъзида улар томонлар шартномага киритишни истаган барча мажбуриятларни қамраб олиши керак, деган тасаввурнинг нотўғрилиги ҳисобланади.

Халқаро савдо палатаси томонидан ҳар доим таъкидлаб келинганидек, Инко-термс олди-сотди шартномалари доирасидаги фақат маълум жиҳатларда сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар билан алоқа қиласи.

Экспортчилар ва импортчилар нафақат олди-сотди, балки ташишлар, сугурта ва молиялаш шартномалари муҳим бўлган халқаро сотиш битимларини амалга ошириш учун зарур бўлган турли шартномалар ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни ҳисобга олиши керак. Бунда Инкотермс ушбу шартномаларнинг бирига, яъни айнан олди-сотди шартномасига таалуқлидир.

Кўпгина мамлакатларда Инкотермсга киритилмаган савдо атамаларидан асосан юкларни темир йўлда ташишларда (франко чегара) фойдаланилмоқда.

Бироқ бундай шароитларда одатда сотувчининг товарни чегарагача ташиш пайтида уни йўқотиш ёки бузилиши бўйича таваккалчиликни ўз зиммасига олиши кўзда тутилмайди.

Ушбу ҳолатларда чегара кўрсатилган ҳолда СРТ атамасидан фойдаланиш мақсадга муво-фикдир. Иккинчи томондан эса, агарда томонлар сотувчи товарни ташишда таваккал-чиликни ўз зиммасига олишини назарда тутса, бунда чегара кўрсатилган ҳолда DAF атамасидан фойдаланиш лозим.

ИНКОТЕРМС-2010 атамаларининг тўлиқ рўйхати

E гурухи (юклаб жўнатиш)

Транспортнинг исталган турида ташиш.

EXW EX Works (...named place) - Франко - завод (...жой номи)

F гурухи (асосий ташиш хақини сотувчи тўламаган)

Денгиз орқали ва ички сувларда ташишлар.

FCA Free Carrier (... named place) - Франко - ташувчи (...тайинланган жой номи)

FAS Free Alongside Ship (... named port of shipment) -

Кема борти бўйлаб франко (...юклабжўнатиш порти номи)

FOB Free On Board (... named port of shipment) - Франко - борт (...юклаб жўнатиш портиноми)

C гурухи (асосий ташиш хақини сотувчи тўлаган)

Транспортнинг исталган турида ташиш.

CFR Cost and Freight (... named port of destination) - қиймат ва фрахт (...тайинланган порт номи)

CIP Carriage and Insurance Paid To (... named place of destination) - Фрахт/ташиш ва суғурта хақи ...гача (...тайинланган пункт номи) тўланган

CIF Cost, Insurance and Freight (... named port of destination) - қиймат, суғурта ва фрахт(...тайинланган порт номи)

CPT Carriage Paid To (... named place of destination) - Фрахт/ташиш хақи ...гача(...тайинланган пункт номи) тўланган

D гурухи (етказиб бериш)

Транспортнинг исталган турида ташиш.

DAT Delivered At Terminal (... named terminal of destination) - Терминалда (...терминал номи) етказиб бериш

DAP Delivered At Point (... named point of destination) - Пунктда (...пункт номи) етказиббериш

DDP Delivered Duty Paid (... named place of destination) - Бож тўлаган ҳолда (...тайинланганжой номи) етказиб бериш

Инкотермс қоидаларининг 2010 йил таҳриридаги янги версияси бир қатор муҳим ўзгартиришлар ва янгиликларни ўз ичига олади. Таркибига кўра у транспортнинг хар қандай турларида ҳамда денгиз орқали ва ички сувларда ташиш чоғида фойдаланиладиган атамаларнинг икки гуруҳидан иборат (Инкотермс-2000да 4 гурух бор эди).

Бундан ташқари, улар миқдори 13 атамадан 11 атамага қисқарди, бунинг устига уларнинг иккитаси мутлақо янги атамалар: DAT (терминалда етказиб беришлар) ва DAP (пунктда етказиб беришлар).

Инкотермс-2010да ҳар бир атамага унинг маъносига қисқача тушунтириш берилган, бу эса қўпинча етарлича ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган тадбиркорларга шартномалар тузатганда хатоларга йўл қўймаслик ва керакли атамани танлаш имконини беради. Қоидаларнинг янги версиясида FOB, CFR ва CIF атамаларига қўшимчалар киритилган.

Ҳар бир атама 10 та бўлим – Сотувчининг ва Ҳаридорнинг мажбуриятларидан иборат:

Сотувчи	Ҳаридор
A	B
A1. Сотувчининг умумий мажбуриятлари	B1. Ҳаридорнинг умумий мажбуриятлари
A2. Лицензия, гувоҳнома, хавфсизлик назорати ва бошқа расимятчиликлар	B2. Лицензия, гувоҳнома, хавфсизлик назорати ва бошқа расимятчиликлар
A3. Ташиш ва суғурта шартномалари	B3. Ташиш ва суғурта шартномалари
A4. Етказиб бериш	B4. Қабул қилиш
A5. Хатарларнинг ўтиши	B5. Хатарларнинг ўтиши
A6. Ҳаражатларинг бўлиниши	B6. Ҳаражатларинг бўлиниши
A7. Ҳаридорга хабар бериш	B7. Сотувчига хабар бериш
A8. Етказиш ҳужжатлари	B8. Етказилганлик исботи
A9. Текшириш-қадоқлаш-белгилаш	B9. Товарни текшириб олиш

A10. Маълумот олишга кўмак бериш ва боғлиқ ҳаражатлар	B10. Маълумот олишга кўмак бериш ва боғлиқ ҳаражатлар
---	---

Инкотермс-2010 товарнинг хавфсиз етказилишини назоратини амалга ошириш бўйича ҳаридор ва сотувчи орасидаги мажбуриятларни тақсимлаб беради. Инкотермс-2010 товарни юклаш/тушириш ва битта хизмат турига икки карра ҳаражат бўлишининг олдини олишга қаратилган.

Uning amal qilish sohasi oldi-sotdi shartnomasi bo'yicha taraflarning tovarlarni yetkazib berish (yetkazib berish shartlari) bobida huquq va majburiyatlariga tatbiq etiladi. Ular xalqaro savdo shartnomalarning muhim elementi hisoblanadi.

Inkoterms qoidalarida ishlataladigan asosiy prinsiplar:

- tovarlarni sotuvchidan xaridorga yetkazishdagi chiqimlar va xatarlarni tavsiflaydi, shuningdek, yuk ortish-tushurish ishlari, tovarlarni tashish, ularni sug'urtalash va bojxonada tozalash bo'yicha taraflarning majburiyatlarini tartibga soladi.

- Yukning shikastlanish, yo'qotilishi va tasodifan nobud bo'lish risklarini sotuvchidan xaridorga o'tish pallasini belgilaydi.

- Tovarni yetkazib berish sanasini belgilaydi, ya'ni, sotuvchi tovarni xaridorning yoki uning vakilining ihtiiyoriga topshirish pallasini belgilaydi, masalan, transport tashkiloti, va shu yo'sin, tovarni yetkazib berish muddatidagi o'zining majburiyatlarini qaysi tomon birinchi bo'lib bajarishi yoki bajarmasligini aniqlab beradi.

Инкотермс шартномани бузиш оқибатлари ва турли тўсиқлар натижасида жавоб-гарликдан озод этиш билан шуғулланмайди. Ушбу масалалар олди-сотди шартнома-сининг бошқа шартлари ва тегишли қонунлар томонидан ҳал этилиши керак.

Инкотермс бошидан товарлар миллий чегаралар орқали етказиб берилиши учун сотилаётган ҳолатларда фойдаланиш учун мўлжалланган: шундай қилиб – бу халқаро савдо атамаларидир. Бироқ Инкотермс амалиётда қўпинча товарларни фақат ички бо-зорлар доирасида сотиш учун шартномаларга киритилади.

Юклаш шартномалари хусусиятида товарларни одатий йўналишлар бўйича оддий усулда келишилган жойгача ташишнинг одатдаги транспорт сарф-харажатлари сотувчи томонидан тўланиши керак.

Бунда харидор товарни йўқотиши ёки айниши бўйича таваккалчиликни ўз зиммасига олади, шунингдек, товар тегишли равишда та-шиш учун етказиб берилганидан сўнг ҳам аҳамиятга эга воқеалар натижасида пайдо бўладиган кўшимча сарф-харажатларни кўтаради. Шундай қилиб, “С” атамаси бошқа атамалардан ўз ичига иккита “кескин” нуқтани олиши билан ажралиб туради.

Улар-дан бири сотувчи унгача транспорт ташкил қилиши ва ташиш шартномасига қўра сарф-харажатларни кўтариши керак бўлган нуқта, иккинчиси эса таваккалчиликлар-дан ўтиш учун хизмат қиласи. Шу сабабли сотувчига мажбприятларни қўшишда им-кон қадар эҳтиёткорликка риоя қилиниши керак. Ушбу мажбуриятлар сотувчи тавак-калчиликнинг юқорида қайд этилган нуқтадан ташқарига чиққанда юклатилади. Со-тувчи ташиш шартномасини тузиб, товарни ташувчига топшириб, CFR ва CIF атама-ларига мувофиқ суғурталашни таъминлаб олди-сотди шартномаларини тегишли ра-вишда бажарганидан сўнг уни ҳар қандай кейинги таваккалчилик ва сарф-харажат-лардан халос этиш “С” атамасининг моҳияти ҳисобланади.

“С” атамасининг моҳияти юклаш шартномалари сингари ҳужжатли кредитлар-дан бундай ҳолатларда ишлатиладиган асосий тўлов услуби сифатида кенг фойдала-ниш орқали изоҳланиши ҳам мумкин. Олди-сотди томонлари сотувчи ҳужжатли кре-дит бўйича келишилган юклаш ҳужжатларини тақдим этганидан сўнг ҳақ олишини келиб олади. Бунда ҳужжатли кредитнинг асосий мақсадлари сотувчи ҳужжатли кре-дитлар бўйича ёки товарни юклаб, жўнатганидан сўнг ҳақ олганидан кейин ҳам тавак-калчилик ва харажатларни ўз зиммасига олишини тўлиқ инкор этади.

Албатта, сотув-чи ташиш шартномаси бўйича юк ҳақи олдиндан тўланган, у юкланганидан сўнгми ёки тайинланган жойда тўланишидан қатъий назар (юк ҳақи юк олувчи томонидан белгиланган портда тўланиши керак) барча сарф-харажатларни тўлашига тўғри кела-ди. Бироқ юк ортилиб жўнатилганидан сўнг

аҳамиятга эга воқеалар натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар харидор томонидан тўланади.

Агарда сотувчи ўз ичига бож, солиқ ва бошқа тўловларни оладиган ташиш шарт-номасини таъминлаши шарт бўлса, бундай харажатлар албатта шартномага кўра со-тувчига юкланди.

Агарда одатда товарни оралиқ пунктларда тайинланган жойга етиш учун қайта юклаш билан боғлиқ бир қанча ташиш шартномалари тузилса, сотувчи ушбу барча сарф-харажатларни, шунингдек, товарни битта транспортдан бошқасига қайта юклаш натижасида юзага келадиган харажатларни ҳам тўлаши керак.

Бироқ агарда ташувчи ўз ҳуқуқларидан кутилмаган тўсиқлардан (масалан, муз, иш ташлаш, меҳнат бузи-лишлари, ҳукумат қарорлари, уруш ёки ҳарбий харакатлар) сақланиш учун ташиш шартномасига мувофиқ фойдаланса, бундан келиб чиқадиган барча қўшимча сарф-ха-ражатлар харидор ҳисобига ёзилади. Чунки сотувчи мажбуриятлари оддий ташиш шартномасини таъминлаш чекланади.

Nazorat va muhokama uchun savollar

1. Korxona xavfsizligi deganda nimani tushunasiz?
2. Korxonaning “tijorat sirlari” tushunchasi nimani anglatadi?
3. Korxona xavfsizligi va tijorat sirlari o’rtasida qanday aloqa mavjud?
4. Korxona xavfsizligining asosiy tamoyillarini aytib bering.
5. Korxonaning xavfsizlik xizmati qanday vazifani bajaradi?
6. Bozor sharoitlarida tijorat sirlari korxonaning reklama faoliyatiga zid kelmaydimi?
7. Korxonaning tijorat va boshqa sirlarini oshkor qilish qanday oqibatlarga olib kelishi mumkin?
8. Korxonaning tijorat sirlarini muhofaza qilish mexanizmi o’z ichiga nimani qamrab oladi?
9. Bankrotlik tushunchasini izohlang.
10. Bankrotlik xavfini turlarini izohlang.

11. Axborotlarning qo'lga kiritilishi bo'yicha turlari.
12. Axborotlarni himoya qilish sub'ektlari.
13. Korxonalarning raqobatbardoshligi bo'yicha tasnifi.
14. Korxonalarning raqobatbardoshlikni ta'minlash bo'yicha vazifalari.
15. Davlatning korxonalarni tartibga solib turadigan dastaklari.
16. Davlatning nazorat-funktsiyalarini cheklashini izohlang.

11-мавзу. Таъминот логистикасида харид қилишни бошқариш

РЕЖА:

11.1.Харид қилишнинг иктисодий мохияти ва аҳамияти. Харид қилишни логистикасининг мақсади ва вазифалари.

10.2. Харид қилишни бошқаришнинг шакл ва усуллари. Ўзбекистонда харид қилишнинг хусусиятлари ва тенденциялари.

10.3.Харид қилиш логистикасининг амал қлиш механизими, техника ва технологияси. Сервис хизмати.

11.1.Харид қилишнинг иктисодий мохияти ва аҳамияти.

Харид қилишни логистикасининг мақсади ва вазифалари.

Харид қилиш логистикаси-бу корхонани моддий ресурслар билан таъминлаш жараёнидаги моддий воситалар оқимини бошкаришdir.

Микрологистик тизимнинг сезиларли равишдаги кисми бўлиб харид қилиш куйи тизими ҳисобланди, ҳамда улар воситалар оқимининг логистик тизимга киритилишини ташкиллаштиради.

Моддий воситалар окимини ушбу боскичда бошқариш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўрганилаётган соҳа бўйича харид килиш логистикасини алоҳида бўлимга ажратиш заруратшга тушунтирилади.

Ҳар кандай корхона, ишлаб чиқариш, шунингдек савдо корхонаси ҳам, агар моддий воситалар окими ишланадиган бўлса, ўзининг таркибида харид килиши амалга оширувчи хизматни, етказиб берувчи ва меҳнат буюмларини вактинчалик саклаш (таъминот хизмати) хизматига эгадир: хом ашё, ярим ишланган маҳсулотлар, халк истеъмол буюмлари.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда харид қилиш логистикасининг мақсади, бу ишлаб чиқариш жараёнининг материалларга бўлган талабини юқори иқтисодий самара билан қондириш ҳисобланади. Лекин бунга эришиш учун харид логистикисининг олдида турган бир қатор вазифаларни бажариш керак. Бу вазифаларни қўйдагича гуруҳлаш мумкин:

- хомашё ва комплект маҳсулотларни маълум бир муддатда етказиш. Ўз муддатидан илгари олинган маҳсулотлар корхонанинг айланма фондига қўшилиши мумкин, ўз муддатидан кеч олинган хомашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қилиши ёки унинг йўналишини ўзgartириш мумкин;

- материалларнинг талаб қилинган миқдори билан етказиб берилган миқдорнинг ўзаро мос келиши (талаб қилинган кам етказилган маҳсулотлар корхона айланма фондининг балансига салбий таъсир қилиши мумкин);

- хомашё ҳамда комплект маҳсулотларига бўлган талаб сифатини назорат қилиши. (Талабни қондирувчи, минимал нархидаги).

Ушбу хизматши фаолияти уч боскичда куриб чикилиши мумкин, чунки таъминот хизмати бир йўла қуйидагича бўлниши ҳам мумкин:

- корхона кирадиган макрологистика тизимларининг алокаси ва максадларини таъминловчи кисм бўлипш;

- микрологистика тизимининг кисмлари яънн ушбу корхона максадларини амалга оширишни таоминловчи корхона бўлинмаларининг бири бўлиши;

-мустакил равищдаги, кисмларга, таркибга ва мустакил максадларга эга бўлган тизии бўлиши ҳам мумкин.

Хар бир ажратилган таъминот хизматларининг фаолият максадларини кўриб чикайлик.

Харид қилиш логистикасининг вазифалари.

Мехнат воеиталари билан корхонанинг таъминлаш жараёнида жавоб килиниши лозим бўлган асосий масалалар анъанавийдир ва улар таъминот минтакасидан келиб чикади:

- Нималарни сотиб олиш ксрак;
- кимдан сотиб олинади;
- кандай шартлар билан харид килинади;

Анъанавий масалаларга логистика ўзиниинг талабларини ҳам кўшимча килади:

- харид килишнинг кандай килиб ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлаш керак;
- корхона фаолиятини кандай килиб тизимли равища маҳсулот етказиб берувчилар билан мувофикаштириш керак;

Харид қилиш логистикасининг масалалари доираси ушбу фаолиятлар доирасида килинадган масалалар ва бажариладиган ишларнинг хусусиятларини белгилайди.

Харид қилиш логистикасига оид бўлган вазифалар ва ишларни кўриб чикайлик.

1. Моддий ресурсларга бўлган талабларни аниклаш.

Моддий ресурсларга бўлган талабларни аниклаш жараёнида моддий воситалар ресурсларининг ички фирмалар истемолчиларни уйғунлаштириш зарур бўлади.

Ундан сўнг моддий воситалар ресурсларига бўлган талабларнинг хисобкитоби бажарилади.

Бунда оғприлигига, хажмига ва етказиб бериладиган юкларнинг бошка кўрсаткичларига, шунингдек етказиладиган нарсаларга хизмат кўрсатиш талаблари белгиланада.

Сўнг режа ва жадваллар, ҳамда рўйхатдаги ҳамма ёки гуруҳлар учун ишлаб чикилади.

Истемол килинадиган моддий ресурслар натижасида «сотиб олиш керакми, ёки ясаш керакми» деган масала ҳал этилади.

2-Харид бозорини тадқикот килиш.

Харид қилиш бозорининг тадқикоти маҳсулотни етказиб берувчилар бозорининг табиатини таҳлил килишдан бошланади. Бунда ҳар бир, бевосита бозор бўйича мавжуд маҳсулот етказувчиларни уйғунлаштиришп, алмашувчи бозорлар ва янги бозорлар билая биргаликда келншиш керак бўлади.

Ундан сўнг сотиб олинадиган моддий воситалар ресурсларининг барча имкониятларини дастлабки баҳоланиш шунингдек аник бозорга чикиш билан боғлик бўлган хавф хатарларни таҳлил кишлиш зарур бўлади.

3. Маҳсулот етказувчиларни танлаш.

Бунинг учун маҳсулотларни етказиб берувчилар ҳакида ахборотлар тўпламлари барпо этилади, энг қулай маҳсулот етказиб берувчилар топилади, таялаб олинган маҳсулот етказувчиларнинг аш натижаларини баҳоланади.

4.Харид кишлини амалга ошириш.

Ушбу фаолиятни амалга ошириш музокаралар ўтказишдан бошланади, ҳамда уларнинг шартнома муносабатлари билан, яъни контракт тузиш билан якунланади.

Шартнома муносабатлари хўжалик муносабатларини шакллантиради, улари янгилашӣ туриши ҳам логистиканинг вазифаларига киради.

Харид кишлини амалга ошириш ўз ичига харид усууларини танлаш, етказиб бериш ва тўлов шартларини ишлаб чикиш, шунингдек моддий воситалар ресурсларини транспортларда тапшпиши ташкиллаштиришн ўз ичига олади. Бунда маҳсулотларна етказиб бериш жадваллари тузилади, уларни кузатиб бориши амалга оширидади, ҳамда божхона жараёнлари амалга оширилади. Харид кишли ишлари кабул килиб олиш назоратини ташкил килиш бнлан якунланади.

5 .Маҳсулотни етказиб беришни ташкил килиш.

Маҳсулотни етказиб беришни назорат килиш муҳим вазифаларидан бири унинг сифатини назорат килиш бўлиб, рекламациялар ва яроксиз маҳсулот миқдорини

ҳисобга олишдир. Махсулот етказишни назорат килиш ўз ичиш етказиладиган махсулотларнинг муддатини кузатган (муддатидан илгари ёки кечикиб етказилиши), талабномаларни расмийлаштириш муддатларини кузатиш, транспортда ташиш муддатлари, шунингдек мод-дий восиггалар захираларининг аҳволи назорат килинади.

6.Харид килиш бюджетини тайёрлаш.

Харид калиш фаолиятининг муҳим кисмларидан бири бўлиб иктисадий ҳисобкитоблар ҳисобланади, чунки у ёки бу ишларнинг киммати кандайлигини аник билиш ва ҳал килиниши лозим.

Бунда харажатларнинг қўйидаги турлари аникланади:

- моддий воситалар, ресурсларининг асосий турлари бўйича талабларни бажариш харажатлари;
- юкларни транспортларда ташиш, кузатиб боршп ва сугурталаш харажатлари;
- юкларни ишлаш харажатлари;
- махсулотларни етказиб бериш юзасидан шартнома шартларнинг бажарилишини назорат килиш харажатлари;
- моддий воситалар ресурсларини кабул килиб олиш ва текшириш харажатлари;
- имкониятли махсулот етказиб берувчилар ҳакидаги ахборотларни етказиб бершп харажатлари;

Харид килиш логистикасининг иктисадий ҳисоб китобларини ўтказиш доирасидаги вазифаларга моддий воситалар ресурсларининг танқислиги учун бўлган чикимлар ҳисобини ҳам киритиш зарур.

7. Харид килишнинг ишлаб чикириш, сотиш, омборларда саклаш, транспортларда ташиш, ҳамда махсулот етказиб берувчилар билан бўладиган ўзаро алокаларни мувофикалаштириш.

Буларнинг барчаси харид килиш логистикасининг ўзига хос масалалари бўлиб, юкорида баён килинганидек, хариднинг ишлаб чикириш ва сотиш билан тизимли ўзаро боғланишини ташкиллаштириш йўли билан шунингдек махсулот етиштириб берувчилар билан режалаштириш, иктисадий, техника ва технология соҳаларида узвий алокаларни ўрнатиш билан ҳал килинади.

Харид логистикасининг функциялари. Харид логистикаси қуйидаги функцияларни бажаради:

- моддий ресурсларни харид қилиш стратегиясини шакллантириш ва уларга бўлган талабни башоратлаш;
- потенциал етказиб берувчилар томонидан тушадиган таклифларни қабул қилиш ва баҳолаш;
- етказиб берувчиларни танлаш;
- моддий ресурсларга қўйиладиган талабларни аниқлаш, ҳамда материаллар ва маҳсулотларга бериладиган буюртмалар миқдорини ҳисоблаш;
- буюртма берилаётганда ресурслар нархини келишиш ва етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиш;
- материаллар келиб тушиш муддатлари устидан назорат;
- моддий ресурслар сифатини қабул қилиш назоратидан ўтказиш ва омборларга жойлаштириш;
- моддий ресурсларни ишлаб чиқариш бўлинмаларигача етказиб бериш;
- омборларда моддий ресурслар захираларини меъёрий даражада ушлаб туриш.

Макрологитик тизимнинг кисми сифатида таъминот хизмати сотувчилар билан хўжалик алокаларинн ўрнатади, бунда техник-технология, иктисолидий ва услугубий масалаларнп келишилган ҳолда амалга оширади.

Сотувчининг сотиш хизмати билан биргаликда ишлаш билан ва транспорт ташкилотлари билан якин алокада бўлиб, таъминот хязмати корхонанинг макрологистик тизимга «аралашиб» кетишини таъминлайди. Логистиканивг асосий ғояси барча иштирокчиларнинг биргапикда келшипид ҳаракат килиш натижасида қўшимча фойда олиш бўлиб, таъминот хизмати ходимларининг хусусий корхона максадларини амалга оширишда ажралиб колган обьект сифатда эмас, балки бутун логистик тизимнинг бўгини сифатида амалга опшрилишини талаб килади. Бу шуни билдирадики, таъминот хязмати ўз корхонасига ишлаш билан, бир вактда барча макрологистик тизимнинг самарали фаолият кўрсатишнинг максадларини назарда тутиш ксрак. Хусусий корхона бундай

ёндашувда барча макрологистик тизимнинг кисми сифатида каралади: барча тизимнинг ҳолати яхшиланади корхонанинг ҳолати унинг кисми сифатида яхппланади.

Сотувчилар билан логистик бирлашув комплекс иктисодий, технологик, техник ва услубий хусусдаги чоралар ҳисобига эришилади. Бирлашув асосларда яхши шериклик муносабатларига йўналиш, бир-бирларига нисбатан имкониятининг борича ёрдам кўрсатиш чоралари ётади.

Логистикада сотувчилар билан бўладиган муносабатлар куйидаги принциплар асосида тузилиши керак:

1. Сотувчилар билан бўладиган муносабатлар худди фирма мижозлари сингари муомилада бўлиш керак;
2. Манфаатларнинг умумийлиги амалда намойиш этишликни унутмаслик керак.
3. Сотувчиларни ўз вазифалари билан таништириш ва уларнинг иш жараёнлардан хабардор бўлиш;
4. Сотувчида муаммолар туғилган пайтларда ёрдам кўрсатишга шай туриш;
5. Ўз устига олган мажбуриятларга амал килиш;
- б. Иш жараёни амалиётида сотувчининг манфаатларини олиш.

Корхонанинг таъминот хизмати моддий воситалар ресурс билан корхонанинг таъминлаш масалаларини янги маҳсулот ишлаб чикиш боскичидеёқ ҳал кила бошлайди. Логистик равишда ташкил килинган тизимларда янги маҳсулотни ишлаб чикиш дастур сотувчилар хом ашёна таъминловчилар иштирокида амалга оширилшпи мумкин. Таъминот хизмати, уни ташкил этган корхонанинг бир кисми бўлиб, микрологистика тизимига узвий равишда қўшилиш ҳамда моддий воситалар занжиридаги таъминот ишлаб чикириш сотиш бўғинларидан ўтишини таъминлаши керак.

Моддий воситалар оқиминн бошқаришда ҳаракатларнинг муштараклигини юкори даражада таъминлаш, яъни таъминот хизмати, шплаб чикириш хизмати ва сотиш хизматлари ўртасидаги келишишлик корхонада тўласича логистик ташкиллаштиришнинг вазифаси ҳисобланади.

Ишлаб чикиришни гашкиллаштириш ва моддий техника томонидан таъминлашнинг замонавий тизимлари режаларга ўзгартиришлар киритиши ва таъминотчиларнинг ҳаракатлари, ишлаб чикириш ва сотиш бўғинларининг корхонадаги ўзгаришларни келишиш имкониятларини таъминлайди.

Таъминот-ишлаб чикириш сотиш занжири замонавий маркстинг тамойиллари асосида курилган бўлиб, яъни аввало сотишнинг истикболли ишлаб чикиришни ривожлантириш истикболи, ундан кейин эса ишлаб чикиришни таъминлаш истикболи белгиланишн керак.

Шуни таъкидлаш керакки, маркетинг факатгина ушбу масалани тамойил режасидагина назарда тутади. Маркетингнинг илмий асослари тадқикотларнинг бозордаги сотишка ҳар томонлама каратган бўлиб, сотувчилар билаи бўладиган ник-технологик вазифаларни ҳал этишга ёрдам кўрсатув ҳамда сотувчилар билан биргаликда бозор шароитида ўрганилган ва вужудга келадиган талаблар эса, масалаларга услубларни ишлаб чшкади.

Маркетинг шунингдек моддий воситаларнинг хом ашё бошланғич манбалардан тортиб охирги истеъмолчига кадар бўлган силжишларида барча жараёнлар иштирокчиларини тизимли ташкиллаштириш услубларини таклиф эта олмайди. Бундай ҳолларда логистика маркетинг бўйича ёндашувни ривожлантиради, тадбиркорлик фаолиятларига нисбатан услубларни ишлаб чикади, шунингдек маркетинг тамойилларини амалга ошириб, тамойилларнинг ўзини анча кенгайтиради кўшимчалар билан тўлдиради.

Таъминот хизмати фаолиятларининг самарадорлиги санаб ўтилган маъсадларнинг амалга ошиш имкониятлари; корхона даражасида ҳам, макрологистика даражасида ҳам сезиларли равишда таъминот хизматиннинг ўзини ташкиллаштиришп даражасига боғлик бўлади.

11.2. Харид қилишни бошқаришнинг шакл ва усуллари.

Ўзбекистонда харид қилишнинг хусусиятлари ва тенденциялари.

Харид логистикасида «ишлаб-чиқариш ёки харид қилиш» масаласи. Харид логистикасида «ишлаб-чиқариш ёки харид қилиш» каби масалага икки хил алтернатив (муқобил) вариантдан бирини танлаш киради:

- бевосита ишлаб-чиқарувчидан товар ресурсларини сотиб олиб, мустақил ра-вишда ассортиментни шакллантириш;
- йирик партияларни майдалаштириш, кенг ассортиментни шакллантириш ва ис-теъмолчиларга бутун ҳолда етказиш билан шуғулланадиган воситачилардан товар ре-сурсларини сотиб олиш;

Бевосита ишлаб-чиқарувчидан кўра воситачидан сотиб олиш қулай бўлган ҳолларнинг сабаблари кийдагилардан иборат.

1. Товар ресурсларини воситачидан харид қилиб, корхона, одатда, кенг ассорти-ментни кичик партиялар билан олиш имкониятига эга бўлади. Натижада, захираларга, омборларга бўлган эҳтиёж камаяди, ассортиментни айрим турларини ишлаб-чиқа-рувчилар билан ишлар ҳажми ҳам камаяди?

2. Маҳсулотнинг воситачидаги нархи, ишлаб-чиқарувчиникидан паст бўлиши мумкин. Фараз қилайлик, ишлаб-чиқарувчи қуидаги нархларда ўз маҳсулотини сота-ди:

А) кичик ҳажмдаги харидорлар учун – 10 сўм (бир бирлик маҳсулотга)
Б) йирик ҳажмдаги харидорлар учун – 8 сўм (бир бирлик маҳсулотга)
Воситачи, йирик партияни 8 сўмдан сотиб олади, ва уни майда харидорларга, устуга 12% қўшиб, 8 сўм 96 тийиндан сотади. Воситачи бу ишни амалга ошириши мум-кин, чунки у айнан йирик партияларни майдалаштириш билан шуғулланади. Ишлаб-чиқарувчига эса бу иш қимматга тушади, ва у 10 сўмдан сотишга мажбур.

3. Маҳсулот ишлаб-чиқарувчи, воситачидан кўра узоқроқда жойлашган бўлиши мумкин. Бу дегани транспорт харажатлари ҳам қўшилиб, нарх орасидаги фарқ янада ошиб кетади.

4. Етказиб берувчини танлаш масаласи «Ишлаб-чиқариш ёки харид қилиш» масаласи ечилгандан, ва корхона қайси хом ашё ва қайси маҳсулотларни харид қилиш зарур эканлиги белгилаб олганидан сўнг, етказиб берувчини танлаш масаласини ҳал қилишга киришилади.

Бу ишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат.

1. Потенциал етказиб берувчиларни излаш.

Бунда қуйидаги услублар қўлланилиши мумкин:

- тендер эълон қилиниши;

- реклама маълумотларини: фирма каталогларини; оммавий ахборот воситалари-даги эълонларни ва бошқаларни, ўрганиб чиқиш;

- кўргазма ва ярмаркаларга ташриф буюриш;

- потенциал етказиб берувчилар билан алоқада бўлиш.

Санаб ўтилган тадбирлар натижасида потенциал етказиб берувчилар рўйхати шакланади, ва у доимо янгиланиб турилади.

2. Потенциал етказиб берувчиларнинг таҳлили.

Потенциал етказиб берувчиларнинг тузилган рўйхати, талабларга мос келадиган етказиб берувчиларни танлаш имкониятини берадиган маҳсус мезонлар асосида таҳ-лил қилинади. Бундай мезонлар сони бир неча ўнтагача бўлиши мумкин. Аммо кўп-гина ҳолларда етказилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати билан, ҳамда етказиб бе-рувчининг ишончлилиги (бунда етказиб берувчининг маҳсулотни етказиш муддати, ассортименти, бутлиги, сифати ва миқдори бўйича олган мажбуриятларини бажариш тушунилади) билан чекланадилар.

Етказиб берувчини танлашда эътибор берилаётган бошқа мезонларга қуйидагилар киради:

- етказиб берувчини истеъмолчидан йирокда жойлашиши;

- жорий ва тезкор буюртмаларни бажариш муддатлари;

- захира қувватлари мавжудлиги;

-етказиб берувчида сифат бошқарувини ташкил этилиши;

- етказилаётган ускуналарнинг бутун хизмат муддати давомида эҳтиёт қисмларини етказиб бериш қобилияти;

-етказиб берувчининг молиявий аҳволи ва бошқалар.

Потенциал етказиб берувчиларни таҳлили натижасида аниқ етказиб берувчилар рўйхати шакланади, ва улар билан шартнома муносабатларини ўрнатиш бўйича иш олиб борилади.

3. Етказиб берувчилар билан олиб борилган иш натижаларини баҳолаш. Имзоланган шартномалар бўйича иш натижалари етказиб берувчини танлашга катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун маҳсус баҳолар шкаласи ишлаб чиқилади, у ет-казиб берувчини рейтингини ҳисоблаш имконини беради.

Рейтингни ҳисоблашдан олдин харид қилинаётган меҳнат буюмларини фарқла-нишини (дифференциация) амалга ошириш лозим.

Харид қилинаётган товарлар, хом ашё ва бутловчи маҳсулотлар, одатда, ишлаб-чиқариш нуқтаи-назаридан бир хил қимматга эга эмас. Масалан, уругнинг йўқлиги қишлоқ хўжа-лигидаги ишлаб-чиқариш жараёнини тўхтаб қолишига олиб келади (худди савдода айрим товарларнинг танқислиги – савдо корхонаси даромадининг ка-майишига олиб келгани каби), худди шундай ўғит, ёқилғи ва эҳтиёт қисмларнинг ўз вақтида етказилмаслиги ҳам йифим-терим мавсумини анча орқага суриши ёки етиш-тирилаётган маҳсулотни умуман нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Меҳнат буюмларининг ушбу категориясида етказиб берувчи танлашнинг асосий мезони етка-зишларнинг ишончлилиги ҳисобланади.

Фараз қилайлик, корхона А маҳсулотни харид қилиши лозим, ва уни танқислигига йўл қўйиб бўлмайди. Демак, етказиб берувчини танлашда биринчи навбатда етказиш-нинг ишончлилиги мезони эътиборга олинади.

Бошқа мезонларнинг аҳамияти эса, таъминот бўлими ходимлари томонидан эксперт йўли билан аниқланади.

Агарда харид қилинаётган меҳнат буюмлари ишлаб-чиқариш ёки савдо жараёни нуқтаи-назаридан аҳамиятсиз бўлса, у ҳолда етказиб берувчиларни танлашда асосий мезон бўлиб сотиб олиш ва ташиш харажатлари хизмат қиласи. Рейтингни жами ифодаси, мезон баҳоси ва аҳамиятлилик даражасини қўпайтмалари суммасидан келиб чиқади. Ҳар бир етказиб берувчи учун рейтинг ҳисобланиб энг яхши етказиб берувчи аниқланади.

Номаълум етказиб берувчилар билан хўжалик алоқалари ўрнатиб, корхона маълум таваккалчиликга йўл қўяди. Агарда етказиб берувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаса, истеъмолчи ишлаб-чиқаришида узилишлар ёки молиявий

йўқотишлар бўли-ши мумкин. Кўрилган заарларни қоплаш эса, одатда, маълум қийинчиликларга дуч келади.

Шундай экан корхоналар номаъқул бўлган етказиб берувчиларни аниқлашнинг турли усулларини излайдилар, масалан чет эл фирмалари етказиб берувчилар тўғри-сида маълумот йигувчи маҳсус фирмаларга мурожаат этадилар, улар эса норасмий манбалардан ҳам фойдаланадилар.

жадвал.

Етказиб берувчининг рейтингини ҳисоблаш

Етказиб берувчини танлашнинг мезони	Мезоннинг ахамият-лилик даражаси	Берилган етказиб берувчида мезонни баҳолаш (10 баллик шкала бўйича)	Мезон баҳосини унинг ахамият- лилик даражасига кўпайтмаси
Етказиб беришнинг ишончлилиги	0,30	7	2,1
Нарх	0,25	6	1,5
Маҳсулот сифати	0,15	8	1,2
Тўлов шартлари	0,15	4	0,6
Режадан ташқари етказишлиар имкони	0,10	7	0,7
Етказиб берувчининг молиявий аҳволи	0,05	4	0,2
Жами:	1,00	6	3

Бу маълумотлар етказиб берувчининг молиявий аҳволи тўғрисида уйидаги ахборотларни беришлари мумкин:

- етказиб берувчи ликвидлигининг қарз мажбуриятларига нисбати түғрисида;

- сотувлар ҳажмини дебитор қарзларга нисбати түғрисида;

- соф фойданинг сотувлар ҳажмига нисбати түғрисида;

- нақд пул харакати түғрисида;

- захиралар айланмаси ва бошқалар түғрисида;

Ўзбекистондаги корхоналар, ҳозирги кунда, етказиб берувчи танлашда асосан ўз ахборотларидан фойдаланадилар. Кўп етказиб берувчилар билан иш олиб борадиган корхонада яхши маълум бўлган, обрў қозонган етказиб берувчилар рўйхати мавжуд. Бундай етказиб берувчилар билан тузиладиган шартномалар тезда имзоланиб ишлай бошлайди. Агарда нотаниш етказиб берувчи билан шартнома тузиладиган бўлса, у ҳолда шартнома тасдиқланиши ва тўлов амалга оширилиши, молиявий хавфсизликни таъминловчи чора-тадбирлар билан, мукаммаллашади. Қишлоқ хўжалигига тўхтала-диган бўлсак ҳозирги кунда бу иш умуман йўлга қўйилмаган, ва барча хўжаликлар мавжуд етказиб берувчидан (у одатда битта) фойда-ланадилар холос.

Етказиб берувчи танлаш бўйича мисол келтирайлик. Тасаввур қиласиз, бир хил маҳсулот ишлаб-чиқарувчи, иккита хўжалик хўжалиги мавжуд (A ва B). Уларнинг маҳсулотларини сифати ҳам бир хилда.

Ҳар иккала хўжалик ҳам яхши таниш ва ишончли. А хўжаликнинг камчилиги шуки у истеъмолчидан В.га нисбатан 200 км йирокроқда жойлашган (А хўжаликгача 500 км, В хўжалик-гача 300 км).

Аммо, А хўжалик ўз маҳсулотини автомобиллар ёрдамида ортиш тушириш мумкин бўлган қадоқларда жўнатади.

В хўжаликнинг маҳсулотини эса қўлда тушириш лозим. 500 кмга юкни ташиш учун ҳар километрига 50 сўм сарфланади. 300 км.га юкни ташиш эса қимматроқ бўлиб ҳар километрига 70 сўмга teng.

А хўжаликнинг маҳсулотини тушириш вақти – 30 дақиқа, В хўжаликнинг маҳсулотини тушириш вақти – 10 соат. Ҳар бир ишчининг тушириш учун ставкаси соатига 600 сўмни ташкил этади.

Агарда фақат ташиш харажатларини эътиборга оладиган бўлсак В хўжаликни танлаш лозим. Аммо ортиш-тушириш ишларини ҳам ҳисоблаб А хўжаликни танлаш маъқул эканлигини қўрамиз. Жумладан:

Транспорт харажатлари: 50сўм/км*500км=25000 сўм
70сўм/км*300км=21000 сўм

Тушириш харажатлари: 600сўм/соат*0,5соат=300 сўм
600сўм/соат*10соат=6000 сўм.

Жами харажатлар: 25300 сўм 27000 сўм

Шундай қилиб, барча шарт-шароитлар бир хил бўлганда В хўжаликдан кўра А хўжаликдан харид қилиш Саноати ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришни хомашё ва материаллар билан таъминлашнинг бир қатор стандарт механизмлари бор. Масалан, Германия Республикасининг **саноатини материаллар билан таъминлаш тизими**, етказиб берувчи ташкилотларнинг омборлар тизими, марказий омборлар ва таъминот ташкилотлари омборларига асосланган.

Германия Республикасида **материал билан таъминлашнинг маънавий тизими** захираларни саклашга асосланади. Бу ҳолда ишлаб чиқаришга керакли бўлган омборга товарларни қабул қилингандиги ҳақида ҳужжат тайёрланади ва бу товарлар тўғридан - тўғри ишлаб чиқариш масканларига жўнатилади. Талаб асосида сотиб оловчи ташкилот буюртма харажатларини расмийлаштиради ва уни етказиб берувчига жўнатади. Етказиб берувчи буюртмани олиб, товарни сўралган ташкилотга сотиб беришини таъминлайди. Сўнгра катта миқдордаги товарлар автомобиль йўллари ёки темир йўллари орқали марказий омборга олиб келинади. У ерда товарларнинг сифати, миқдори текширилади. Агар ҳаммаси талабга жавоб берадиган даражада бўлса, қисмларга бўлинниб, ишлаб чиқарувчи корхоналарга жўнатилади.

Бу фаолиятни амалга оширишда савдо бўлими ёки воситачилар 9-10 га яқин ҳужжатларни етказиб берувчига топширадилар. Етказиб берувчи эса буюртмани бажараётган пайтда марказий пунктга 14 га яқин ҳужжат топширади. Умуман, ҳужжатларнинг бу қадар қўплиги материаллар етказиб бериш фаолиятининг

анънавий тизими доиралар билан чегараланган дейиш мумкин. Буюртма берувчи билан етказиб берувчи, материалга буюртма тушганидан бошлаб, то унинг эгасига етиб бориши ва қабул қилиниши ҳамда қўлланилишигача бўлган даврда хужжатлаштиришнинг 15 га якин усулидан фойдаланадилар. Уларнинг бир неча нусхада бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда хужжатлар сони 50 дан ошиб кетади.

Захираларни саклаш бир қанча микдорда харажат ҳамда ишчи кучини талаб қиласди. Қуйида харажат гурухлари берилади.

1. Омборхоналарнинг банд бўлиши;

- а) бино амортизацияси;
- б) асбоб - ускуналар амортизацияси;
- в) ремонт харажатлари;
- г) иситиш воситаларига харажатлар,
электр-энергия ва сув воситалари;
- д) ижара тўлови.

2. Хизмат кўрсатувчи ишчиларга харажатлар:

- а) Омбор ишчи - хизматчилари учун маош;
- б) Ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун харажатлар;

3. Траспорт воситалари учун харажатлар:

- а) амортизация;
- б) энергия ва ёқилғи учун харажатлар;
- в) жорий ремонтлар учун харажатлар;
- г) суғурта ва траспорт воситалари учун солиқ.

4. Материалларни саклаш натижасида келган заарлар:

- а) омбор қоравуллари ва материалларнинг эскириши;
- б) занглаш ва бошқалар;
- в) инвентаризация натижасидаги йўқотишлир;
- г) ўғрилик;
- д) нархлар тушиши натижасидаги йўқотишлир;
- е) захираларни суғурталаш харажатлари.

Шунинг учун, бу тизим нисбатан ноқулайроқ бўлиб, фаолиятни доим назорат қилишни ҳамда уни оптималлаштириш йўлларини топишини талаб қиласди.

Ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлашда етказиб берувчи фирмалар билан шартномалар тузиш тизими ўзини оқлади. Бу тизим XX асрнинг 70 - йиллари охири 80 - йиллари бошида ишлаб чиқилган бўлиб, бунда фаолият юритиш бўлимлари нисбатан камроқ. Бу тизим истеъмолчи ва етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатни, юқорида айтиб ўтилгандан ҳам қисқароқ йўллар билан амалга оширади. Юклар бирданига ишлаб чиқарувчига эмас, балки биринчи навбатда улгуржи савдо компаниясига келиб тушади. Бу компания ўзининг бир неча йирик омборларига эга бўлиб, асосан хомашёларни истеъмолчи - ишлаб чиқарувчиларга тез етиб боришини таъминлайди.

Ривожланган бозор шароитида таъминотнинг логистика бўлимининг асосий муаммоси талаб эҳтиёжларининг тез ўзгаришидир. Бу кўпинча етказиб берувчидан ишлаб чиқарувчига керак бўлмайдиган товарларнинг йигилиб қолишида ўз аксини топади.

Охирги ўн йилликда таъминотнинг бир қатор усуслари ишлаб чиқилган бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг аниқ бир талабини қондиришга мўлжалланган. Улар қуйидагилар:

- **канбан усули** (Японияда ишлаб чиқилган усул бўлиб, умумий ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлашга мўлжалланган охирги талабни ҳисобга олади);
- **талаб ва материалларни режалаштириш тизими.** Бу З босқичда амалга оширилади: биринчиси дастурли режалаштириш, иккинчиси материалларни тақсимлаш ва учинчиси савдони назорат қилиш;
- **«Айнан вақтида» усули,** бу усул захиралар тўпланиб қолишининг олдини олади;
- **талаб бўйича таъминот тизими,** бунда узок муддатли маълум шаклли шартнома етказиб берувчилар билан тузилади. Материаллар босқичма - босқич истеъмолчига етказиб турилади;

- «башорат кўрсаткичлари» усули (кatta миқдордаги материалларга талаб маълум даражада ҳужжатлаштирилади ва талаб асосида материаллар етказиб берилади);
- истеъмолчи ва етказиб берувчи ўртасидаги керакли маълумотларни **интернет орқали алмашиш усули**. Буюртма келиб тушгандан сўнг, қолган ҳамма маълумотлар компьютер орқали олинади.

Замонавий савдо учун олдиндан талаб қилинадиган материалларни башорат қилиш хосдир. Башоратнинг чуқур ўрганилиши захиралар миқдори, етказиб беришга ва таъминотга тайёрлигини белгилайди. Башорат асосида таъминот режаси тузилади. Таъминот шундай баланслаштирилиши керакки, унинг асосида ишлаб чиқаришнинг босқичли дастури тузилади.

1-жадвал

Ишлаб чиқаришни талаб бўйича таъминлаш тизими

I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
2000та детал	2500та детал	3000та детал	2500та детал

Хафта	1	2	3	4	5	6
Етказиб бериш	180	170	216	195	200	210
	180	350	560	755	955	1165

Аниқлаш тирилган талаб	Кун	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	Етказиб бериш	30	25	36	24	55	60	55	55	25	40
	Тақсимлаш зонаси	30	55	81	10	16	22	27	33	35	39

Талаб қилинаётган материал, хомашёлар аниқ бўлгандан сўнг корхоналар фаолият йўналишини белгилайдилар ва сотиб олишни ташкил этадилар. Шартли равишда сотиб олишнинг анъанавий ва оператив усуллари бор. Оператив таъминотнинг энг самарали усули «Айнан вақтида» деб номланади. Бу усул Японияда 1950 - йилларда ташкил топган бўлиб, кейинчалик Европа ва АҚШ да давом эттирилган. Бу усулнинг асосий мақсади узоқ муддатли шартнома бўйича савдо - сотиқ ва таъминот буюмларини ўз вақтида, оралиқ омборларни четлаб ўтган ҳолда тўғридан - тўғри ишлаб чиқариш линиясига етказиб беришдан иборат.

«Айнан вақтида» усули асосан автомобиль ишлаб чиқариш соҳасида ривожланган. Бунга мисол қилиб, «Мерседес - Бенц» заводининг йиғув цехига автомобиль ўриндикларини етказиб беришни келтириш мумкин.

Етказиб беришни асосий ишлаб чиқаришдан 6 км узоқликда жойлашган «Кайнер-Рекаро» фирмаси амалга оширади. Олдиндан режалаштириш 6 ойгача амалга оширилади. Бу ўз ичиға етказиб беришдан тортиб то тахминий талабларни ҳам олади. Етказиб беришни аниқлаштириш фазаси автомобиль йиғиш бошланишидан 15 кун илгари амалга оширилади. Истеъмолчининг талабидан келиб чиқсан ҳолда фирма бир ҳафта олдин ишлаб чиқариш режасини тузади. Йиғув ишлари бошланишидан олдин заводга буюртма берилади. Максимум йиғув ишлари бошлангандан сўнг 6 соатдан кейин цехга талаб қилинган ўриндиклар етказиб берилади.

Бу ҳаракатларни амалга оширишда, фаолият асосида тизимли ёндашув ётади. Тизим етарли даражада эгилувчан бўлиб, бир етказиб берувчидан, иккинчисига бўлган боғланиш мақсадга мувофиқ нархда бўлиши керак.

Чет эл етказиб берувчисидан Россияга товар етказиб беришдаги намунавий тизимини «Глобал один» компанияси мисолида қўриш мумкин. Бу компания телекомуникация хизматлари билан шугулланади. Товар етказиб бериш фаолияти бир неча босқичларга бўлинган:

-етказиб берувчи билан Россия компанияси ўртасидаги шартноманинг тузилиши;

- юк ташувчиларни танлаш ва улар билан шартнома тузиш;
- етказиб берувчи томонидан товарларни юклаш;
- россия божхонасигача юк ташишни ташкил қилиш;
- россия божхонаси томонидан юкни хужжатлаштириш ва божхонанинг импорт фаолияти билан шуғулланувчи брокерлари билан ишлаш.
- россия божхонасидан ишлаб чиқариш корхонасининг омборигача юк ташиш;
- компания омборидан буюртмачигача юк ташиш.

Юк ташиш мажбурияти - ишлаб чиқаришда муҳим муаммо ҳисобланади ва у турли фирмаларда турлича ҳал қилинади. Бу масала устида иқтисодчилар орасида жуда кўп тортишувлар бўлиб ўтган. Масалан, АҚШ да товарни етказиб бериш жуда қиммат бўлганлиги учун бу фаолият билан алоҳида компаниялар шуғулланади.

Албатта, материал-техник таъминотда иқтисодий, географик, сиёсий вазифалар ҳам, унинг келажакдаги фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

10.3.Харид қилиш логистикасининг амал қилиш механизми, техника ва технологияси. Сервис хизмати.

Харидор (таъминот) логистикаси логистика тизимининг биринчи элементи бўлган хомашё, материал ва ёрдамчи қисмларни харид бозоридан корхона омборигача ҳаракат қилиш жараёнини ўзида акс эттиради. Харидор логистикасининг самарали амал қилиши учун маҳсулот ишлаб чиқаришга айнан қайси материал зарурлигини билиш, харидорлар режасини тузиш лозим. Унда қуйидаги **таъминот вазифалари** ҳал қилиниши лозим:

- истеъмолни аниқлаш ва таҳлил қилиш, буюртма берилган материаллар микдорини ҳисоблаш;
- харидор услугини аниқлаш;
- нархлар мувофиқлиги ва шартнома тузиш;

- етказиб бериш муддати, сифати ва миқдори устидан назорат ўрнатиш;
- товарларни омборга жойлаштиришни ташкил қилиш.

Логистикада етказиб берувчилар билан муносабатлар қуидаги тамойилларга асосланган бўлиши керак.

1. Етказиб берувчилар билан худди мижозлар билан бўлгандек муносабатда бўлиш.

2. Мақсадлар бирлигини амалда намоён қилишни унумаслик.

3. Етказиб берувчини ўз мақсадлари билан таништириш ва уни ишидан ҳам хабардор бўлиш.

4. Етказиб берувчида муаммолар пайдо бўлса унга ёрдам беришга тайёр туриш.

5. Олган мажбуриятларига амал қилиш.

6. Иш амалиётида етказиб берувчи мақсадларини ҳам ҳисобга олиш.

Таъминот бўлими, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш йўлларини излаш босқичидан бошлаб, корхонани моддий ресурслар билан таъминлаш масаласини ечишга кириша-ди. Логистик ташкил этилган тизимларда эса, бу босқичда етказиб берувчи ҳам ишти-рок этиши мумкин.

Харидорларни режалаштириш жараёнида қуидагиларни аниқлаш зарур:

- қандай материаллар талаб қилинади;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган материаллар миқдори;
- улар керак бўладиган вақт;
- талаб қилинадиган омборлар майдони;
- харид харажатлари;
- корхонада айрим деталларни мустақил ишлаб чиқариш имконияти.

Истеъмолчига охирги маҳсулотни етказиб бериш вақтидан келиб чиқкан ҳолда етказиб беришнинг брутто истеъмоли мавжуд. Брутто истеъмоли кейинчалик нетто истеъмолига ўтказилади. Бунда қуидагилар ҳисобга олинади: нақд захира; буюртма берилган материаллар ва ривожлантирилган ишлаб чиқариш.

1.Логистикада материалга эҳтиёжни аниқлашнинг бошқа усуллари:

- Детерминациялашган;
- Стохастик;
- Эвристик.

Биринчи усул - буюртмани бажариш даври, миқдор ҳамда муддат бўйича материалларга эҳтиёж маълум бўлганда қўлланилади. **Иккинчиси** - ҳисоб - китоблар учун математик статистик усуллар асос бўлган эҳтиёж учун қўлланилади. **З-усул** ёрдамида ишларнинг тажрибасига кўра эҳтиёж аниқланади.

Кўриб ўтилган барча усуллар ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Бу усуллардан бирини танлаш куйидагиларга боғлиқ:

- фирма йўналиши;
- буюртмалар имконияти;
- маҳсулот тури;
- омборлар тури ва сони;
- захиралар ҳолати устида назорат тизими.

2. Харид усулини аниқлаш

Харид усулини танлаш охирги маҳсулот мураккаблигига комплектланувчи маҳсулот ва материалларнинг таркибига боғлиқ. Харид қилишнинг асосий усуллари:

- улгуржи харид;
- майда партиялар билан доимий харид;
- эҳтиёж меъёридаги харид.

Тез - тез қўлланувчи усуллардан айримларини кўриб ўтамиз:

1. Товарнинг бир гуруҳли хариди

№	Афзалликлари	№	Камчилиги
1.	Хужжатларни расмийлаштиришнинг оддийлиги	1.	Катта майдондаги омборларга эҳтиёжлиги.
2.	Барча товар гуруҳларини етказишнинг кафолати	2.	Капитал айланманинг секинлашуви.
3.	Савдо чегирмаларининг	3.	

	юқорилиги.		
--	------------	--	--

2. Майда гурухлар билан доимий харид

№	Афзалликлари	№	Камчилиги
1.	Капитал айланишни тезлаштиради.	1.	Заарар келтирадиган товарлар зарурати.
2.	Омбор майдонларини тежайди.	2.	
3.	Етказиб беришни хужжатлаш-тириш хужжатлари камаяди.	3.	

3. Зарурат даражасида товар олиш.

Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: етказиб бериладиган товарлар микдори ўрнатилмайди балки тахминан белгиланади; товар етказиб берувчилар ҳар бир буюртмани бажаришдан олдин сотиб олувчилар билан боғланишади, етказиб берилган товаргагина пул тўланади ва ҳ.к.

3. Зарурат даражасида товар олиш

№	Афзалликлари	№	Камчиликлари
1.	Қатъий мажбуриятлар йўқлиги;	1.	Етказиб бериладиган товарлар микдори ўрнатилмайди, балки тахминан белгиланади.
2.	Капитал айланишнинг тезлашиши.	2.	Товар етказиб берувчилар ҳар бир буюртмани бажаришдан олдин сотиб олувчилар билан боғланишади

4. Тез ўтказиш шарти билан товар хариди. Бу услугуб тез-тез қўлланилмайдиган товарлар учун ишлатилади.

4. Тез ўтказиш шарти билан товар хариди.

№	Афзаликлари	№	Камчиликлари
1.	Тез-тез қўлланилмайдиган товарлар учун ишлатилади.	1.	Расмийлаштириш бўйича харажатларнинг ошиши

Буюртмани хужжатли расмийлаштириш

Харидни хужжатлаштириш бўйича стандарт ҳужжатларда қўйидаги ҳолатлар кўзда тутиши лозим:

- 1) Ҳужжат номи;
- 2) Тартиб рақами;
- 3) Компания номи ва манзилгоҳи;
- 4) Буюртма учун жавобгарлик;
- 5) Сана, товар етказиб берувчи номи ва манзилгоҳи;
- 6) Етказиб бериш муддати ва етказиб бериладиган товарлар миқдори;
- 7) Товар тавсифи;
- 8). Мол етказиб бериш манзилгоҳи;
- 9) Нарх;
- 10) Ҳисоб - китоб.

Етказиб берувчиларни танлаш. Етказиб берувчиларни танлашда асосий мезонлар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: етказиб берувчининг ишончлилиги, керакли ресурсларни айтилган сифатда ва сўралган муддатда етказа бера олиши, моддий ресурсларни имконияти борича арzon нархларда етказиб бериши, етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасидаги масофа, етказиб берувчидаги қўшимча қувватларнинг мавжудлиги ва ҳоказо.

Етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотларни тўплашни, уларнинг маълумотлари банкини яратишни, оптималь етказиб берувчини излашни, танланган етказиб бе-рувчи билан олиб борилган иш натижаларини баҳолашни ўзи ичига олади.

Етказиб берувчилар ва материаллар ҳақида маълумотлар олишнинг асосий манбалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: шахсан сотувчининг ўзи билан

алоқалар; реклама нашриётлари, каталоглар ва проспектларда бериладиган маҳсулотнинг тузилиши ҳақида маълумотлар; корхоналарга ташрифлар ва маҳсулот етказиб бериш амалиётини ўрганиш; банклар, савдо уюшмалари, давлат муассасаларидан олинадиган маълумотлар ва ҳоказо.

Барча манбаларни ўрганиш натижасида, мустаҳкам номга эга бўлган етказиб берувчилар рўйхати тузилади. Кейин материаллар нархи ва етказиб бериш муддатлари нуқтаи назаридан энг қулай шароитларни таклиф этаётганлари танлаб олинади. Йирик буюртмаларни иккита ва ундан кўп етказиб берувчилар ўртасида бўлиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, бу асосий етказиб берувчини рақобатбардошлилигини текшириш ва кутилмаган ҳоллардан ўзини ҳимоялаш имконини беради

4. Харидларни амалга ошириш.

Ушбу функцияни рўёбга чиқиши музокаралар олиб боришдан бошланади ва шартнома имзоланиши билан якуnlаниши лозим. Шартнома муносабатлари хўжалик алоқаларини шакллантиради, уларнинг рационаллашуви эса Агрологистиканинг вазифасидир.

Харидларни амалга оширишни, харид қилиш услубини танлашни, етказиш ва пул тўлаш шартларини ишлаб чиқиши, ҳамда моддий ресурсларни ташибни ташкил этишни ўз ичига олади. Бунда етказишлар графиги тузилади, экспедиция ишлари амалга оширилади, ва, лозим бўлса, бож-хона ишлари ҳам ташкил этилиши мумкин.

Харидлар, қабул қилиш назоратини ташкил этиш билан ниҳоясига етади.

5. Етказиб беришларнинг назорати.

Етказиб беришларнинг назоратини энг муҳим вазифаларидан бири бу сифат на-зоратидир, яъни сифатли ва брак маҳсулотлар сонини ҳисоблаб бориш. Шунингдек етказиб беришлар назоратига етказишлар муддатини қузатиш (эрта ёки кеч етказиш-ларни сони), буюртмани қабул қилиниши муддатларини, ташиб муддатларини куза-тиш, ҳамда моддий ресурслар захиралари ҳолатининг назорати ҳам, киради.

6. Харидлар бюджетини тайёрлаш.

Харид қилиш фаолиятининг муҳим қисми бу иқтисодий ҳисоб-китоблардир, чунки ҳар бир иш бўйича харажатлар қанча бўлишини аниқ билиш лозим.

Бунда харажатларнинг қу-йидаги турлари аниқланади:

- моддий ресурсларнинг асосий турлари бўйича буюртмаларни бажариш хара-жатлари;
- ташиш, экспедиция ва сугурта харажатлари;
- юкни қайта ишлаш харажатлари;
- етказиб бериш шартномаси шартлари бажарилишини назоратига бўлган хара-жатлар;
- моддий ресурсларни қабул қилиш ва текширишга бўлган харажатлар;
- потенциал етказиб берувчилар хақида маълумот излашга бўлган харажатлар;

Иқтисодий ҳисоб-китоблар қилиш доирасидаги харид логистикаси вазифаларига, моддий ресурслар танқислиги туфайли юзага келган чегирмаларни ҳам киритишри тақозо этади.

1. Махсулотни қабул қилиш учун биринчи навбатда қуидагиларга ишонч хосил қилиш лозим:

Товар:

- а) керакли миқдорда;
- б) керакли сифатда;
- в) товар етказиб берувчисидан;
- г) келишилган вақтда;
- д) келишилган нархда қабул қилинган.

2. Етказиб беришни расмийлаштириш. Операцияларни тўғри бажарища хужжатларни расмийлаштиришга эътиборли бўлиш керак.

Буюртма нусхаси истеъмол бўлимига жўнатилади. Юклаш ҳужжати маҳсулот жўнатишга тайёр бўлгандан кейин тузилади. Кузатиб борувчи йўлда товарлар билан бирга бўлиши керак ва ҳ.к.

Етказиб берувчи ҳужжатида қуидагилар кўрсатилиши керак:

- жўнатувчи номи ва манзилгоҳи;
- маҳсулот тавсифи;
- жой миқдори;
- етказиб бериш хусусиятлари;
- етказувчи номи.

Товар олганлигини тасдиқлаш ҳужжати истеъмол бўлими ва бухгалтерияга назорат учун берилади.

Харид логистикасида «аниқ муддатга» етказиш тизими «Аниқ муддатга» етказиш тизими, логистик тизимнинг бирор-бир бўғинида қандайдир маҳсулотга ўткир эҳтиёж пайдо бўлмаса унга ҳеч қандай маҳсулот кириб бор-маслигига асос-ланган. Масалан: ўғитларни айнан сепиладиган вақтига етказиш ёки ем-хашакни айнан чорва истеъмол қиласидиган вақтга етказиш. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, унинг ҳар бир бўғинидаги талаб занжирнинг сўнги бўғини талаби билан аниқланади. Агарда занжир охирида талаб пайдо бўлмаса маҳсулот ишлаб-чиқарилмайди ва йиғилмайди. Бундаги маҳсулот харакати худди дарёга ўхшайди. Талаб дарёning пастки нуқтасидан оқимга қарши узатилади, унга жавобан моддий оқим қайтарилади.

Талаб камайса оқим тезлиги пасаяди, ва аксинча. расм Бу тизимга қарама-қарши бўлиб талабни кутган ҳолда маҳсулотларни омборларда йиғиш тизими чиқади.

Етказиб берувчи ва харидор орасидаги, «аниқ муддатга» тизимини қўллаш имко-нини берувчи муносабатлар узоқ муддатли хўжалик алоқалари ва шартномалар асоси-да барпо этилади. Шундагина барча масалалар бўйича иккала томонни ҳам қониқти-радиган ечимларни топиш мумкин.

«Аниқ муддатга» тизими етказиб берувчиларни, оддий таъминот шароитидагига нисбатан, камроқ захира билан ишлашини кўзда тутади. Демак, логистик жараённинг барча иштирокчиларига қўйилган талаб янада кучаяди, шу жумладан транспортчи-ларга ҳам. Шунинг учун ҳам оддий шароитда ташувчи танлаётганда асосий эътибор ташиш нархига қаратилса, «аниқ муддатга»

тизимида ташувчини белгиланган муд-датга етказиб бера олиш кафолатига эътибор берилади.

«Аниқ муддатга» тизимини қўллаш ишлаб-чиқариш ва товар захираларини кес-кин камайтиришга имкон яратиб, омбор қувватлари ва ходимларига бўлган талабни камайтиради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда бу тизим қўйидаги схема-ларнинг бири бўйича амалга ошади:

- τ Чакана савдо корхонаси омбори – дўкон
- τ Улгуржи савдо корхонаси омбори – дўкон
- τ Хўжалик хўжалиги – дўкон

«Аниқ муддатга» тизимини қўллаш жуда ҳам мاشаққатли ишdir. Уни қўллаш-дан олдин, «аниқ муддатга» тизими услуби бўйича ишлаш энг катта самара бериши мумкин бўлган аҳамиятли позицияларни аниқлаш мақсадида, етказиб берилаётган то-вар ёки ишлаб-чиқариш ресурслари ассортиментини дифференциациялаш керак. Дифференциация қуроли сифатида турли таҳлил усууларини қўллаш мумкин.

«Аниқ муддатга» тизимини қўллашдан олинадиган асосий самарани қўйидагича ифодаласак бўлади:

- етказиб беришларнинг технологик занжиридаги бир қатор операциялар чиқа-риб ташланади;
- жорий захиралар камаяди, чунки меҳнат буюмлари тўғридан-тўғри цехга ёки дўконга бориб тушади;
- яхши маълум бўлган етказиб берувчилар ва ташувчилар билан узок муддатли муносабатлар ўрнатилиши ҳисобига етказиб беришларнинг ишончлилиги ошади, бу эса суғурта харажатлари камайишига олиб келади;
- яқин масофада жойлашган ёки омборлари мавжуд етказиб берувчилар билан ишлаш натижасида йўл харажатлари ҳам камаяди;
- маҳсулоти сертификатланган етказиб берувчилар билан ишлаш натижасида, маҳсулот сифати ҳам ошади;
- «аниқ муддатга» тизимини қўллашдан икки томонлама манфаат кўзланади, бу эса етказишлар ишончлилигининг ошишига олиб келади.

«Аниқ муддатга» тизимини қўллаш олдида турган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Истеъмолчининг сифатга бўлган талаблари, етказиб берувчи харажатларининг ошишига олиб келиши мумкин.

Истеъмолчининг йироқлиги, кичик партияларни тез-тез ташиб турилиши етка-зид берувчи учун фойдасиз бўлиши мумкин.

Етказиш муддатлари жадвали, «аниқ муддатга» тизимида маҳсулотлар уларга эҳтиёж пайдо бўлгандагина олиб келинади, етказиб берувчи учун эса ягона бир жадвал бўйича (белгиланган вақт ва ҳажмда) етказиш қулайроқ.

Етказишлар ҳажми ва даврийлиги. Етказиб берувчи ва истеъмолчи учун ушбу иккита параметр бир-биридан фарқли ўлчамларда фойдали бўлиши мумкин.

Мавзу якунида «аниқ муддатга» тизимини лойиҳалаш ва киритиш жараёнида ечилиши лозим бўлган айрим масалаларни санаб ўтамиз.

1. Етказиб берувчилар билан муносабатлар соҳасида:

- яқин жойлашган етказиб берувчиларни излаш;
- узок муддатли хўжалик алоқаларига ўтиш;
- текширилган етказиб берувчилар билан шартнома муносабатларини узайти-риш (пролонгация);
- етказиб берувчиларни «аниқ муддатга» тизимини қўллашга қизиқтириш ва уларнинг етказиб берувчиларига ҳам бу тизимни ёйиш;
- узок муддатли режалаштириш ва харидлар кафолати ҳисобига етказиб берувчи-лар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- йироқдаги етказиб берувчиларни уюштириш (тўплаш);
- харид нархларини ҳар иккала томонга ҳам қулай даражага олиб келиш;
- қоғозсиз ахборот алмашинувини ташкил этиш;
- етказиб берувчи қучи ва воситалари ёрдамида марказлашган етказишни ташкил этиш;
- моддий оқимлар билан ишлашда технологик карталардан фойдаланиш.

2. Етказишлар ҳажми бўйича:

- ишлаб-чиқариш тезлиги билан келишилган харидлар тезлигини қувватлаш (савдо корхонаси учун сотиш тезлиги);
- кичик ҳажмлардаги тез-тез етказишларни таъминлаш;
- шартнома умумий ҳажми ўзгармасдан, ҳар бир етказиш ҳажмининг ўзгариши билан ишлаш;
- етказиб берувчилар талаб қилинаётган миқдорда маҳсулотни қадоқлашга тайёргарлиги учун уларни мукофотлаш.

3. Етказилаётган маҳсулот сифати соҳасида:

- сифат учун жавобгар бўлган ишлаб-чиқарувчи ва истеъмолчи ходимларининг ўзаро алоқада бўлиши.

4. Ортиш соҳасида:

- юклар келишини аниқ жадвалини тузиш ва унга риоя қилиш;
- доимий, текширилган ташувчилардан фойдаланиш;
- омборга қўйиш ва ташишни ўз ичига оладиган мажмуавий логистик хизмат кўрсатишга узоқ муддатли шартномалар тузиш.

6. Тез амал қилиш услуби

Тез амал қилиш услуби «аниқ муддатга» тизимининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Бу услуг – чакана савдо корхоналарига ва тақсимот марказларига маҳсулот етказиб беришларни режалаштириш ва тартибга солиш услубларини ўз ичига олади. Унинг асосида эса, савдо корхонаси, унинг етказиб берувчиси ва транспорт ўр-тасидаги логистик ўзаро алоқа ётади. Услуб мазмуни унинг номида акс эттирилган: бозорда пайдо бўлган талабга қараб логистик тизимнинг тез амал қилиши.

Бозор талабига қараб амал қилувчи логистик тизимда, агарда етказиб берувчи ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, у оператив тарзда ўз ишлаб-чиқаришини, янги маҳсулот чиқариш мақсадида, қайтадан ташкил этиши ло-зим. Етказиб берувчи бозордаги реал талаб хақидаги ахборотни тезда олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Ишлаб-чиқарувчи корхонадан савдо корхонасига бирор-бир маҳсулот, ўша маҳсулотга реал эҳтиёж пайдо бўлиши эҳтимоли юқори бўлгандагина етказиб

берилади. Буюртмани топшириш ва маҳсулотни етказиш ҳеч қандай тутилишсиз амалга ошиши керак. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхонани оладиган бўлсак, у ўз ишлаб-чиқаришини тезда бир маҳсулотдан иккинчи маҳсулотга ўтказа олса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тез амал қилиш услуби учта технология ва бизнеснинг янги концепциясини қўллашга асосланган:

Биринчи технология: маҳсулот штрих кодларини автоматик равища аниқлаш. Хозирги вақтда нима сотилаётгани тўғрисида аниқ маълумотни тез йиғишига имкон беради.

Иккинчи технология: маълумотларнинг электрон алмашинуви. Бу нафақат ин-тернет, балки корхоналарга ҳужжатланган маълумотлар билан оператив алмашиб им-конини берувчи бошқа стандартлар мажмуаси ҳамдир. Учинчи технология: юк бирликларини (масалан, ташиш контейнерларини) автоматик аниқланиши.

Бизнеснинг янги концепцияси, бу товар харакатида иштирок этувчи ташкилот-лар орасидаги ҳамкорлик туйғусидир. Иштирокчиларнинг ўзаро келишуви ниҳоятда катта рол ўйнайди. Масалан, 80-йилларнинг охирида АҚШ да 90% товарларда штрих код мавжуд эди. Аммо тез амал қилиш технологияси билан атиги бир неча юзта ҳам-корлар ўзаро боғланган эдилар холос.

Жорий этишнинг секинлигига технология янгилиги эмас, балки иштирокчилар (чакана савдогарлар, дистрибьюторлар, ишлаб-чиқа-рувчилар) орасидаги бир-бирига бўлган ишончсизлик туйғуси сабаб. Тарихан шундай бўлганки ҳар бир ташкилот кўпроқ фойда олишни, ва бу ишни бошқа ташкилот фой-даси хисобига амалга оширишни қўзлайди. Ушбу рақиблик муносабатларини енгиш, техник-технологик масалаларни ечишдан ҳам мураккаброқдир.

10.4. Таъминот логистикасида харид қилишни режалаштириш ва амалга ошириш тартиби.

Эҳтиёж аниқлангандан кейин фирма олдида товарни харид қилиш ёки уни ўзи ишлаб чиқариш муаммоси туради. Буни ҳал қилиш учун қуйидагиларга

эътибор қилиш керак: етказиб бериш нархи; буюртмани расмийлаштириш харажати; етказиб бериш; сұғурта; қадоқлаш, омборга жойлаштириш; қайта ишлаш, хомашё, энергия, ишчи кучи, харажатлари, солиштирилгандан сүнг firma сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш түғрисида маълум қарорга келиши мумкин.

Материалларни харид қилиш жараёни ўзининг таркибига бир қатор логистик ўзаро боғланган ишлар турларини жамлайди. Материаллар харид қилиш жараёнининг қуидаги босқичлари ажратилади: аризаларни тузиш, аризалар таҳлили, етказиб берувчиларни танлаш, буюртмаларни жойлаштириш, буюртмалар бажарилишини назорат қилиш, харид қилиш жараёнининг тугатилиши.

Аризаларни тузиш. Материалларни харид калишга аризалар корхонанинг маҳсус функционал бўлинмаларининг ишчилари томонидан тайёрланади. Улар корхонага материалларнинг қайси турлари ва қанча миқдорда талаб этилаётганлиги, улар қачон қабул қилиб олиниши кераклиги ва аризани ким томонидан тузилганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Аризалар шундай тузиладики, кутилаётган материалларни келиб тушиш миқдори, уларга бўладиган амалий талаблардан ўзиб кетади.

Аризаларни жойлаштириш ва материалларни қабул қилиш ўртасидаги вақт **ўзиб туриш вақти** деб аталади. Ўзиб туриш вақтини түғри аниқлаш харидларни ва моддий захираларни бошқариш жараёнида муҳим ўрин тутади. Аризаларнинг олдиндан берилиши келиб тушишларни кутилмаган тўхташининг салбий таъсирини камайтиради. Шу билан бирга ўзиб туриш вақтининг ҳаддан ташқари кўпайтирилиши моддий захираларнинг ўсишига олиб келади. Аризаларни тузишга жавобгар бўлган ишчилар, материаллар келиб тушишини энг кам ўзиб туриш вақтини ўрнатиши зарур, бунда етказиб берувчининг имкониятлари ва материаллар истеъмолчисининг талаблари ҳисобга олинади.

Аризалар таҳлили. Материалларни ишлатишга бериладиган аризалар таҳлили моддий техник таъминот хизмати томонидан бошқа бўлинмалар мутахассислари билан биргаликда амалга оширилади. Таҳлил мақсади –

материалларнинг ҳар бир тури бўйича минимал харажатларни таъминлашдир. Тадқиқот услублари бўлиб функционал нархли таҳлил ва нархни ўрнатиш ҳисобланади.

Таҳлил жараёнида қуидаги саволларга жавоб олиниши керак:

Арzonроқ материаллар ишлаб чиқариш талабларини қониқтира оладими?

Бу талаблар асосланганми?

Бошқа турдаги материаллар белгиланган талабларни қониқтира оладими?

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тузилишини соддалаштириш мумкинми?

Етказиб берувчи истеъмолчи билан биргаликда ишлаб чиқаришда олинган натижаларни таҳлил қилишда қатнашиб туриб материалларга қўйилган нархларни камайтира оладими ?

Таъминот хизмати аризаларда кўрсатилган материалларни бошқаларга алмаштиришга ҳаққи йўқ. Бўлим ишчиларнинг келиб тушаётган аризаларни таҳлил қилиши ва буюртмалар қийматини камайтиришга олиб келиши мумкин бўлган материаллар харид қилишнинг вариантларини таклиф қилиши керак.

Моддий – техник таъминот хизматига етказиб берувчиларнинг таклифлари ва рақобатчиларнинг нархлари аниқ бўлади. Шу хизмат ишчилари конструкторлик ва технологик бўлимлар билан биргаликда, арzon ва сифатли материалларни қўллаш асосида маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялари ва тузилишларини мустаҳкамлаштиришга олиб келадиган техник ва иқтисодий қарорлар ишлаб чиқариши мумкин.

«Аниқ муддатларда» етказиб бериш тизими-бу ишлаб чиқариш ёки бутловчи товарларнинг ёки товарларнинг ишлаб чиқариш истеъмоли жойларига, ёки савдо корхонага сотиши пайтига талаб килинган микдорда ва керакли пайтда етказиш тизимиdir.

Аниқ муддат бўйича товар стқазиб бериш тизимининг анъанавий таъминотдан фарклари (расм 13) да кўрсатилган.



Расм 3. Муддат бўйича ва анъанавий таъминлашни киёслаш шакли

Шаклдан маълум бўлишича, аник муддат билан стказиб беришда истеъмолчи томонидан сифатни назорат килиш назарда тутилмаган.

Шу боисдан, бу вазифани етказиб берувчи ўз устига олиш ксрек.

Бундай ҳолларда сифатсиз буюмларнинг етказиб берилган махсулотнинг ичидаги бўлишига йўл кўйиб бўлмайди. Махсулот етказиб бсрувчи ва харидор ўртасида аник муддат бўйича тизимни жорий килиш учун узок давомли хўжалик алокалари мавжуд бўлиб улар узок муддатли шартномаларга асосланган бўлиши керак.

Факат шундагина биргаликдаги режалаштириш масалаларига эришиш техник-технологик бирлашишнинг зарур даражасига эришиш ва иктисадий келишув йўлларини топишни ўрганиш мумкин.

Аник муддатда таъминлаш тизими истеъмолчилар ишларини анъанавий таъминот шароитларига нисбатан камрок захиралар билан ишлашни кўзда тутади.

Шу боисдан, логистик жараёнлардаги барча иштирокчиларнинг ишончли бўлшишкларига талаблар ортади шу жумладан транспортчиларга ҳам.

Шунинг учун х.ам, агар аноанавий таъминот тизимида юк ташувчини таклашда биринкш навбтда юк ташвши тарифларига эътибор берилса, у колда аник муддатли таъминот тизимида кўпроқ эътибор юк ташувчига, яъни унинг белгиланган муддатларга юкни етказиб беришни ишончли кафолатлапгага берилади.

Аник муддатда таъминлаш тизими захиралари кескин кискартириш, яъни ишлаб чикириш ва товар махсулотларияни, омбор кувватларини, ҳамда ходимларни кискартириш имкониятларии беради.

Савдо тизимида товарларни ўз муддатида етказиб бериш куйидаги шаклларнинг бири оркали амалга ошириши мумкин:

- улгуржи савдо корхоналари омбори дўкон савдоси;
- тайёрловчи заводнинг тайёр махсулотлар омбори дўкон савдоси;
- дала-дукон савдоси.

Аник муддатли тизим амалда жорий килиш учун анча уринишларни талаб этади. Бинобарин, уни ишлаб чикиш учун кўйилаётган товарлар рўйхатини табакалаштириш ёки энг қулай каторларни ресурсларини стказиб беришда аник муддатда таъминлаш тизими энг юкори самара бериш мумкин.

Харид махсулотларини етказиб берувчиларни танлашдаги асосий талаблар.

1. Таклифларни қабул қилиш ва баҳолаш

Доимий мол етказиб берувчилардан таклиф олиш ва уни баҳолаш жараёни турлича ташкил қилиниши мумкин. Кенг тарқалган ва самаралиси қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Танловли савдо.
- 2) Мол етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ёзма келишув.

Танловли савдо (тендерлар) доимий мол етказиб берувчиларни излашнинг кенг тарқалган шаклидир. Тендерни ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- реклама;
- тендерли хужжатларни ишлаб чиқариш;
- тендерли хужжатларни чоп этиш;

- тендерли таклифларни қабул қилиш;
- тендерли таклифларни баҳолаш;
- савдо қатнашчиларининг малакасини тасдиқлаш;
- шартнома таклифи.

Тендерли хужжатлаштириш, қоида бўйича, етарлича катта ҳажмга эга бўлиб, 1 қатор муҳим функцияларни бажаради:

- тендер қатнашчиларига савдо жараёни тўғрисида йўл - йўриқ кўрсатади;
- харид қилинадиган товар ва хизматларга тавсиф беради;
- таклифни баҳолаш шартларининг мезонларини ўрнатади;
- кейинги шартномалар шартларини аниқлайди.

Баҳолаш жараёнининг асосий қоидалари қўйидагилар:

- тендер ташкилоти аъзоларини олдиндан белгилаш;
- талабга жавоб берувчи таклифларни кўриб чиқиш;
- тендер хужжатида келтирилган баҳолаш қоидаларига тўлиқ амал қилиш;
- савдо қатнашчилари билан қандайдир келишувларнинг бўлмаслиги.

Ёзма келишувда келишув қатнашчилари расмий товар етказиш тўғрисида таклиф олишади. Бу 2 хил усул билан амалга ошиши мумкин. Биринчисида, шартнома тузиш ташаббуси товар сотувидан чиқади. У ўзининг доимий харидорларига оферталар жўнатади.

Одатда оферталар қўйидаги реквизитларни ўз ичига олади:

- товар номи;
- товар миқдори ва сифати;
- нарх;
- етказиб бериш шарти ва муддати;
- тўлов шарти;
- тара ва қадоқлаш тавсифи;
- қабул қилиш - узатиш шарти;

Оферталар қаттиқ ва эркин тарзда бўлиши мумкин.

2-усулда шартнома тузиш ташаббуси товарни сотиб олувчидан чиқади. У доимий мол етказиб берувчиларга тижорат хатини жўнатади. Унда барча юқоридаги реквизиторлар кўрсатилган бўлади.

2. Мол етказиб берувчини танлашдаги асосий талаблар

Мол етказиб берувчини танлашда 2 асосий мезон мавжуд:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш баҳоси.
- 2) хизмат кўрсатиш сифати.

Булардан ташқари унчалик асосий бўлмаган 60 дан зиёд мезонлар мавжуд.

Уларнинг айримлари қўйидагилар:

- мол етказиб берувчининг истеъмолчидан узоқ жойлашгани;
- жорий ва тезкор буюртмаларни бажариш муддати;
- мол етказиб берувчига маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкил қилинганлиги ва бошқалар.

Санаб ўтилган мезонларни қўллашда турли манбалардан келувчи ахборотларни йиғиш лозим. Ушбу манбаларга қўйидагилар киради:

- шахсий кузатув;
- маҳаллий манбалар;
- банк ва молиявий институтлар;
- мавжуд мол етказиб берувчининг рақобатчилари;
- савдо ассоциациялари;
- ахборот агентликлари;
- давлат манбалари;

3. Харидорнинг ҳуқуқий асослари

Таклифлар ва қабул қилинган таклифлар. Шартнома иккала томоннинг олди - сотидаги розилиги билан тузилади ва ёзма тарзда расмийлаштирилади.

Молиявий шартлар. Шартнома қийматига эга бўлиши керак, яъни унда молиявий шартлар кўрсатилгандагина у ҳақиқий ҳисобланади.

Шартнома тузиш ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқка фақат масъул шахсларгина эга. Масалан: директор, бош директор ва бошқалар.

Қонунийлик. Шартноманинг қонуний бўлими мамлакатнинг юридик меъёрларига жавоб бериши лозим.

4. Шартнома шарти

Шартнома тизими турли шартларнинг ўзаро келишувини кўрсатади. Аниқ кўрсатилган шартлар, бу шартнома мазмунидан келиб чиқадиган шартлардир. Шарт сифатида шартномада зарурларни қоплаш ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу жарима ҳисобланиб, олдиндан қатъий белгиланган тартиб ва шартларда ундирилади. Зарурларни қоплашдан фарқли равишда жарима суммаси ўсиб борувчи, яъни шартлар ўз вақтида бажарилмагандан олиб борувчи ҳисобланади. Агар кечикиш мол етказиб берувчига боғлиқ бўлган шартда келиб чиқиш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда шартномада форс - мажор шартини ўрганиш керак.

5. Шартнома тузилиши

Шартнома тузилиши қуйидаги тартибда бўлиши керак:

- Шартнома предмети;
- Товар миқдори;
- товар сифати;
- шартнома суммаси ва ҳисоб - китоб тартиби;
- қадоқлаш ва маркерлаш;
- товар етказиш;
- товар қабул қилиш;
- форс - мажор;
- томон мажбуриятлари;
- келишмовчиликларни ҳал қилиш;
- бошқа шартлар;

6. Етказиб бериш тўлови

Буюртма берилган товарларга ҳисоб олиш шартнома бажарилишининг охирги босқичи ҳисобланади. Барча ҳисобларни бир қанча асосий қоидаларга кўра текшириб кўриш керак:

- ҳисоб - китобни қабул қилишда, у айнан сизга тегишли эканлигига ишонч хосил қилинг;

- буюртма рақамини текширинг. Агар хужжатларда қарама-қаршилик бўймаса, бухгалтерия ҳисобини тўлайди. Ҳисобларни тўлашда турли усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. тўлов талабномасига асосан ҳисоб-китоб;
2. аккредитив бўйича ҳисоб-китоб;
3. инкасса бўйича ҳисоб-китоб;
4. Чеклар бўйича ҳисоб-китоб;

Юқорида санаб ўтилган ҳисоб-китобларга асосан, тўлов: қисмлаб; олдиндан тўлиқ тўлаш; охирида тўлиқ тўлаш ва бошқа тартибда амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам у олди - сотди шартномасида кўрсатилган бўлади. Тезкор ёки олдиндан тўлаш товар сотиб олишда чегирма қилиш ҳукуқини бериш мумкин. Бошқа томондан, тўловни кечиктириш, уни сотиб олевчи томонидан бошқа мақсадларда ишлатишни билдиради. Шунга мувофиқ, тўлов усулинни танлашда унинг афзаллик ва камчиликларини дикқат билан ўрганиб чиқиш ҳамда бунинг натижасида сизга қандай фойда ва зарар тегишини аниqlаб олиш зарур.

«Ясаш ёки сотиб олиш» ҳакидаги масала ҳал килгандан сўнг, шунингдек корхона томонидан қандай хом ашё ва қандай моддий воситаларни сотиб олиш аниклангач, **максутлотни етказиб берувчини танлаш вазифаси** ҳал килади. Ушбу вазифанинг ҳал килинишидаги асосий боскичларни санаб ўтайлик ва таърифлайлик:

1.Имкоянятли махслуот берувчилярни топиш

Бунда куйидагн усуллардан фойдалангиш мумкин:

- танлов эолон килиш;
- реклама, воситаларини ўрганиш: фирма рўйхатлари. Оммавий ахборот воситаларида эълонлар ва ҳ.к;
- кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш;
- мавжуд имкониятли махслуот етказувчилар билан ёзишма оркали ёки шахсий мулокотларда бўлиш;

Санаб ўтилган тадбирлар натижасида имкониятлари мавжуд бўлган маҳсулот етказувчиларнинг рўйхатлари шаклланади, ҳамда улар доимий равишда янгиланиб туради ва тўлдирилади.

2-Имконият даражасида маҳсулот етказувчиларнииг таҳлили

Имкониятли маҳсулот етказувчилар юзасидан тузилган рўйхат маҳсус кўрсаткичлар бўйнча таҳлил килинади, ҳамда маъкул келган маҳсулот етказувчиларни танлаб олишни амал-га ошириш имкониятларини беради.

Бундай кўрсаткичларнинг микдори ўнлаб бўлиши мумкии.

Бирок кўпинча кўйилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати билан чекланади, шунингдек унинг ишончлилиги, яъни бу билан маҳсулот етказувчи томонидан етказиб бериш мажбуриятларининг муддати, товар турлари, бутланганлиги, сифати кўйилаётган, маҳсулотнинг микдорининг сакланиш талаблари тушунилади.

Маҳсулот етказиб берувчини танлашда эътибор бериладиган бошка кўрсаткичларга куйидагилар киритилади:

- маҳсулот етказиб берувчининг истеъмолчидан узоклиги;
- жорий ва тезоб талабларнинг бажарилиш муддати;
- кўшимча кувватларнинг мавжудлигин;
- сифатни бошкаришнинг маҳсулот етказиб берувчи томонидан ташкиллаштирилиши;
- маҳсулот етказиб берувчининг руҳий вазияти (иш ташлаш ҳолатлари жиҳатидан);
- захира кисмларини ускуналарнинг доимий ишлаш муддати давомида таъминлаш кобилиятлари;
- маҳсулот стказиб берувчининг молиявий ҳолати, унинг қрасдит олиш ва тўлаш имкониятлари в.х.к.

Имкониятли маҳсулот стказиб бсрувчиларни таҳлил килиш натижасида аник шсирикларнинг рўйхати шаклланади, ҳамда уяар билан шартнома муносабатларини тузиш юзасидан ишлар олиб борилади.

3. Маҳсулотни етказиб берувчилар билан бўладиган ишларни баҳолаш

Махсулотларни етказиб берувчиларни танлашга улар билан тузилган шартномалар билан ишлаш натижалари жиддий таъсир кўрсатади Бунинг учун махсус қўрсаткичлар даражаси ишлаб чнкиб, махсулот етказиб берувчиларнинг мавкеини аниклашга ёрдам беради. Махсулот етказиб бсрувчиларнинг мавкеини аниклашдан аввал харид килинадиган буюмларнинг табакалашувини бажариш зарур. Харид килинадиган товарлар, хом ашё ва бутловчи буюмлар, одатда ишлаб чикириш ёки савдо жараенлари максадлари нуктаи назаридан бир хилда бўлмайда. Доимий зарур бўладигал талабдаги бутловчи нарсаларнинг йўклиги ишлаб чикириш жараёнларининг тўхтаб колшпига олиб келиши (худди айрим, камёб товарларнинг савдода нак бўлиши савдо корхонасининг фойдаси кескин камайиши сингари) мумкин.

Бундай пайтда махсулот етказиб берувчиларнинг бундай табакаси учун асосий кўрсаткич унинг ишончли бўлишидир.

Агар харид килинадиган нарсалар учун ишлаб чикириш ёки савдо жараёнлари назаридан аҳамиятга молик бўлмаса, у ҳолда махсулот етказиб берувчиларни танлашнинг асосий кўрсаткичи бўлиб харид килиш ва етказиб келиш, харажатлари хисобланади.

Номалум товар стказиб берувчилар билан ўзаро хўжалик алокаларида бўлиб корхона маълум даражада хавф хатарликка йўл кўяди. Махсулот етказиб берувчи томонидан имкониятга эга бўлмаслик ёки виждонсизлик килиниши истеомолчи томонкцан ишлаб чикириш дастурларинивг барбод бўлипш ёки бевосита молиявий кийинчиликларни вужудга келтиради.

Етказилган заарларни ўрнига келтиршп, одатда маълум қийинчиликларга сабаб бўлади.

Шу боисдан корхона хар хил усулларни излаб топиб, ишончсиз махсулот етказувчиларни аниклади. Масалан, ғарб фирмалари кўпинча ихтисослашган ваколатхоналарга мурожаат килиб, махсулот етказувчиларни тўплайди, шу жумладан улардан норасмий фойдаланади.

Бу маълумотномалар махсулот етказиб берувчилар ҳакида куйидаги ахборотлар мазмунига эга бўлиши мумкин.

- маҳсулот етказувчининг карз шартномаларини тўлашга муносабатлари;
- харид хажмининг дебитор карзларга муносабатлари;
- соф фойданинг умумий сотув кажмига нисбати;
- накд пул харакатларни;
- захираларнинг айланши даври ва ҳ.к.

Хизмат курсатиш, яъни эҳтиёжларни кондириш буйича ишлар йигиндисига сервис дейилади.

Логистик сервис, таксимот жараёни билан узлуксиз боғлик ва товарларни истеъмолчигача етказиб бериш жараёнида курсатиладиган

хизматлар комплексини ташкил этади. Логистик сервиснинг обьекти булиб ишлаб чиқдрувчи ва ноишлаб чиқдрувчи корхоналар, ахоли хисобланади.

Логистик сервис етказиб берувчи томонидан ёки сотувдан кейинги хизмат курсатишга ихтисослашган экспедитор фирмалар оркали амалга оширилади.

Логистик сервис соҳасида амалга ошириладиган хамма ишларни уч гурухга ажратиш мумкин:

- сотувдан олдинги, яъни логистик хизмат курсатиш тизимини шакллантириш ва хизмат курсатиш соҳасида корхонанинг сиёсатини аникдаш буйича ишлар;
- товарларни сотиш жараёнида амалга ошириладиган логистик хизматлар, масалан, юкларнинг утиши хакида маълумотлар бериш; ассортиментни танлаш, кадоқдаш; юқ бирликларини шакллантириш вахоказо.
- Сотувдан кейинги логистик сервис узининг таркибига кафолатлар буйича хизмат курсатишни, истеъмолчилар талабини қуриб чиқиш буйича мажбуриятларни ва хоказоларни олади.

Логистик сервис тизими

- Логистик сервис тизимининг шаклланиши.
- Логистик хизмат даражаси.
- Логистик хизмат курсатишнинг сифат мезонлари.
- Сотувдан кейинги логистик сервис.


Хизматнинг сифати сервис маҳсулотни бир босқичдан иккинчисига ўтиш қийматининг мезони бўлиб қолди. Бундан ташқари, сервис жараёнини юқори

сифатда ташкил этиш мижозларни жалб этади ва ушлаб туради. Сервис сифатининг кўтарилиши шу сервис маҳсулотининг бозордаги улушкини кўпайишига имконият туғдиради.

ISO 9000:2000 стандартига мувофиқ, сифат - бу ўзига хос ёки унга таърифланадиган хусусиятлар йигиндининг тавсифларини (фарқловчи белгиларини) қўйилган талабларга жавоб бериш даражасидир.

Бу маънода «сифат» атамаси ёмон, яхши ёки аъло сифатлар билан қўлланиши мумкин.

Бу тушунчада сифатланувчи нарса кўрсатилмайди. Истеъмолчи унинг талабини қайси нарса қониқтиришини билмаслиги мумкин, ёки улар истеъмолчига нотаниш бўлган сифат билан қондирилиши мумкин. Истеъмолчи учун қандай нарсалигидан қатъий назар унинг талабининг қондирилиши муҳимдир. Буни қўйидаги чизма орқали кўришимиз мумкин:



Талаб қилиш – бу, талаб ёки аниқ белгиланган (таърифланган), одатда мўлжалланган ёки албатта бўладиган истеъмолчини кутишdir.

Талаб қилишнинг турли кўринишлари бор: маҳсулотга, сифат менежментига, истеъмолчининг талаби, турли манфаатдор томонларга. Талабнинг аниқ таърифи ҳужжатларда ифодаланади (ахборот олиб юрувчиларда): ёзувларда, техник шартномаларда, иш тартибининг спецификация ҳужжатларида, чизмаларда, ҳисоботларда, стандартларда.

Истеъмолчи ўз талабларининг қондирилиш даражасини идрок этиши истеъмолчининг қониқиши дейилади. Истеъмолчининг шикоятлари у паст даражада қондирилганлигининг умумий кўрсаткичи ҳисобланади, лекин уларнинг йўқлиги юкори даражада қондирилганлигини билдиrmайди.

Ҳатто истеъмолчи талаблари у билан келишилган ва бажарилган бўлганда ҳам бу истеъмолчини юқори даражада қониқтиришини таъмин этмайди.

Логистик сервис тизимининг шаклланиши. Хизмат курсатиш соҳасида корхонанинг сиёсатини аниқдаш логистик сервис тизимининг шаклланиши билан бодлик ва узаро бодлик ишлар комплексини олиб борилишини назарда тутади.

Логистик хизматлар тизимини шакллантириш буйича амаллар куйидаги кетма - кетлиқда бажарилади:

1. Истеъмол бозорини сегментларга ажратиш, яъни уни аник; истеъмолчилар гурухига булиш, бу гурухларнинг хар бирига, истеъмол хусусиятларига караб маълум хизматлар талаб этилиши мумкин.
2. Истеъмолчилар учун энг муҳим булган хизматларни аниқдаш.
3. Аниқданган хизматларни саралаш, истеъмолчилар учун энг муҳим булган хизматларга эътиборни кучайтириш.¹⁰
4. Бозорнинг алобоҳида сегментлари келишувида хизматлар стандартларини аниқдаш.
5. Курсатилаётган хизматни баҳолаш, сервис даражаси ва курсатилаётган хизматлар нархи уртасида узаро бодлиқдикни урнатиш, компаниянинг ракобатбардошлигини таъминлаш учун зарур булган сервис даражасини аниқдаш.
6. Истеъмолчилар эҳтиёжларига хизматларнинг мое келишини таъминлаш учун улар билан алокалар урнатиш.

Бинобарин, замонавий транспорт воситалари билан хизмат кўрсатувчи маҳаллий йирик транспорт корхоналари салоҳиятидан фойдаланиши ҳам логистик хизматларни, ҳам транспорт тизимини ривожланишига нечоғлик аҳамиятига эга. Республикаизда транспорт-логистика хизматларини ташкил этишда, унинг географик жойлашуви ва салоҳияти фойдаланиш ҳамда маҳсус эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт ҳамжиҳатлигини таъминлаш бўйича стратегиясига эга бўлиши керак(2-расм).



2-расм. Республикаизда транспорт-логистик хизматларини ташкил этиш стратегияси

Бунда истеъмол бозорининг сегментларга ажратилиши географик омил буйича, курсатилаётган хизматлар хусусиятлари буйича ёки бонща курсаткичлар буйича амалга оширилиши мумкин. Истеъмолчилар учуй мухим хизматларни аниқдаш, уларни солиштириш ва логистик хизмат стандартларини аниқдаш истеъмолчилар уртасида сурвлар утказиш йули билан амалга оширилади.

Логистик хизмат даражаси. Логистик хизматларни етказиб бериш жараёнида курсатиладиган хизматларни бажаришга кетадиган вактни, худди шу етказиб бериш жараёнида курсатилиши мумкин булган хизматларнинг умумий комплексига кетадиган вакт билан таккослаш йули билан хам баҳолаш мумкин. Xjisobotкуйидаги формула оркали амалга оширилади:

$$nNY = \frac{t_i}{x_{ti}} * 100\%;$$

Бу ерда n - мое холда хакикий ва назарий қутилаётган хизматларнинг миқдори, t_i - i хизмат курсатишга кетадиган вакт.

Логистик хизмат курсатиш даражасини баҳолаш учун хизматларнинг энг мухим турлари танланади, уларни курсатиш катта харажатларни талаб этади, курсатмаслик эса - катта йукотишларга олиб келади.

Сервис харажатларининг хизмат даражасига бодликдиги 11-расмда курсатилган.

Логистик хизматнинг максади хизмат курсатиш даражасининг оптимал миқдорини кидиришдан иборат. График тарзда сервис даражасининг оптимал миқдорини хизмат даражаси узгарганда харажатлар ва йукртишларнинг узгаришини акс эттирувчи F суммар чизигини куриш оркали аниқдаш мумкин (13-чизма).

Логистик хизмат курсатишнинг сифат мезонлари. Логистик хизмат курсатиш сифатини баҳолаш учун куйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- етказиб беришнинг эгилувчанлиги;
- буюртма бажарилиш давомийлиги;

Етказиб беришнинг эгилувчанлиги буюртма бажарилишининг келишилган муддати бузилмаган холда, мижозни етказиб беришнинг бирламчи шартларини узгартириш хакидаги хошишлар крндирилиш даражасини характерлайди. Бунга буюртмани утказиш шакли ёки усулини узгартириш ва бонщалар киради.

Етказиб беришнинг ишончлилиги етказиб берувчининг шартномада курсатилган буюртма бажарилиш муддатларига риоя килиш имкониятларини аниқдайди. Етказиб беришнинг ишончлилигига таъсир этувчи муҳим омил булиб шартномада курсатилган мажбурият (кафолат)ларнинг мавжудлиги хисобланади, бу мажбуриятларга асосан етказиб берувчи буюртма бажарилиш муддатлари бузилганлиги учун жавобгар булади.

Буюртма бажарилиш давомийлиги буюртма олиниш вактидан товарлар партиясини истеъмолчига етказиб беришгача булган календарь даврини характерлайди. Буюртма бажарилиш давомийлиги узининг таркибиға куйидагиларни олади: буюртмани хужжатлаштириш, ишлаб чикириш, кадокдаш, тушириш ва истеъмолчига етказиб бериш.

Сотувдан кейинги логистик сервис. Товарлар эксплуатациясининг бутун муддати давомида техник хизмат курсатиш, истеъмолчиларни укитиш ва ахборот билан таъминлаш буйича хизматлар комплексини ташкил этади.

Сотувдан кейинги давр ичида логистик хизмат курсатиш куйидаги асосий тадбирларни уз ичига олади:

- товар солилгандан кейин харидорга курсатиладиган хизматларни аникдаш;
- етказиб бериш шартларини келишиш жараёнида сотувдан кейинги хизмат курсатиш кетма - кетлигини урнатиш;
- зарур булган техник хужжатларни тайёрлаш ва чикариш товар истеъмолчиларини укитиш;
- эхтиёт кисмлар хамда етказиб берилаётган товарлар устидан назоратни амалга ошириш имконини берувчи инструментлар ва текширув ускуналари билан таъминлаш;
- логистик хизмат курсатиш жараёнини, уни тугридан - тугри амалга ошириш йули билан ёки субподрядчиклар (пудратчилар), дистрибьютор- лар (тарқдтувчилар), мижозлар томонидан олиб борилаётган хизмат курсатиш сифати устидан назорат урнатиш оркали бонщариш;
- эхтиёт кисмларини сакдаш ва созлаш ишларини олиб бориш учун жой ва инфратузилмани аникдаш ва тайёрлаш;
- эхтиёт кисмлар харакати жараёнида кадоқдаш ва вактинчалик омборга жойлаштириш, юклаш -тушириш ишлари, транспорт воситалари хамда хизмат курсатиш персоналининг харакатини бошқариш.

Сифатли хизмат кўрсатиш учун самарадор менежмент, яъни ташкилотни бошқаришга қаратилган мувофиқлаштирилган фаолият талаб қилинади. Сифат менежменти - бу сифат билан шуғулланадиган ташкилотга раҳбарлик қилиш ва бошқаришга қаратилган мувофиқлаштирилган фаолиятдир.

Сифат менежменти тизими - бу сифат соҳасида сиёsat ва мақсадларни белгилашга ва мақсадларга эришишга, ташкилотга сифат нуқтаи назаридан раҳбарлик қилиш ва бошқаришга йўналтирилган тизим.

Ташкилотнинг менежмент тизими турли менежмент тизимларини ўз ичига олиши мумкин. Булар сифат менежменти тизими, молия менежменти, атроф-

мухит менежменти, ишлаб чиқариш менежменти, корпорация менежменти, ходимлар менежменти, лойиҳалаш менежментидир.

Сифат бўйича раҳбарлик қилиш ва бошқариш тегишли сиёсат ва сифат соҳасида мақсадларни белгилаш, режалаштириш, кафолатлаш ва сифатни яхшилаш каби вазифаларни қамраб олади.

Сифат соҳасида сиёсат – бу ташкилот раҳбарияти томонидан расман тузилган, ташкилотнинг сифат соҳасидаги фаолиятига йўналтирилган умумий фикрлар.

Сифат соҳасида мақсадлар – одатда, ташкилот поғоналарининг (бўлинмалар ва хизматлар) маълум вазифаларига белгиланади.

Сифатни режалаштириш – бу, сифат соҳасида белгилаган мақсадларга эришишга йўналтирилган ишлаб чиқариш жараёнини ва мувофиқ келадиган манбаларни аниқлайдиган сифат менежментининг қисми.

Сифатни бошқариш – бу сифатга қўйилган талабларни қондиришга йўналтирилган сифат менежментининг бир қисми.

Сифатни кафолатлаш – бу сифатга қўйилган талабларни бажарилиши хақида ишонч уйғотишга йўналтирилган сифат менежментининг бир қисми. Сифатни яхшилаш – бу сифатга қўйилган талабларни қондириш имкониятларни оширишга (истеъдод ва маҳорат) йўналтирилган сифат менежментининг қисми. Сифатни узлуксиз яхшилаш – бу узлуксиз такрорланувчи сифатга қўйилган талабларни қондириш имкониятларни оширишга (истеъдод ва маҳорат) йўналтирилган сифат менежментининг қисми.

Сифатни самарали бошқариш учун сифатнинг эришилган тавсифларини ва уларга етишиш имкониятларини баҳолаш керак. Бундай баҳолаш назорат, синаб кўриш, таҳлил, солиштириш ва валидация ёрдамида амалга оширилади. Солиштириш – бу, қўйилган талаблар бажарилганлигини тасдиқлаш.

Валидация – бу, аниқ мўлжалланган фойдаланиш ёки қўлланишга қўйилган талабларни қондиришни тасдиқланиши.

Аттестация – қўйилган талабларни бажара олиш қобилиятини намойиш этиш учун амалга ошириладиган жараён. Ходимларга, маҳсулотларга, жараёнларга ёки тизимларга тааллуқли бўлиши мумкин.

Таҳлил – бу кўрилаётган нарса (объект), унга ўрнатилган мақсадларга яроқлилигини, мувофиқлилигини ва натижасининг самарадорлилигини аниқлашга қаратилган фаолият. Масалан, раҳбарият томонидан таҳлил ўтказиш, лойиха ва ишланмаларни таҳлили, истеъмолчи талабларини ва номувофиқликларини таҳлили ва ҳоказо.

2. Сервис сифатини бошқаришнинг меъёрий хужжатлари

Сифат стандартларини биринчи сонли бўлиб, Халқаро Стандартлаштириш Ташкilotининг 1979 йилда тузилган 176 сонли Техник комитети (Сифатни бошқариш ва сифатни таъминлаш ИСО/ТС 176) чикарган ва уларни янгилашни давом эттириб келмоқда.

Биринчи сифат стандартлари, BS 5750 номи билан 1979 йилда Буюк Британияда яратилган. Улар Халқаро Стандартлаштириш Ташкilotи 1987 йили тасдиқлаган ИСО 9000 стандартларининг биринчи версиясининг асоси бўлди. Иккинчи версияси, биринчисидан кўпам фарқ қилмай, 1994 йили тасдиқланган.

Учинчи версия стандартлари 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган. ISO (International Organization for Standardization, Халқаро Стандартлаштириш Ташкilotи, ИСО) - нодавлат халқаро ташкilot, 180 йўналишли техник комитетларга эга, саноат ишлаб чиқариши ва юкларни ташиш соҳасида стандартлар асосини ишлаб чиқади. Стандартлаштириш бўйича ИСОнинг асосий йўналиши атамалар, хажмлар, синаш усуслари ва эксплуатация тавсифлари, шунингдек сифат ва техник хавфсизлик масалаларини қамраб олади. ИСО сифат стандартлари сифат менежменти тизими турли хил ва катталиктаги корхоналарда самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга мўлжалланган. ИСО 9000 стандартларини бажариш ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма босқичларини қамраб олган:

контрактни тайёрлаш, хом ашё ва жамламаларни олиш, бошка корхоналарга хизмат кўрсатиш, хизматларни лойиҳалаш, сифатни назорат қилиш, ходимларга талаблар қўйиш.

ИСОнинг ҳамма стандартлари мажбурий эмас, лекин улар миллий миқёсда ёки корхоналарда мажбурий этиб тасдиқланиши мумкин.

Аввалига стандартлар корхонанинг ички сифат тизимини тузиш учун кўлланилган. Улардан, шунингдек, мижозлар маҳсулот ёки хизматларни етарли даражада сифатли бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун контракт ҳужжатларни тузишида фойдаланганлар.

Ҳозирда корхона бизнес-жараёни ИСО сифат стандартларига мувофиқлигини мустақил (биринчи ва иккинчи томондан, ҳамда давлатдан мустақил) сертификат берувчи ташкилотлар баҳолашади. Стандартларга мувофиқликни сертификациялаш ихтиёрий, лекин сертификатлар контрактлар тузишида сифатли маҳсулот ёки хизмат олишни гарови ҳисобида керак бўлади.

Кўпинча сифат сертификатини бўлгуси мижозлар албатта талаб қилишади. Ўзбекистонда давлат эҳтиёжи учун маҳсулот сотиб олиш тендер савдоларни ўтказишида, мамлакат таъминотчиларининг кўрсаткичлари тенглигидага сертификациялаш сифат бошқариш тизимига эга бўлганлар афзал кўрилади. Ҳозирги вақтда ИСО 9000 сифат стандартлари 5та асосий стандартдан иборат. ИСО 9000:2000 стандарти «Сифат менежменти тизими. Асосий тамоилилар ва луғат». Сифат менежменти тизимида асосий ҳолатлар ёритилган ва атамалар белгиланган.

ИСО 9001:2000 стандарти «Сифат менежменти тизими. Талаблар». Ташкилот истеъмолчилар талабини ва тегишли тартибга соловчи (меъёрий) талабларни қондирадиган маҳсулотини тақдим этиш имкониятини намойиш қилишга мухтоҷ бўлганда ва истеъмолчилар қониқишини ошириш мақсадини олдига қўйган ҳолларда сифат менежменти тизимига талаблар белгилайди. ИСО 9004:2000 стандарти «Сифат менежменти тизими. Сифатни яхшилаш бўйича тавсиялар».

Сифат менежменти натижалиги ва самарадорлигига тегишли тавсиялардан иборат. Стандартнинг мақсади ташкилот фаолиятини яхшилаш ва истеъмолчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг қониқишини ошириш. ИСО 190011:2000 стандарти «Сифат менежменти тизимида ва атрофмуҳит менежменти тизимида аудит ўтказиш бўйича қўлланма». Сифат менежменти тизимида ва атроф-муҳит менежменти тизимида аудит ўтказиш бўйича услугий қўлланмалардан иборат.

ИСО 100012 стандарти «Ўлчов ускуналари сифатини таъминлаш». ИСОнинг бу стандартлари расмий сертификациялаш тизимини тузиш имкониятини беради. Сифатни бошқариш ва сифат тизимини сертификациялаш бошқа-бошқа тушунчалардир. Сифат тизимини сертификациялаш, бу, кўрилаётган тизим стандартларнинг расмий талабларига мувофиқлигини баҳолашдир. У корхонада ташкил этилган жараён маҳсулот ва хизматларнинг барқарор ва етарли юқори сифатини таъмин этишини кўрсатади.

Сертификациялаш мажбурий талаб эмас. Кўпчилик мамлакатларда сифат сертификати факат маҳсулотнинг сифати одамлар соглиғи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган тармоқларда бўлиши шарт.

Хужжатланган ва сертификацияланган сифат тизимининг бўлиши корхонага нисбатан бошқа бозор қатнашчилари ишончини оширишни таъминлайди.

Компания ёки бир гурух компанияларда сифат тартибини белгиловчи бундан кўра қатъий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши имконияти бор. ИСО сифат стандартлари давлат миқёсида 90 дан ортиқ мамлакатларда: АҚШ, Россия, Канада, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ва бошқалар. қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида сифатни бошқариш тизимининг қонуний ва ҳуқуқий асослари қўйидаги ҳужжатлардан иборат:

- «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни;

- «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг № 349 қарори, 22.07.2004;

- «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №373 қарори, 05.08.2004;

- «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг № 173 қарори, 19.06.2009.

Ўзбекистонда сифатни бошқариш тизимининг қатор давлат стандартлари, қўлланмалари, услубий кўрсатмалари, талабномалари, тавсияномалари ишлаб чиқилган (ҳаммаси бўлиб 22та ҳужжат).

Мамлакатимиздаги корхоналар махсулот етказиб берувчиларни танлашда ўзларининг хусусий ахборотларига суннадилар. Булар орасида, кўпгина махсулот етказиб берувчин корхоналар орасида маълум бўлган гапончга сазовор бўлганларнинг рўйхати шаклланиши мумкин.

Бундай махсулот етказиб бсрувчилар билан шартномаларни тасдиклаш, етказиб бериладиган махсулотларга олдиндаи пул тўлаш соддалаштирилган шаклларда амалга оширилади.

Агар махсулот стказувчи билан шартнома килиш мўлжалланган бўлиб, ушбу рўйхат бўйича у номаълум бўлса, у холда шартномаларни тасдиклаш ва пул тўлаш жараёнлари тегишли зарур тадбирлар ўтказилиб молиявий ва корхонанинг бошка манфаатлари таъминланади.

Шундай килиб, корхона учун энг кулай, кам харажатлар билан ва ўз вактида, сифатли махсулотларни олиш имкониятлари вужудга келади.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Материал ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун қандай зарурый масалаларни ечиш зарур?
2. Харид логистикасида қандай товар бозорлари таҳлил қилинади?
3. Бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини етказишни аниқлаш усулларини айтинг.
4. Харид қилишни бошқаришнинг шакл ва усулларини изоҳлаб беринг.
- 5.Харид материалларини етказиш усулларини кўрсатиб беринг.
- 6.Логистикада сотувчилар билан бўладиган муносабатлар принципларини изоҳлаб беринг.
- 7.Етказиб берувчининг рейтингини ҳисоблаш мезонларини тушунтириб беринг.
8. Таъминотнинг усулларини изоҳлаб беринг.
- 9.Логистик сервис тизими, хизмат курсатишнинг сифат мезонларини тушунтириб беринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 бет.

2. «Божхона ҳизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 1997 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ТИФни тартибга солишни қўшимча чора-тадбирлари» 2009 йил 5.08.2009 йилдаги ПҚ-1169-сон қарори.

1. Каримов И.А. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўлтранспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Даствури тўғрисида” ги қарори.

2.1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "O’zbekiston Respubliikasi hududi orqali tranzit o’tkazish tartibini yanada soddalashtirish bo’yicha tadbirlar to’g’risida"gi RG‘-5366-sonli Farmoni.

2.2.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi «O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida»gi RG‘-4947-sonli farmoni.

2.3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tadbirkorlik sub’ektlarini tekshirishlarni yanada qisqartirish va ular faoliyatini nazorat qilishni tashkil etish tizimini takomillashtirish borasidagi qo’shimcha chora-tadbirlari to‘g’risida” 2011 yil 4 apreldagi PF-1068-sonli Farmoni.

2.4.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 4 martda “2015-2019 yillarda ishlab chiqarishni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish va tarkibiy o’zgarishlarni ta’minlashning dasturiy chora-tadbirlari to‘g’risida” PF-4707 sonli Farmoni

3.1.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси парламенти-Олий Мажлисга

Мурожаатномаси (2017 йил 22 декабр). <http://www.uzreport.com/>

3.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 21 апрель.

3.3.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

3.4.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б

3.5.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

3.6.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

4.1.Xodiev B.YU., Qosimova M.S., Samadov A.N. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. T.: TDIU, 2010. – 235 b.

4.2.Xodiev B.YU., Bekmurodov A.SH., G‘afurov U.V. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning «Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish – ustuvor maqsadimizdir» hamda «Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir» nomli ma’ruzalarini o‘rganish bo‘yicha O‘quv-uslubiy majmua – Toshkent: Iqtisodiyot.- 2010. 134 b

4.3.B.A.Anikip. (i drugie). Pod. red. B.A. Anikina, T.A. Rodkinoy. Logistika. Ucheb. posobie - Moskva.: GK. Velbi. «Prospekt», 2008.

4.4.Gadjinskiy A.M. Logistika: Uchebnik dlya visshix i srednih uchebnix avedeniy. - 3-e izd. pererab. i dop. - M.: IVS «Marketing». 2007.

4.5.S. M., Prokofeva T. A., Goncharenko S. Mejdunarodims tranportnne koridorm: problemn formirovaniya i razvitiya. SPb.: Piter, 2005.

- 4.10.Muratov R.S., Djalalova I.A., Oripov S.SH. Korxona iqtisodiyoti. Darslik.-T.: “Fan va texnologiya”, 2014. - 501 b.
- 4.12.Muratov R.S., Tursunov R.T., YUsupov M. “O‘z biznesingizni yarating”. TDIU, UMK. 2012. 5-17 b.b.
- 4.13.Muratov R.S., Kucharov A.S., Rasulev D.M. Investitsion tahlil. Darslik. – T.: TDIU, 2017. -515 b.
- 5.1.Bekmurodov A.Sh., Qosimova M.S. Safarov B.J., Marketingni boshqarish. 0'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2017,
- 5.2.Bronnikova T.S. Marketing: teoriya, metodika, praktika: ucheb. posob. -M.: KNORUS, 2014.
- 5.3.Dadaboyev Q.A.Logistika.0'quv qo'llanma.-T.:Iqtisodiyot- moliya. 2017.
- 6.Миротина Л.Б., Сергеева. В.И.Основы логистики: Учебное пособие /– М.: Инфра-М, 2002год.
- 7.Николайчук В. Е. Логистический менеджмент: Учебник / – 2- е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация«Дашков и К»,2012.-980 с..
1. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
2. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Матбуот хизмати расмий сайти
3. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти
4. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти
5. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий
сайти
6. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
7. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали
8. www.eurasianews.com – Евро Осиё тадқиқотлар Марказининг расмий
сайти
9. www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти
10. www.InternetNews.com– янгиликлар сервери

ГЛОССАРИЙЛАР

Атамани ўзбек тилида номланиши	Атамани инглиз тилида номланиши	Атамани рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
<u>Асосий иштирокчи канали</u>	Main participant of channel	Основной участник канала	бу заҳираларга эгалик қилиш ёки молиявий хатарнинг бошқа катта шакллари билан боғлиқ жавобгарликни ўзига қабул қилувчи корхона.
<u>Бир босқичли канал</u>	One stage channel	Прямой канал	битта воситачини бўлишини кўзда тутади. Истеъмол бозорларида одатда чакана сотувчи худди шундай воситачи бўлиши мумкин, саноатга мўлжалланган товарлар бозорида эса у кўпинча сотиш бўйича агент ёки бррокердан иборат бўлиши мумкин.
<u>Брокер</u>	Broker	Брокер	(инг. broker –ҳаридор ва сотувчи ўртасидаги воситачи), ҳаридорлар ва сотувчиларни битим тузиш учун учун учраштиради.
<u>Дилерлар</u>	Diller	Дилер	операцияни ўз номларидан ва ўз хисобларидан олиб борадилар, товар етказиб бериш шартномаси бўйича ҳарид килинади ва у бажарилгандан кейин муносабат тўхтатилади.
<u>Дистрибьютерлар</u>	Distributors	Дистрибьютер	операцияни ишлаб чиқарувчи номидан ўзлари хисобига олиб борадилар, белгиланган вақтда, белгиланган худудда савдо қилиш ҳуқуқига эгалар.
<u>Захиралар</u>	Inventory	Запасы	ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган моддий ресурсларнинг ҳар хил турлари.
<u>Захиралар логистикаси</u>	Inventory management	Логистика запасов	омборлардаги захираларни бошқариш ва ташкил қилиш билан шуғулланади ва

			омборхона операцияларига ҳаражатларни назорат қилади.
<u>Икки босқичли канал</u>	Two step channel	Смешанный канал	ўз ичига иккита воситачини олади, истеъмол бозорларида одатда улгуржи ва чакана сотувчилар шундай воситачилар бўладилар, улар саноат учун мўлжалланган товарлар бозорларида саноат дистрибутори ва дилерлардан иборат бўлишлари мумкин.
<u>Ихтисослаштирилган иштирокчи канали</u>	Special channel participant	Специализированный участник канала	бу асосий иштирокчига тегишли мукофот учун муҳим маҳсус хизматларни кўрсатувчи корхона.
<u>Ишлаб чиқариш истеъмоли</u>	Consumption production	Потребление производства	бу жамоа маҳсулотидан ишлаб чиқариш заруриятларига меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари сифатида жорий фойдаланишdir.
<u>Ишлаб чиқариш логистикаси</u>	Production logistics	Производственная логистика	логистиканинг корхона (фирма) ичидаги моддий оқимларни харакатланиши жараёнларини қамраб олувчи соҳаси.
<u>Кенгликни тақсимлашканлари</u>	Plural channels of distribution	Множество каналов распределения	каналнинг хар бир босқичи учун ажратиладиган тақсимлаш канали иштирокчиларининг сони.
<u>Комиссионер</u>	Comissionare	Комиссионер	(фр. commissionnaire – савдо битимларидағи воситачи) – белгилangan мукофот учун савдо топшириқларини бажарувчи шахс.
<u>Конкурсли савдолар (тендерлар)</u>	Tenders	Тендер	бўлажак етказиб берувчиларни қидириб топишнинг кенг тарқалган шакли.
<u>Логистик занжир</u>	Logistic chain	Логистическая цепь	бу ташқи, моддий оқимни бир логистик тизимдан бошқасига етказиб бериш бўйича логистик операцияларни амалга оширувчи логистик жараён

			иштирокчиларининг тўғри чизиқли тартибга солинган тўпламидир.
<u>Логистик сервис</u>	Logistic service	Логистический сервис	товарларни етказиб бериш жараёнида кўрсатиладиган хазматлар мажмуасидан иборатdir.
<u>Логистик шакл</u>	Logistic form	Логистическая форма	бу моддий оқимни аник ишлаб чиқарувчидан унинг истеъмолчилари гача етказиб беришни амалга оширувчиларнинг қисман тартибга солинган тўпламидир.
<u>Логистика</u>	Logistics	Логистика	хом ашё ва материалларни саноат корхоналарига етказиб бериш жараёнида амалга ошириладиган ташиш, омборга жойлаштириш ҳамда бошқа моддий ва номоддий операцияларни режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш, хом ашёни завод ичida қайта ишлаш, истеъмолчига унинг талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳамда тегишли ахборотни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш ҳақидаги фан.
<u>Макрологистика</u>	Macrologistic	Макрологистика	логистиканинг етказиб берувчилар ва истеъмолчилар бозорини таҳлил қилиш, тақсимлашнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш, омборларни хизмат кўрсатиш худудига жойлаштириш, транспорт ва транспорт воситалари турини танлаш, транспорт жараёнлари, моддий оқимларнинг рационал йўналишларини, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш, товар ҳаракатланишининг транзитли ва омборли

			усулини танлаш билан боғлиқ масалаларини ҳал қилувчи соҳаси.
<u>Маҳсулотни қабул қилиши</u>	Product supply	Приём товара	маҳсулотнинг миқдори, сифати ва бутлигини унинг шартномада кўрсатилган таърифлар ва техник шартларга мос келишини текшириш.
<u>Мезологистика</u>	Mezologicistics	Мезологистика	бир тармоқнинг бир неча фирмаларини битта тизимга интеграцияланишини амалга оширувчи логистиканинг соҳаси.
<u>Микрологистика</u>	Micrologistics	Микрологистика	логистиканинг алоҳида бўғинлари ва элементлари доирасидаги маҳаллий вазифаларни ҳал қилувчи ва ички ишлаб чиқариш (ички фирма) даражасидаги моддий ва ахборот оқимларини бошқаришни амалга оширувчи соҳаси. Ортиш-тушуриш, транспорт-омборхона ва бошқалар каби ҳар хил логистик операцияларни корхона доирасида режалаштириш бунга мисол бўлади.
<u>Моддий оқим</u>	Material flow	Материальный поток	юклар, деталлар, товар-моддий бойликларнинг уларга бир қатор логистик (ташиш, омборга жойлаштириш) ва технологик (механик ишлов бериш, йиғиш)ни қўллаш жараёнида кўриб чиқиладиган мажмуаси.
<u>Ноишлаб чиқариш истеъмоли</u>	Nonproductive consumption	Непроизводственное потребление	бу жамоа маҳсулотидан шахсий истеъмолда жорий фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш соҳаси муассасалари ва корхоналаридағи аҳоли истеъмолидир.
<u>Оқим</u>	Flow	Поток	кўчиб юрувчи объектлар, бир бутун сифатида қабул қилинадиган элементлар тўплами тизимидан иборат бўлади. Оқим қўйидаги элементлар билан таърифланади: бошланғич ва якуний нуқта, тезлик, вақт, траектория, йўлнинг

			узунлиги, интенсивлик.
<u>Оқимнинг интенсивлиги (жадаллиги)</u>	Intensivity of flow	Интенсивность потока	вақт бирлигига шаҳобчалар орқали ўтган оқим объектларининг миқдори.
<u>Омбор</u>	Warehouse	Склад	бу маҳсулотларни қабул қилиш, жойлаштириш, жамлаш, сақлаш, қайта ишлиш, чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш учун мўлжалланган мураккаб техник иншоот (бино, ҳар хил ускуналар ва бошқа қурилмалар).
<u>Омборга жойлаштириш</u>	Warehouse management	Складирование	логистик канал иштирокчилари томонидан захираларни сақлаб туришдан иборат бўлган ва захираларни сақланиши уларни рационал жойлаштирилиши, ҳисобга олиниши, янгиланиши ва ишнинг ҳавфсиз усусларини таъминловчи логистик операциядир.
<u>Омборга жойлаштириш логистикаси</u>	Warehouse logistics	Логистика складирования	бу омборхона хўжалигидаги моддий оқимларни ўзгартириш жараёнида амалга ошириладиган ўзаро боғланган операциялар мажмуасидир.
<u>Омборнинг юк обороти</u>	Warehouse turnover	Грузовой оборот склада	ишга меҳнат сарфланишини таърифловчи ва вақтнинг белгиланган қисми (кун, ой, йил) ичida омбор орқали ўтган ҳар хил номлардаги маҳсулотларнинг ҳажми билан ўлчанадиган кўрсаткич.
<u>Омборхона технологик жараёни</u>	Technologica l process of warehouse	Технологически й процесс склада	маҳсулотни қабул қилишга тайёрлаш, маҳсулотни келиб тушиб жойини ўзгартириши, идишлардан чиқарилиши, миқдори ва сифати бўйича қабул қилиниши, маҳсулотни сақлаш учун жойлаштирилиши, идишларга солиниши, танлаб олиниши, бутланиши, чиқаришга тайёрлаш ва истеъмолчига чиқариш билан боғлиқ изчил бажариладиган операциялар

			мажмуасидир.
<u>Омборхона товар обороти</u>	Product turnover in warehouse	Товарный оборот склада	қийматли кўрсаткичларда акс эттирилган белгиланган вақт ичida омбордан чиқарилган маҳсулот миқдори. Ушбу кўрсаткич нафақат омбордан маҳсулотларни сотилишининг умумий миқдорини, балки уларни алоҳида товар гурӯҳлари бўйича сотилишини ҳам кўрсатади.
<u>Савдо агентлари (вакиллар, ёрдамчилар)</u>	Trade agents	Торговые агенты	саноат ва сотувникига бўлинадилар.
<u>Саноат агентлари (вакиллари)</u>	Industrial agents	Промышленные агенты	корхона сотиш хизматининг ўрнини босадилар, аммо иш ҳақи ва сотиш ҳажмининг 3 дан 10 %гача ўзгариб турувчи комиссион мукофот оладилар.
<u>Тақсимлаш канали</u>	Distribution channel	Каналы распределения	бу товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи томон харакатланиши жараёнида иштирок этувчи мустақил юридик ва жисмоний шахслар мажмуаси ҳамда бу ҳаракатга ҳамроҳ бўлувчи сервис.
<u>Тақсимлаш логистикаси</u>	Distribution logistics	Логистика распределения	логистиканинг моддий оқимларни ишлаб чиқариш корхонасидан то истеъмолчигача бўлган йўлини сотиш вазифаси қўйилган пайтдан бошлаб то маҳсулотни истеъмолчигача етказиб бериш ёки сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш вазифаси тугалланган пайтгача бошқариш бўйича вазифаларнинг бутун мажмуасини қамраб олевчи соҳаси.
<u>Тарқатиш (сотиш) агентлари</u>	Distribution agents	Агенты распределения	кичик корхоналар билан ишлайдилар ва бутун маҳсулотнинг маркетинги учун жавоб берадилар.

<u>Транспорт</u>	Transport	Транспорт	бу моддий ишлаб чиқаришнинг одамлар ва юкларни ташилишини амалга оширувчи тармоғи.
<u>Транспорт логистикаси</u>	Transport logistics	Транспортная логистика	транспорт воситаларини мувофиқлаштириш; транспорт воситаларининг кўринишлари ва турларини танлаш; етказиб беришнинг ҳар хил канали йўналишларини белгилаш; транспорт – омборхона жараёнининг технологик бирлигини таъминлаш.
<u>Узунликни тақсимлаш каналлари</u>	Distribution channels	Каналы распределения	товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қараб ҳаракатланини бўйича ишни бажарувчи оралиқ бўғинларнинг сони.
<u>Умумий фойдаланиш транспорти</u>	Transport for general use	Транспорт общего пользования	халқ хўжалиги барча тармоқлари ва аҳолининг юклар ва йўловчиларни ташишиларга эҳтиёжларни қаноатлантирувчи халқ хўжалиги тармоғи.
<u>Умумий фойдаланишга мўлжалланмага н транспорт</u>	Transport for not general use	Транспорт необщего пользования	ишлаб чиқаришнинг ичидаги транспорт ҳамда транспорт ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг барча турлари.
<u>Харидлар логистикаси</u>	Purchase logistics	Закупочная логистика	бу корхонани ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар билан таъминлаш, уларни омборларга жойлаштириш, сақлаш ва зарурӣ эҳтиёжда ишлаб чиқаришга топшириш жараёнидир.
<u>Штрихли код</u>	Coding	Штрих код	белгиланган қоидаларга мувофиқ қурилган ҳар хил кенгликлардаги қора ва оқ йўлларни алмашиб келишидан иборат.
<u>Юк бирлиги</u>	Freight	Грузовая единица	товарларнинг ягона масса сифатида юкландиган, ташиладиган, тушуриладиган ва сақланадиган баъзи бир микдори, у ўзининг ўлчамлари билан

			логистик	занжирнинг	хар	хил
			участкаларидағи технологик жараёнларни			
			ягона бир бутунга боғлайды.			